

**БАҲОДИР РАҲМОНОВ**

---

**ЎЗБЕК АДАБИЙ  
ТАНҚИДЧИЛИГИ**



БАҲОДИР РАҲМОНОВ

# ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ

(Қўлланма)

Меҳрибон ҳаёсизлик  
Ҳалқидан асра,  
сочмо сазолағайи,  
узот ҳар, очлабик  
сарабоналик ҳалқидан  
Тарк этлағайлик  
Бешаб, лезқур қобили  
самалик эҳтироғи мик  
рали саратирга тарғил  
Этаман! В. Парванов

Тошкент

«Янги аср авлоди»

2004

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

ToshDOSTAN

37408  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

*Қўлланма икки бўлимдан таркиб топган бўлиб, биринчисида ўзбек адабий танқидчилигининг тараққиёт йўли ҳозирги кун нуқтаи назаридан ёритилса, иккинчисида танқидчилигимизнинг таниқли намояндалари ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилади. Китоб филолог мутахассислар, университет ва педагогика институтлари талабаларига мулжалланган.*

Андижон Давлат университети илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

**Масъул муҳаррир:**

У.НОРМАТОВ, филология фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

Д.ҚУРОНОВ, филология фанлари доктори  
У.ҲАМДАМОВ, филология фанлари номзоди  
Ҳ. КАРИМОВ, филология фанлари номзоди

ISBN 5-633-01683-1

© Баҳодир Раҳмонов. «Ўзбек адабий танқидчилиги».  
«Янги аср авлоди», 2004 йил.

## АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИК ҲАҚИДА

«Танқид» атамаси. Тилимизда анча фаол қўлланувчи «танқид» сўзига «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «Иш-ҳаракат, фаолият, асар, таълимот, назария ва ш.к.нинг салбий ва ижобий томонларини, ютуқ ва камчиликларини бирор нуқтаи назардан қараб текшириш, таҳлил қилиш, баҳолаш» дея изоҳ берилади. Шундай бўлса-да, тил амалиётида, айниқса, сўзлашув тилида мазкур сўз бирмунча тор маънода қўлланилиб, кўпроқ «бирор нарсанинг камчиликларини очиб бериш, фош этиш» маъносида тушунилади. Сўз маъносининг бу каби торайиши шўро давридаги ижтимоий ҳаёт хусусиятлари билан изоҳланиши мумкин. У даврда, айниқса, 20-30 йиллардан бошлаб «танқид ва ўз-ўзини танқид» тушунчаларига алоҳида эътибор берилган, мажлис ва митингларда, газета-журнал саҳифаларида, радиода яксон қилувчи танқид руҳи билан суғорилган нутқлар янграган, мақолалар чоп этилган, чиқишлар қилинган. Кўп ҳолларда танқид муҳокама эканлиги, у нарса-ҳодисанинг яхши-ёмон томонларини бирликда олиб қараши ва баҳолаши лозимлиги унутилган. Бунинг натижаси шундай бўлдики, ҳозирда «танқид» деганда «салбий томонларни очиб кўрсатмоқ» маъноси тушунилади-ю, сўздаги «муҳокама қилмоқ» маъноси деярли тушириб қолдирилади. Сўз маъносидаги бундай торайиш шўро воқелиги билан боғлиқлигини рус тилида қўлланувчи «критика» сўзи мисолида ҳам кўришимиз мумкин. С.Ожегов тузган изоҳли луғатда бу сўзнинг биринчи маъноси «Обсуждение, разбор чего-н., с целью внести оценку», яъни «бирор нарсага баҳо бериш мақсадида муҳокама қилмоқ» тарзида изоҳланади. Сўзнинг сўзлашув тилидаги маъноси эса «Отрицательное суждение о чем-н., указание недостатков», яъни «бирор нарса ҳақида салбий фикр юритиш, камчиликларни кўрсатиш» деб берилади. Кўрамизки, русча луғатда ҳам ҳосила маъно кўпроқ сўзлашув нутқида хослиги таъкидланади, бу эса луғатда сўз маъносининг силжиш жараёни акс этганидан далолатдир.

Хуллас, кенг омма учун ҳозирда иккинчи — ҳосила маъно етакчи аҳамият касб этиб қолган. Шу сабабдан ҳам «адабий танқид», «адабий танқидчи», «танқидий мақола» сингари сўз ёки бирикмалар тилга олинганида кўпчилик уларни «камчиликларни кўрсатиш» маъноси асосида тушунадик, бу нотўғри тасаввурдир. Чунки, агар адабий танқиднинг вазифаси асарнинг камчиликларини кўрсатишдангина иборат деб тушунилса, атаманинг (табиийки, у англатаётган нарсанинг ҳам) моҳияти торайтирилган, бузилган бўлиб чиқади. Шунинг учун ҳам «танқид» сўзининг истилоҳий маъносини «асарнинг мазмун-моҳиятини очиш, ғоявий-бадий қимматини белгилаш, ютуқ ва камчиликларини холис кўрсатган ҳолда баҳо бериш мақсадида муҳокама қилмоқ» тарзида тушунилгани тўғрироқ бўлади. Мазкур таърифни қабул қилсак, «танқид» истилоҳи кенг ва тор маъноларда қўлланилиши мумкинлиги аён бўлади, чунки ҳар бир санъат турининг ўз танқидчилиги бор: театр танқидчилиги, кино танқидчилиги, мусиқа танқидчилиги, адабий танқидчилик ва ҳ. Яъни, кенг маънода ушбу истилоҳ умуман «бадий танқид»ни англатса, тор маънода қўлланиганида унинг ёнига изоҳловчиси қўшилади: «адабий танқид», «кино танқиди», «мусиқа танқиди» ва ҳ.

Адабий танқид ҳақида. Адабий танқид адабиётшунослик илмининг адабиёт тарихи, адабиёт назарияси соҳалари қаторидаги муҳим таркибий қисми саналади. Бироқ бу фикрга ҳамма ҳам қўшилавермайди: айрим мутахассислар уни адабий-бадий ижоднинг бир кўриниши деб ҳисобласалар, бошқа бирлари кўпроқ публицистикага мансуб этадилар. Тан олиш керакки, қарашларда бундай турличалик бўлишига муайян асослар ҳам йўқ эмас. Бу нарса, аввало, адабий танқиднинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Мазкур ўзига хослик шундаки, адабий танқид адабиётшунослик илми, адабий-бадий ижод ва публицистикага хос хусусиятларни ўзида мужассам этади. Шунга қарамасдан, адабий танқидни адабиётшуносликнинг таркибий қисми сифатида тушунилгани тўғрироқ бўлади ва қуйида биз шу хил қарашни асослашга ҳаракат қиламиз.

Аввало, адабий танқид жорий адабий жараён муаммолари ёхуд муайян бадий асарни ўрганар экан, бунда адабиётшунос-

лик илмининг ютуқларига таянади. Зеро, танқидчи ўз мақсадига эришиш, айтайлик, янги пайдо бўлган асарнинг ғоявий-бадий хусусиятларини очиб бериш, уни бугунги ижтимоий-эстетик тафаккур нуқтаи назаридан баҳолаш учун муайян адабий-назарий тайёргарликка эга бўлиши тақозо этилади. Тўғри, баъзи адабий-танқидий асарлар билан танишганимизда, сиртдан қаралса, улар илмийликдан йироқдек туюлиши, уларнинг ифода йўсини ҳам илмийликдан кўра бадийлик (ёки публицистиклик) томон кўпроқ тортиб кетаётгандек кўриниши мумкин. Бироқ, шунда ҳам, муаллифнинг эркин ижодий мулоҳазалари остида адабий-назарий асос мавжуд бўлади. Бусиз мумкин ҳам эмас. Нимага деганда, муайян адабий-назарий асосга эга бўлмаган ҳолда бадий асарни (ёки адабий жараёни) таҳлил қилиш, уни баҳолаш мумкин бўлмаган ишдир. Демак, модомики адабий танқиднинг ўрганиш объекти (жорий адабий жараён ва унинг маҳсули бўлмиш адабий асар) ва уни ўрганишнинг илмий-назарий асослари, усуллари (методлари) мавжуд экан, у илмга алоқадордир. Буни адабий танқиднинг адабиётшунослик илми тизимида ўзига хос ўрни. унинг бошқа таркибий қисмлари билан мустаҳкам ўзаро алоқаси мавжудлиги ҳам яна бир бор тасдиқлайди. Зеро, адабий танқид ўз фаолиятида адабиёт назарияси ва адабиёт тарихи ютуқларига таяниб иш кўрса, унинг фаолияти бу иккиси учун манба бўлиб хизмат қилади. Масалан, адабий танқид жорий адабий жараён муаммоларини тадқиқ этади, янги пайдо бўлган асарларнинг ғоявий-бадий жиҳатларини таҳлил қилади. Бу жараёнда у давр адабиётига хос хусусиятларни, бадий тафаккурдаги силжишларни, поэтик тил, усул ва воситалардаги тадрижий ўзгаришларни қайд этади, муайян хулосаларни чиқаради. Адабий танқид юритган мулоҳазалар, чиқарган хулосаларни эса адабиёт назарияси умумлаштиради, шу асосда бадий адабиётга оид мавжуд умумий қонуниятларга таҳрирлар киритади, ривожлантиради. Шунга ўхшаш, бугунги адабий танқиднинг фаолияти вақти келиб адабиёт тарихининг ўрганиш объектига айланиб қолиши ҳам тайин. Чунки муайян давр адабий жараёнини ўша даврда эълон қилинган адабий-танқидий материалларсиз тўла тасаввур қилиш, холис илмий ўрганиш мумкин эмас. Масалан,

20-30 йиллар адабиётини тадқиқ этаётган адабиёт тарихчиси ўша давр адабий жараёни хусусиятлари, ундаги турли ғоявий-адабий оқимлар орасидаги кураш, давр ижтимоий ва бадиий-эстетик тафаккурида юз берган силжишлар ҳақида адабий танқидий чиқишларни ўрганиш орқали тасаввур ҳосил қила олади. Яъни, ўша давр адабиётини ўрганиш, у ҳақда тўла тасаввур ҳосил қилиш учун А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари катта авлод, Ғ.Фуллом, Ойбек, Ҳ.Олимжон сингари адабиётга эндигина қадам қўйган ижодкорлар фаолияти ва асарларини билишнинг ўзи камлик қилади. Мазкур адабий жараёни старли идрок қилиш учун ўша давр пешқадам танқидчилари В.Маҳмуд, А.Саъдий, О.Ҳошим, С.Хусайн кабилар ижодини ҳам ўрганиш зарур эҳтиёж касб этади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, адабий танқиднинг юқоридагича ўзига хослиги (оралиқ ҳодиса эканлиги), бир томондан, унинг объекти, иккинчи томондан, мақсад-моҳияти билан белгиланади. Адабий танқиднинг ўрганиш объекти адабий-бадиий асар бўлгани учун ҳам у бошқа илм соҳаларидаги сингари аниқлик, тугал исботланганлик даъвосини қилолмайди. Шу боис ҳам аниқ ёки табиий фанлар билан машғул айрим дўстларимиз (гоҳ ҳазил, гоҳо чини билан) айни шу нарсани рўкач қилган ҳолда адабий танқидни (ҳатто, умуман, адабиётшуносликни) илм санамасликка чоғланадиларки, бу жуда янглиш тасаввурдир. Табиийки, бу ўринда мазкур фанларнинг ўрганиш объекти билан адабиётшуносликнинг ўрганиш объекти орасидаги фарқни эътиборга олиш зарур. Яхши биласизки, табиатдаги муайян ҳодисани ўрганган икки физик айнан бир хил хулоса-ҳукмларга келиши мумкин, бироқ битта асарни таҳлилу талқин қилган икки мунаққиднинг айни бир хил ҳукм-хулосаларга келиши қийин. Бу табиий ҳам. Чунки биттагина бадиий асарнинг турли кишилар томонидан турлича тушунилиши ҳам, турли даврларда турлича тушунилиши мумкинлиги ҳам аллақачон илмий ва амалий исботини топган ҳақиқатдир. Иккинчи томондан, ўрганиш объекти бадиий асар бўлгани учун танқидчининг бошқа илм соҳаларидаги сингари тушунчалар воситасидагина фикрлаши камлик қилади. У айрим ўринларда бадиий ижодга хос образли фикр юритиши,

ақлий мушоҳада билан бир қаторда ҳиссий мушоҳадага ҳам таъниши табиийдир.

Адабий танқид — ижодкор билан ўқувчи орасидаги кўприк. Шунга кўра, бошқа фан соҳаларидан фарқли ўлароқ, адабий танқидий асар тор мутахассислар доирасига эмас, кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланади. Бу ҳам унинг бир қатор ўзига хос жиҳатларини келтириб чиқаради. Жумладан, кўпчиликка мўлжалланган асарнинг тили, услуби ҳам шунга мос бўлмоғи тақозо қилинади. Демак, адабий-танқидий асар бу жиҳатдан ҳатто мутахассисларга мўлжалланган адабиётшуносликка оид соф илмий асардан ҳам фарқланиши табиий. Масалан, адабий-танқидий асарда адабиёт назариясига оид асарлардаги каби мураккаб илмий терминлар ножиоз, мунаққиднинг ўз ўқувчисини доим назарда тутиши талаб этилади. Бошқа томони, адабий танқид ўқувчи оммага маълум бир фикрни сингдириш, унинг қарашларига таъсир қилиш, бадиий дидини юксалтириш каби мақсадларни кўзлайдики, бу унинг услубини публицистикага яқинлаштиради. Фаолияти вақтли нашрлар билан боғлиқлиги, ўрганиш объекти жорий адабий жараён ва янги пайдо бўлган асарлар бўлгани учун ҳам, худди публицистик асарлар сингари, адабий-танқидий асарлар тез «эскиради». Бу табиий ҳам. Чунки адабий танқид бадиий асарни бугунги кун нуқтаи назаридан текширади, унинг хулосалари бугунги адабий жараёнга, бугунги ижтимоий-эстетик эҳтиёжга қаратилгандир. Булар эса, табиийки, ўткинчидир. Эртанги кун янги ижтимоий-эстетик эҳтиёжларни пайдо қилади, эртанги адабий жараён хусусиятлари ҳам, муаммолар доираси ҳам ўзгарган бўлади. Бироқ «эскиради» дегани буткул аҳамиятини йўқотади дегани эмас. Чунки «эртага эскирадиган» адабий-танқидий асарлар бугунги адабиётнинг факти сифатида яшайверади, адабиётшунослик учун манба сифатида янги қийматга эга бўлиб қолаверади.

Танқиднинг жорий адабий жараёндаги ўрнини тасаввур қилиш учун у бажараётган вазифаларни бир карра кўздан кечириш кифоя. Юқорида адабий танқид ижодкор билан ўқувчи ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилишини айтдик. Маълумки, ижодкор билан ўқувчи орасидаги мулоқотнинг асосий воситаси бадиий асар



нинг ўзидир<sup>1</sup>. Хўш, у ҳолда яна битта воситачининг нима зарура-ти бор? Албатта, бадий асар танқиднинг воситачилигисиз ҳам тушунилавариши мумкин ва бу табиий ҳам. Бироқ танқидчи профессионал адабиётшунос, бадий асарни ўқиш ва ўқиш бораси-да тажрибалироқ киши сифатида асарнинг энг муҳим нуқталари-га диққат қилади, бунга ўқувчи омманинг эътиборини жалб қилади. Танқид бадий матн бағрига сингдирилган маъноларни кашф этади, асарни талқин қилади, бу билан ўқувчи оммада ўша асар ҳақидаги муайян фикрни шакллантиради. Бу ўринда «танқид очиб берган мазмун-моҳият асарнинг ўзида мавжуд эди-ку?» деган эътироз бўлиши мумкин. Тўғри. Бироқ, шуни ҳам тан олиш керакки, агар танқид ўша ўз-ўзича мавжуд нарсани очиб, асар-нинг мазмун жилоларини намойиш этиб бермаса, эҳтимолки, ўқувчиларнинг кўпчилиги уни кашф этиши мумкин бўлмай қолур эди. Яъни, танқид бадий асарда мавжуд имкониятларни кучай-тириб юзага чиқарувчи катализатор вазифасини ўтайди, дейиш мумкин.

Адабий танқид ўқувчи омманинг бадий дидини тарбиялаш, ўстиришга хизмат қилади. Маълумки, бадий адабиёт муттасил ўсишда, ривожланишда яшайди: адабиёт майдонида янги ном-ларнинг пайдо бўлиши, янги истеъодлар адабиётга янгича овоз олиб кириши ва янгича руҳ бахш этиши, ҳар бир адабий авлод ўзига хос ижтимоий-эстетик қарашлар билан майдонга чиқиши; бадий сўзнинг ифода ва тасвир имкониятлари доимий ўсиш-ўзга-ришда эканлиги, бадий тафаккур тарзида турфа бурилиш-эври-лишлар кузатилиши... — буларнинг бари табиий ва қонуний ҳоди-салар саналади. Адабий танқид ўқувчи омманинг шу янгилик-лар билан қадам-бақадам боришига хизмат қилади. Яъни, ўқув-чи омма дидини шу ўзгаришларга мос тарбиялаш, янгича ада-бий маҳсулотни ҳазм қилишга тайёрлаш ҳам адабий танқиднинг муҳим вазифаларидандир. Агар бу масалада танқид оқсаса, та-биийки, бундан ўқувчи омма ҳам, адабиёт ҳам зарар кўради — иққаласида ҳам оқсаш кузатилади. Масалан, 10-15 йиллардан бери адабиётимизда янгича бадий-эстетик тамоиллар юзага

<sup>1</sup> Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. - Андижон: 2000, 71-72 бетлар.

келгани маълум. Бироқ адабий танқидчилик бу хил янгича асарлар мазмун-моҳиятини, уларнинг ўзига хос сеҳр-жозибасини очиб бериш ўрнига, кўпроқ, турли «изм»лар ҳақидаги баҳслар, улар керакми-йўқми деган масалалар билан машғул. Натижада бу янгиликлар кенг китобхонлар оммасига сингишмай турибди. Сир эмас, ҳозирги китобхонларнинг аксарияти бугунги янгиликлардан кўра 60-70-80 йилларда яратилган асарларни осонроқ қабул қилади, янги адабий-эстетик ҳодисаларни англаш ва қадрлашга эса кўпинча ожиз қолади. Агар танқид ўзининг ижодкорлар ва ўқувчи омма орасидаги кўприк бўлиш вазифасини тўла адо этганида эди, бундан икки томон ҳам ютган бўларди. Тўғри, оммавий китобхонлик даражасининг пасайиши қатор омилар билан боғлиқ, бироқ улар сирасига танқиддаги «оқсап»нинг роли ҳам чакана эмас.

Адабий танқид ўқувчи омма билан бир қаторда ижодкорларга ҳам муайян таъсир кўрсатади. Аввало, танқид асарнинг ютуқ, камчиликларини кўрсатаркан, ижодкорнинг ўз асарига сирtdан қарашига имкон яратади. Агар танқидчи асарни холислик ва хайрхоҳлик билан таҳлил қилган бўлса, ижодкор ўз асарида очилмай қолган имкониятларни ҳам, қиёмига етмай қолган топилмаларни ҳам, «ёпишмай турган гажаклар»ни ҳам кўра олади. Табиийки, танқидчи воситасида сирtdан ташланган назар асарни қайта ишлаб сайқаллаш, шунингдек, навбатдаги асарлар устида ишлаш чоғи ижодкорга фойда бериши тайин. Яъни, аслида тўғри йўлга қўйилган ижодкор-танқидчи муносабати том маънодаги ҳамкорлик, сўз санъатини юксалтириш мақсадида амалга оширилувчи ҳамкорликдаги фаолиятдир.

Танқиднинг ижтимоий ҳаётдаги роли адабий жараённи ташкил қилиш, бадиий дидни тарбиялаш ёхуд бадиий тафаккурни ривожлантириш каби соф бадиий-эстетик вазифалар билангина чекланмайди. Танқид шулар билан бир қаторда ижтимоий тафаккурнинг ўсишига ҳам хизмат қилади. Зеро, бадиий асарни таҳлил қилмоқ айна пайтда билвосита жамиятнинг жорий ҳолатини таҳлил қилмоқ, баҳоламоқ ҳамдир. Мунаққид асарни таҳлил қиларкан, унинг ичидагина қолиб кетолмайди: истаса-истамаса асарнинг бадиий воқелиги билан реал воқеликни қиёслай-

ди, асарнинг бадий ҳақиқати ҳаёт ҳақиқатига нечоғли мувофиқлигини аниқлашга, асарда қўйилган муаммоларнинг ҳаётий илдиэларини очишга интилади. Модомики, мунаққид асарнинг ижтимоий-эстетик қимматини белгилашга, уни бугуннинг ижтимоий-эстетик эҳтиёжларига хизмат қилдиришга чоғланган экан, бусиз мумкин ҳам эмас. Ўзининг асар, билвосита бугунги ҳаёт ҳақидаги фикр-хулосалари билан танқид ўқувчи омманинг ижтимоий фаоллигини оширади. Яъни, худди бадий адабиётнинг ўзи сингари, танқид инсонни ўзгартириш орқали дунёни (жамиятни) ўзгартиришга хизмат қилади. Яна ҳам аниқроғи, бадий адабиёт олдида турган шу ваэифанинг бажарилишида ҳамкорлик қилади.

**Адабий танқид жанрлари.** Адабиётшунос А.Расулов ёэади: «Мутахассисларгина адабий-бадий танқид жанрларини фарқлайдилар, уларнинг ўзига хосликлари ҳақида билимга эга бўладилар. Оддий китобхонлар учун тақризу обзор, бадиаю танқидий очерк, адабий портрету хотира — ҳаммаси мақола»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, шундай. Бироқ, буни оддий китобхоннинг ҳар бир жанрнинг ўзига хослигини тушунмаслигидангина деб билмаслик керак. Чунки адабий-танқидий жанрлар кўп ҳолларда бир-биридан аниқ фарқланмаслиги, бирига хос хусусиятларнинг иккинчисида намоён бўлиши ҳам бор гап. Масалан, обзор мақолага хос хусусиятлар адабий танқидий суҳбатда намоён бўлиши ёки проблематик мақолага хос белгилар тақризда бўй кўрсатиши мумкин. Яъни, адабий-танқидий жанрлар ҳали назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам етарлича фарқланган эмас, эҳтимол, бунга унчалик зарурат ҳам йўқдир. Шунга қарамай, биз қуйида ҳар бир жанрга хос асосий белгиларга қисқача тўхталиб ўтаимиз. Зеро, адабий танқид ўз фаолияти давомида шу фаолият учун мос жанрларни ишлаб чиққан бўлиб, улар ўзининг мазмун-мундарижаси, мақсади, қамров кўлами, шаклий хусусиятлари билан бир-биридан бирмунча фарқ қилади.

**Тақриз.** Тақриз адабий танқиднинг энг фаол жанрларидан бири бўлиб, одатда, янги пайдо бўлган асар ҳақидаги илк адабий-тан-

<sup>2</sup> Ўзбек совет адабий танқидчилиги. — Т.: 1990, 155-6.

қидий мулоҳазаларни ўз ичига олади. Шу маънода, «тақриз» сўзининг арабча «Қарз» сўзидан келиб чиқиши эътиборга лойиқ. Тақриз гўёки асарга адабий-танқидчилик томонидан берилган бўнак — авансдир. Яъни, ҳали асарни атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш вазифаси олдинда, буниси «хамир учидан патир». Тақриз асар ҳақида библиографик маълумот бериш, ўқувчиларни унинг мазмун-мундарижаси, проблематикаси, бадий-услубий хусусиятлари билан мухтасаргина таништириш, унга илк таассурот асосида баҳо бериш каби мақсадларни кўзда тутди. Агар бозор иқтисодиёти атамаларидан фойдалансак, тақриз асарнинг матбуотдаги илк тақдимоти (презентация), унинг рекламаси дейшимиз мумкин. Шу хусусияти туфайли ҳам, эҳтимол, тақриз ҳозирга келиб бирмунча эътибордан қолди. Сабаби шуки, кейинги пайтда таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик асосида, асарнинг бадий-эстетик қимматидан кўра кўпроқ муаллифининг кимлиги эътиборга олиниб ёзилган тақризлар кўпайди. Шу боис ҳам «тақриз — сўз билан берилган пора» қабилдаги бир қадар асосли фикрлар юзага келди<sup>3</sup>. Шунга қарамай, тақриз ҳозирда ҳам жанр сифатидаги аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида тақризнинг аҳамияти ортади. Чунки адабий танқиднинг энг тезкор жанри бўлмиш тақриз ўқувчи оммага китобу вақтли нашрлар уммонида йўл кўрсатувчи бўлиши, уни яхши асарларга йўналтириш орқали дидсизланишдан сақлаши, ўз навбатида, бадий савияси паст асарларнинг пайини қирқиши мумкин бўлади. Бунинг учун эса биттагина шарт бажарилиши зарур: тақриз холислик билан, биринчи галда адабиётнинг фойдасини кўзлаган ҳолда ёзилиши керак.

Танқидчилик амалиётида тақризга яқин мақолалар ҳам учрайдики, уларни шартли равишда «тақриз-мақола» деб аташ мумкин. Бу хил мақолаларда ҳам янги пайдо бўлган асар таҳлилга олинади. Бироқ, тақриздан фарқли ўлароқ, уларда асар билан таништириш мақсади эмас, уни монографик планда, атрофлича таҳлил қилиш мақсади етакчилик қилади. Бундай мақолалар, одатда, асар эълон қилинганидан сўнг муайян вақт

<sup>3</sup> Ўзбек совет адабий танқидчилиги. — Т.: 1990, 148-6.

ўтгач, у ҳақда бир-икки ёки кўпроқ тақризлар эълон қилинган пайдо бўлади. Ёки, айрим ҳолларда тақриз ўзида обзорга хос хусусиятларни ўзида намоён этиши мумкин. Масалан, агар танқидчи тақризида бир неча асарни (уларни қайсидир жиҳатларига кўра умумлаштирган ҳолда: муаллифлар ёши, асарлар мавзуси, проблематикаси ва б.) таништириш мақсадини кўзласа, у маълум маънода ҳар икки жанр хусусиятларини ўзида уйғунлаштиради. Булар адабий-танқидий жанрлар орасида қатъий чегара йўқлиги, уларнинг бирига хос хусусиятлар бошқаларида ҳам кузатилиши мумкинлиги, оралиқ жанр шакллари мавжуд бўлиши мумкинлигининг далилидир.

Танқидчилик амалиётида кенг қўлланувчи жанрлардан яна бири обзор бўлиб, уни «адабий обзор», «танқидий обзор», «адабий-танқидий обзор» деган номлар билан ҳам юритилади. Обзор мақолага қўл урган мунаққид, одатда, материални қайсидир бир жиҳатдан (хронологик, адабий тур, жанр, мавзу ва б.) чегаралаб олади ва шу доирада адабий-танқидий фикр юритади. Масалан, материал хронологик жиҳатдан чегараланган обзорлар сирасига Ёзувчилар уюшмаси томонидан ҳар йили ўтказиладиган секциялар бўйича ҳисоботларни қўшиш мумкинки, уларнинг бир қисми обзор мақола тарзида эълон қилинади ҳам. Шунинг ҳам айтиш керакки, кейинги вақтда кўп ҳолларда обзор мақолалар марказида муайян проблема туриши ва таҳлилга тортилган асарлар шу проблема нуқтаи назаридан ёритилиш ҳоллари кузатилади. Яъни, обзор ва проблематик мақола хусусиятлари уйғунлашади. Масалан, У.Норматовнинг «Умидбахш тамойиллар» мақоласида бадийий насрда дунёни янгича идрок этиш ва тасвирлаш борасидаги изланишлар таҳлил этилса, А.Расуловнинг «Тарих. Фалсафа. Роман» номли мақоласида ҳозирги ўзбек романчилиги муаммолари ҳақида сўз боради. Иккала мақола марказига ҳам муайян муаммо қўйилгани ҳолда, уни ўрганиш учун кўплаб асарлар таҳлилга тортилганки, натижада муаммони ўрганиш билан бирга бирида ҳозирги насрни, иккинчисида романчиликни танқидий обзор сифатида ёритиб берилган.

Юқорида йўл-йўлакай муаммоли мақола ҳақида ҳам қисман тўхталдик. Демак, проблематик мақолаларда муайян адабий-

назарий муаммо тадқиқ этилади, таҳлилга тортилган асарлар эса шу муаммони ўрганиш учун материал бўлиб хизмат қилади. Проблематик мақолаларда илмий изчиллик, илмий тафаккур ва илмий услубнинг устуворлиги кузатилади. Бошқача айтсак, проблематик мақолаларда юқорида айтганимиз танқиднинг оралиқ ҳодиса эканлиги нисбатан камроқ намоён бўлади, улар энди кенг китобхонлар оммасига эмас, кўпроқ адабиётга у ёки бу даражада алоқадор ўқувчига мўлжалланади.

Кейинги вақтда оммалашиб бораётган жанрлардан бири суҳбат дир. Айтиш керакки, суҳбатни жанр сифатида белгилаганда унинг шакл хусусияти, яъни унда муайян мавзу бўйича ўтказилган мулоқотнинг акс этиши кўзда тутилади. Бироқ мавзуси, мазмун-мундарижаси жиҳатидан суҳбат бениҳоя серқирра жанрдир. Агар адабиётшунослар орасида ўтган мулоқотлар кўпроқ адабий жараён ёхуд муайян назарий масалалар юзасидан бўлса, ижодкор-мунаққид суҳбатлари марказида ўша ижодкорнинг бугунги адабиёт, умуман, бадиий ижод ҳақидаги фикрларини ёритиш мақсади устуворлик қилади. Суҳбатнинг ўзига хос устунлик жиҳати шундаки, унда қатор масалалар юзасидан қарашни эксклюзив тарзда ифодалаш имкони мавжуд. Гап шундаки, эҳтимол, ўша суҳбатдошлар бу масалаларга ўз фаолиятлари давомида қайта муружаат этмас, лекин улар ҳақидаги қарашлари суҳбатда аксини топиб, оммалашиб қолади. Суҳбат жараёнида суҳбатдошларнинг бир-бирини тўлдириши, фикрларини аниқлаштириши масаланинг моҳиятига чуқурроқ назар ташлаш имконини яратади. Ёки, масалан, суҳбатдошларнинг ёшдаги фарқи конкрет масалага икки хил нигоҳ билан қараш, икки хил нуқтаи назардан масалага ҳолис муносабатни шакллантиришга йўл очади. Проблематик характердаги суҳбатлар сирасига «Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган профессор У.Норматовнинг шогирдлари билан ўтказган туркум суҳбатларини келтириш мумкин: устоз Р.Раҳмат билан адабий-назарий тафаккурнинг ҳозирги ҳолати, Д.Қуронов билан истиқлол даври романчилиги масалалари, У.Ҳамдам билан адабиётимиздаги модернизм кўринишлари ҳақида суҳбатлашади. Р.Раҳматнинг О.Шарафиддинов билан суҳбати (ЎзАС, 1996, 26 апрел) XX аср ўзбек адабиё-

ти, шўро даври адабий меросига муносабат, адабиётимизнинг эртаси каби муҳим масалаларга бағишланган бўлса, ёзувчи Ш.Холмирзаев билан М.Қўчқорова суҳбати (ЎзАС, 2003, 18 апрел) эссе жанри масалаларига бағишланган...

Газета-журнал таҳририятлари томонидан «давра столи», «дав-ра суҳбати», «адабий гурунг» номлари билан уюштирилувчи мулоқотлар ҳам суҳбатнинг бир кўринишидир. Одатда, бундай мулоқотлар адабиётшунослик илмининг, адабий жараённинг муҳим масалаларига бағишланади. Масалан, «Жаҳон адабиё-ти» журнали уюштирган «Сарҳисоб» (1998, №1) номли давра суҳбатида XX аср ўзбек адабиёти муаммолари муҳокама қилин-ган бўлса, ҳозирги ёшлар прозаси хусусидаги баҳслар доираси-да «ЎзАС» томонидан ўтказилган ёш носирлар гурунгида (ЎзАС, 2002, 4 август) ёш ижодкорларнинг адабий-эстетик қарашлари, ижодий тамойиллари ўз ифодасини топди.

Адабий жараён муаммолари, конкрет адабий-назарий маса-лалар ёхуд янги пайдо бўлган асарлар бўйича ўтказиладиган баҳслар доирасида эълон қилинувчи мақолалар ҳам ўзида суҳ-батга хос хусусиятларини сақлайди. Чунки баҳс доирасидаги мақола ўздан олдинги мақолага жавоб тарзида ёзилади, унда баҳслашувчи томонлар хат орқали мулоқотга киришадилар. Бу эса баҳс доирасидаги мақоланинг ўзига хос услуби, йўналишини белгилайди. Шунга ўхшаш ҳол очиқ хат шаклидаги мақолалар-да ҳам кузатилади. Бу хилдаги адабий-танқидий материални якка ҳолда олиб қараш тўғри эмас: уларни бир туркум сифатида қараш, барчасига танқидий назар билан қараган ҳолда қабул қилишга тўғри келади. Шундагина ўқувчи қўйилган масала ҳақида холис тасаввурга эга бўлиш мумкин. Адабий-танқидий баҳслар, очиқ хат орқали ёзишмалар адабий жараёни жонлан-тиришга хизмат қилиши, янги фикр-хулосаларга туртки бериши жиҳатидан қимматлидир. Биздаги адабий-танқидий баҳслар, асо-сан, «ЎзАС» ҳафталигининг саъй-ҳаракати билан уюштирила-ди. Бу газета яқин йиллар ичида ёшлар прозаси, модернизм ва унинг адабиётимиздаги кўринишлари, ҳозирги ўзбек романчили-ги каби қатор муҳим масалаларда баҳслар уюштирдик, уларда ўнлаб мунаққид ва адабиётшунослар, адиб ва шоирлар ўз фикр-

мулоҳазалари билан иштирок этдилар. Баҳсга ўхшаш, бирор масала юзасидан турлича қарашларни ифода этувчи очиқ хат шаклидаги ёзишмалар ҳам ўқувчини масалага турли жиҳатлардан қараб кўришга, фикрлашга ундаши билан муҳим. Масалан, 2003 йилда «ЎзАС»да эълон қилинган Н.Каримов билан Д.Қуროновнинг «Муқанна» драмаси ҳақидаги ёзишмасида бадий асарга, ўтмиш адабиётига муносабатда икки турли муносабат кўзга ташланади. Иккала мунаққид ҳам ўз қарашини имкон даражасида асослагани учун ҳам ёзишмани ўқиган газетхонда қиёс асосида қўйилган масала бўйича ўз нуқтаи назарини, фикр-хулосасини шакллантириш имконини берди. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, баъзан баҳс қизиғида мулоқот иштирокчилари тенденциозликка, ўзиникини маъқуллашга ўтиб оладилар, бу эса унчалик тўғри эмас. Баҳс иштирокчилардан бирининг ҳақлигини исботлаш учун эмас, ҳақиқатни аниқлаш учун бўлиши керак.



## ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

**Оғзаки ва ёзма адабий танқид аънаналари.** Адабиётшунос олим Б.Валихўжаев: «Танқид» арабча «нақада» сўздан ташкил топган бўлиб, муҳокама қилмоқ, текширмоқ, ўрганмоқ, ниманингдир ҳаққонийлиги ва тўғрилигини исботламоқ, ютуқ ва камчиликларини белгиламоқ ва ниҳоят, бадий асарни таҳлил қилиш, изоҳлаш каби маъноларни ифодалайди»<sup>4</sup>, — деб ёзади. Агар биз танқид сўзини шу маъноларда тушунсак, у ҳолда танқид адабиётнинг ўзи сингари жуда қадимий ҳодиса эканлигини тасаввур қила оламиз. Чунки адабиёт пайдо бўлибдики, унинг ўқувчиси, ўша асар ҳақида фикр билдиришга қодир бўлган зукко ўқувчи мавжуд бўлган. Зеро, ижодкор учун ўз асари ҳақидаги фикрни билиш нечоғли зарурат бўлса, тингловчи ёки ўқувчи учун қайсидир йўсинда фикр-муносабат билдириш ҳам шунчалик заруратдир. Тасаввур қилингки, Тешиктош сингари ғорларни макон тутган қадим аждодимиз ўз ҳисларини одатдагидан ўзгачароқ тарзда, дейлик, ибтидоий тизма шаклида ифодалади. Ўшанда ҳам қабиладошлардан айримлари ҳайратли нигоҳ билан, айримлари маъқулловчи хитоб билан, яна бирлари «бундан кўра қабилага нафли бир иш қилсанг-чи!» қабилида муносабат билдирган бўлишлари ҳақиқатдан йироқ эмас. Чунки муносабат билдириш инсон табиатига хос хусусият, уни ҳаракатга келтирувчи табиий эҳтиёжлардан биридир. Муносабат билдириш эҳтиёжи асосида эса муҳокама қилиш, баҳолаш эҳтиёжи ҳам ўсиб чиқадики, танқиднинг келиб чиқиш механизмини шу йўсинда тушуниш мумкин.

Б.Валихўжаев таъкидлашича, «бадий асар ҳақида икки хилда — оғзаки ва ёзма тарзда фикр билдиришни учратиш мумкин»<sup>5</sup>. Албаттга, пайдо бўлиш жиҳатидан «оғзаки танқид» қадимийроқ. Дарҳақиқат, танқиднинг «оғзаки» ва «ёзма» кўринишлари мавжуд бўлиб, «оғзаки танқид» аънаналари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Юқорида тасаввур қилиб кўрилган

<sup>4</sup> Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи.-Т.: 1993, 6-б.

<sup>5</sup> Кўрсатилган асар. 7-б.

ҳолдан кейинги даврларда ҳам оғзаки танқид анъаналари давом этган, танқиднинг бу кўриниши ҳозирда ҳам турли кўринишларда намоён бўлади. Адабиётшунос Р.Тожибоев бу ҳақда тўхталиб, ўзбек халқ оғзаки ижодида «сўз санъати, ижодкор масъулияти тўғрисида айтилган фикрлар кўп учрашини», «ўзбек адабий танқидчилигининг бир илдизи халқимизнинг бой оғзаки ижоди чашмасидан сув ичиши»ни<sup>6</sup> таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, олим айтганидек, халқ оғзаки ижоди намуналарида адабий-танқидий қарашлар мухтасар ифода топгани «Айт, ўланнинг қолипи бузилмасин», «Ўланни интизомман ўқиб беринг» сингари мисраларда кўрилади. Албатта, бу мисоллар ўланнинг «Қолипи», «интизоми» бўлгани, бу ҳақда бахшилар ҳам, тингловчилар ҳам маълум тасаввурга эга бўлганларидан дарак беради. Бироқ, гап «оғзаки танқид» ҳақида, аниқроғи, халқ оғзаки ижодига хос «танқид» ҳақида бораркан, фольклор намуналарида акс этган юқоридагича мисраларга эмас, масаланинг бошқа томонига — ижрочи ва тингловчилар муносабатига кўпроқ диққат қилиш зарур. Чунки, яхши биласизки, халқ ижоди намуналари бевосита ижро этилган. Муайян бахши томонидан дoston ёки термалар ижро қилинган давраларда (айниқса, торроқ, хос кишилар йиғилган давраларда) асар ва ижронинг муҳокама қилиниши табиий. Айнақса, каттароқ давраларда, халқ сайилларида, бахшилар орасида айтишувлар, ўзига хос мусобақалар ўтказилгани ҳам маълум (Бу ҳақда тасаввур ҳосил қилиш учун Ч.Айтматов яратган Раймали оға ҳақидаги ривоятни эслаш кифоя). Бунақа мусобақаларда ҳакамлик қилгувчи кишилар, албатта, асарларни ҳам, ижрони ҳам холис баҳолай биладиган даражада билимли бўлишлари тақозо этилгани шубҳасиз. Чунки баҳолаш учун муҳокама қила билиш зарур, бунинг устига ҳакамлик тингловчилар кўз олдида амалга оширилади. Худди ёзма адабиёт намояндалари сингари бахшилар ҳам ўрни билан танқидчи сифатида бўй кўрсатганлар. Улар ижро жараёнида ўз устозлари, салафлари ижодига тўхталиб, уларни таъ-

<sup>6</sup> Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. ҚДА. Т.: 1993, 9-б.



риф этибгина қолмаганлар, балки асарларию ижроларини мухтасар таҳлил қилиб баҳолаганлар ҳам. Булардан маълум бўладики, халқ оғзаки ижодига ёндош ҳолда ўзига хос «халқ оғзаки танқидчилиги» ҳам мавжуд бўлган. Бу ҳодиса оғзаки адабий жараёнда ҳозирги танқидчилик адабий жараёнда бажарадиган вазифаларни бажарган: халқ оғзаки ижодининг ўсишида, фольклор асарларининг сайқалланишида маълум аҳамиятга эга бўлган.

«Оғзаки танқид» анъаналари ёзма адабиёт ривожланган даврларда ҳам давом этган. Турли мушоиралар, фозил кишилар иштирокидаги нафис мажлислар, бедилхонлигу навойихонлик, фузулийхонлигу машрабхонлик давраларида адабиёт ҳақида, санъат ҳақида суҳбатлар қурилган, асарлар таҳлилу талқин қилинган. Ҳазрат Навоий атрофига жамланган фозилу шоирларни, Умархон даври қўқон адабий муҳитини, Феруз бошчилигидаги Хива шуаросини, Муқимий ва Фурқатдек забардаст шоирлар иштирок этган фозил даврани ёдга олсак, бу хил анжуманлар адабиётимиз учун қанчалик катта аҳамиятга эга бўлганини ҳис қила оламиз. Халқимизнинг турмуш тарзи ўзгарган XX асрда, жумладан, ҳозирги кунда ҳам «оғзаки танқид анъаналари ўзгачароқ шаклларда давом қилаётир. Дарсхоналардаги асар таҳлиллари, турли асарлар муҳокамасига бағишланган баҳс-мунозаралар, адабий-бадиий кечалар, китобхонлар конференциялари, ижодий учрашувлар — булар бари «оғзаки танқид»нинг бугунги кўринишларидир.

Ёзма адабиётнинг пайдо бўлиши сўз санъатини махсус ўрганиш билан машғул кишилар — аруз, қофия, бадиа, саноеъ илмлари билимдонларини майдонга чиқарди. Адабиётшунос Б. Валихўжаев «ёзма манбаларда адабий-танқидий қарашларнинг қоришиқ тарзда ифодаланган»лигини таъкидлаб, «ўтмишда адабий-танқидий қарашлар, шеър ва шоирлик ҳақидаги мулоҳазалар тарихий ёдномаларда, эсдалик типдаги асарларда, девонларга ёзилган дебочаларда, маноқиб — ҳолотларда, кичик лирик жанрдаги асарларда, дostonларнинг махсус бобларида, тазкираларда, аруз, қофия, бадоеъ ва саноеъга доир рисоаларда, баъзан эса умуман илми адаб деб аталмиш илм-

лар туркумига бағишланган китоб ва луғатларда баён этилган»<sup>7</sup>, деб ёзади. Шундан ҳам кўrsa бўладикки, мумтоз адабиётшунослигимизга оид манбалар жуда кўп, бироқ улар: 1) сочқин ҳолда бўлиб, аксарияти бошқа муносабатлар билан йўл-йўлакай (тарихий асарлар, мемуарлар, дostonларнинг алоҳида боблари, девонлар дебoчаси ва б.) ифoдаланган; 2) аруз, қофия, бадиа илмларига оид рисолалар кўпроқ амалий характерда (яъни, ўргатишга қаратилган) бўлганидан, маълум соҳага оид маълумотнома-луғатларни эслатади. Бошқа бир томони шуки, мумтоз адабиётшуносликка оид манбаларни бугунги адабиётшунослик нуқтаи назаридан таснифлаш, улардан бирини адабиёт тарихига, бошқасини адабиёт назарияси ёки танқидга тааллуқли дейишнинг имкони йўқ, бунга уриниш тўғри ҳам эмас. Чунки ўтмишда бу соҳаларнинг бари қоришиқ ҳолда мавжуд бўлиб, адабиётшунослик илми ҳали ўзининг бошланғич куртак ҳолида, алоҳида фан соҳаси сифатида таркиб топмаган эди.

Ўзбек адабий танқидчилигининг шаклланиш омиллари. Юқорида кўриб ўтганимиздек, адабий-танқидий қарашлар жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган. Шундай бўлса ҳам замонавий тушунчадаги ўзбек профессионал адабий танқидчиликнинг шаклланиши XX аср бошларига тўғри келади. Яхши маълумки, янги ҳодисанинг пайдо бўлиши учун мос шароитнинг юзага келиши, муайян замин зарур. Зеро, ҳеч бир нарса йўқдан бор бўлмайди, у ниманингдир заминида вужудга келади. Ўзбек адабий танқидчилигининг юзага келишини таъминлаган бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Бой адабий мерос, оғзаки ва ёзма адабий танқид анъаналарнинг мавжудлиги.

---

<sup>7</sup> Валихўжаев Б.. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. 9-б. Ушбу масала юзасидан чуқурроқ билимга эга бўлиш учун кўрсатилган асарга мурожаат қилишни тавсия этамиз. Бу асарида олим X-XIX асрлар давомида адабий-танқидий қарашлар тадрижини изчил кузатган, мумтоз адабиётшунослигимиз жанрлари, унинг диққат марказида турган муаммолар ҳақида муфассал маълумотлар берилган.

2. XX аср бошида юзага келган ижтимоий-тарихий шароит.
3. Жадидчилик ғоялари таъсирида адабиётнинг янгиланиши, жадид матбуотининг пайдо бўлиши.
4. Адабий-маданий алоқалар, ташқи таъсир.

Албатта, саналган омилларнинг ҳаммаси ҳам ўзбек адабий танқидчилигининг шаклланишида муҳим. Улардан бирининг аҳамиятини ортириб, иккинчисини камайтиришга уриниш беҳуда. Уларнинг бари, худди палов пишириш учун масаллиқларнинг бари (гўшт, ёғ, гуруч, сабзи, пиёз, туз, сув ва ҳк.) зарур бўлганидек, муҳимлигини эътироф этган тўғрироқ. Шундай бўлса-да, ўзбек танқидчилигининг шаклланишида XX аср бошларида юзага келган ижтимоий-тарихий шароит ҳал қилувчи омил саналмоғи керак. Чунки бошқа омилларнинг рўёбга чиқиши ҳам айни шу шароит билан боғлиқдир.

Адабиётшунос Д.Қуროнов XX аср бошидаги ижтимоий-тарихий шароитнинг ўзига хослиги «икки асосий омил: 1) капиталистик ижтимоий муносабатларнинг қарор топа бошлагани; 2) ҳамда Туркистоннинг мустахлакка ўлкаси бўлганлиги билан белгилангандир. Яъни, юртимизда янгича ижтимоий муносабатларнинг қарор топа бошлаши ижтимоий-тарихий тараққиётнинг табиий ҳосиласи эмас, кўпроқ ташқи омиллар таъсири билан боғлиқ эди. Ижтимоий тараққиёт бобида Европа мамлакатларидан анча ортда қолган Россия таъсирида ҳали анчагина мустаҳкам феодал асосларга капиталистик муносабатлар пайвандлана бошланди. Албатта, бу нарса ижтимоий тараққиёт суръатини тезлатди, бироқ юртимизда эскилик ва янгиликнинг ажиб қурамаси вужудга келдики, ҳар иккисининг орасидаги фарқ яққол кўзга ташланиб қолди. Бу эса, табиийки, эскиликни тугатиш, жамият ҳаётини ислоҳ этишу миллатни тараққий эттириш заруратини кун тартибига қўйди»<sup>8</sup>, — деб ёзади. Бундан кўринадики, жадидчилик ҳаракати бевосита давр шароитидан, даврнинг ижтимоий эҳтиёжидан ўсиб чиқади. Жадидчилик — ислоҳотчилик ҳаракати. Гарчи жадидларни, аввало, маърифатчилар деб танисак ҳам, аслида маърифат улар учун мақсад эмас, балки мақсадга етиш воси-

<sup>8</sup> Қуროнов Д. Жаҳон адабиётига йўл. — «Жаҳон адабиёти» журналин, 1997, № 6, 168-6.

таси эди. Чунки улар ўша давр шароитида ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятни қайта қуриш ва миллатни тараққий қилган миллатларга тенглаштириш учун аввал халқни уйғотиш, унга ўзлигини танитиш, жамиятнинг жорий ҳолати ҳақида ўйлашга ва унинг тақдири ҳақида қайғуришга ўргатиш зарурлигини яхши билганлар. Яъни, жадидлар ислоҳни, аввало, инсондан бошлаш зарур, ўзгарган инсон эса жамиятни ўзгартиради, деб тушунганлар. Жадидларнинг янги инсонни тарбиялаш мақсади уларнинг фаолиятидаги устувор йўналишларни белгилаган, десак тўғри бўлади. Жадидчиликнинг мактаб-маориф ишларига уларда дунёвий билимларни ўқитишга жуда катта аҳамият берганлар.

Жадидлар янги инсонни тарбиялашда адабиёт, театр ва матбуотни ҳам самарали восита деб билганлар. Шунинг учун ҳам улар бу соҳаларни ривожлантириш, янгилашга алоҳида эътибор берганлар. Агар жадид адабиёти намуналарини кузатсак, уларда замонавий илмларни эгаллашга даъват билан бир қаторда, янги ижтимоий-иқтисодий шароитда уларнинг аҳамиятини ҳаётини мисоллар орқали кўрсатиб беришга интилиш кучли эканлигини кўрамиз. Жумладан, Чулпоннинг «Доктор Муҳаммадиёр» ҳикояси қаҳрамони янги илмларни эгаллашда матонат билан меҳнат қилгани эвазига ҳаётда ўз ўрнини топади, бой-бадавлат яшай бошлайди. Ҳикоя қаҳрамони дилидаги орзу-ўйлар жадид маърифатчилари мақсадлари ҳақида тасаввур беради: «Халқ ўз фойдасини англаса, миллий мактаб ва мадрасалар очса, Оврупа дорилфунунларига болаларини юборса, дўқтур, адвокат, муҳаррир ва ҳунарманд, савдогарлар ва муҳандис(инженер)лар чиқса. Бунларнинг ҳар бири ўз вазифаларинда туруб ишларин тартиби ила юргузсалар ва халқимизнинг фойдасини кузатсалар, нақадар олий ва нақадар гўзал бўлур эди!»<sup>9</sup>. Жадид адабиёти ҳаётдаги иллатларни, халқимизнинг оғир аҳволи сабабларини кўрсатиб бериш орқали миллатни тарбиялашга хизмат қилдирилди. Бунинг натижасида адабиётимиз ҳам янгиланди: унинг ижтимоий вазифалари кўлами кенгайди, мавзу эътибори билан реал ҳаётга яқинлашди, тасвир ва талқинда реалистик тамойил-

---

<sup>9</sup> Чулпон. Асарлар. 3 жилдлик. 2-жилд.-Т.: 1994, 280-б.

лар кучайди. Янгиланган адабиёт янгича бадий дидни тарбиялаш вазифасини келтириб чиқаради, бу эса танқиднинг фаоллашувини шарт қилиб қўяди.

Матбуот орқали кенг оммага таъсир ўтказиш имкониятларининг кенглиги учун жадид маърифатчилари бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қараганлар. XX асрнинг бошларида миллий матбуотни ривожлантириш учун қулай шароит юзага келди. 1905 йил воқеалари чоризмни чинакам ташвишга солди, ҳукумат ён беришга мажбур бўлди ва натижада 1905 йил 17 октябр Манифести эълон қилинди. Унга кўра, империя ҳудудида бир қатор эркинликлар берилган эди. Шу шароитда, 1907 йилдан бошлаб бирин-кетин ўзбек тилида қатор вақтли нашрлар чоп қилина бошланди: «Тараққий», «Хуршид», «Шуҳрат», «Тужжор», «Турон», «Садон Фарғона», «Садон Туркистон», «Самарқанд» газеталари, «Ойина», «Ал-Ислоҳ» журналлари. Тўғри, буларга қадар ҳам ўзбек тилида «Туркистон вилоятининг газети» чоп қилинган, бироқ бу нашрни миллий матбуотимиз қалдирғочи деб бўлмайди. Чунки у чор мустамлака маъмуриятининг нашри бўлиб, кўзлаган мақсади буткул бошқа эди. Матбуотнинг ривожланиши адабиёт ва адабий танқид ривожиди, уларнинг замон руҳига мос янгиланишида муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, уларнинг ўқувчилари доираси, демак, шунга мос ҳолда таъсир доираси кенгайди. Кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган адабиёт ҳам, танқид ҳам халқчиллашди, уларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги кучайди. Бошқача айтсак, матбуотнинг ривожланиши адабий-танқидий ижоднинг фаоллашуви, унинг публицистикага хос хусусиятларни ўзига сингдиришига олиб келди. Узоқ ўтмишдан келаётган адабий танқид анъаналари замон руҳига мос янгиланди, замонавий танқидга хос энг муҳим хусусиятларни ўзида жам этган янги ўзбек адабий танқидчилиги шакллана бошлади.

Таъкидлаш керакки, ўзбек адабий танқидчилигининг шаклланишида яна бир омил — адабий алоқалар ҳам муҳим ўрин тутади. Аср бошидаги Туркистон зиёлилари рус, татар, озарбайжон, шунингдек, турк матбуотини мунтазам кузатиб борганлар. Бу халқлар ижтимоий-маданий тараққий даражаси жиҳатидан

замонавий адабиёти ва адабий-танқидий қарашларнинг такомил даражаси жиҳатидан анча олдинда эдилар. Табиийки, уларнинг тажрибаси бизда жуда қўл келган. Маърифатчилар тил ўрганишга, хусусан, рус тилини ўрганишга жиддий ёндашганлар. Бунинг сабаби шуки, улар рус тили орқали жаҳон маданиятини ўзлаштириш, дунёда кечаётган жараёнлардан бохабар бўлиш имкони кенглигини жуда яхши билганлар. Жадид нашрларида Оврупо маданиятидаги яхши жиҳатларни ўзлаштириш, татар, турк, озарбайжон қардошлардаги ижобий ўзгаришлардан ибрат олишга даъватлар ҳам бунинг далилидир. Масалан, Аҳлулло Ҳайбулло ўғли татар адабий танқидчилигининг анча ривожланганини ўқувчиларга ибрат қилиб кўрсатса<sup>10</sup>, Абдулҳамид Чўлпон «тотор қардошларимиз йилда бир дафъа бўлса ҳам шаҳар ва қишлоқларида «адабиёт кечалари» қилуб, халқга руҳ беруб кўб олқишлар, офаринлар олдиғини газеталардан ўқуб турмакдамиз»<sup>11</sup> дея ҳавасланади.

**Жадидчилик даври ўзбек адабий танқидчилиги.** Жадид матбуотида адабий, адабий-танқидий материалларга кенг ўрин берилгани, юқорида айтилганидек, адабиёт зиммасига маърифатчилик ғояларини оммага сингдириш юклангани билан изоҳланади. Миллий адабиётимизнинг янгиланиш йўлига киргани, унда чуқур сифат ўзгаришлари юз бераётгани равшан кўриниб турган ва бу ўзгаришлар ижтимоий зарурат натижаси эканлиги илғор зиёлиларимиз томонидангина англаган бир пайтда «Адабиёт ўзинима?», «Унинг ижтимоий вазифалари нималардан иборат?», «Адабиёт қандай бўлиши керак?» тарзидаги масалаларнинг марказий бўлиб туриши табиий эди. Шунга кўра, жадид нашрларида адабиёт, адабий танқиднинг ижтимоий табиатини тушуниш ва тушунтиришга бағишланган қатор мақолалар босилди. Албатта, бугунги кун даражасидан қарасак, бу мақолаларда ўртага қўйилган масалалар, уларнинг ҳал қилиниш даражаси жуда жўн бўлиб кўриниши мумкин. Лекин шунини ёдда тутиш лозимки, аввало, жадид мунаққидлар ўзларининг мақсадини аниқ та-

<sup>10</sup> «Садон Туркистон» газетаси, 1914, 19 ноябр.

<sup>11</sup> «Садон Туркистон» газетаси, 1914, 4 июн.



саввур қилганлар, кенг оммага мурожаат қилаётганлари ва оманинг савиясини яхши билганлар; иккинчидан, агар улар ўша «жўн» масалаларни ўз даврида қўйиб ҳал қилмаганларида, адабиётимиз ҳам, танқидчилигимиз ҳам ҳозирги даражасидан қўйироқда бўлур эди.

Ашурали Зоҳирийнинг «Она тили» номли мақоласида «адабиёт» сўзига илк бор янгича таъриф берилди, унинг ҳозирги кўплаб тилларда қўлланувчи кенг маъноси изоҳланди: «Бир миллатнинг ўз тилидаги китоб, рисола, ғазита, журнол ва бошқаларига бир сўз билан «адабиёт» (литератур) дейилур»<sup>12</sup>. Мунаққид ушбу мақоласида адабиётнинг миллат умуммаданий даражасини белгилашда нечоғли юксак ўрин тутиши, «миллатнинг илмда, ҳунарда ва бошқа тўғриларда қайси даражада эканлиги адабиёт билан ўлчаниши»ни, адабиёти бўлмаган миллатнинг «бошқалар олдида ҳурмат ва эътибори ҳам бўлмас»лигини таъкидлади. А.Зоҳирийдан бироз кейинроқ бу фикрлар Чўлпоннинг машҳур «Адабиёт яшаса, миллат яшар...» тарзидаги фикр-хулосаларида янада кучайтириб ифода этилди. Чўлпон адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, вазифаларини жадидчилик ғоялари нуқтаи назардан ёритди, унинг миллат маънавияти, руҳияти, тараққийси учун масъуллигини таъкидлади. Юқорида айтганимиздек, жадидлар адабиётга юклаган вазифанинг бажарилиши адабиётнинг ўзидан янгилианишни талаб этади. Бу давр матбуотида «Адабиёт қандай бўлиши керак? У нималарни тасвирлаши, нималар ҳақида ёзиши керак?» каби саволлар ҳам қайта-қайта ўртага ташланади. Жумладан, Чўлпон «Муҳтарам ёзғучиларимизга» номли хат-мақоласида қалам аҳлини реал ҳаётдаги камчиликларни ҳаққоний кўрсатиб берадиган асарлар ёзишга даъват қилади. Масаланинг ўз даври учун муҳимлигини шундан ҳам билса бўладики, жадид ижодкорлар унга адабий-танқидий асарлардагина эмас, адабий асарларида ҳам ўрни билан тўхталадилар. Масалан, Ҳамза «Гапур» радиофи шеърида «доғи ватан»дан (яна «илм ила фанлардан», «журнолу катоб, яхши рўмонлардан») гапириш лозимлигини уқтиради. Абдулла Авлоний эса шоирларга муро

---

<sup>12</sup> «Садон Фарғона» газетаси, 1914, 13 апрел.

жаат қилиб, ишқий шеърларда «Қаламқош, зулфи сунбул, сарвиқоматлар»ни мадҳ этиш етар, «Келинг, эмди ёзайлик, сўйлашайлик камчиликлардан» дея хитоб қилади. Чўлпон бўлса «Доктор Муҳаммадиёр» ҳикоясида қаҳрамонининг мадраса шогирдлари ҳаётидан роман ёзганлигини айтиб, сатр остидаги изоҳда «шул исмда юқорида таъриф қилинғон руҳда (яъни, танқидий руҳда — Б.Р.) бир рўмон ёзмакларини муҳаррирлардан ўтинаман» деб ёзади.

Жадид матбуотида танқиднинг моҳияти, унинг вазифалари ва аҳамияти нималардан иборат эканлиги ҳақида ҳам фикрлар билдирилди. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Ойна» журналида чоп қилинган «Танқид сараламоқдур» номли мақоласи ушбу масалага бағишланган илк чиқишлардан саналади. Айтиш керакки, Бехбудий мақоласида гап фақат адабий танқид ҳақида эмас, масала анча кенг қўйилган, унда умуман танқид, танқидга муносабат, танқиднинг холислиги ва бундай танқиднинг аҳамияти ҳақида сўз боради. Мақола «мажалла ва жаридаларнинг катта бир хосияти танқид, яъни сараламоқдур»<sup>13</sup> жумласи билан бошланади. Эътибор берилса, муаллиф танқидни матбуот, матбуотни танқид билан бирликда кўраётгани кўрилади. Бехбудий «Маънан тафтиш этиб, андаги нуқсонларни баён этмоқ танқиддур» дер экан, унинг «Агарда шахсиятга тўқунмаса», «таарруз ва душманлик эмас»лигини алоҳида таъкидлайди. Айни пайтда, агар «ишидан, шахсиятидан халойиқга зарар келса, андан ҳам баҳс ва танқид ёзмоқ шахсий бўлмайдур», бундайларни «танқид этмоқ боиси ислоҳ бўлур». Бехбудий афсус билан «ҳануз танқид даврига етушганимиз йўқ», шу боис «рисола, таҳрир ва маслакимизни бир киши танқид этдими, чидай олмаймиз, диққат ила мунаққид сўзини тингламаймиз» деб ёзади. Муаллиф танқидга тўғри муносабат ишга фойдали бўлишини айтаркан, албатта, холис танқидни кўзда тутуди. Чин маънодаги холис танқид эса ҳар қандай андишадан юқори туриши лозим: «Агарда «хотир қолмасун» қоидаси маслак тутилса, матбуотдан қалам тортмоқ керак. Чунки ҳақиқий матбуот ҳеч кимни хоти-

<sup>13</sup> Бехбудий. Танланган асарлар. — Т.: 1997, 148-б.

рига қарамас. «Хотир қолмасун» касали биз мусулмонларни барбод этди». Гарчи умуман танқид ва танқид атрофидаги масалалардан баҳс этса-да, Беҳбудийнинг ушбу мақоласи танқиднинг асосий принципларини белгилаб бериши билан ўз даври учун катта аҳамиятга молик эди.

Беҳбудий мақоласидан кейинроқ эълон қилинган Аҳлулло Ҳайбулло ўғлининг «Танқид» номли мақоласида танқиднинг адабий жараёндаги ўрни ва вазифалари тўғри ёритиб берилди: «Бир кишининг ёзғон асарига иккинчи бир киши ўзининг назарин танқиддан ёзуб, матбуот ила нашр қилса, муни ўқуғач, бошқа аҳли қаламларнинг ҳам ўйлаброқ ва шошулмайроқ қаламларин юргузмакларига сабаб бўлур»<sup>14</sup>. Бундан ташқари, ушбу мақолада муаллиф «танқид» сўзининг маъносига тўхталиб, унинг «эски маъносини бир тараф қилуб, татар қариндошларимизнинг матбуот ва адабиётларида истеъмом бўлинадурғон маъно»да фойдаланиш керак, деган фикрни олға сурди. Агар «Ўтмиш адабиётшунослиги манбаларида «адабий танқид», «танқидчи» иборалари ўрнига шу тушунчаларни англатадиган кўпгина сўз ва иборалар («нақд», «маҳаки имтиҳон», «маслаҳат», «машварат», «жавоҳирсанж», «нуққод» ва бошқалар) қўлланилган»и<sup>15</sup> эътиборда тутилса, «танқид» сўзининг ҳозирда биз қўллаётган истилоҳий маъноси (яъни, «адабий танқид» маъноси) тилимизда жадид мунаққидларининг саъй-ҳаракатлари билан қарор топган, дейиш мумкин<sup>16</sup>.

Албатта, ҳар қандай янгиликнинг пайдо бўлиши муайян қаршиликларга дуч келади. Адабиётдаги, адабий-танқидий қарашлардаги янгиликлар аъъаналар дахлсизлиги тарафдорлари томонидан қаршиликка учраши, уларда муайян эътирозлар уйғотиши табиий эди. Мумтоз шеърятимиздаги қатъий ва мукамал шеърый шаклларга, унинг тасвир ҳамда ифода йўсинига кўниккан кишиларнинг шаклан ва мазмунан соддалашиб, халқчиллашиб бораётган, янги йўллар излаётган адабиёт намунала-

<sup>14</sup> «Садон Туркистон» газетаси, 1914, 19 ноябр.

<sup>15</sup> Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Т.: 1993, 3-6.

<sup>16</sup> Тожибов Р. Танқид термини қачон пайдо бўлган? «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 1985, 11 январ.

рини суз санъатидан ташқари ҳодиса ҳисоблашлари эҳтимолини тасаввур қилиш унча қийин эмас. XX аср бошидаги адабий жа- раёнда адабий-эстетик қарашлар зиддияти юзага келдики, бу нарса адабий-танқидий баҳсларда ўз аксини топди.

Ўтган аср бошларидан кўплаб нашр этилган баёзларнинг ак- сарияти мазмун эътибори билан саёзлашиб кетгани, уларда маз- мун кўпинча шаклга қурбон қилингани ҳақида кўп бор ёзилган. Жумладан, ёш Чўлпон «Агарда «баёз» ва бемаъни бир-икки дона китоблар ила қолсак, маҳву инқирозий бўлурмиз»<sup>17</sup> деганида уларнинг миллат тараққийсига хизмат қилмаслигини, аксинча эканини назарда тутган эди. Орадан кўп ўтмай Мирмуҳсин Шер- муҳаммедов «Туркистон вилоятининг газети»да «Шоир жаноб- ларига илтимос» (1914, 14 сентябр) номли мақоласи билан чи- қиб, шоирларни мувашшаҳчиликка, шаклбозликка берилмасдан, миллат учун нафли, уни тараққиётга бошловчи асарлар ёзишга даъват қилди. Мақолада Васлийнинг шеърини тўплами юқорида- гича қараш нуқтаи назаридан танқидга учради. Бироқ Васлий танқидни тўғри қабул қилмасдан, «Садон Фарғона»да кетма-кет икки мақола эълон қилди (1914 йил, 19,30 сентябр), танқидчини илмсизликда, тушунмасликда, беҳаёликда айблади. Бунга жа- вобан М.Шермуҳаммедов ҳам «Туркистон вилоятининг газети»- да чиқиш қилиб, қарашларини ҳимоя қилди, фикр-хулосаларини пухтароқ асослади. Қизгин тус олган баҳсга «Садон Туркистон» орқали аввалига Аҳдулло Ҳайбулло ўғли (1914, 7 октябр), кейин Ашурали Зоҳирийлар (1914, 26 ноябр) ҳам қўшилишди. Эътибор беринг, бир ярим ой мобайнида баҳсда учта нашр иштирок эт- ган, олтига мақола эълон қилинганки, бу унинг нечоғли ўткир кечганидан дарак беради. Кейинги икки мунаққид баҳсда М.Шер- муҳаммедов томонида турдилар, А.Зоҳирий эса Васлий чиқиш- ларидаги баҳс маданияти, баҳс одобига риоя қилмаслик ҳолла- рини таъкидлаб кўрсатди. Шу тариқа, сал илгарироқ Беҳбудий ўртага қўйган танқидга муносабат масаласидаги камчиликлар яна бир карра ўзини намоён этди. Аслида, юқоридаги баҳс ада- бий-эстетик қарашлар турличалиги асосида юзага келган бўлиб,

<sup>17</sup> «Садон Туркистон» газетаси, 1914, 4 июн.

унга табиий ҳодиса сифатида қараш, баҳс масаласини вазмин фикр-мулоҳаза асосида ҳал қилиш жоиз эди. Адабий-эстетик қарашлар турличалиги асосидаги яна бир баҳс «Ал-Ислоҳ» ва «Ойина» журналлари саҳифаларида кечди. Иброҳим Тоҳирӣ «Матбуот ва ислоҳ» номли мақоласида янги адабиётни, жадид ижодкорларни камситишга уринди, уларни «мажнунлар, девоналар» деб атади. Унинг фикрича, адабиёт таназзулга учраган, адиблар қолмаган. Мунаққиднинг бу фикрлари янгиланаётган адабиётнинг эртанги истиқболини кўра олмаслик, жорий адабий жараёндаги адабий-эстетик тамойиллар эрта қай манзилга олиб боришини тушуволмастик оқибати эди. Ачинарли томони шундаки, мунаққид фикрларини асослаш кераклигини ўйлаб ўтирмади, баҳс этикасини тамом унутди. «Ойина»да эълон қилинган жавобда ўқувчи диққати айни шу нарсага тортилди: «Мазоқига ёқмаган янги рисоаларни усули танқидга мувофиқ бузуқ ерларини кўрсатса эди, токи алар ўз хатоларини ёинки бу афандини саҳвини билсалар эди». Кўрамизки, «усули танқид»га мувофиқ ёзилмаган танқидий асар на ўқувчига, на ижодкорларга наф келтиради. Баҳс баҳслашиш учун эмас, долзарб бўлиб турган масаланинг ечимини топиш учун бўлмоғи, конструктив характерга эга бўлмоғи зарур.

Бу хил баҳс-мунозаралар адабий-танқидий қарашларда ўсиш, ривожланиш бўлаётгани, адабий жараёнда жонланиш борлигидан далолат эди. Афсуски, жаҳон урушининг бошланганидан кўп ўтмай кўплаб жадид нашрларининг тўхтаб қолгани бу хил баҳсларга чек қўйди, танқидчиликда қарийб икки йиллик ихтиёрсиз тўхташ бўлди. Жадидчилик мавқеидаги мунаққидларнинг адабий-танқидий мулоҳазалари энди, асосан, шўро матбуотида эълон қилиндики, улар 20-йилларнинг ўрталарига қадар адабий-танқидий жараёнда етакчилик қилдилар.

Хулоса қилиб айтсак, XX аср бошларида юзага келган ижтимоий-тарихий шароит ва унинг ҳосиласи бўлган жадидчилик ғоялари таъсирида, бой адабий ҳамда адабий-танқидий аъёналар заминида замонавий ўзбек адабий танқидчилиги шаклланиб, мустаҳкам оёққа турди ва ривожланиш йўлига дадил қадам қўйди.

## ШҶРО ДАВРИ ҶЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ

ШҶро ҳокимиятининг илк даврида жадидчилик таъсирида шаклланган ижодкорлар, жумладан, танқидчилар адабий жараёнда етакчи мавқени тутган эдилар. Ҷ.Олимжон ёзганидек, бу даврда «улар (жадидлар-Б.Р.) бутун кучни маданий-адабий майдонга ташлади. Улар, тахминан, бутун газета ва журналларга ўринлашиб олдилар. Мактаб-маорифнинг асосий шахобчалари уларнинг қўлида қолди. Адабий майдон ва адабий ташкилотларга ўз чангалларини солиб, уларни миллатчилик мафкурасига хизмат қилдирдилар»<sup>18</sup>. Кўчирманинг оҳанги, руҳи Ҷ.Олимжоннинг жадидчиларга муносабатини намоён этиб турибди ва бизнингча, худди шу нарса муаллифни хато хулосага бошлайди. ШҶро ҳокимиятининг дастлабки йилларида жадидларнинг адабий жараёндаги етакчилигини фақат уларнинг ўз мақсадларини амалга ошириш йўлидаги яна бир ҳаракати натижаси сифатидагина баҳолаш унчалик тўғри эмас. Албатта, бу даврда жадидлар кураш усулларини ўзгартирган, бироқ улар адабий жараёндаги етакчиликни бировдан тортиб олганлари йўқ. Тўғриси, адабиёт, матбуот, мактаб-маориф соҳаларида уларнинг ўрнини эгаллаши мумкин бўлган кучнинг ўзи йўқ эди ҳали. Бироқ шҶро танқидчилигида шу ошкор ҳақиқатни ҳам инкор қилишга ҳаракат қилинган. Жумладан, Ҷ.Олимжон профессор А.Саъдий билан баҳслашаркан, уни «инқилобгача инқилобий ҳаракат билан бирга тутилган ва шу инқилобий ҳаракатга катта куч қўшган, ишчилар оммасига инқилобий руҳ берган пролетар адабиётини йўққа чиқарадир»<sup>19</sup> дея танқид қилганди. Ҳолбуки, кейинроқ унинг ўзи ёзганидек: «Ўзбекистонда ШҶро адабиёти фақат Октябр инқилоби натижасидагина юзага келди. Октябрдан илгари бизда бундай адабиётни яратишга имкон йўқ эди»<sup>20</sup>. Бироқ шу хулосанинг ортиданоқ Ҷ.Олимжон «шҶро адабиётининг биринчи намуналари Октябр инқилобининг биринчи даврларидаёқ яратила бошлан-

<sup>18</sup> Олимжон Ҷ. Танланган асарлар. 5 томлик. 5-том. – Т.: 1972, 35-б.

<sup>19</sup> Шу манба. 35-б.

<sup>20</sup> Шу манба. 84-б.

ди» деб ёзади. Бу фикрга қўшилиш қийин. Чунки янги адабиётнинг дунёга келиши учун муайян тарихий шароит (ёки тарихий ҳодиса)нинг ўзи етарли эмас, шу шароит таъсирида шаклланган янгича адабий-эстетик тамойилларга таянган янги адабий авлоднинг майдонга чиқиши зарур. Ҳ. Олимжон, умуман, шўро адабиётшунослиги томонидан «шўро адабиётининг биринчи намуналари» сифатида тақдим этилган асарлар (масалан: Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» пьесаси, «Ишчилар уйғон» шеъри; С. Айнийнинг «Хуррият марши», «Байналмилал марши» шеърлари; А. Авлонийнинг «Хуррият марши», «Ишчилар қулоғина» шеърлари ва б.) эса, асосан, сўллашган жадидлар томонидан ёзилган. Шуни ҳам унутмаслик керакки, 1917 йилда қаторасига иккита инқилобни бошдан кечирган жамиятдаги кайфият нафақат сўллашган жадидларга, балки барча зиёлиларга муайян таъсир кўрсатган эди. Бу таъсирни, масалан, Чўлпон, Фитрат, А. Қодирийларнинг шу икки-уч йил оралиғида ёзган асарларида ҳам сезиш мумкин. (Масалан, Чўлпоннинг «Шўролар ҳукумати ва саноеъ нафиса», «Қизил байроқ», «Қизил байналминал» каби асарлари).

Адабиёт майдонидаги мазкур ҳолат жамиятда мутлақ якка-ҳокимликка интилаётган шўро ҳукумати — пролетариат диктатурасини қониқтира олмас эди. Шунинг натижаси сифатида РКП(б) МКнинг 1925 йил 18 июндаги «Партиянинг бадий адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақида» номли дастурий қарори юзага келди. Бу шўро ҳукуматининг адабиётда диктатура ўрнатиш йўлидаги илк қадами бўлиб, мазкур мақсад очиқ ифодаланган ҳам: «Ҳозирча пролетар ёзувчиларнинг гегемонлиги йўқ ва партия уларга гегемон бўлишдек тарихий ҳуқуқларини қўлга киритишларида ёрдам бермоғи лозим»<sup>21</sup>. Эътироф этиш керакки, қарор жорий адабий жараёндаги ҳолатни жуда яхши билган ҳолда ишлаб чиқилган. Жумладан, унда айтилишича, пролетариат инқилобдан илгарисек инқилобий курашнинг ғоявий қуролларини ишлаб чиққан, курашчи ва раҳбар кадрларни етиштириб билган, бироқ маданий жиҳатдан эзилган бўлгани боис у «ўзининг бадий адабиётини, ўзига махсус бадий шакл ва услубни

<sup>21</sup> Введение в литературоведение. Хрестоматия.-М.: 1988.

ишлаб чиқолмади. Гарчи ҳозирнинг ўзида пролетариат қўлида ҳар қандай адабий асарнинг ижтимоий-сиёсий мазмунини белгилашнинг беҳато мезонлари бўлса-да, бадий шаклга тааллуқли барча саволларга шу каби аниқ жавоблари йўқ». Шунинг учун ҳам ижодий зиёлиларга муносабат масаласига қарорда алоҳида эътибор берилади, уларни буржуазиянинг ғоявий таъсиридан тортиб олиш ва «инқилоб хизматига сафарбар қилиш»нинг муҳимлиги таъкидланади. Гарчи қарорда «йўловчи» (попутчик)ларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш зарурлиги айтилса-да, уларнинг қиммати «адабий техника бобида мутахассис» эканликлари билан белгиланган. Яъни, улар ҳам шу жамиятнинг тўлақонли аъзоси, қолаверса, эркин яшашга ҳақли инсон эканликлари эмас, пролетар адабиётини шакллантиришда ёрдами тегиши мумкинлиги диққат марказида туради. Эътибор берилса, шу қарорнинг ўзидаёқ 30-йиллар қатағонининг мудҳиш нафаси сезилади.

Қарорда адабий танқид «партия қўлидаги муҳим тарбия куролларидан бири» дея таърифланади ва белгиланган мақсадларни амалга оширишда унинг зиммасига катта вазифалар юкланади. Жумладан, адабий танқиднинг асосий вазифаси «коммунизм мавқеини бир лаҳза бўлсин қўлдан бермай, пролетар идеологиясидан заррача чекинмай турли асарлардаги объектив синфий мазмунни очиб берган ҳолда адабиётдаги аксилинқилобий кўринишларга қарши бешафқат курашмоқ...» эканлиги уқдирилади. Тўғри, қарорда турли адабий қатламларга нисбатан аяб, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозимлиги ҳам айтилган. Бироқ шу жойдаёқ бунга «пролетариат билан бирга бориши мумкин бўлган ва борадиганларга» дея аниқлик киритилган. Тан олиш керак, қарор сиртдан қараганда адабиётнинг, бадий ижоднинг ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилгандек туюлади. Ҳатто, кимгадир адабиётимиздаги номақбул жараёнлар қарорни амалга оширишда нотўғри йўл тутилгани туфайли юзага келгандек бўлиб туюлиши ҳам мумкиндир. Бироқ, дурустроқ разм солган киши ундаги услубий жимжималар остида даврнинг ижтимоий ҳаётида ҳукм сурган «ё биз билан бирга, ё бизга душман» қабилидаги қоида ётганини бемалол кўради. Энг ёмо-



ни, бу ҳужжат шўронинг адабий сиёсатида дастуруламал бўлди. Бундан ҳам ёмони шуки, расмий ҳужжатда танқиднинг партия кўлидаги қурол эканлиги, ғоявий кураш қуроли эканлиги таъкидланмоқда. Бу эса, маълумки, кўп ўтмай адабий жараёнда ўз тасдиғини топди: бадий адабиётнинг санъат эканлиги деярли унутилди, адабий асарлар асосан ғоявийлик, синфийлик нуқтаи назарларидан текширилди ва баҳоланди, адабиёт ғоявий-сиёсий курашлар майдонига айланди. Буни адабий танқидчиликдаги Чўлпон ижоди бўйича ўтказилган баҳслар мисолида яққол кузатиш мумкин.

Профессор Озод Шарафиддинов «Чўлпонни англаш» номли рисоласида бу баҳсга муфассал тўхталади ва унга ҳолис илмий баҳо беради. Олимнинг таъкидлашича, «1927 йилда биринчи пардаси саҳнага кўйилган фожеанинг муқаддимаси 1925 йилга эмас, тўғридан-тўғри 1917 йилга бориб тақалади»<sup>22</sup>. Ҳақиқатан ҳам адабиётга, жумладан, Чўлпон ижодига синфий ёндашув 1925 йилга қадар ҳам кузатилган. Хусусан, З.Башир 1923 йилда: «Чўлпон ўртоқ «эл» ва «халқ» сўзларини кўп ёзса ва сўзласа ҳам, ул халқ шоири эмас, халққа яқин бўлган зиёлилар шоиридир. Унинг услуб ва руҳида халқчилик жуда оз»<sup>23</sup>, деб ёзса, бир йилдан сўнг А.Саъдий: «Чўлпон омма — халқ шоири эмас, ўқимишлилар, зиёлилар шоиридир. Уни омма — жалпи халқ тез англайди. Лекин шунинг баробарида, у халқ қайғуси билан (фақат ҳеч бир синфга айирмасдан) ёзғучи «халқчи» (народник) бир шоирдир»<sup>24</sup>, — дейди.

Аввало шуки, ҳар икки мунаққид ҳам Чўлпоннинг зиёлилар шоири эканлигини камчилик сифатида талқин қилган эмас. Чунки бунга зарурат ҳам йўқ, ҳали расмий кўрсатма ҳам берилган эмас. Иккинчи томондан, О.Шарафиддинов ёзганидек, «1923 ва 1924 йилларда ҳали «халқ шоири эмас, зиёлилар шоири» деган тасдиқ сиёсий айбдай қабул қилинмас эди». Хўш, унда бу хил ёндашувни қандай изоҳлаш мумкин? Бизнингча, бу ўринда давр ижтимоий ҳаётидаги ҳодисалар-

<sup>22</sup> Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. - Т.: 1994.

<sup>23</sup> «Туркистон» газетаси, 1923, 4 май.

<sup>24</sup> «Туркистон» газетаси, 1924, 12 январ.

нинг адабиётдаги, хусусан, танқиддаги инъикосига дуч келамиз. Яъни, жамиятнинг ўзи 1917 йилдан «эзувчи ва эзилувчилар»га бўлингани ва икки орада кескин курашлар кечгани ёдга олинса, бундай ёндашувнинг пайдо бўлиши ажабланарли эмас. Юқоридаги қарор эса, маълумки, сал ўзгарган шароитда, шўро ҳукумати «маданий инқилоб жабҳасига кирган» бир пайтда қабул қилинган. Табиийки, шўро ҳукумати ўз ҳокимиятини — пролетариат диктатурасини мустаҳкамлаб олгачгина маданий жабҳада инқилоб яшашга чоғланиши мумкин эди. Айтмоқчимизки, бу масаланинг илгарироқ кун тартибига қўйилиши мумкин бўлмаган, ундан зарурроқ вазифалар турарди. Шу боис ҳам қарорда «маданий инқилоб даврига қадам қўйилгани», «умуман синфий кураш тўхтамаганидек, унинг адабиёт жабҳасида ҳам тўхтамагани» таъкидланади, курашга даъват қилинади. Ушбу даъватга биринчилардан бўлиб «лаббай» деганлардан бири Олим Шарафиддинов бўлди. Унинг «Айн» имзоси билан «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1927 йил 14 феврал сонидан эълон қилинган «Ўзбек шоирлари. Чўлпон» номли мақоласи қарорни амалга ошириш йўлидаги илк ва шу билан бирга самарали ҳаракат саналади. Айн масалани тубандагича қўяди: «Чўлпон кимдир? У кимнинг шоири?» деган сўроққа, қисқача қилиб, «Чўлпон буткул кирликдан озод инсондир: бу шоирдир», деб чиройлик жумла билан жавоб берувчилар, унга юксак баҳо қўювчилар орамизда бор». Кўришиб турибдики, мунаққид Чўлпон ижодига нисбатан мавжуд қарашларни нотўғри деб билади, уларни тўғрилашга жазм қилади. Унинг синфий ёндашув асосида чиқарган «тўғри» хулосаси эса бундай: «Чўлпон ... миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шоиридир. Унинг мафкураси шуларнинг мафкурасидир». Айн З.Башир ва А.Саъдийлар хулосасига «миллатчи, ватанпараст, бадбин» аниқловчиларини қўшди холос, бироқ шунинг ўзи энди чинакам айблов сифатида жараанглади. Гап шундаки, Айн мақоласидан бир йил олдин 1926 йилда зиёлилар масаласи кенг муҳокамага чиқарилган, матбуотда ўнлаб мақолалар эълон қилинган, турфа фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Аслида, бу ҳам «маданий инқилоб»

талаби билан кун тартибига қўйилган масала эди. Шу йил январ ойида республика маданият ва маориф ходимларининг I қурултойида зиёлилар масаласида доклад қилган А.Икромов: «Диний йўлда юрган эски уламо билан илгариги сармоядорлик ва миллатчилик йўлида юриб, шу йўлда ишлаган зиёлиларни биз «ҳозирги зиёлилар» деб айта олмаймиз. «Ҳозирги зиёлилар демакдин мурод «шўро зиёлиси» дейишдирким, шўро зиёлиси бўлиш учун коммунистлар фирқасининг мақсадига мувофиқ Шўролар ҳокимиятини ва йўқсиллар маданиятини тузиш йўлида ишлаш лозимдир»<sup>25</sup>. Агар А.Икромов (у эса расмий шахс) гаплари контекстида қаралса, Айн қўшган сифатлар Чўлпон «миллатчилик йўлида юрган»лар қатори «ҳозирги зиёли» саналиши мумкин эмас, бунинг устига унинг ижоди ҳам «шуларнинг мафқурасидир» деган хулосани келтириб чиқаради. Айн айбловни яна ҳам кескинлаштириб, шоирни тор миллатчига чиқаради: «Русларни ҳеч қандай гуруҳга ажрата олмайди. Бутун руслар унинг назарида мустамлакачилардир. Чўлпон инқилобдан рози, фақат руслардан, русларнинг ватанда қолишларидан рози эмас». Яна бир жиддий айблов шуки, Чўлпон «ёшларга ўз мафкура таъсирини, миллатчи, ватанчилик ҳисларини ўтказди». Яъни, шоир ижоди ғоявий жиҳатдан зарарли дейилмоқдаки, шу мақоладан сўнг «чўлпончилик» (чўлпонизм) ҳақида гаплар қўзғалгани ҳам бежиз эмас.

Айнинг мақоласига Ойбек муносабат билдириб, «Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак»<sup>26</sup> номли мақоласи билан чиқди. Ойбек «ёш адабиётимизнинг кўримли чечаги бўлгон Чўлпон ҳақида фикр юритган ўртоқлар уни ҳаққоний текшириб кўрсата олмадилар», деркан, «шоир ва адибларнинг асарларини, уларнинг адабиётда тутган мавқеларини, келтирган янгиликларини, нуқсонларини илмий бир метод билан текшириш» кераклигини таъкидлади. Ойбек ўз даври танқидчилиги олдиға ғоят муҳим масалани қўйди — берилаётган баҳо, чиқарилган ҳукм-хулосалар илмий асосланган бўлиши лозим. Ҳолбуки, Айнда «худди шу ме-

<sup>25</sup> «Маориф ва ўқитғучи» журнали, 1926, №1, 16-б.

<sup>26</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1927, 17 май.

тод йўқ. Ҳе йўқ, бе йўқ, қаламга ёпишади». Масалага илмий ёндашувнинг, илмий «текшириш»нинг йўқлиги учун ҳам, Ойбек таърифича, «Айн ўзининг кўкда учишидан хабарсиз», яъни фикрлари асосга эга эмас. Ойбек «Чўлпонда миллий парчалар йўқ деб ҳеч ким айта олмас»лигини эътироф этади, аини пайтда ундан «пролетар шоири» бўлишликни талаб қилиш тўғри ҳам эмас, деб билади. Чунки у «ўзининг муҳити, тарбияси ва интилишлари эътибори-ла бундан узоқ». Ойбек шоирга муносабат қандай бўлиши лозимлигини русларнинг Пушкинга муносабати мисолида тушунтирмақчи бўлади: «Пушкин йўқсул эл учун ёзгон бир шоир эмас. Ул помешчик ва тўралар шоири. Мафкураси ҳам ҳозирги замонга мувофиқ эмас. Бўлмаса, уни нечун бу қадар севиш? Пушкин кўб гўзал асарлар яратди...» Кўраминики, Ойбек бу ўринда санъаткорнинг қадр, асарларининг қиммати мафкура жиҳати билангина белгиланмаслигини айтмоқчи. Пушкин ҳақидаги бу мулоҳазалар асосида мунаққид «биз ҳам Чўлпондан қўл торта олмаймиз» деган тўғри хулосага келади. Энг муҳими, ёш шоир мақола ниҳоясида Чўлпонга, унинг ижодига тўғри баҳо бера билди: «Чўлпон янги адабиётда янги нарсалар яратди. Мувашшаҳ адабиёти ўрнига бу куннинг бадий завқига яраша, ёқимли, гўзал шеърлар ўртага чиқарди. Бугунги ёш насл унинг содда тилини, тотли услубини, техникасини кўб севади. Ундан кўб гўзалликлар олади. Чўлпоннинг мафкураси эмас, балки яратган бадий намуналари ўқулади, воз кечилмайди». Бундан аниқ бўладики, Ойбек адабиётда, аввало, санъатни, гўзалликни қадрлаш тарафдори.

Чўлпон ижоди буйича баҳсга қўшилган Усмонхон Ойбекни «Шоир Чўлпоннинг мафкураси ҳақида Айн томонидан ёзилгон бир турли тўғри фикрларнинг қийматини туширишга тиришиш»да<sup>27</sup> айблади. Умуман, Усмонхон ўз мақоласида Чўлпонни айблаш бобида Аинни давом эттирган бўлса, Ойбек билдирган фикрларни асоссиз инкор қилиш ва мунаққидга ҳам турли айблар тақаш йўлидан борди; бундай тенденциозлик мақолада илмий мантиқдан, баҳс этикасида чекинилган қатор нуқталарни юзага келтирди<sup>28</sup>. Шу маънода, Ойбекнинг жавоб мақоласидаги «бошқа

<sup>27</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1927, 23 июн.

<sup>28</sup> Қаранг: Озод Шарафиддинов. Чўлпонни англаш. – Т.: 1994.

илм соҳаларида бўлғони каби, адабий асарларни текширган вақтда ҳам шахсий орзу ва тилакларни бир томонга йиғиштириб қўйиб, масалага объектив қараш лозим ... акс ҳолда тадқиқ ва таҳлилдан бир чақалик натижа чиқмас...»<sup>29</sup> деган фикри нафақат Айнга, балки Усмонхонга ҳам тўғридан-тўғри алоқадордир.

Чўлпон ижоди бўйича баҳсга республика маданият ходимларининг II қурултойида нутқ сўзлаган А.Икромов яқун ясади: «Айн Чўлпонни мафкура жиҳатидан тўғри танқид қилди <...> мафкура жиҳатидан шундай танқиднинг бўлиши керак эди <...> Ёш шоиримиз Ойбек эса масалани мафкура жиҳатидан кўра олмай, фақат тил, услуб, ифода ёғини кўрди»<sup>30</sup>. Бу расмий доиралар баҳсда Айн томонида турди, деганидир. Чўлпон ижоди бўйича баҳс, унга А.Икромов ясаган яқун шўро танқидчилигининг етакчи хусусияти — адабий асарни баҳолашнинг бош мезони сифатида унинг «мафкура жиҳатини» тушуниш амалиётини қарор топтирди. Эътиборли жиҳати шуки, шўро даври ўзбек танқидчилиги мазкур баҳсга кейин ҳам тўхталган, бироқ унга берилган баҳо, муносабат А.Икромов билдирган фикрдан йироқлашгани йўқ. Бу фикрнинг далили сифатида қуйидаги кўчирмаларни келтирамиз:

«Айн мақоласи адабий ҳаётда ва танқидчиликда муҳим воқеа бўлди. У материалистик танқид принципларига амал қилиб, асар анализини ғоявий мазмундан келтириб чиқарди». (Ҳ.Ёқубов, 1967)<sup>31</sup>

«<...> танқид соҳасида марксча-ленинча методологияни муваффақиятли равишда эгаллаётган кадрлар ҳам бор эди. Айн (Олим Шарафуддинов)нинг <...> мақоласи шундан далолат берар эди<...>

Адабий танқиднинг Чўлпон ижодига берган баҳоси у ғоявий-эстетик жиҳатдан анча етилиб қолгани аломатидир». (М.Юнусов, 1987)<sup>32</sup>

<sup>29</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1927, 28 август.

<sup>30</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1927, 10 октябр.

<sup>31</sup> Адабиётимизнинг ярим асри. — Т.: 1967, 355-6.

<sup>32</sup> Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. 1-жид. — Т.: 1987, 60-62 бетлар.

«Чулпон ижоди тўғрисида бундай мақоланинг (Айн мақоласи — Б.Р) пайдо бўлиши, шубҳасиз, ўзбек совет адабиётининг ғоявий такомилда муайян аҳамиятга эга бўлди». (Б.Дўстқораев, 1989)<sup>33</sup>

Айтиш керакки, Б.Дўстқораев Айн мақоласининг «заиф жиҳатлари» ҳам борлигини кўрсатиб берди, бироқ, ҳатто истиқлол арафасида ёзилган мақолада ҳам унинг «муайян аҳамияти» таъкидланганки, бу юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Озод Шарафиддинов Ойбекнинг баҳсдаги иштирокига тўхталиб, унинг фикрлари «адабиётшуносликдаги ақидапарастлик ва вульгар социологизмга қарши курашда, ижодкорларни калтаклардан, ўринсиз зуғумлардан асрашда дурустгина замин бўлиши мумкин эди»<sup>34</sup> деб ёзади. Бироқ, афсуски, «партия қўлидаги муҳим тарбия қуролларидан бири» саналган шўро адабий танқидчилиги адабиётнинг эмас, аввало, партиянинг манфаатларини кўзлаши лозим эди. Шу сабабдан ҳам шўро даври танқидчилигининг Ойбекнинг фикрларига муносабати деярли ўзгаришсиз қолди. Буни тасаввур қилиш учун юқоридаги муаллифларнинг фикрларини тартиби билан келтириб ўтамыз:

«<...> у шакл ва мазмун ўртасидаги диалектик бирликни кўра олмади» (Ҳ.Ёқубов)

«<...> асарларидаги формал фазилатларнинг ролини ўша асарлардаги мазмундан ажратиб баҳолади ва натижада Чулпон маҳоратининг сабоқлари ҳақида муболағали, нотўғри хулосаларга келди. <...> у Пушкиннинг чуқур гуманистик мазмунли асарлари билан Чулпоннинг тор миллатчилик билан суғорилган асарларининг мазмуни орасидаги жуда катта фарқни эътиборга олмайди, Чулпон асарларидаги бадиий воситалар реакция ғояларга хизмат этганини пайқамайди» (М.Юнусов)

«Ойбекнинг Пушкин ва Чулпонни қиёслашида ҳам фикрий мутаносиблик мантиқи бузилганини кўрамыз» (Б.Дўстқораев)

Келтирилган мисоллардан кўришиб турибдики, баҳсда билдирилган фикрларга муносабат 60 йилдан зиёдроқ давр мобай-

<sup>33</sup> «Шарқ юлдузи» журнали, 1989, №6, 193-б.

<sup>34</sup> Шарафиддинов О. Чулпонни англаш. — Т.: 1994.

нида туб ўзгаришга учраган эмас. Бу эса шўро давридаги танқидчилигимизда 20-йиллар шароитида куртак чиқарган ва 1925 йил қарори таъсирида барқ уриб яшнаган тамойиллар — адабий асарни гоъвий- мафкуравий жиҳатдан баҳолаш, бунда «ягона ва энг тўғри» дея бешак қабул қилинган марксизм-ленинизм таълимотини бош мезон қилиб олиш амалиёти етакчи бўлиб қолганини (албатта, намоён бўлиш даражаси, тарзи турлича) кўрсатади.

Худди шунга ўхшаш ҳолни танқиднинг А.Қодирий ижодига, хусусан, «Ўтган кунлар» романига муносабатида ҳам яққол кузатиш мумкин. Чўлпонга қарши хуруж бошланганидан бир йил ўтар-ўтмас «За партию» журналининг 1928 йил 3-сонида рус ёзувчиси М.Шевердиннинг «Биринчи ўзбек романи» номли мақола-си эълон қилинди. Муаллиф бошлаб романнинг фазилатларидан сўзлайди, бироқ асосий эътиборни унинг гоъвий жиҳатларига қаратиб, «Мафкура жиҳатидан А.Қодирий романи — биринчи ўзбек романи — бизнинг роман эмас» тарзидаги хулоса чиқаради. Умуман, А.Қодирий романига қўйилган айблар адабий танқидчиликда кейин ҳам, хусусан, С.Хусайн, Ойбек асарларида айрим жузъий ўзгаришлар билан деярли такрорланди<sup>35</sup> — вульгар социологик танқид тамғасининг излари то истиқлолгача сақланиб қолди, десак муболаға бўлмайди. Танқидчиликнинг икки буюк адиб ижодига ёндашувида кузатилган ўхшашлик бунинг шўро тузуми, унинг адабиёт соҳасидаги сиёсати билан боғлиқ қонуний ҳодиса эканлигини намойиш этади.

Инқилобдан кейинги дастлабки йиллардаёқ «янги маданият, янги адабиёт қандай бўлиши керак?» тарзидаги саволлар ўртага қўйилган эди. 20-йилларнинг ўрталаридан, хусусан, 1925 йил қароридан сўнг бу масала «пролетар маданияти», «пролетар адабиёти» шаклларида яна диққат марказига чиқди. Шуниси эътиборлики, бу масалада ҳам қарашлар турличалиги, кўпинча, бир-бирига зидлиги кузатилади. Жумладан, шоир Олтой ўзининг «Ер юлдузлари» шеърий тўпламига ёзган сўнг сўзида инқилоб «инқилобий адабиёт туғдирган»ини таъкидларкан, «кучли инқилобий

---

<sup>35</sup> Муфассал маълумот учун қаранг: М.Қўшжонов. Қодирий — эркислик қурбони. — Т.: 1992.

руҳ билан суғорилган ёш адабиётчиларнинг ҳаммаси «пролетар адабиётининг хизматчилари» отини олиш ҳақиға бутунлай муваффақ бўла олмаган бўлсалар ҳам, ораларида шунга интилувчилар йўқ эмас» деб ёзади. Олтой бу фикрини кейинча аниқроқ қилиб таъкидлайди: «Ҳали бизда айтишга лойиқ пролетар адабиёти йўқ, энди тузилиб боради...»<sup>36</sup> Аслида, Олтойнинг бу фикрлари 1925 йил қароридаги пролетариат «ўзининг бадиий адабиётини, ўзига махсус бадиий шакл ва услубни ишлаб чиқолмади» деган фикрга монанд эди. Бироқ, бунга зид қарашлар ҳам мавжуд эди. Масалан, Сотти Ҳусайн фикрича, «Ҳозир бизда ўзбек пролетар адабиёти ва унинг вакиллари бор. Буни инкор қилиш пролетар мавзуидаги миллий маданиятни инкор қилиш бўлади». Қизиги шундаки, С.Ҳусайн бу хулосасининг далили сифатида «Иттифоқ пролетар ёзувчилари қурултойи чор даврида мустамлака бўлган жойларда ҳам пролетар адабиёти бор» деганини келтиради. Ҳолбуки, илгарироқ шу мақоланинг ўзида у «Пролетариат ҳокимиятга чиқиши билан ўз вақтида маданий-маориф иши билан шуғулланиши лозим. Шу йўсинда санъат ва адабиётни ҳам қайтадан қурғусидир...» деб ёзади. Диққат қилинса, С.Ҳусайннинг фикрларидан шўро даврида одатга айланган «бажарамиз»чилик иси келади: мунаққид эндигина яратишга киришилган («Қайтадан қурғусидир» - яъни, энди қуради, қураяпти — Б.Р.) нарсани «бор!» деб рапорт берилади гўё. Мунаққиднинг фикрича, пролетар адабиёти саналиши учун «пролетариатнинг синфий мақсадларини ўз олдиға қўймоқ» шарт қилинади. Ҳақиқатда бу ўз даврида кўпчилик мунаққидлар томонидан у ёки бу йўсинда эътироф этилган қарашдир. Бироқ, ўзини пролетар мавқеида турибман деб билган мунаққидлар «Ўзбекистонда пролетариатнинг ўзи синф сифатида шаклланганми?» деган саволни қўйиб кўрмайдилар, яъни республикадаги мавжуд шароитдан келиб чиқиб эмас, марказдан андоза олган ҳолда фаолият юритадилар.

Пролетар адабиётини яратиш ва ривожлантириш мақсадлари билан тузилган ТАПП(1924), УзАПП(1930) ташкилотлари-

<sup>36</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1928, 7 август.



нинг фаолияти адабиёт жабҳасидаги ғоявий курашларни кескинлаштирган омиллардан бири бўлди. Бу ташкилотлар қарорда айтилган «пролетар ёзувчиларнинг гегемонлик қилиш ҳуқуқи»га эга бўлиш йўлидаги саъй-ҳаракатларида қатор бир ёқламаликларга йўл қўйдилар. Бу нарса, айниқса, адабий меросга муносабат масаласида яққол кўринди. Бу ташкилотларнинг айрим вакиллари пролеткультчилар таъсирида бўлиб, ўтмиш адабий мероси янги жамиятда нокерак, унинг анъаналари пролетар адабиёти учун асос бўлолмайди қабилидаги хато фикрларни олдинга сурдилар. Масалан, Юнус Латиф адабиётимизнинг «олтин даври» бўлмиш XV аср адабиётини «сарой адабиёти», бу даврда ижод қилган сўз санъаткорларини «феодал синфининг куйчилари» деб атади<sup>37</sup>. Мунаққид «эски адабиётимизнинг шакллари XX асрда қўлланишга яроқсиз» дея ҳукм чиқараркан, бунга классик адабиётнинг «вазн, оҳанг, шаклда араб-форс адабиёти таъсирида қолгани»ни асос қилиб олади. Албатта, давр руҳи, мавзулар кўлами адабиётда вазн, оҳанг, шакл бобида муайян янгилишни тақозо этарди, бироқ бу янгиликлар билан анъаналар орасидаги алоқанинг, янгилик асосида ҳар вақт анъана ётишининг инкор қилингани методологик жиҳатдан мутлақо нотўғри эди. Шу хил хато фикрлар натижасида «биз эски адабиётни шаклмундарижаси билан йиқитиб, ўрнига соғлом пролетар адабиётини курамирмиз»<sup>38</sup> тарзидаги асоссиз даъволар пайдо бўлди.

Фитрат томонидан тузилган «Ўзбек адабиёти намуналари»(1927) мажмуасининг нашр этилиши билан мерос масаласидаги баҳс яна қизиди. «Қизил Ўзбекистон» газетаси кетма-кет учта сониди Ж.Бойбўлатовнинг «Ўзбек адабиёти ва чигатоичилик»<sup>39</sup> номли нигилистик руҳдаги мақоласини эълон қилди. Муаллиф адабий меросни тамомила инкор қилиш, мажмуанинг тузувчиси Фитрат ва унга сўз боши ёзган О.Ҳошимни фош этиш каби ғайриилмий мақсадларни кўзлагани учун ҳам мақолада илмий фикрлашдан кўра сиёсий-мафкуравий дағдаға, тирноқ остидан кир қидириш ҳаракати, танқид этикасидан ташқарида-

<sup>37</sup> «Ёш ленинчи» газетаси, 1928, 6 апрел.

<sup>38</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1928, 5 октябр.

<sup>39</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1927, 13, 14, 15 май.

ги иборалар кўпроқ ўрин олган. Унинг фикрича, мумтоз адабиётимизнинг барча намояндалари — «диний маънавият ва тасаввуф маслагининг бориб турган вакиллари», «чигатой нафис адабиёти мазмун жиҳатидан тасаввуфлик билан, шакл жиҳатидан араб ва форслик билан суғорилган». Ж.Бойбўлатовга кўра, «Чигатой шоирлари мутасаввуфлар (унинг тушунчасида бу сўз ҳақоратдек — Б.Р.) хаёлпарастлар, символистлар ва бошқалар», улардан қолган мерос янги адабиётга ҳеч нарса бермайди. Бунга жавоб тарзида О.Ҳошим «Адабий мерос ва чигатой адабиёти»<sup>40</sup> номли мақола эълон қилди. Унда муаллиф ҳақли равишда Ж.Бойбўлатов мақоласини илмийликдан йироқ «Кўпол бир фельетон» деб атайди. О.Ҳошим адабий мерос масаласини бу йўсин ҳал қилиб бўлмаслигини, «эски адабиёт ва маданият пролетар адабиёти ва маданиятини тузиш учун асос» эканини, фақат ундан танқидий ёндашган ҳолда фойдаланиш лозимлигини таъкидлайди. Жумладан, мунаққид чигатой адабиётида юксак бадий намуналар ва чинакам санъаткор шоирлар бор, булар пролетар шоирларининг бадий маҳоратини оширишда муҳим деб ҳисоблайди. Айтиш керакки, О.Ҳошим чиқишида ҳам 1925 йил қарорининг излари бор. Унинг учун ўтмиш адабиёти фақат шакл жиҳатидан аҳамиятли, унда «шакл мазмун устидан ҳукм суради». Шунга қарамай, О.Ҳошим адабий мерос масаласида, адабий меросни кўр-кўрона инкор қилиш тенденцияси кучайган шароит нуқтаи назаридан, нисбатан тўғри ва асосли мавқеда тура олди.

Ж.Бойбўлатов мақоласидаги таҳлил ва баҳолаш йўсинини унга жавоб тарзида ёзилган «Ёпишмаган гажаклар» номли очиқ хатида<sup>41</sup> Фитрат топиб ўхшатади: «Бизда болалар орасида «Кўзим кўрмайди» деган бир ўйин бор: бир бола кўзини қаттиқ боғлагандан кейин, қўлига узун бир таёқ олиб, ўртада туради. Бошқалар унинг оёғини олмоқ учун атрофдан ҳужум қиладилар. Таёқли бола таёғини кўтариб «кўзим кўрмайдир» деб, тез-тез айланаберадир, таёқ кимга тўғри келса, шунга тегадир. Мақолани ёзганда сизнинг қаламингиз ҳам шул кўзи кўрмас бола-

<sup>40</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1927, 16, 17 июл.

<sup>41</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1927, 15, 16 сентябр.

нинг таъғига ўхшаган: айланган, айланган, кимга тўғри келса, шунга теккан, орада менинг китобим унутилган...» Адабиёт тарихидан беҳабар ҳолда шу масалада баҳс юритган Ж.Бойбўлатовга қарата Фитрат «Сиз адабиёт тарихининг одами эмассиз, мақолангиз эса тасодифий бир ҳодисадир», деб ёзади. Муҳими, Фитрат чинакам олим сифатида бу даъвои куруққина қайд этиб қўймай, балки ҳар жиҳатдан асослаб беради. Жумладан, Ж.Бойбўлатовнинг ўзи танқид қилаётган даврлаштириш масаласида биронта жўяли таклифни беролмагани, Яссавийни чиғатой шоирлари қаторида санаши, «шакл билан вазни бир-биридан ажрата олмағони» кабиларни келтиради. Фитрат мақоладаги танқид йўсинининг ноҳолислигини таъкидлаб кўрсатади. Ж.Бойбўлатовнинг мажмуа бир ёқда қолиб тузувчининг «таржимаи ҳолини текширишга» киришгани, айрим парчани матндан узиб олиб танқид қилгани, мажмуага кирмаган шеър таҳлили асосида мажмуага муносабат билдиргани ҳақиқатан ҳам бунга асос беради. Фитрат бу хил йўл «илмий бир ҳаракат саналмайдир» деб ёзганида тўла ҳақ эди.

Албатта, Ж.Бойбўлатовнинг тузувчи «таржимаи ҳолини текширишга» киришгани «попутчик»ларга муносабат масаласи ўртага чиққан бир пайтда асло бежиз эмас ва буни Фитрат ҳам жуда яхши ҳис қилган. Шунинг учун ҳам мақолада ўзининг ҳаёт йўлини кўрсатиб ўтаркан, бунда янги ҳукуматга хизматларини, дунёқарошидаги ўзгаришларни алоҳида таъкидлаб ўтади. Фитрат ўзини бир пайтлар «мутасаввуф, панисломист, пантуркист» бўлганликда айблаган танқидчига қарата: «Бу кун бир кўб кишиларнинг мозилари ҳақида гапириш мумкин. Лекин гапиришигина старли эмас. Уларнинг мозилари билан бугунги ишлари орасидаги муносабат ва алоқани кашф этиш керак!» дейди. Аслида, Фитратнинг бу гапи «йўловчилар» масаласида баҳсга киришган ва киришайтган танқидчиларнинг барига тааллуқлидир. Юқорида кўриб ўтдикки, 1925 йил қарорида «йўловчилар» деб «пролетариат билан бирга бориши мумкин бўлган ва борадиган» ёзувчи-шоирлар аталган, уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш зарурлиги айтилгани ҳолда «адабиётдаги аксилинқилобий кўринишларга қарши бешафқат курашмоқ...» вази-

фаси қўйилган. Шу талаб асосида 20-йиллар адабий танқидчилигида, айниқса, сул қанотга мансуб танқидчилар фаолиятида адабий-эстетик қарашлари шўродан илгари шаклланган барча ижодкорларга ишончсизлик билан қараш, уларнинг ижодини ғоявий камчиликлар излаш каби салбий ҳоллар кузатилди. Юқорида бунда Чўлпон ва Фитрат ижодига муносабат мисолида қисман кўриб ўтдик. Адабий танқид бундай сиёсий ҳушёрликни фақат катта авлод вакилларига нисбатангина эмас, асосан, шўро маъқеида турган Элбек, Ойбек, О.Ҳошим, Олтой каби ижодкорларга нисбатан ҳам кўрсатди. Масалан, илк ижодида «соф лирика»нинг гўзал намуналарини яратган, асарларида Чўлпондан таъсирланиш излари сезилган Ойбекка нисбатан: «асарларингиздаги мафқурани ленинчи комсомол номига жавоб берадиган вазиятга келтирсангиз сизга — нажот, бўлмаса — ҳалокат»<sup>42</sup> қабилида дағдағалар қилингани адабиётга вульгар социологик ёндашувнинг ёрқин намунасидир. Энг ёмони, йигирманчи йиллар танқидчилигида турли даражадаги сиёсий айбловлар тақалган ижодкорларнинг деярли барчаси 30-йиллар қатағонига учради: бириси отилди, иккинчиси қамалди, бошқаси сургун қилинди, яна бири ишдан қувилиб жонини ҳовучлаб мудом ҳадикда яшашга мажбур бўлди...

Юқорида айтилганлардан 20-йиллар адабий танқидчилиги фақат ғоявий курашлардангина иборат бўлди, деган хулоса чиқмаслиги керак. Танқидчилар орасида ўзининг мафқурагагина эмас, адабиётга ҳам хизмат қилаётганини дилдан ҳис қилганлари кўп бўлган. Шундайларнинг саъй-ҳаракатлари билан давр адабий танқидчилигида қатор адабий-назарий масалаларни ҳал этиш, бой адабий меросни тарғиб этиш каби мақсадларга қаратилган ўнлаб мақолалар яратилди. Жумладан, Фитратнинг «Шеър ва шоирлик», А.Авлонийнинг «Санонъ нафиса», А.Саъдийнинг «Гўзал санъат дунёсида» сингари мақолалари; «Адабиёт қоидалари» (Фитрат), «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари» сингари қўлланмалар ўзбек адабиётшунослигида адабиёт назариясининг алоҳида

---

<sup>42</sup> Ўзбек совет адабий танқидчилиги. 1-том. — Т.: 1987, 39-б.

тармоқ сифатидаги шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу даврда эълон қилинган кенг оммани ўтмиш адабий мероси билан таништирувчи мақолалар ҳам, асосан, катта авлод танқидчилари томонидан ёзилгандир. Фитратнинг «Чигатой адабиёти», «Муқаддиматул адаб», «XVI асрдан сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш», «Шайбонийнома»; А.Саъдийнинг «Чигатой ва ўзбек адабиёти ҳам шоирлари», «Яссавий ким эди?», В.Маҳмуднинг «Алишер Навоий», «Навоийгача турк адабиёти», «Фузулий Бағдодий», Тўғрулнинг «Эски шоирларимиздан Муқимий» сингари ўнлаб мақолалар, Фитрат томонидан тузилган «Энг эски турк адабиёти намуналари», «Ўзбек адабиёти намуналари» сингари мажмуалар айрим камчилик ва нуқсонларига қарамай, халқни ўтмиш адабий меросига яқинлаштиришда жуда катта аҳамиятга молик эди. Шуниси ҳам борки, бу мақоллар ўзбек адабиётшунослигида ўтмиш адабиётини тарихийлик принципи асосида тадқиқ этиш амалиётини бошлаб берди, адабиётшунослигимизда мустақил адабиёт тарихи соҳасининг шаклланишига асос бўлди.

Юқоридагича ютуқлари ҳам борлигига қарамай, умуман олганда, 20-йиллар адабий танқидчилигимиз тарихида «мавжуд имкониятларни йўқотиш» даври бўлганини айтиш керак. Чунки жадидчилик таъсирида шаклланган ўзбек адабий танқидчилиги бу даврда айни кучга тўлган, ўзининг бутун кучини адабий-эстетик муаммолар тадқиқига, бадий дидни тарбиялаш ва бадий тафаккурни ўстириш мақсадига қаратиши мумкин эди. Бироқ, бу танқидчилар воизликдан эндигина қутулган пайтда танқид соҳасида янги мафкуранинг воизлари етишгани, икки томон орасидаги ғоявий (кўпинча ғайриилмий ва ғайриадабий) кураш истеъдодли мунаққидларимиз кучининг «ўтин ёришга» сарф этилишига олиб келди.

\* \* \*

1932 йил 23 апрелда ВКП(б) МКнинг «Адабий-бадий ташкилотларни қайта қуриш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Адабий жарасенга бевосита ва кучли таъсир ўтказган омил бўлган

ни, иккинчи томондан, давр адабий жараёнидаги ҳодисалар моҳиятини англашда муҳимлиги учун унга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Қарорнинг тушунтириш қисмида шундай дейилади: «Бундан бир неча йиллар аввал (яъни, 1925 йилда — Б.Р.), янги иқтисодий сиёсатнинг дастлабки йилларида, айниқса, жонланиб қолган ёт унсурларнинг адабиётда сезиларли таъсири мавжуд бўлган, пролетар адабиёти кадрлари ҳали заиф бўлган бир пайтда, партия пролетар ёзувчилари ва санъат ходимларининг мавқасини мустаҳкамлаш мақсадида адабиёт ва санъат соҳасида махсус пролетар ташкилотларини тузиш ва кучайтиришга ҳар томонлама ёрдам берган эди.

Ҳозирги вақтда, пролетар адабиёти ва санъатининг кадрлари етишиб чиқишга улгурган, фабрика, завод ва колхозлардан янги ёзувчилар майдонга кирган пайтда, мавжуд адабий-бадий ташкилотлар (ВОАПП, РАПП, РАПМИ ва б.) доиралари эндиёқ торлик қилиб қолди ва бадий ижоднинг кенг қулоч ёйишига тўсқинлик қилмоқда.

Мазкур ҳолат бу ташкилотларнинг шўро ёзувчи ва санъаткорларини социалистик қурилиш вазифаларини бажаришга сифарбар жиплаштириш воситасидан алоҳида тўғарақлар доирасида чекланганликни ёйиш воситасига айланиб қолиши, замонанинг сиёсий вазифаларидан ҳамда социализм қуриш ишига хайрихоҳ ёзувчи ва санъаткорларнинг салмоқли гуруҳидан узилиб қолиш хавфини юзага келтирмоқда»<sup>43</sup>. Мазкур шароит ҳисобга олинган ҳолда пролетар ёзувчилари ташкилотларини тугатиш ва «Шўро ҳокимияти платформасини қўллаб-қувватловчи ҳамда социалистик қурилишда иштирок этишга интилаётган барча ёзувчиларни таркибида коммунистик фракцияси бўлган ягона шўро ёзувчилари иттифоқига бирлаштириш»га қарор қилинди.

Қарорнинг қабул қилиниши шўро даври адабиётшунослиги ва танқидчилиги томонидан муҳим воқеа сифатида баҳоланган<sup>44</sup>. Энг муҳими, бунини ўз даврида кўплаб ёзувчи-шоирлар ҳам эъти-

<sup>43</sup> Введение в литературоведение. Хрестоматия.- М.: 1988, 62-с.

<sup>44</sup> Қаранг: Ўзбек совет адабиёти тарихи. II том.-Т.: 1971, 5-8 б. Ўзбек совет танқиди тарихи. I том.-Т.: 1987, 154-155 б.

роф этганлар. Жумладан, А.Қодирий 1934 йилда: «... 23 апрел тарихий қарори билан адабиётимиз ўзининг янги даврини бошлади. Чунки шўро адабиёти бу тарихдан бошлаб ўз қаноти остига шу кунгача социализм қозонида қайнамай келган «эскироқ» ёзувчиларни ҳам олди, уларга раҳбарлик қилди, турли моддий ва маънавий ёрдамлар берди ва бермоқда»<sup>45</sup>, — деган эди. Албатта, УзАИШчиларнинг ноўрин ғоявий хуружларидан безган «эскироқ» ёзувчилардан бирининг бу эътирофини ҳозир кўпчилик муроса учун бўлган, деб айтиши мумкин. Лекин буни фақат мажбурият туфайли айтилган деб ўйлаш унчалик тўғри эмас. Ҳақиқатан ҳам қарор қабул қилингандан кейинги дастлабки йилларда юқори ижодий фаоллик кузатилган, ижодий самарадорлик ошган, демак, А.Қодирийда самимий гапиришга асос бор эди. Иккинчи томондан, қарорда РАППчиларнинг танқид қилингани сабабли, А.Қодирий айтгандек, «эскироқ» ёзувчиларга муносабат бироз вақт давомида сезиларли юмшаган ҳам: «Ўтган кунлар» (1933)нинг қайта нашр қилингани ёки «Кеча ва кундуз» (1936)нинг эълон қилингани шу «юмшаш» натижаси эди. Аммо бугунги кун нуқтаи назаридан, қарордан кейинги қарийб 60 йиллик давр адабиёти ҳақида маълум тасаввурга эга одам кўзи билан қаралса, қарорнинг катта ҳисобда зарарли бўлганини сезиш мумкин.

Аслида, шўро ҳукуматининг адабиёт соҳасидаги сиёсати унинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги сиёсатидан, умуман, мамлакатдаги ички сиёсатидан андоза олган ҳолда амалга оширилган. Тарихдан маълумки, фуқаролар уруши даврида тамом издан чиққан иқтисодиётни тиклаш учун буржуазиянинг моддий-техник имкониятларидан фойдаланиш зарурлиги учун НЭП (янги иқтисодий сиёсат) жорий этилган, кейин, иқтисод бироз ўзига келгач, НЭП тугатилган эди. 1925 йил қарори адабиёт соҳасидаги НЭП эди, бунда ҳам буржуа ёзувчиларидан пролетар адабиётини яратишда фойдаланиш мақсади кўзланган эди. Ҳар қанча камчиликларига қарамай, 20-йиллар адабий жараёнида қарашлар турличалиги (НЭП даврида кўп укладли иқти-

<sup>45</sup> Ўзбек совет адабиёти тарихи. II том.-Т.: 1971, 8-6.

сод бўлгани каби) мавжуд эди. Иқтисодиётда яккаҳокимликка эришиб бўлган шўро адабиётдаги бу ҳолатдан қоникмас эди ва 1932 йил қарори адабиётда яккаҳокимликни эгаллаш йўлидаги илк қадам бўлди: адабиётдаги қарашлар турличалигига барҳам берилди.

Аввал миллий республикаларда, кейин иттифоқ миқёсида тузилган Совет ёзувчилари уюшмаси адабиётдаги яккаҳокимликни амалга ошириш воситаси бўлиб қолди. Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасининг 1934 йил августида ўтказилган биринчи съездидаёқ шўро адабиётининг вазифалари аниқ қилиб қўйилди, нима қандай тасвирлаш, нимага қандай муносабатда бўлиш каби муҳим ижодий масалаларда «совет ёзувчиларини» бир хиллаштирувчи меъёрлар — социалистик реализм методининг асосий принциплари ишлаб чиқилди. Ўхшатиш жоиз кўрилса, бамисоли ижодкорларнинг бари битта колхозга бирлаштирилди: нима экиш, қандай экиш, қачон экиш каби масалаларни правление ҳал қилади, аъзолар ишлаб берса бас. Тарихдан биламизки, колхозлар тузилганидан сўнг кўп ўтмай «зараркунандалар билан кураш», «Қулоқларни синф сифатида тугатиш» каби тадбирлар ҳам бўлган. Ёзувчилар «колхозини»нинг галдаги вазифаси ҳам шу хил тадбирларни амалга ошириш бўлгани ҳозир барчага маълум...

30-йиллар адабий танқидчилигида (кейинча эса умуман шўро адабий танқидчилигида) кузатилувчи етакчи хусусиятлардан бири шуки, танқид партия-ҳукумат қарорлари, «Правда», «Литературная газета», «Литературнўй критик» сингари марказий нашрларда босилган мақолалар (айниқса, редакцион мақолалар)ни тезкорлик билан ўзлаштириш ва адабий жараёнга тадбиқ этиш йўлидан борди<sup>46</sup>. Масалан, «Миллатчилик ва аксилинқилобчилик билан кураш ва ўзбек пролетар адабиёти»<sup>47</sup> номли мақолада «Қизил қалам» ташкилоти «фош этилади», унинг «миллий истиқлолчилар» томонидан эгаллаб олингани ва шўрога,

---

<sup>46</sup> Ўзбек совет танқиди тарихи. I том. — Т.: 1987, 160-163 б.

<sup>47</sup> Олимжон Ҳ. Танланган асарлар. 5 томлик. 5-том. — Т.: 1972, 44-49 бетлар. Мақола Миртемир билан ҳамкорликда ёзилган.



коммунистик фирқага қарши фикрларнинг «адабий журналларимиз орқали кўпчиликка тарқатилган»и таъкидланади. Муаллифлар «буни ўз вақтида оча олмаганлигимизни, ҳушёр бўлмаганлигимизни жуда ҳам равшан кўрагимиз» дея эътироф этаркан, буни «Қизил қалам» жамияти ва умуман Ўзбекистондаги адабий ҳаракатга фирқа раҳбарлиги жуда суист бўлган»лиги билан изоҳлайдилар. Бундай шароит эса, муаллифлар фикрича, «Ўзбекистондаги адабий ҳаракатни жуда ўткир ва синфий ҳушёрлик билан қайтадан текшириб чиқишни ва адабий ташкилотларнинг ишларида қатъий бурилиш яшашни талаб этади. <...> Адабиётимизда пролетар мафкурасининг ҳар соҳада устунлигини таъмин этмоқ учун, бундан сўнгра, фирқа раҳбарлигини кескинлаштириб ва ўткирлаштириб қўймоқ зарур». Кўрагимизки, мақола муаллифлари адабий ташкилотларни қайта қуришнинг (яъни, партия қарорининг) бугунда нечоғли зарурлигини асослаш билангина чекланмай, қарорда айтилмаган бўлса-да, назарда (асосий мақсад сифатида) тутилган «адабиётга партиянинг мутлақ раҳбарлиги» масаласини ўртага қўядилар. Тезкорлик, ҳозиржавоблик, сиёсий ҳушёрлик шунчалик бўлар-да!

Ҳ.Олимжоннинг «Социалистик реализмни эгаллаш йўлида» номли мақоласида методнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинади. Жумладан, мақолада ёзилишича: «Социалистик реалист турмушни статистик эмас, динамик равишда қабул қилади <...> ҳаракатнинг асосий кучи синфий кураш эканлигини англайди <...> тақдирга тан берувчи эмас, балки у ўзини бу жараёни ўзига бўйсундирувчи фаол куч тарзида қарайди <...> қуриш даврининг оламшумул ҳақиқатларини <...> бадиий образларда бу даврнинг тўлақонли, ўлмас тарихини яратмоғи <...> «ҳар хил ва ҳар қандай маскаларни раҳмсиз суратда йиртмоғи» керак. Кўришиб турибдики, мақолада социалистик реализмнинг асосий талаблари таъкидлаб саналади, гўё ижодкорларга бу борада аниқ кўрсатмалар, йўналишлар берилади. Демак, методнинг чегараларини аниқ қилиб белгиллашга интилиш у ҳақдаги назарий фикрлар пайдо бўлган вақтларданоқ бошланган экан, бу эса унинг кўп ўтмай догмага айланиши, адабиёт ривожига тўсқинлик қила бошлашига замин ҳозирлаган. Мақолада ифодасини

топган методга муносабат узоқ йиллар мобайнида деярли ўзгаришсиз қолгани ҳам бежиз эмас: «Социалистик реализм турмушни социализмнинг энгиш тенденцияси нуқтаи назаридан қараб туриб, ҳаққоний равишда тўла сабот билан ифодалаб берувчи, давримизнинг талабига бирдан-бир мос бўлган ҳақиқий санъат методидир. У, фақатгина у ҳаётга қобил...» (таъкид бизники - Б.Р.) Бизнингча, бу гапларнинг замирида «социалистик реализмдан бошқа ҳар қандай метод яшашга қобил эмас, яшашга ҳақли эмас» қабилдаги фикрни тушуниш қийин эмас.

Социалистик реализм, социалистик адабиётга тааллуқли масалалар 30-йилларда яратилган бир қатор мақолаларнинг асосий мавзуси бўлган бўлса, бошқа мавзуларга бағишланган мақолаларда ҳам уларга муносабат билдириб ўтилади. Бу эса эндиликда адабий танқидчилик ушбу методни ўзига асос қилиб олганидан дарак беради. Жумладан, О.Ҳошимнинг «Ўзбек шўро адабиётининг баъзи бир ижодий масалалари»(1932), Раҳмат Мажидийнинг «Большевизмнинг буюк санъати учун»(1932), Ҳ.Олимжоннинг «Социалистик реализмни эгаллаш йўлида»(1933), Ойбекнинг сўнгги йиллар ўзбек поэзияси» (1934) мақолаларида бу масаладаги фикрларни илмий асослашга, хулосаларни пухта далиллаб беришга интилиш бор. Бироқ, адабий жараёни, адабий асарни ўрганиш ва баҳолашда синфийлик, ғоявийлик мезонларининг асос қилиб олингани мазкур мақолаларнинг бугунги кун нуқтаи назаридан энг катта қусуридир (албатта, ўз вақтида худди шу нарса асосий фазилат сифатида кўрсатилган). Шунга қарамай, бу даврда яратилган танқидий асарларни тамомила инкор қилиш тўғри эмас. Улар ўз вақтида адабий жараёнда муҳим аҳамият касб этгани, адабиёт ривожига фойдали импульслар ҳам бергани, бадиий дидни, гарчи сезиларли ўянлар билан бўлса-да, тарбиялаганини инкор этиб бўлмайди. Масалан, О.Ҳошим замонавий мавзуларда ёзилган асарлардаги схематизм кўринишларини танқид қилиб, «Турмуш адабиётда шоир, ёзувчи орқали акс қиладир, турмушдан олган фикрларини, ҳисларини, туйғуларини ёзувчи бадиий шаклда, образлар билан берадир» деб ёзади. Буни жуда яхши билгани ҳолда мунаққид ўзи асар-

ларни баҳолашда мазмунга кўпроқ эътибор қилади. Ҳ. Олимжон эса «Марксизм ниқоби остида меньшевизм» номли мақоласида вульгар социологик ёндашувни қораласа, ўзи «Фош этиш эмас, хаспўшлаш» мақоласида Миён Бузрукнинг ўз наздидаги «ғоявий хато»ларини унинг бир пайтлар жадидлар сафида бўлгани билан изоҳлашга ҳаракат қилади, шунга қатор ишоралар беради. Айтиш керакки, бундай ички зиддиятлилик мунаққидларнинг адабиётнинг санъат эканлигини чуқур ҳис қилганлари ҳолда уни давр тақозоси билан мафкура қуроли деб билганлари оқибатида юзага келади.

Давр танқидчилигида муҳим ўрин олган масалалардан бири замона кишисини, янги шароитда етишган янги инсонни тасвирлаш масаласи эди. Шўро даврида партия-ҳукуматни адабиётда мафкура қуролини кўргани эътиборга олинса, бу масала улар учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини билиш қийин эмас. Шундан келиб чиқиб, танқид ижодкорларни озодликка чиққан ўзбек аёллари, инқилоб учун фидокорона курашган қизил аскарларни, янги жамият қуришда жонбозлик қилаётган ишчи-деҳқонлар образларини — замона қаҳрамонларини яратишга даъват қилди. Жумладан, Ойбек: «Давримиз қаҳрамонлик давридир. Социализм учун курашда одамларнинг маънавий борлиги қандай ўзгараётганини биламиз. Курашда тубанлардан юксалган янги одамларни бадий асарларда кўрсатиш бу кунги адабиётнинг улуғ вазифаларидандир»<sup>48</sup>, — деб ёзади. Шу билан бирга, Ойбек асарда янги замон кишисини тасвирлашнинг ўзи кифоя эмаслигини, «янги турмуш қуриш учун курашда инсон шуурида вужудга келган ўзгаришларни кўрсатиш» зарур деб билади. Албатта, замонанинг қаҳрамонлари ким эканлиги ва уларнинг қаҳрамонлиги нимада эканлиги аниқ белгилаб турилган бир шароитда инсон образини яратишда схематизмга берилиши хавфи кучаяди. Ойбекнинг бу талаби шундай ҳолларнинг олдини олишга қаратилган. Бироқ, умуман танқидчиликда бўлганидек, Ойбекда ҳам баъзи ўзи қўйган талаб-

---

<sup>48</sup> Ойбек. Сўнгги йилларда ўзбек поэзияси. — «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1928, 17 август.

ларга жавоб берадиган қаҳрамонларга ҳам нотўғри муносабатда бўлиш ҳоллари учрайди. Хусусан, «Обид кетмон» повестидаги Обид кетмон, Берди татар образларига муносабатда шундай ҳол кузатилади. Ойбекнинг фикрича, «ёзувчи Обид кетмоннинг колхозга киргунча кечирган ҳаёти ва ҳаракати орқали ўрта деҳқоннинг турмуш шароитини ошириб кўрсатишида типик воқеаларни типик шароитда акс эттирмайди <...> Ибтидоий ишлаб чиқариш қуролларига молик бўлган ва ота-бободан қолган эски усуллар билан иш кўрувчи майда деҳқон хўжалигида учрайдиган қийинчиликлар ва етишмасликларни ёзувчи у қадар реалистик тасвир қилмайди»<sup>49</sup>. Мунаққид ёзувчининг гоёвий-бадий мақсадини старли тушунмаганидан шундай хулосага келгани ўз вақтида адабиётшунослигимизда кўрсатиб ўтилган<sup>50</sup>. Бизнингча, бу ҳол Ойбекнинг ёзувчи ниятини тушунмаганлиги билангина эмас, балки ҳаётни А.Қодирийдан фарқли равишда кўриши билан ҳам изоҳланиши лозим. Бу ўринда Ойбек қишлоқ ҳаётини марксизм-ленинизм таълимоти орқали кўраётган бўлса, А.Қодирий бу таълимотнинг амалдаги тадбиқини деҳқон нигоҳи орқали англашга интилади. Шу сабабли ҳам Ойбек колхозга кириш-кирмаслик масаласида иккиланаётган, «етти ўлчаб бир кесиш»га қарор қилган Обид кетмоннинг (ўрта деҳқоннинг) хатти-ҳаракатларини «тушунмаганлик»дан ёки сиёсий калтабинликдан деб тушуниши осонроқ, буни катта ҳаётий тажриба ва туғма «жайдари донишмандлик» хусусиятига эга одамнинг нормал ҳаракати деб билиши қийин. Шунинг таъсирида у қишлоқ ҳаёти «реалистик тасвир этилмайди» деб ёзади, ҳолбуки, А.Қодирий образни реалистик тасвирлашга интилган, қаҳрамонининг характер мантиқига кўра худди шундай ҳаракат қилиши лозимлигига ишонтирган.

Қаҳрамон масаласида эътирозлар «Сароб» романи муҳокамасига бағишланган диспут (1939 йил 14-16 июн) давомида А.Қаҳҳорга нисбатан ҳам билдирилди. Фақат бунда энди энг фаол айбловчи сифатида сўзлаган Ҳ.Мусаев позициясини Ой-

<sup>49</sup> Ойбек. Мукаммал асарлар гўплами. 14-том, 170-б.

<sup>50</sup> Ўзбек совет танқиди тарихи. I-том. 177-178 бетлар.

бекникидан фарқламоқ керак. Ҳ. Мусаев ёзувчини шўро воқелигидаги ўзгаришларни «инкор этиш ва кўрмаслик» оқибатида ижобий қаҳрамонлар яратмаган, дея айблайди. Фарқ шундаки, Ойбек қарашларида адабиётга вульгар социологик ёндашувнинг таъсири сезилган бўлса, Ҳ. Мусаевда вульгар социологик ёндашувнинг нақд ўзидир. Тўғри, мунозара иштирокчиларининг аксарияти Ҳ. Мусаев қарашларини қабул қилмаганини 30-йиллар охирига келиб танқидчиликнинг савияси сезиларли ошгани билан изоҳланади. Бироқ, адабиётшуносликда бу масалада ўзгачароқ фикр ҳам мавжуд<sup>51</sup>.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Ёзувчилар уюшмаси томонидан турли асарлар муҳокамасига бағишлаб қатор мунозаралар уюштирилгани оғзаки танқид анъаналарини давом эттириши билан бирга, адабий танқидий тафаккурда ҳам маълум аҳамиятга молик эди. Маълумки, ўша даврда бошлаб берилган бу анъана ҳозирда ҳам давом эттириб келинмоқда.

30-йиллар адабий танқидчилигида алоҳида ижодкорларнинг ижодий фаолияти, асарлари таҳлиliga бағишланган мақолалар, тўплам ва монографиялар яратилди. Масалан, шу даврда танқидчилик фаолиятини бошлаган Ҳ. Ёқубовнинг «Ҳамид Олимжоннинг ижодий йўли», «Уйғун ижодиёти», «Ғафур Ғулломнинг ҳажвий ҳикоялари» каби мақолаларида бу ижодкорлар фаолияти монографик планда ўрганилди. «Ижодий ўсиш йўлида» номли тўпламдан шўро адабиётининг катта авлодига мансуб ижодкорлар — Ғ. Ғуллом, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Ғайратий ижодлари таҳлил этилган мақолалар ўрин олди. Ҳ. Олимжоннинг «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида» номли катта ҳажмли тадқиқот мақоласи, ниҳоят, Ойбек қаламига мансуб «Абдулла қодирийнинг ижодий йўли» монографияси яратилди. Охириги икки асарда жадид адабиётининг икки йирик намояндаси ижодий фаолиятини шўро адабиётининг илк бўғинига мансуб икки ижодкор томонидан ёритишга жазм этилгани характерли-

<sup>51</sup> Қиссланг: Ўзбек совет танқиди тарихи. I том. 178-182 бетлар.  
Кўчқор Р. Мен билан мунозара қилсангиз. — Т.: 1998, 48-б.

дир. Бу икки асар адабиётимизнинг икки авлоди адабий-эстетик (тўғрироғи, ғоявий-мафкуравий) қарашлари орасидаги фарқни яққол намоён этади. Албатта, ҳар икки асарда ҳам давр руҳи билан боғлиқ бўлган асосий камчилик — бадий адабиётни, асарни мафкуравий жиҳатни бош мезон қилиб олган ҳолда баҳолаш кузатилади. Бироқ, улар орасида нозик бир фарқ ҳам бор: Ойбек мушоҳадалари замирида А.Қодирийдек улкан санъаткорга нисбатан меҳр ва ҳурмат сезилиб турса, Фитрат ҳақидаги мақолада муаллиф ўзининг энг тўғри ғоявий мавқеда тургани ва ўзи ишонган ғоянинг энг тўғрилигига кўр-кўрона ишонгани учун бу нарса кўринмайди. Ҳ.Олимжон мақоласининг деярли ҳар бир саҳифасида ўша давр шароитида жиддий сиёсий айблов сифатида янгроччи жумлаларга дуч келамиз: «Фитрат кучли буржуа ватанчилиги, миллатчилиги, пантуркизм қарашлари билан ўртага чиқади <...> Октябрни умидсизлик ва норозилик билан қарши олди. У Октябрдан сўнг ўзининг буржуа қарашларига содиқ қолди <...> миллатчилик адабиётининг бошида туриб раҳбарлик қилади <...> назарида тўполондан, тартибсизликдан иборат бўлган совет воқелигидан кулади <...> қишлоқдаги инқилобий ҳаракатни чин маъноси билан қабул қила олмаган...» Мақоланинг якунида Ҳ.Олимжон Фитрат «инқилобий дунёга қараш позицияларига ўтиш юзасидан жиддий қадам ташлолмай келади»<sup>52</sup> деган хулосани чиқаради.

Ачинарли томони шундаки, Ҳ.Олимжон мақоласи 1936 йилда, қатағон сиёсати авжига чиққан 1937 йил арафасида ёзилган эди. Танқидчиликда Айн томонидан бошлаб берилган сиёсий айблар тақаш анъанаси муттасил ўн йил давомида турли кўринишларда намоён бўлиб келди. Бу билан танқид оммани Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий сингари ижодкорлар «халқ душмани» эканлигига ишонтиришга хизмат қилди, минглаб зиёлиларимизнинг жисман маҳв этилишига замин ҳозирлади, «фатво берди». Афсуски, танқидчилик шу билангина чекланмади, аксинча, 1937-1938 йилларда у ўз зиммасига «жамоатчи қораловчи» бўлишдек

---

<sup>52</sup> Олимжон Ҳ. Танланган асарлар.5 томлик. 5-том. – Т.: 1972, 93-139 бетлар.

шармандали вазифани ҳам олди. Натижада шу йиллар танқидчилигимиз тарихидаги «энг кирлик, қора кунлар» (А.Қодирий) бўлиб қолди.

Юқоридаги фикрларнинг қай даражада тўғрилигини ўша йиллари эълон қилинган айрим мақолалардан келтирилган парчаларни кузатиб ҳукм чиқариш мумкин. Масалан, Олим Шарафиддинов 1937 йил 3 июнда эълон қилинган мақолада ёзади: «Октябр инқилобидан кейин очиқдан-очиқ аксилинқилобчилар лагерига ўтган, Советларга қарши курашиб, ҳамма реакцион кучларни бирлаштирган, босмачиликни ташкил этиб, интервенциячилар билан апоқ-чапоқ бўлган жадидлар қандай йўллар билан бўлса-да, ишчи-деҳқон ҳукуматини йиқитиш фикрига тушдилар. Жадид ёзувчиси Абдулла қодирий ҳам совет ҳукуматининг душманлари билан бирлашиб, Октябрни ашаддий душман сифатида қарши олади»(таъкидлар бизники - Б.Р.)<sup>33</sup> Эътиборли томони шуки, бу мақола А.Қодирийнинг қамоққа олиниши арафасида эълон қилинган эди. Худди Ҳ.Олимжоннинг Фитрат ҳақидаги фикрлашида кўрган-нимиздек, мунаққид А.Қодирий кейин ҳам шўрога душманлигича қолганини таъкидлаш учун «Обид кетмон»ни қуйидагича талқин этади: «Обид кетмон бир йил ичида машҳур кетмони, замбилғалтаги билан сигирли, қўйли, от-аравали, омбори ғаллага тўлган, тўқ турмушга эга бўлган ўртаҳол деҳқонга айланади. Яна бир-икки йил шундай ишласа, қулоқ бўлиши турган гап (!). Бундан фақат куч сарф этсанг, дангаса бўлмасанг, якка хўжаликда бахтли турмуш кечирасан, бой бўласан, қулоқлар ҳам киши кучидан фойдаланмасдан, ҳалол меҳнат билан бойиганлар деган натижа чиқади...» Мафқуранинг тазйиқи шуки, у ёзувчидан воқеликни ўз нуқтаи назарича тасвирлаш ҳуқуқини тортиб олади: қишлоқ ҳаётида кўканаларни, мамажонларни тасвирлаш керак деб билади, ўзига маъқул схемани чизиб беради.

Шербек Алиев ва Ҳожи Шораҳмедовлар айблов масаласида Айндан ҳам ўтиб тушадилар: «Халқ душмани Файзулла Хўжа-

<sup>33</sup> Шарафиддинов Олим. Обид кетмон. – «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1937, 3 июн.

евнинг «закази»га мувофиқ аксилнқилобчи Фитрат ёзган, ўзбек халқининг ашаддий душмани бўлган жадидларни мақтаб, кўкларга кўтарган «Тўлқин» пьесасини, миллатчи Фулом Зафарийнинг «Ҳалима»сини душманлар ҳатто Москвада ўзбек санъати ўн кунлигида саҳнага қўймоқчи бўлиб тайёрлаганлар. Душман Фитратнинг ҳам «Тўлқин» пьесаси постановкасини тайёрлаш учун 50 минг сўмлаб пул кўкка созурилган»<sup>54</sup>. Кўриб турибмизки, муаллифлар Фитрат шўрога қарши режали асосда ва Ф.Хўжаев раҳбарлигида курашган, улар нафақат мафкуравий, моддий зиён ҳам етказган, деган даъвои олдинга суради.

Чўлпон ҳибсга олинганидан бир кун ўтгач, Ёзувчилар уюшмаси пленуми яқунларига бағишланган мақола эълон қилинади. Ҳисобот тарзидаги ушбу мақола муаллифи О.Раҳимий ёзади: «Чўлпоннинг илгарилари ҳам ўз ижодида ва кундалик ҳаётида миллатчи эканлиги маълум. Уни тузатиш, қайта қуриш учун ёрдам бериш ниятида адабий соҳада ишлаш учун бутун шароит туғдирилган. Бироқ, Чўлпон шу шароитдан қайта қурилиш, совет ёзувчиси бўлиш учун эмас, балки ўзининг миллатчилигини давом қилдириш ва кучайтириш учун фойдаланишга уриниб келмоқда»<sup>55</sup>. Адабиётшунос Д.Қуронов бу ҳақда «Чўлпоннинг қамалиши арафасида ҳам, у қамалганидан кейин ҳам вақтли матбуот бор кучи билан уни қоралашни давом эттирди. Мавзу шунчалар долзарб эдики, шоирнинг эълон қилинмаган тўпламига қоралаб тақриз чиқардилар»<sup>56</sup>, расмий доиралар оғзини пойлаб, «Кеча»-дек роман ҳақида икки оғиз сўз айтишга ботинмай турганлар шапалоқдек мақолага имзо чекдилар...»<sup>57</sup>

Қатағон сиёсати авжга чиққан, адабиётимиз, миллий маданиятимиз жуда катта йўқотишларга учраган 1937-1938 йил адабий танқидчилигидаги ҳолатни, матбуотда эълон қилинган мақолаларга хос умумий руҳни юқоридаги парчалар яққол кўрсатиб турибди. Профессор Озод Шарафиддинов ёзганидек, бу ҳол «Қатағон тегирмонига сув қуйди, Сталин жаллодларининг иши-

<sup>54</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1937, 6 октябр.

<sup>55</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1937, 14 июл.

<sup>56</sup> Қаранг: Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. 30-б.

<sup>57</sup> Қуронов Д. Чўлпон: ҳаёти ва ижодий мероси. - Т.: 1997, 26-27 бетлар.



ни осонлаштирди». <sup>58</sup> Истиқлол арафасидаги йиллардан бошлаб бизда шу даврни, адабиётимиз, танқидчилигимиз тарихининг шу босқичини ўрганишга қизиқиш, айниқса, кучайгани маълум. Бу жуда ҳам керак. Фақат бунда ўз даврида нотўғри мавқе тутганларни қоралаш мақсадини эмас, бўлиб ўтган ишлардан бугун ва келажак учун фойдали хулосалар чиқариб олиш мақсадини кўзлашимиз зарур.

\* \* \*

**Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек танқидчилиги.** Маълумки, адабиётимиз тарихининг бу босқичи шўро адабиётшунослигида «Улуғ Ватан уруши даври адабиёти» деган ном билан алоҳида давр сифатида ўрганиб келинган. Биз ушбу даврни алоҳида ажратиб оларканмиз, буни одатланилган анъанани бузмаслик учунгина қилмадик. Чунки ҳақиқатан ҳам, бизнингча, Иккинчи жаҳон уруши йиллари миллий тарихимиздаги алоҳида саҳифа. Бу йилларни 30-йилларнинг хронологик давоми сифатидагина тушуниш ҳам, уларга 40-йилларнинг бир қисми сифатида қараш ҳам унчалик тўғри эмас. Зеро, бу даврнинг ўз руҳи ва бевосита шу руҳдан бинога келган адабиёти, санъати бор.

Катта кулфат, катта хавф олдида халқ ҳамиша бирлашади, тарих бунга кўп бор шоҳидлик берган. Юртимизда урушнинг мудҳиш нафаси кирмаган хонадон қолмади. Урушга кетган жигарлар соғинчи ва ташвиши, «Қора хат»лар келтирган майитсиз азалар, йўқотишлар армони, урушнинг тезроқ битишини тилаш, бола-чақани урушдан омон олиб чиқиш ташвиши... Фашизм отли офат олдида ҳар қандай ички зиддиятлар (синфий айирмалар) вақтинча иккинчи планга сурилди, ҳамманинг қаршисида аниқ душман, ҳамманинг кўнглида биргина ният — га-лаба. Халқнинг дарди бир эди, ҳамма деярли бир-бирига ҳам-дard эди. Албатта, буларнинг бари бирлаштирувчи омил эди. Бироқ, уни рўёбга чиқариш учун уюштирувчи куч ҳам керак эдики, бу вазифанинг катта қисмини адабиёт ва санъат ўз зим-масига олди. Халқнинг аксарияти учун умумий бўлиб қолган

---

<sup>58</sup> Кўрсатилган асар. 32-б.

туйгулар ( нафрат, умид, ташвиш, армон ва б.) адабиётдаги умумий руҳни, ундаги ғоявий-мазмуний ўзгаришларни белгилаб берган эди. Энг муҳими, бу ўзгаришлар юқорининг, расмий доираларнинг кўрсатмалари, «партиянинг доно раҳбарлиги» туфайлигина юзага келгани йўқ. Яъни, бу даврда расмий доиралар томонидан адабиёт олдига қўйилган вазифалар ижодкорларнинг қалб амрига ҳамоҳанг эди.

Давр руҳи, уруш шароитининг талаби билан адабий асарлардаги образлар тизими, мавзулар доираси, талқин йўналишлари ўзгарди. Бу даврда, Ойбек ёзганидек, «асосан уруш мавзуи ҳукм сурди. Ватанпарварлик, қаҳрамонлик, зафар — адабиётда ҳамма жанр ва формаларнинг мазмуни, асосий мотиви бўлди»<sup>59</sup>. «Ўзбек совет танқиди тарихи» китобида асосли таъкидланганидек, Уйғуннинг Ҳ.Олимжон ижоди ҳақида айтган қуйидаги фикрлари умуман давр адабиётига тааллуқли таъриф бўла олади: «Уруш даврининг талабларига кўра шоирнинг мавзулари, товуши ўзгарди. Шоир ижодини ватан ҳимояси, халққа садоқат, душманга нафрат, ғазаб, мардлик ва жасорат, жанг ва ғалаба мотивлари қоплади. Севги қўшиқлари ғазаб наърасига айланди. Тинч табиат тасвирлари қонли жанг лавҳалари билан алмашинди. Бутун ижод социалистик ватанни ҳимоя қилиб, қонхўр ёвни юртдан ҳайдаб чиқиш ва тор-мор этишга қаратилди».

Уруш даври адабий танқидчилигида публицистик руҳ кучайди. Бу ҳам, албатта, даврнинг умумий руҳи, ижтимоий талаби билан изоҳланади. Танқидчилик бадий асарларнинг ғоявий жиҳатларига, улардаги жанговарлик, ватанпарварлик, ғалабага ишонч руҳи кабиларга алоҳида аҳамият берди, худди шундай нуқталарни янада бўрттириброқ кўрсатишга, таъкидлашга интилди. Ойбекнинг Ҳ.Олимжон ижодига бағишланган «Оташин ватанпарвар ва таланти шоир» номли мақоласи бунга ёрқин мисол бўла олади. Аввало, муаллиф мақолани номлашда «ватанпарвар» сифатловчисини биринчи ўринга чиқаргани ҳам давр руҳи билан боғлиқдир. Чунки даврнинг ўзи ижодкордаги «ватанпарварлик»ни «талантилик»дан олдинга чиқарган эди. Ойбек

<sup>59</sup> Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 14-том, 207-бет.

Ҳ.Олимжоннинг уруш йиллари ўта фаол ишлаганини таъкидлаб, «Деярли ҳар уч кунда у қаҳрамон фронтга ёки мамлакат ичидаги меҳнат эрларига янги бир шеър совға этди»<sup>60</sup>. Мақолада Ҳ.Олимжон шеърларининг аҳамиятини таъкидлаб, Ойбек ёзади: «Бу шеърлар душманга ғазаб ва нафрат, ватанимизга муҳаббат, зафаримизга чуқур ишонч билан товланди. Худди ватан уруши йилларида шоир ўз талантининг бой имкониятларини очиб берди. Бадий сўзни йиртқич душманга бўлган ўтли ғазаби билан тоблади. Унинг сўзи қилич дамидай ўткир, найзадай кескин бўлиб қолаберди». Дарҳақиқат, бадий сўзни «душманга бўлган ўтли ғазаб билан тоблаш» нафақат Ҳ.Олимжон, балки бу даврда ижод этган барча адабиёт аҳли учун хос эди. Бироқ адабиётнинг, адабий асарнинг қиммати фақат мавзу, руҳ билангина белгиланмайди, у биринчи навбатда санъат ҳодисаси, ундан санъаткорлик кутилади. Шу боис ҳам Ойбек давр шеърлятидаги, умуман адабиётидаги жанговар руҳ нечоғли зарурлигини билса-да, Ҳ.Олимжондаги «ватанпарварона чақириқлардан аста-секин лирикага», «декларациядан хусусий, жонли, ҳаётий мавзуларга» келишни ёқлайди. «Жангчи Турсун» шеърида «она муҳаббатининг бутун чуқурлиги, илиқлиги билан ифодалангани», «жонли халқ сўзи ва ифодаларидан фойдаланилгани»ни ютуқ сифатида кўрсатади. Ойбекни шеърдаги самимият, ҳаётийлик қувонтиради. Турсуннинг жанг олдидаги иккиланишлари, ўлим қаршисидаги қўрқувида у тирик инсонни кўради ва шу нарса унинг баландпарвоз схематик образлардан афзаллиги, фойдалилиги, таъсирчанлигини таъминлаган деб билади. Унинг ёзишича, Ҳ.Олимжон: «Турсун қаҳрамонлигининг чуқур маъносини шундай содда, самимий ифода қиладики, лол қоласан»; шоир самимият билан ва ҳаётий ёзгани учун ҳам унинг тасвиридаги «ўлим ҳақиқатан гўзал». Ойбек санъатнинг таъсири санъатга хос йўл билан амалга оширилиши зарурлигини, ҳатто энг даҳшатли ҳодисалар ҳам санъат доирасига тортилганида гўзалликка дахлдор бўлиб қолиши лозим деб билади. Бундай қарашлар, албатта, адабиёт учун, бадий тафаккур ривожини учун жуда муҳим эди.

---

<sup>60</sup> Ўша китоб. 203-бет.

Уруш давридаги адабий жараёнга разм солинса, адабий танқидчилик соҳасида ҳам Ойбек, Ҳ.Олимжон, Уйғун, М.Шайхзода, К.Яшин сингари ижодкорларнинг етакчилик қилганларини кўриш мумкин бўлади. Бу, албатта, ижодкорларимизнинг адабиётимиз тақдирига бепарқ қарамаганларидан далолат ва бу адабиёт учун хайрли ҳодиса. Айни пайтда, бу уруш даврида профессионал танқидчиликнинг бирмунча оқсаб қолганидан ҳам дарак беради. Нега шундай бўлди? Гап шундаки, саналган ижодкорлардан олдинги адабий авлод, асосан, 30-йиллар қатағонига учраган бўлса, кейинги авлод ҳали адабиёт майдонида муқим ўрин топиб улгурмасдан фронтга жалб қилинган эди. Тўғри, шўро адабиётининг катта авлоди вакиллари билан бир қаторда А.Умарий, З.Диёр, Т.Фаттоҳ, Ҳ.Фулум сингари ижодкорлар ҳам танқидчиликда анча фаол қатнашдилар. Бироқ бу тўлақонли адабий танқидий жараённинг кечиси учун камлик қилади. Адабий танқид соҳасидаги оқсаш уруш даврида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилган Ҳ.Олимжоннинг нутқ ва мақолаларида ҳам таъкидлаб ўтилган. Жумладан, «Ўзбек совет адабиётининг чорак асри» (1942) номли мақоласида танқиднинг суғлиги, ҳар бир асарни муфассал таҳлил қилиш амалиётининг йўлга қўйилмагани ижодкорларда осон йўллардан боришга интилиш иллатини юзага келтираётгани, бу адабиётга ҳам, яратилаётган асарлар савиясига ҳам салбий таъсир кўрсатиши таъкидланди<sup>61</sup>. Ҳ.Олимжоннинг ўзбек адиб ва шоирларининг уруш йилларидаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботида ҳам бунга алоҳида эътибор берилган. Ҳ.Олимжон ҳисобот нутқида танқидчиликнинг ҳозирда фаол эмаслигини айтиб, келажақда уни кенг ривожлантириш зарурлигини, бунинг учун 7-8 босма табоқли ойлик адабий журнал чоп қилинишини қайта тиклаш зарурлигини таъкидлайди<sup>62</sup>.

Ҳ.Олимжон ҳисоботида танқиддаги оқсашнинг муҳим объектив сабабларидан бирини кўрсатиб ўтган. Дарҳақиқат, адабий журналнинг, даврий адабий нашрларнинг йўқлиги танқид ри-

<sup>61</sup> Олимжон Ҳ. Мукаммал асарлар тўплами. IX том. – Т.:1984, 178-6.

<sup>62</sup> Олимжон Ҳ. Мукаммал асарлар тўплами. X том. – Т.: 1984, 63-6.

вожига, албатта, салбий таъсир кўрсатар эди. Негаки, ижтимоий-сиёсий характердаги нашрлар танқидий асарларнинг уларга мослашишини тақозо қилиши табиий. Демак, уруш даври ўзбек адабий танқидчилигида публицистик руҳнинг кучайиши, бир томондан, давр руҳи билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, махсус адабий нашрларнинг тўхтаб қолгани билан ҳам белгилангандир.

Юқорида айтилганидек, ўзбек шўро адабиётининг иккинчи бўғин вакилларида аксарияти фронтга сафарбар этилган эди. Уларнинг бирлари фронт газеталарида, бошқалари сиёсий-тарбиявий ишларда, бошқалари қўлларида қурол билан бевосита жанг майдонларида душманга қарши курашдилар. Булар сирасида С.Жўра, П.Турсун, М.Бобоев, Н.Сафаров, З.Фатхуллин, М.Муҳаммедов, М.Исмоилий, Шухрат сингари ўнлаб ижодкорларни санаш мумкин. Булар урушгача адабиёт майдонида озми-кўпми танилиб улгурган бўлсалар, уруш жанггоҳларида кейинча ҳаётини адабиёт билан чамбарчас боғлайдиган О.Ёқубов, М.Қўшжонов, В.Ғофуров, З.Обидов сингари ёшлар ҳам бор эдилар. Бошқа бир томони шуки, уруш даврида кўплаб ҳаваскор ижодкорлар ҳам қўлга қалам олиб, ўзларининг ҳис-туйғуларини ифодалашга, улар билан ўртоқлашишга жазм қилганлар. Бу табиий ҳам. Чунки уруш ҳар қандай кишининг ўй-фикрлари, қарашларини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин бўлган воқеаларга тўлиқ; уруш майдонларидаги жангчи ҳислари теранроқ, у соғинч, йўқотишлар армони, ёвузликка нафрату эзгулик тантанасига ишонч каби ҳисларни бошқалардан ўткирроқ қалбдан кечиради. Фронт газеталари билан бир қаторда, Ўзбекистондаги нашрларда ҳам жангчи шоирларнинг машқлари мунтазам эълон қилиб борилди. Адабий танқидчилик бу машқларни обзор тарзида ёритиб, таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб борди. М.Шайхзоданинг «Биз Ўзбекистон ўғлонлари», «Ҳужумчиларнинг ҳужум ҳақидаги тароналари», Ҳ.Ғуломнинг «Жанг илҳомлари», «Фронт поэзияси», «Жанг илҳомлари» сингари мақолалари бунга мисол бўла олади. 1943 йилда чоп этилган «Жангчиларнинг шеърлари» номли тўплам

фронтдаги шоирларнинг сара шеърларини ўз ичига олган эди. Уйғуннинг тўпламга ёзган «Қилич ва қалам билан» номли сўз боши мақоласида бу шеърларнинг ўзига хослиги ва аҳамияти кўрсатиб берилди. Уйғун уларнинг «шеърый тасаввур эмас, балки реал тушунчаларнинг ифодаси» эканлиги, шу боис ҳам улар «алоҳида самимият билан жаранглаши»га урғу берди. Албатта, уруш ҳақида, замонавий жанг ҳақида реал тасаввурга эга кишиларнинг ижоди адабиётимизда уруш мавзусининг ишланишида муҳим аҳамиятга молик эди. Иккинчидан, бу шеърлар жанггоҳларда қон кечиб юрган юртдошларимиз қалбига яқинроқ эканлигини ҳам эътиборда тутиш керак. Шунинг учун ҳам Уйғун тўпламнинг аҳамиятини «Бу қўшиқлар жангчиларимизнинг кучига куч, ишончига ишонч қўшади. Бу қўшиқлар қаҳрамонларни жангга отлантиради. Бу қўшиқлар жангчиларимиз билан бирга душманга қарши қадам ташлайди. Бу қўшиқлар окопларга, блиндажларга киради, жангчиларимизнинг ҳамкори сифатида яшайди» дея баҳолаганида тўла ҳақ эди.

Уруш йиллари ўзбек адабиётида қатор драматик асарлар яратилди ва тезкорлик билан саҳналаштирилди. Бу даврнинг талабига адабиёт ва театр санъатининг ҳамкорликдаги «лаббай» жавоби эди. Ҳозиржавобликни шундан ҳам кўrsa бўладики, урушнинг дастлабки ойдаёқ С.Абдулла ва Чустий ҳамкорлигида ёзилган «Жасур оила», Туйғун қаламига мансуб «Ватан қизи» пьесалари дунёга келди. 1941 йил сентябрида Муқимий номли театрда С.Абдулла ва Чустийларнинг «Қурбон Умаров» мусиқали драмаси саҳналаштирилди. Эътибор берилса, 3 сентябрда премьераси бўлиб ўтган бу асар муаллифлари қанчалик тезкорлик билан ишлаганларини тасаввур қилиш қийин эмас. Чунки мусиқали драмани саҳнага қўйиш учун аввал пьеса ёзилади, шунга мос мусиқа яратилади (композитор Т.Жалолов), актёр танланади, кўплаб репетициялар ўтказилади ва ҳ. Хуллас, адабиёт ва санъат ходимлари — шоирлар, композиторлар, актёрлар, режиссёрлар, саҳна усталирининг фидокорона меҳнатлари туфайли «Қурбон Умаров» мусиқали драмаси 70 кун ичида «йўқдан бор бўлди».

Умуман, уруш йилларида яратилган «Ўзбекистон қиличи» (Н.Погодин, С.Абдулла, Уйғун, Ҳ.Олимжон), «Ўлим босқинчиларга» (К.Яшин), «Бургутнинг парвози» (И.Султон), «Нурхон» (К.Яшин), «Она» (Уйғун), «Алпомиш» (С.Абдулла), «Муқанна» (Ҳ.Олимжон), «Маҳмуд Торобий» (Ойбек), «Жалололдин Мангуберди» (М.Шайхзода) сингари драматик асарларнинг яратилиши ва саҳналаштирилишида ҳам шундай тезкорлик кўринади.

Уруш даври адабий танқидчилиги, 20-30 йилларда кузатилгани каби, театр танқидчилигини ҳам қисман ўз зиммасига олди. Яъни, саҳнага қўйилган асарлар ҳақида тақризлар эълон қилиб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш, мазмун-моҳиятини очиб беришга интилди. М.Шайхзода «Ўзбекистон қиличи» драмаси ҳақида» номли тақризида асарнинг аҳамиятини кўрсатиш билан бирга, унинг мазмун-мундарижаси халқимизнинг бой тарихий, адабий анъаналари билан боғлиқлигини таъкидлади. Жумладан, пьесанинг бир эпизодида қўрқоқлик қилган Тошмат юртдоши Арслон томонидан отишга буюрилади. Бу эпизодга тўхталаркан, танқидчи унинг Бобур ҳаётидаги тарихий факт ва «Гўрўғли» достонидаги ҳолатга муштараклигини таъкидлаб ёзди: «Бу қадимги фазилатлар (қўрқоққа нафрат — Б.Р.) бугунги кунда янги мундарижага эга бўлиб, мардни номарддан ажратишда ботирларнинг маънавий ўлчовидир»<sup>63</sup>.

Шунга ўхшаш, танқидчилик асарлар таҳлилида, улар қандай мавзуда ёзилганидан қатъий назар, замонавийлик масаласига алоҳида аҳамият берди, уларни уруш даврининг ижтимоий-маънавий эҳтиёжларига хизмат қилдиришга интилди. Уруш даври шароитида тарихий мавзуда яратилган асарлар, айниқса, муҳим эди. Ҳ.Олимжон, Ойбек ва М.Шайхзодаларнинг юртимиз тарихидан олиб ёзилган драматик асарлари халққа ўзини танитиш мақсади, қаҳрамонона ўтмиши билан фахрланиш, ватанпарварлик, босқинчиларга нафрат, эрк ва туйғуларини сингдириши билан нафақат ўз даври, балки кейинги даврлар учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга эди. Р.Саҳиббоев

<sup>63</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1942, 7 май.

ва З.Диёрнинг «Нурхон»<sup>64</sup>, Р.Саҳибоев ва Т.Фаттоҳнинг «Муқанна»<sup>65</sup>, Ойбек ва Фафур Гуломнинг «Жалолиддин»<sup>66</sup> драматси ҳақидаги тақризларида бу асарларнинг ўз даври учун аҳамиятига алоҳида эътибор берилган. Масалан, Ойбек ва Фафур Гулом мақоласининг илк жумлаларидаёқ бу нарса яққол кўринадиди: «Немис-фашист босқинчиларига қарши аёвсиз жангларда совет халқлари қудратли совет техникасигагина эмас, ўтмишнинг маънавий салобатига ҳам суяндилар. Халқнинг эрки ва номуси, она Ватаннинг шан ва мустақиллиги учун ўтга кирган қаҳрамонлар замонларнинг қаъридан қўл узатдилар». Муаллифлар ҳақли равишда «Жалолиддин» давримизга гоят ҳамоҳанг» дея таъкидлайдилар. Чунки, «ботир аждодларнинг шонли ишлари юракларни ифтихор билан тўлдиради», душманга қарши курашда «янги зафарлар ва шонлар чўққисига илҳомлантиради». Бу мақолада ҳам давр танқидчилигига хос публицистик руҳ устувор, унда илмий таҳлилдан таассуротлар ифодаси салмоқлироқ ўрин эгаллаган. Албатта, ҳар икки муаллифнинг ҳам чуқур илмий таҳлилга қодир кишилар эканлиги шубҳасиз. Бироқ, адабий танқидий мақола — конкрет давр маҳсули, у ўша конкрет даврнинг ижтимоий-эстетик талаби билан ёзилади, демак, унга жавоб бериши ҳам шарт. Туғри, муаллифлар бир абзацда драманинг бадий жиҳатларига ҳам тўхталадилар. Уларнинг фикрича, асар фақат мазмуни билангина эмас, «композицияси пишиқ, драматик тўқинишларга бой»лиги, «фикр ва ҳикматга бой, баланд руҳли шеър билан ёзилган»и каби бадий жиҳатлари билан ҳам қимматлилигини таъкидлайдилар ва «Ўзининг фикрий ва бадий тўлғинлиги, юксаклиги жиҳатидан «Жалолиддин» бизнинг драматургиямизда юқори пояни ишғол этади» деган хулоса чиқардилар. Бундан кўринадики, асарнинг бадий томонларини олдинга чиқариб ўрганиш муаллифлар мақсадига кирмаган, улар давр талабига мос йўлдан боришган.

<sup>64</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1943, 10 январ.

<sup>65</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1943, 19 сентябр.

<sup>66</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1945, 18 феврал.



Уруш йилларида бадий проза сезиларли оқсагани, бунинг, аввало, эпик ижод табиати билан боғлиқ эканлиги маълум. Ўзбек насрчилигида бу даврда яратилган воқеа дегулик асар, шубҳасиз, Ойбекнинг «Навоий» романидир. Гарчи Ойбек романи уруш арафасида ёзишга киришган бўлса-да, ундан илк парчалар урушнинг бошларида эълон қилина бошлади. 1944 йилда эса роман алоҳида китоб ҳолида нашр қилинди. Асар адабий танқидчиликда катта қизиқиш уйғотди. М.Шайхзоданинг «Тирик Алишер» номли тақриси<sup>67</sup> ушбу романга бағишланган илк махсус чиқиш бўлди. М.Шайхзода мақолада асарга юқори баҳо бериб, унинг аҳамиятини таъкидлади. 1945 йил февралда эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида роман муҳокамасига бағишланган мунозара ўтказилди. Мунозарада асар, умуман олганда, юқори баҳоланди. Жумладан, Е.Э.Бертельс романда «Навоий образи ўзининг бутун тўлалиги билан, ортиқча бўёқларсиз тасвирлангани»ни айтса, И.Султон уни «ўзбек халқи тарихида ўлмайдиган роман», К.Яшин эса адабиёт хазинасига қўшилган «дурдона асар» деб баҳоладилар<sup>68</sup>.

Шу ўринда уруш йиллари адабий танқидчилигида «оғзаки танқид» кенг ўрин тутгани, адабий жараёнда муҳим аҳамиятга эга бўлганини айтиш керак. Уруш шароити билан боғлиқ газета-журналларнинг нашр имкониятлари чекланган бир шароитда танқидчиликнинг кўп вазифаларини оғзаки танқид ўз зиммасига олди. Ёзувчилар уюшмасининг режадаги йиғинларида жорий адабий жараён муаммолари мунтазам муҳокама қилиб борилди. Шу билан бирга, янги ёзилган асарлар, алоҳида ижодкорлар фаолияти муҳокамаларига бағишланган йиғилишлар, мунозаралар, адабиёт кечалари, юбилейлар ўтказиб турилди. Жумладан, «Жалололдин» драмаси (1943, декабр), «Навоий» романи (1944, феврал), Миртемир шеърлари (1944, апрел), Т.Тўланинг «Қуёв» пьесаси (1944, май) муҳокамасига бағишланган йиғилишларни мисол келтириш мумкин. Ушбу муҳокамаларда билдирилган фикр-мулоҳазалар адабий танқидий тафаккур ривожиди-

<sup>67</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1944, 10 декабр.

<sup>68</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1945, 11 феврал.

да ҳам, адабиёт ривожиди ҳам беиз кетмаган, албатта. Худди шундай гапни турли саналар муносабати билан ўтказилган юбилейлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Уруш йилларида Муқимий вафотининг 40 йиллиги (1943), И. А. Крилов таваллудининг 100 йиллиги (1944), А. С. Грибоедов таваллудининг 150 йиллиги (1945) муносабати билан турли тадбирлар, адабий кечалар ўтказилди. Бу саналар муносабати билан қатор мақолалар эълон қилинди, таржималар амалга оширилди. Масалан, Муқимий вафоти санаси билан боғлиқ ҳолда Ҳ. Олимжоннинг «Муҳаммад Аминхўжа Муқимий», М. Шайхзоданинг «Ватан гулзорининг ўтли булбули», К. Зелинскийнинг «Муқимий» каби мақолалари эълон қилинди.

1943 йилнинг 4-19 декабр кунлари Москвада ўзбек адабиёти декадаси бўлиб ўтди. Декада доирасида қатор адабий кечалар, ижодий учрашувлар ўтказилиб, уларда таниқли ёзувчи ва шoirлар, адабиётшунослар иштирок этдилар. Декада ўзига хос бир ҳисобот, ўзбек адабиётининг собиқ иттифоқ миқёсидаги тақдими бўлиб қолди. Декаданинг очилишига бағишланган мажлисда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раҳбари сифатида Ҳ. Олимжон доклад қилди, мазкур доклад «Литература узбекского народа» номи билан «Литература и искусство» ҳафталик газетасида чоп этилди. Шуниси эътиборга сазоворки, Ойбекнинг декада арафасида ёзилган «Ўзбек адабиёти» номли мақоласи<sup>69</sup> ҳам мазмуни ва руҳи жиҳатидан Ҳ. Олимжон мақоласига яқин туради. Бу эса декада арафасида ижодкорларнинг қарашлари, кайфиятларидаги муштараклик билан изоҳланиши мумкин. Ҳ. Олимжоннинг бу мақоласи ўзига хос тақдимот бўлиб, у рус ўқувчиларига, аниқроғи, рус тилида ўқийдиган ўқувчиларга ўзбек адабиётининг қадим даврларидан то уруш йилларигача босиб ўтган йўли ҳақида тасаввур бериш, бу йўлни қисқача ёритиб беришга қаратилган. Муаллиф ўтмиш адабиёти ҳақида, бой маданий мерос ҳақида ифтихор билан гапиради, уруш йилларидаги адабиётдаги сафарбарликни миллий қадриятлар, адабий анъаналар билан боғлаб тушунтиради. У «юксак маънавий

<sup>69</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1943, 4 ноябр.

руҳ, мустақиллик ҳисси, инсонийлик ва жасорат ўзбек халқининг ижодий даҳосига ҳамиша хос бўлиб келган»ини таъкидлайди, жорий адабиётдаги ютуқлар ҳақида фахр билан сўзлайди. Шунингдек, «Литературная газета»нинг 1943 йил 11 декабр сониди Ҳ.Олимжоннинг «Литературная жизнь Узбекистана» номли мақоласи ҳам босилди. Бу мақолада эса ҳисобот руҳи устунроқ бўлиб, унда адабий ҳаётдаги янгиликлар, ўзбек ёзувчи ва шоирлари яратган асарларга, эришилган ютуқларга қисқача обзор берилади.

И.Султон декада якунларига бағишланган мақоласини «Катта имтиҳон»<sup>70</sup> деб номларкан, унда ўзбек адабиёти «катта имтиҳон»дан муваффақиятли ўтиб келди, деган фикрни олдинга суради. Муаллифнинг фикрича, декада давомида «бизнинг камчиликларимиз ва олдимизда турган вазифаларнинг масштаби, айниқса, яққол кўриниб қолди». Шунга қарамай, «энг муҳим хулоса камчиликларимизга оид бўлмасдан, ютуқларимизга оиддир». И.Султон ўзбек халқи «адабиёт соҳасида ҳам илғор халқлар билан бўй ўлчашадиган бўлиб қолибди» дея фахр билан таъкидлайди. Муаллиф ютуқларни қайд этиш билангина кифояланмайди, аксинча, камчиликлар, адабиёт олдида турган вазифалар ҳақида ҳам тўхталади. Жумладан, у проза соҳасида ҳали кўп камчиликлар борлигини, «прозачи кадрларни кўпайтириш, ёш прозачиларнинг ижодий ўсишига астойдил мадад бериш» зарурлигини; драматургияда, «айниқса, ҳозирги замон темаларида ёзилган пьесаларда ҳали кераксиз ваъзбозлик, юзаки пафос, ҳаётни қўпол равишда пардозлаб кўрсатиш» каби касалликлар борлигини таъкидлайди. И.Султон адабиётимиз имкониятларига юқори баҳо бериб, мақолани ғалабага қадар шу каби камчиликларни тугатиш, адабиётимизни ўстириш ва ғалаба тўйига муносиб совға билан келишга даъват билан якунлайди.

Ойбекнинг «Бугунги вазифалар» номли мақоласи<sup>71</sup> уруш даври адабиётига яхлит олган ҳолда танқидий қарашга, ундаги

<sup>70</sup> Султон И. Асарлар. 4 томлик. 2-том. – Т.: 1972, 24-28 бетлар.

<sup>71</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1945, 26 август.

ютуқ ва камчиликларни рўй-рост очиб беришга қаратилгани билан муҳим. Мақолани «Уруш битди» жумласи билан бошлаган муаллиф «Ватан уруши йилларида «адабиёт нима берди ва тинчлик даврида нима бериши керак, унинг олдида қандай масалалар туради?» деган саволни қўяди. Ойбекнинг фикрича, ҳали уруш мавзусини ёпишга эрта, бу адабиётимизда ҳали старлича ишланган эмас. Ойбек ўзини ҳам қўшган ҳолда эътироф этади: «Уруш даврида жиддий ишлай олмадик, шошиб-пишиб ёздик». Ҳуш, Ойбекни нима қониқтирмайди? Албатта, уруш даври шароити, «Қаламни қиличга айлантириш» зарурати шошиб ишлашни ҳам тақозо этгани аён. Буни Ойбек ҳам жуда яхши билади. Бироқ, шунда ҳам қониқмасликка асоси бор: «Тошкентда яшаган шоир учун фронт ва унинг одамани <...> ҳаққоний, чуқур, гўзал тасвирлаш ғоят қийин». Шунинг учун ҳам уруш ҳақидаги асарларда «землянка бор, блиндаж ва окоп бор, лекин фронт ҳаёти йўқ, жангчи бор, лекин жанг йўқ, қаҳрамоннинг номи бор, лекин ўзи йўқ». Адабиётда уруш темасининг ишланишида кўринган юзакилик, схематизм касаллиги Ойбекни қониқтирмайди. Шу сабабли ҳам у ушбу мавзу ҳали чуқур ишланиши керак деб ҳисоблайди.

Ойбек шеърятда маълум ютуқлар бўлганини айтади, шу билан бир қаторда проза уруш даврида жуда оз асар берди, деб ҳисоблайди. Проза ҳақида фикр юритган муаллиф тўғри ва муҳим бир хулосани чиқаради: адабиётимизнинг «асосий нуқсони — прозанинг заифлигидир. Прозасиз катта адабиёт яратиш мумкин эмас». Ойбек уруш даврида драматургияни «хийла кўтарган жиддий драмалар» яратилганини эътироф этган ҳолда, «ўзбек драматургияси ибтидоий натурализм ва шовқинли, тумтароқли, ташқи ҳаяжондор, юзаки романтизм касалидан соғайиш, соғлом, чуқур, тўлақонли, кучли реализм мактабини эгаллаш»ини орзу қилади. Муаллифнинг реализмни эгаллаш талаби эса яна юзакилик, схематизмга қаршилиқдан келиб чиқади. Ойбек уруш кишилар маънавиятини, руҳиятини чуқур ўзгаришларга учратганини таъкидлаб, «ёзувчилар энди ҳаётни чуқурроқ тушунишлари» лозимлигини уқдиради. У ёзувчиларни энди ўзларининг ижодига танқидий назар солиш, «Қофиядан бош-

лаб то қаҳрамон образига қадар жиддий бош қотириш», мазмун, шакл ва маҳорат масалаларида янгиликка интилишга, изланишларга ундайди. Хуллас, Ойбек янги давр кирганини, бу давр шароити адабиётдан шунга мос ўзгаришларни тақозо қилишини чуқур ҳис қилади, адабиётнинг олдида турган энг муҳим вазифаларга диққатни тортади.

\* \* \*

Ойбек уруш тугагандан кейиниқ ёзилган «Бу кунги вазифаларимиз» номли мақоласида «уруш ҳаётимизни ўлчовсиз даражада бойитди» деб ёзади. Дарҳақиқат, уруш одамлар дунёқарашини, руҳиятида катта ўзгаришлар ясади: Ойбек айтмоқчи, «ўз қишлоғи ёки район марказидан бошқа жойни кўрмаган» ўзбек йигити фронтда фақат қон кечиб келдигина эмас — у дунёни кўрди, ўзга халқларнинг турмуш тарзини, яшаш шароитини, маданиятини, тараққий даражасини ўз кўзи билан кўрди. Энди у — кечагина ёруғ дунёда фақат ўзи бахтли яшаётгани, ўзга юртларда меҳнатқашлар шафқатсиз эксплуатация қилинаётгани ҳақидаги чўпчакларга ишониб юрган одам — дунёга ўзгача кўз билан қараш, ўзи билан ўзгаларни реал солиштириб кўриш имконига эга бўлди. Иккинчи томондан, у — ғолиб, инсониятнинг фашизм балосидан халос этган, энди тўрт йиллик уқубатлардан сўнг зафар нашидасидан сархуш эди. Бироқ бу ҳолат ўткинчи экани, эртага реал ҳаёт билан тўқнашганида бояги имкониятнинг ҳаракатга келиши ҳам тайин эди...

Мавжуд ҳолатни жуда яхши билгани учун ҳам шўро мафкурачилари «темирни қизиғида босиш»га шошди: 1946 йилда ВКП(б) МКнинг «Звезда» ва «Октябрь» журналлари тўғрисида» ва «Драма театрларнинг репертуарлари ва уни яхшилаш чоралари ҳақида»ги қарорлари майдонга келдики, уларда асосий эътибор адабиёт ва санъатнинг ғоявий жиҳатларига, «коммунизм қуриш ишидаги вазифалари»га қаратилган эди. Бу қарорларда, айниқса, журналлар фаолияти юзасидан А.Жданов докладида ғоясизлик, эстетизм, ғарб адабиёти ва санъатига маҳлиёлик ҳоллари қаттиқ танқид остига олинди. Шўро даврида «партия қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш»нинг қатъий йўлга

қўйилган аниқ механизми ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра барча республикаларнинг партия қўмиталари ва ижодий союзларида шу қарорлар «ишлаб чиқилиши» ва «зарур чора-тадбирлар белгиланиши» шарт эди. Табиийки, бу иш Ўзбекистонда ҳам тўқис амалга оширилди. Масалан, ўша даврда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилган Ойбек ёш ёзувчилар кенгашида (1947, 14 август) қилинган «Ўзбек совет адабиётининг юқори ғоявийлиги учун» номли маърузасида «Ўртоқ Жданов «Звезда» ҳам «Октябрь» журналлари ҳақида қилган доклад»га бот-бот мурожаат қилади, очигини айтганда, маъруза қарор мазмун-мундарижаси ва руҳига мос тартибда қурилади; К.Яшин «Қизил Ўзбекистон» саҳифаларидан «Республика театрлари репертуарларидаги хатоларни секинлик билан тузатмоқдалар» (1947) дея бонг уради; Ғ.Ғулом кейинроқ ёзилган «Халқ учун ижод қилиш катта бахт» (1951) номли мақоласини «ВКП(б) Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Октябрь» журналлари ҳақида бундан беш йил илгари қабул қилган тарихий қарор»нинг аҳамияти ҳақидаги гаплардан бошлайди. Ғ.Ғулом беш йилдан сўнгра ҳам қарорни «тарихий» деб атагани бежиз эмас, зеро у адабиётимизнинг ками ўн йиллик қиёфасини белгилаган эди. Албатта, уч нафар академигимизнинг қарорга «лаббай» дея жавоб берганларини бугун хато дейиш, уларни танқид қилишимиз осон. Фақат бу ўринда, бир тарафи, уларнинг шунга мажбур бўлганларини, иккинчи тарафдан, қарорнинг ҳақиқатан ҳам адабиётимиз учун фойдали бўлишига қисман ишонганларини эътиборда тутиш лозим.

Шунга қарамай, мазкур қарор, умуман олганда, адабиётимизда кўпроқ салбий оқибатларни келтириб чиқаргани аён ҳақиқатдир. Бунга амин бўлиш учун Ойбекнинг Тошкент шаҳар ёзувчиларининг умумий йиғилишида (1946 йил 12 сентябр) сўзлаган нутқини кўздан кечириш кифоя. Ўз маърузасида Ойбек ҳамкасбларига иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси XI пленуми якунлари ҳақида ахборот беради. Табиийки, пленум ва унда А.Фадеев сўзлаган нутқ ўзида қарор руҳи ва моҳиятини тўла акс эттиради. Ойбек ҳамкасбларига А.Фадеев нутқидаги асосий нуқталарни, жумладан, қозоғистон ва Озарбайжон олимлари, айрим Армани-

стон ёзувчилари томонидан ўтмишни идеаллаштириш ҳолларига йўл қўйилгани; адабиётда совет ватанпарварлиги мавзусининг старли даражада чуқур ишланмаётгани; ғарб маданиятига кўр-кўрона сиғиниш, шаклбозликка мойиллик ҳоллари кузатилаётгани қаттиқ танқид қилинганини етказди. Шундан сўнг Ойбек ўз тилидан ўзбек адабиётидаги ҳолатга тўхталадики, бунда ҳам пленум ва Фадеев нутқи руҳи яққол сезилади. У, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам ўтмишни идеаллаштириш ҳоллари кўзга ташланиши, ёзилаётган асарларнинг ғоявий савияси доим ҳам талаб даражасида эмаслиги, ижодкорларнинг сиёсий ва ижодий савиясини кўтариш зарурлиги каби масалаларга диққатни жалб қилади. Адабиётнинг ғоявий-мафкуравий томонига Ойбек маърузасида асосий эътибор берилади, бу нарса қуйидагича асосланади: «сизларга маълумки, атрофимизда капиталистик ҳалқа ҳамон мавжуд: кўплаб мамлакатларда ҳануз фашистик унсурлар, ўтакетган реакционерлар, янги урушни тарғиб этувчи империалистик тўдалар бор. Бундай шароитда мафкуравий кураш кескинлашади. Биз совет кишиларга ёт бўлган мафкуранинг ҳар қандай кўринишларига қарши толмай кураш олиб боришимиз ва совет мафкурасини илм-фаннинг барча соҳаларида, шу жумладан, адабиёт ва санъат соҳасида мустаҳкамлашимиз зарур.

Ғарб маданиятига кўр-кўрона сиғиниш, буржуа миллатчилик қолдиқлари ва ўтмишни идеаллаштириш ҳоллари билан курашиш — булар давримизнинг мафкура ва адабиёт соҳасидаги энг муҳим сиёсий вазифалардандир»<sup>72</sup>. Адабиётнинг олдига аниқ-равшан сиёсий вазифаларнинг қўйилаётгани унинг бу даврга келиб партия қўлидаги мафкуравий қуролга айланиб бўлганидан далолат эди. Шуниси диққатга лойиқки, курашга даъват қилингани билан энди адабий жараёнда 30-йиллардаги каби очиқ душманлар қолмаган, майдонда қолганларнинг бари — шўро ёзувчиси. Шунга қарамай, адабий танқидда асоссиз айб тақашлар, тирноқ остидан кир қидиришлар кучайса кучайдики, сусайгани йўқ. Кураш эса, табиийки, қурбонсиз бўлмайди. Яхшироқ эътибор берилса, қарор ва унинг руҳида ўтказилган

---

<sup>72</sup> Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 20-том. — Т.: 1985, 83-б.

пленумлар, ёзувчиларнинг турли йиғинларида сўзланган оташин нутқлар, асарлар муҳокамасига бағишланган мунозараларда, матбуотда эълон қилинган айрим адабий танқидий мақолаларда (айниқса, редакция мақолаларда) 50-йилларда юз берган қатағоннинг иккинчи тўлқини илк мавжларини кўриш мумкин бўлади.

Маълумки, шўро ҳукумати адабий танқидга, биринчи навбатда, ўз адабий сиёсатини амалга ошириши лозим бўлган восита сифатида қараган. Адабий танқидни ривожлантириш масалалари партиянинг турли даражадаги йиғинларида, ижодий уюшмалар пленумларида махсус муҳокама қилингани, муайян тадбирлар белгилангани ҳам шу сабаблидир. Булардан ташқари, урушдан кейинги йилларнинг марказий нашрларида адабиётдаги ҳодисаларни ёритиш, адабиётнинг вазифаларини белгилаб беришга бағишланган бош мақолалар, йирик адибларнинг мақолалари мунтазам чоп этилиб турди<sup>73</sup>. Айтиш керакки, бу мақолалар ҳам танқидчиларимиз учун ўзига хос кўрсатмалар вазифасини ўтаган. Шуларни эътиборга олинса, адабиёт соҳасидаги ягона сиёсат қай тарзда амалга оширилганини яққол кўриш мумкин.

Юқоридагича талаб ва кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда урушдан кейинги йиллар танқидчилиги янги пайдо бўлган асарларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ишига жиддий киришди, адабий танқидда тақриз жанри фаоллашди. Бу даврда нашр имкониятларининг кенгайгани, «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналларининг мунтазам чоп этилиб тургани бунда муҳим омил бўлди. Иккала адабий журналнинг ҳар бир сониди тақризлар учун махсус жой ажратилган эди. Фақат махсус адабий нашрлар эмас, бошқа газеталарда ҳам адабиёт бўлимларининг ишлаб тургани тақризчиликнинг ривожиди муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шуниси диққатга моликки, битта асар ҳақида бир нечта тақриз эълон қилиниши, уларда асарнинг турлича баҳоланиши ҳоллари ҳам давр танқидчилигида кўплаб учрайди. Жумладан, Мирмуҳсиннинг «Уста Фиёс», Р.Бобожоннинг «Қадрдон дўстлар» поэмала-

---

<sup>73</sup> Қаранг: Ўзбек совет адабий танқидчилиги тарихи. I-том.



ри, П.Турсуннинг «Ҳақ йўл», А.Мухторнинг «Дарёлар туташган жойда», Ҳ.Назирнинг «Кўкорол чироқлари» қиссалари, А.Қаҳҳорнинг «Қўшчинор», Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романлари танқидчиликда турлича фикрлар, мунозаралар уйғотди. Албатта, муайян асар ҳақида турлича фикрларнинг билдирилиши ўз-ўзидан ижобий ҳодиса, бунинг устига мунозаралар давомида билдирилган фикрлар изсиз кетгани ҳам йўқ. П.Турсун, Р.Файзий, Ҳ.Назир, А.Қаҳҳор каби ижодкорлар ўз асарларини қайта ишладилар, мукаммаллаштирдилар. Бироқ, афсуски, адабий танқиддаги бу ижобий ҳодиса тўла самара бермади. Нега деганда, қайта ишлашлар ҳамма вақт ҳам ижобий натижа бергани йўқ. Буни А.Қаҳҳорнинг «Қўшчинор» романини танқидчиликнинг эътирозлари асосида қайта ишланган «Қўшчинор чироқлари» романи билан қиёслаш асосида адабиётшунос Р.Қўчқоров жуда яхши кўрсатиб берган<sup>74</sup>.

Гап шундаки, бу давр адабий танқидчилигида «ҳаётни бузиб кўрсатди» деган умумий ном билан аталиши мумкин бўлган камчиликларни туртиброқ кўрсатиш урф бўлган эди. Совет воқелигини албатта нурли кўрсатиш керак, деган ақида билан ёндашиш натижасида адабиётда яна схематизм илллати бўй кўрсатади, реалистик тасвир принциpidан чекиниш кузатилади. Бу хил ёндашув, аслида, мафкурага хизмат қилиш, мавжуд воқеликни бадий тасдиқлаш талаби билан келиб чиқади. Энг қизиғи, қарорларда, кўрсатма мақомидаги мақолаларда ҳаётни ҳаққоний тасвирлаш талаби ҳам олдинга сурилаверади. Ҳолбуки, давр ҳаётини чинакам реалистик тасвирлаш, кишилар характерини чинакам жонли гавдалантириш талабига риоя қилинса, расмий мафкурага номаъқул, расмий нуқтаи назарга зид талқинларнинг юзага келиши тайин эди. Урушдан кейинги йилларда бу каби айбловлар сарлавҳагаёқ чиқарилган мақолалар ҳам яратилди. Жумладан, «Воқелигимизни сохталаштирувчи ҳикоя»(К.Йўлдош), «Воқеликни бузиб кўрсатувчи роман» (И.Султонов, Ш.Рашидов) номли мақолалар бунга ёрқин мисолдир. Хўш, воқеликнинг «бузилиши», «сохталаштирилиши»ни мунаққидлар нималарда кўра

---

<sup>74</sup> Қўчқор Р. Мен билан мунозара қилсангиз. – Т.:1998.

ди? Масалан, «Қўшчинор» романи муҳокамасида А.Алимуҳамедов бош қаҳрамон сифатида Сидиқжондек колхоз тузумининг афзаллигини тушунмаган одамнинг олингани билан ҳеч келиша олмайди. Унинг фикрича, «Сидиқжон колхозлаштириш ҳаракати бошланганда батрак ва камбағал деҳқонларнинг бу ҳаракатга қандай муносабатда бўлганликларини, партия ва совет ҳукуматининг бу таклифларини қандай кутиб олганликларини ҳамда ўзлари ҳам қандай ташаббус кўрсатганларини ифодаловчи бир образ бўлиши керак эди»<sup>75</sup>. Мунаққид ёзувчининг ижодий ниятини буткул эътиборга олмайди, шунга ўзини ҳақли деб билади. Агар диққат қилинса, аслида унинг ўзи ёзувчидан воқеликни мафкурага мослаб сохталаштиришни, яъни ўзи таклиф этган схема асосида тасвирлашни талаб қилаётгани аён бўлади. Ҳолбуки, А.Қаҳҳор Сидиқжон образи талқинида реалистик тасвир йўлидан борган, жонли характер яратган эди. И.Султон эътирози эса, жумладан, «социалистик қишлоқ ҳаётининг қашшоқ» қилиб кўрсатилгани билан боғлиқ. Истиқлол арафасида эълон қилинган кўшлаб мақолалардан яхши биламизки, «колхоз тузумига асосланган социалистик қишлоқ» нафақат 40-50 йилларда, балки шўро ҳокимиятининг сўнгги йилларида ҳам иқтисодий жиҳатдан, асосан, ночор ҳолатда эди. Демак, И.Султон ҳам ҳақиқатда воқеликни сохталаштириб тасвирлашни талаб қилади.

Давр танқидчилигидаги анча оммалашган айбловлардан яна бири «партия раҳбарлигини старли даражада кўрсатмаганлик» эди. Масалан, И.Султон Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романида район партия раҳбарларининг «Қаҳрамонларнинг курашида, хатти-ҳаракатида ҳал этувчи рол ўйновчи кишилар тариқасида, қаҳрамонларга, партия раҳбарларига хос донолик, зийраклик ва ўткир тажриба асосида мадад берадиган йўлбошчилар сифатида кўрсатилмаган»ини<sup>76</sup> энг катта камчилик деб кўрсатади. Кўрамизки, бу ўринда ҳам мунаққид маълум схемани таклиф қилмоқда: ёзувчидан ҳаётда бор нарсани эмас, ўзи

<sup>75</sup> Қўчқор Р. Мен билан мунозара қилсангиз. – Т.: 1998.

<sup>76</sup> Султон И. Асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т.: 1972, 35-6.

кўришни истаган нарсани бор сифатида тасвирлашни талаб этмоқда. Адабий танқиднинг бу хил талаблари эса «социалистик реализм адабиёти»нинг реализмдан мутлақо чекинишига, унга мансуб кўплаб асарларининг схематизм қурбони бўлишига олиб келди.

Юқоридаги ҳолатлар эътиборда тутилса, давр адабий танқидчилигида ижобий қаҳрамон муаммоси анча жиддий тургани табиий кўринади. Шу муаммога бағишланган мақолалардан бирида, жумладан: «...ижобий қаҳрамон — бадий асарнинг асоси, қон томирларини ўзида бирлаштирувчи юраги... У бадий асар ўз ичига қамраб олган барча воқеаларнинг марказида туради»<sup>71</sup>, - дейилади. Шу хил қараш устуворлик қилгани учун ҳам, масалан, Ҳ. Ёқубов А.Қаҳҳор «Сароб» романида буржуа объективизми йўлидан борган, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ёзувчининг «салбий образлар орқали миллатчиларнинг аксилинқилобий ҳаракатларини фош қилишга, уларнинг ғоявий инқирозларини кўрсатишга интилиш тамомила муваффақиятсизликка учради»<sup>72</sup>. Албатта, асар марказига ижобий қаҳрамонни кўйиш, ўқувчи омма ибрат олиши мумкин бўлган қаҳрамонлар яратиш талаби ҳам охир оқибатда схематизмга олиб боради. Табиийки, буни кўп мунаққидлар, адиблар жуда яхши тушунганлар. Жумладан, А.Алимуҳамедовнинг ўзи «Уста Ғиёс» ҳақида баъзи мулоҳазалар» мақоласида қаҳрамонларни ҳаққоний, тирик одамга хос яхши ва ёмон жиҳатларини бирликда олган ҳолда кўрсатишга интилишни Мирмуҳсиннинг ютуғи сифатида баҳолаган эди. Энди, орадан бир йил ўтганидан сўнг Сидиқжон масаласида бошқача хулоса чиқариб турибди. Нимага шундай? Ахир, Сидиқжон ҳам тирик одамдек — ижобий ва салбий жиҳатларни ўзида мужассам этмаяптими? Гап шундаки, А.Алимуҳамедовнинг диққат марказида энди қаҳрамон эмас, балки «колхозлаштириш даври»нинг, яъни совет воқелигининг қандай тасвирлангани турибди. Шу мулоҳазадан келиб чиққан ҳолда мунаққид Сидиқжон образидан қониқа ол-

---

<sup>71</sup> Совет мактаби. 1952, № 6.

<sup>72</sup> Шарқ юлдузи. 1949, № 2.

мади ва ўзи қўйган талабга мос схемани таклиф этди. Демак, ҳамма иллат адабиёт олдига қўйилаётган талабларнинг ўзида: мафкура нуқтан назаридан қўйилган талаблар бадийят нуқтан назаридан қўйилган талабларни инкор қилади ва аксинча. Масалан, мафкуранинг «совет кишиларини социалистик ғоялар руҳида тарбиялаш» талабини қўйгани «ибратли қаҳрамон» яратишни тақозо этади, бу эса, ўз-ўзидан, тўлақонли жонли характер яратиш талабига зид тушади. Ёки мафкура замонавий мавзуда ёзилган асарда социалистик воқеликни бадий тасдиқлашни шарт қилиб қўяди. Бу эса табиий равишда яна қатор талабларни келтириб чиқаради: биринчидан, бу воқелик марказида коммунист образи — ибратга лойиқ ижобий қаҳрамон туриши керак — характерни тўлақонли яратиш имкони кесилади; иккинчидан, ижодкор воқеликни бадий тадқиқ қилиш ўрнига мафкурага мос иллюстрация яратиши лозим — бадий ижод йўққа чиқади; учинчидан, мавжуд воқеликдаги зиддиятлар ҳаспўшланиши керак — «конфликтсизлик» илллати юзага чиқади ва ҳ. Демак, мафкура томонидан адабиёт олдига қўйилган талабларнинг бари схематизмга олиб боради.

Адабиёт олдига қўйилган мафкуравий талаблар унинг бадий имкониятларини нечоғли чекламасин, танқид бу масалага ҳам жиддий эътибор берди. Жумладан, Ойбекнинг қатор мақолалари, нутқларида бунга алоҳида тўхталинган. Ойбек адабиётнинг бадий савиясини кўтаришда танқиднинг роли катта эканлигини жуда яхши тушунади: «Бизга асарнинг ғоявий мазмунини очиб бериш билан бир қаторда асарнинг бадий тўқимасини ҳам конкрет анализ қилувчи танқид керак, токи ёзувчи ўз асарининг мусбат жиҳатлари билан бирга жамики камчиликларини ҳам яққол кўра олсин»<sup>79</sup>. Ойбекнинг бу гапининг мазмунига диққат қилсак, ундан «асосий камчиликлар бадийят бобида» деган мазмун ётгани кўринади. Шуни таъкидлаш жоизки, ёзувчилар уюшмаси раҳбари сифатида Ойбек қилган ҳар бир маъруза ёки ҳисоботда танқиднинг роли, уни ривожлантиришнинг аҳамияти таъкидланади. Жумладан, 1949 йил 9 июлда

---

<sup>79</sup> Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. XIV том. 240-б.

ўтказилган Ёзувчилар уюшмасининг III пленумида Ойбек «Ўзбекистон шўро адабиётининг қолоқлиги адабий танқиднинг фавқулодда ожизлиги билан изоҳланади»<sup>80</sup> дея таъкидлайди. Шу ўринда бир йил илгари Ёзувчилар уюшмаси президиуми йиғилишида (1948 йил, 1 июн) Ойбек айтган гапни келтириб ўтиш фойдали бўлади. Ойбек танқиднинг ҳолатига тўхтаб, «бизда бошловчи танқидчиларгина бор» деганида, қатнашчилардан кимдир Ҳ. Ёқубовни эслатади. Шунда Ойбек: «Улар адабиёт-шунослар, улар архивларда бандлар, улар XV асрни ўрганишяпти, диссертация, монографиялар ёзишяпти. Бизда танқидий фикрлар матбуотда эмас, мажлисларда айтилади, негаки, матбуотда чиқиш — масъулиятли иш»<sup>81</sup>, — деб норозироқ оҳангда гапиради. Дарҳақиқат, урушдан кейинги дастлабки йилларда И. Султон, Ҳ. Ёқубов, А. Саъдий сингари қатор тажрибали мутахассислар кўпроқ адабиёт тарихи масалалари билан машғул бўлиб, Ҳ. Ёқубовни истисно қилсак, адабий танқид соҳасида ўта пассив эдилар. Бунинг сабаби фақат бандлик билан изоҳланармикан? Бизнингча, Ойбекнинг «матбуотда чиқиш — масъулиятли иш» деган гапида ҳам жон бор: кўплаб мунаққидларимиз нозик маҳалда унчалик қалтис бўлмаган жабҳада ишлашни маъқул кўрган бўлишса, эҳтимол. Бироқ...

40-йилларнинг охирига келиб вазият анча кескинлашди: энди қалтис бўлмаган мавзу, тинчгина ишлаш мумкин бўлган соҳанинг ўзи қолмади. Ойбек юқорида биз тўхталган III пленумда сўзлаган нутқида «ВКП(б)нинг қарори адабиёт ривожидида фавқулодда муҳим ҳодиса» эканлигини таъкидлаб: «У бизга ёзувчиларимиздан айримларининг замона муаммоларидан четланиб тарихий мавзу ва сюжетларга маҳлиё бўлишлари, сиёсатдан йироқлик, ғоясизлик, эстетлик кабиларда намоён бўлган камчилик ва хатоларимизни ҳал қилишимизда ёрдам берди»<sup>82</sup>, — дейди. Ойбек бу гапларни бежиз айтаётгани йўқ. Гап шундаки, пленумда ЎзКП(б) МКнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолияти

<sup>80</sup> Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. XX том. 165-б.

<sup>81</sup> Шу манба. 130-б.

<sup>82</sup> Шу манба. 154-б.

юзасидан чиқарган қарор кўриб чиқиляётган бўлиб, унда М.Ваҳобов иштирок этаётган эди. М.Ваҳобов марказкўмнинг ўша пайтдаги идеология бўйича котиби бўлиб, пленумдан тўрт ой илгари бўлиб ўтган ЎзКП(б) X съездида адабиёт масаласида ўта вульгар социологик руҳдаги чиқиш қилган эди<sup>83</sup>. Яъни, аслида, Ойбек айтаётган камчиликларни ўшанда қўпол ва ўта сиёсий тус берган тарзда М.Ваҳобов съезд минбаридан айтган эди. Демак, давр шароити ва Ойбекнинг Ёзувчилар уюшмаси раҳбари эканлиги эътиборга олинса, пленумдаги нутқига съездда айтилган камчиликларни бироз юмшатиб бўлса-да қистириб ўтмаслиги мумкин эмас. Пленумдан бир ҳафта ўтгач, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1949 йил 22 июл сонисида «Адабиётимизнинг ғоявий-бадиий юксаклиги учун» номли бош мақола ҳамда шу соннинг ўзида М.Ваҳобовнинг «Ўзбек совет адабиётини янада юксалтириш учун» деб номланган мақоласи эълон қилинди. Бу мақолаларда замонавий мавзудаги асарлар ҳам, ўтмиш меросига ҳам вульгар социологик жиҳатдан ёндашилди. Жумладан, «Қўшчинор» романи «ғоявий жиҳатдан яроқсиз» деб баҳоланди; ўтмишни идеаллаштиришга уринишлар, ғоясизлик кескин қораланди. Ўтмиш адабий меросидан фойдаланиб бўлмайдиган қабилдаги 30-йиллардаги қарашлар яна олдинга сурилди...

Биз гапни бадиият масаласидан бошлаганимиз ҳолда вазият ҳақида тасаввур бериш учун масаладан четлашиб кетган эдик, энди яна мавзуга қайтсак. Хуллас, вазиятни умумлаштириб шундай таърифласа бўлади: қай йўсин ва нима ҳақда ёзишидан қатъи назар, астойдил исталса, ҳар кимни айблаш мумкин. Масалан, А.Алимуҳамедовнинг илк мақолаларидаёқ, хусусан, «Уста Ғиёс» поэмаси ҳақида баъзи мулоҳазалар» номли мақоласида адабий асарни бадиият жиҳатидан таҳлил қилиш ва баҳолашга интилиш кузатилади. Мунаққиднинг «Абдулла қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир» номли мақоласида ҳам ўз даври учун (хусусан, ўзбек адабий танқидчилиги учун) янги таҳлил йўлидан боришга ҳаракат қилинган. Афсуски, юқоридагича вазиятда ҳатто

---

<sup>83</sup> Қаранг: Қўчқор Р. Мен билан мунозара қилсангиз. – Т.: 1998.

Ҳ. Ёқубовдай зукко адабиётшунос ҳам буни тўғри баҳолай олмади. Ҳ. Ёқубовнинг «Адабиётимизда эстет-космополитларни охиригача фoш қилайлик»<sup>84</sup> номли мақоласида мунаққиднинг бундай ёндашувини формализмга мойиллик деб баҳоланди, унга «ашаддий эстет-космополит» деган айб тақалди. Ҳ. Ёқубовнинг айблов руҳидаги бу мақоласи ЎзКП(б) X съездидаги М. Ваҳобов чиқишидан икки ҳафталардан сўнг эълон қилингани эътиборга олинса, унинг уюштирилган мақола эканлиги, мафкурачилар жиддий ишларни режалаштириб қўйганлари ва уни амалга оширишга астойдил киришганлари ойдин бўлади-қолади. Ушбу манфур режани амалга ошириш йўлида оқни қора қилишдан тортииб ўтирилмади, матбуотда кўплаб асарларга, жумладан, Ойбекнинг «Навойи» романига, Шайхзоданинг «Жалололдин» драмасига, халқ оғзаки ижодининг дурдонаси «Алпомиш» достонига вульгар социологик хуружлар уюштирилди. Бу хуружларнинг натижаси шу бўлдики, қатағоннинг иккинчи тўлқини М. Шайхзода, Шуҳрат, С. Аҳмад, Шукрулло сингари ижодкорларни, Ҳ. Сулаймонов, А. Алимўхамедов, Ҳ. Зарипов сингари адабиётшуносларни домига тортди...



50-йилларнинг ўрталаридан профессионал танқидчи сифатида танила бошлаган О. Шарафиддинов ўша йилларни шундай хотирлайди: «1956 йил мамлакатимиз тарихида алоҳида ажралиб туради. Ўша йил мамлакатимиз осмонида узоқ муддат мобайнида ҳукм сурган зулматли тун ёриша бошлагандай — уфқда тонг шафақлари йилтиллагандай бўлганди. Қолаверса, 1985 йилда бошланган ошкоралик ва қайта қуриш дегани илк бор ўша йили куртак чиқарган. Ўша йили партиянинг XX съезди бўлди. Съездда Н. С. Хрушчев биринчи марта Сталин шахсига сиғиниш иллатини баралла гапирди. Бу нутқ мафкуравий ҳаётимизни алғов-далғов қилиб юборди. Бирдан аён бўлдики, мақталган социалистик жамиятимизда кўп йиллар мобайнида зулм ва зўравонликка асосланган якка ҳумронлик

---

<sup>84</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1949, 16 март.

тузуми мавжуд экан, демократия деган нарсa буткул йўқ экан, буйруқбозлик, дўқ-пўписа, таъқиб ва тазйиқлар авж олган экан»<sup>85</sup>. Дарҳақиқат, шахсга сиғиниш оқибатларининг фош этилиши шўро жамиятининг ижтимоий-маънавий ҳаётида кескин бурилиш ясади. Жамият ҳаётида кейинча «Хрушчев баҳори» деб ном олган давр бошланди. Тўғри, ҳозирги кун нуқтаи назаридан қаралса, бу ўзгаришларнинг мақсад-моҳияти жамиятнинг кўпчилик аъзолари дилида ўлаёзган социализм ғояларига ишончни тирилтиришга, ғоянинг ўзини «оқлаш»га қаратилгани равшан. Яъни жамият ҳаётидаги фожиалар, жамики иллатлар, йўл қўйилган хатолар учун жавобгарликнинг бари-ни Сталин шахсига ағдариш орқали кўпчиликда «аслида-ку, ғоя яхши, бироқ уни амалга оширишда хатолар қилинди, Ленин чизиб берган йўлдан оғиб кетилди» қабилидаги тасаввур ҳосил қилинди. Шунга қарамай, шахсга сиғиниш оқибатларининг ошкор танқид қилингани, илгари йўл қўйилган хатоларни тузатишга киришилгани, ноҳақ қатағон қилинганларнинг реабилитация қилина бошлангани — буларнинг бари кишиларда эртанги кунга ишончни мустаҳкамлади, ижтимоий кайфиятни кўтарди, шахс фаоллигини оширди. Жамият ҳаётидаги бу ўзгаришлар, табиийки, адабий танқиднинг фаоллашуви-га олиб келди. Бу ҳақда О.Шарафиддинов юқорида эслатилган мақоласида: «XX съезд тикилиб ётган булоқнинг кўзини очиб юборгандай бўлди — ҳамма жойда баҳслар, мунозаралар авж олди, ҳатто Ўзбекистонда ҳам санъат ва адабиёт ҳақидаги ҳақиқатни очиқ айтишга интилган мақолалар пайдо бўла бошлади», - деб ёзади.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, табиийки, адабиётшунослик ва танқид олди-га қатор вазифаларни қўйди. Буларнинг ичида қатағонга учраган адиб ва шоирлар ижодига муносабатни қайта кўриб чиқиш масаласи энг долзарб ва кечиктириб бўлмас вазифа эди. Нега деганда, реабилитация қилиш бўйича комиссиялар фаол ишлаб, қатағон тегирмонидан омон чиқолганлар қайта бошлаган бир шароитда бу масалани тезликда ҳал қилиш зарур эди.

---

<sup>85</sup> Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. — Т.: 2004, 294-б.



И.Султон ўзининг «Ўзбек адабиёти тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганайлик» номли мақоласида: «Ўзбекистон адабиётшунослари олдида турган яна бир муҳим вазифа бизнинг совет адабиётимиз тарихининг бутун бойлигини тўлалигича очиб беришдан иборатдир. Адабиёт тарихининг турли босқичларида муайян рол ўйнаган айрим ёзувчилар ижодига асоссиз, бир томонлама баҳо бериш практикасини тугатиш керак»<sup>86</sup>, — деб ёзди. Мақолада қатор адибларнинг ижоди «ноҳақ равишда адабиёт тарихидан чиқариб ташлангани» нотўғри эканлиги, бу нарса «ўзбек халқи адабиётининг совет даврида эришган ютуқларини қашшоқлантириш ва камситишга олиб келиши»ни таъкидлайди.

И.Султоннинг «Галантли ўзбек совет ёзувчиси Абдулла қодирий»(1956) номли мақоласи бу йўналишдаги илк амалий ишлардан, адиб асарларининг ўқувчиларига қайтарилиши йўлидаги дастлабки қадамлардан бўлди. Бироқ мақолада қизиқ бир нуқта борки, унга алоҳида тўхталиш лозим. У ҳам бўлса 19 йил илгари «буржуа миллатчиси» сифатида қатағон қилинган А.Қодирийнинг бирданига ва қатъий қилиб «совет ёзувчиси» деб эълон қилингани. Бундай қатъийликнинг сабаби нимада? Гап шундаки, биз юқорида тўхталган аввалги мақоласида адабиёт тарихида «муайян рол ўйнаган айрим ёзувчилар ижодига асоссиз, бир томонлама баҳо бериш практикасини тугатиш керак» деган тўғри гапидан сўнг И.Султон: «Абдулла Авлоний, Ғайратий, Миртемир, Ҳ.Шамс ва бошқа баъзи ёзувчиларнинг ижоди объектив равишда, илмий асосда баҳоланиши керак»<sup>87</sup>, — деб ёзади. Мунаққид «айрим», «баъзи» сўзларини ишлатганида яна кимларни назарда тутуди? Мантиқан олиб қарасак, мақоладан келтирилган парчадаги санокда Авлоний билан Ғайратий орасига Фитрат, А.Қодирий, Чўлпонлар сиғади. Бизнингча, И.Султон аввалги мақолани ёзганида буларнинг масаласи қай йўсин ҳал этилишини билмаган ва шунинг учун ҳам санокда улардан бирортасининг ҳам номини келтирган эмас. Кейинроқ, расмий доираларнинг А.Қодирийга муносабати аниқлашгач, у ҳақдаги мақоласини ёзган.

---

<sup>86</sup> Султон И. Асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т.: 1972, 106-6.

<sup>87</sup> Шу манба. 106-107 бетлар.

И.Султоннинг матбуотдаги кейинги чиқишларида А.Қодирийни Чўлпон ва Фитратлардан кескин фарқлашга интилиш борлиги шу хулосага келишимизга асос беради. Масалан, «Совет адабиётлари тарихининг баъзи масалалари ҳақида»(1958) номли мақоласида И.Султон: «Революциядан илгариги эски зиёлиларнинг Ҳамза, Айний, Завқий, Абдулла қодирий ва бошқалар сингари софдил вакиллари пролетар революциясини ва унинг ғалабаларини ҳимоя қилиш йўлига ўтган бўлсалар, кўзга кўринган вакиллари Фитрат ва Чўлпон бўлган миллатчилик адабиёти Октябрга ва Совет ҳокимиятига нисбатан ўтакетган салбий мавқени эгаллади»<sup>88</sup>, — деб ёзади. Кўриниб турибдики, бу ўринда ўтмиш адабиётига ёндашишда принцип бутунлай бузилган: А.Қодирий сунъий равишда қатордан ажратиб олинган ва ўшандай сунъий равишда «ўзбек совет адабиётининг асосчиси» мақомига кўтарилган Ҳамза билан ёнма-ён қўйилган. Демак, И.Султоннинг А.Қодирий ҳақидаги мақоласида адибнинг қатъий равишда «совет ёзувчиси» деб аталгани Чўлпон ва Фитратлар масаласида расмий доираларнинг фикри салбий бўлгани билан изоҳланмоғи лозим<sup>89</sup>. Яъни, кейинги иккисининг «ижодкор сифатида оқланмаслиги» аниқ бўлгач, А.Қодирийни улардан тўла ажратиб олиш зарурати юзага келган. Бугун дадил айта оламизки, адабиётшунослигимиз, ўша даврда адабиёт ва мафкура соҳасидаги масъул бўлиб турган кишиларимизнинг қатъиятсизлиги, энг ёмони, тарихий адолатни тиклашдан кўра бошқа манфаатларни устунроқ қўйганлари сабабли аср бошидаги адабий жараёни холис ўрганиш ва баҳолаш иши яна камида 30 йилга кечикди.

Мумтоз адабий меросга муносабат масаласида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Ғ.Ғулом ЎзКП XIII съездида сўзлаган нутқида мумтоз адабиётимизнинг қатор намояндalари ижоди асоссиз равишда ўрганилмай келаётганини айтиб, бу борада Тил ва адабиёт институти ишини фаоллаштириш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, Ғ.Ғулом ўз нутқида «Алпомиш»

<sup>88</sup> Шу манба. 141-б.

<sup>89</sup> Қатагон қилинган ижодкорларни «оқлаш» жараёни тафсилотлари ҳақида муфассалроқ маълумот олиш учун қаранг: Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. — Т.: 1994.

эпоси масаласини кўтарди, икки-уч йил илгариги вульгар социологик хуружлар ҳали кўпчилик хотирасида эскириб улгурмаган бир пайтда дoston ноҳақ «реакцион асар» сифатида баҳоланганини айтди<sup>90</sup>. Адабиётшунос А.Ҳайитметовнинг «Ўзбек классик адабиётини ўрганишдаги хато ва камчиликлар тўғрисида»<sup>91</sup> номли мақоласида ўтмиш адабиётини ўрганишда тарихийлик принциpidан чекинилгани, шунинг учун ҳам кўплаб ижодкорларга ўта салбий баҳо бериш, турли ёрлиқлар ёпиштириш ҳоллари юзга келгани танқид қилинди. «Халқ ижодининг ўлмас ёдгори» номли коллектив мақола муаллифлари «Алпомиш» дostonи ҳақидаги масала ўзбек халқининг адабий мероси ҳақидаги катта умумий масаланинг бир қисмидир»<sup>92</sup> дея таъкидлаб, дostonга «асос эътибори билан халқчил асар» дея баҳо бердилар.

Албатта, мумтоз адабий меросга муносабат тамоман тўғри, илмий асосга тушди деб бўлмайди. Масалан, «Бобирнинг қарашларида зиддиятлар бўлса-да, у Шарқ адабиётига катта хисса қўшди» (В.Зоҳидов) қабалида баҳо бериш ва меросга сайлаб муносабатда бўлиш: «Алпомиш» эпоси бебош, хасис ва тўймас ҳукмдорларга қарши халқнинг ғазаб руҳи билан суғорилгандир» тарзида меросни мафкурага мослаб талқин қилиш амалиёти сақланди, муайян маънода кучайди ҳам. Шуларга қарамай, 20-йиллардаги нигилизм, 30-40 йиллардаги вульгар социологик ёндашувларга нисбатан адабий тарихий тафаккурда катта ижобий ўсиш бўлганини таъкидлаш зарур.

1956 йил январидан янги таъсис этилган «Ўзбекистон маданияти» газетасининг нашр қилина бошлагани республика адабий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Газета ўзининг илк сонлариданоқ адабий жараённинг, адабиётнинг муҳим масалаларини ёритишга киришди. Газетанинг 1956 йил 7 март сонидан эълон қилинган Т.Жалоловнинг «Поэзиямизнинг жўшқинлиги ва лириклиги учун» номли мақоласи билан адабий-назарий тафаккуримизда сезиларли из қолдирган лирика ҳақидаги баҳс бошланди. Т.Жа-

<sup>90</sup> Фулом Ф. Мукамил асарлар тўплами. 12-том. – Т.: 1990, 31-33 бетлар.

<sup>91</sup> «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1956, 8 июн.

<sup>92</sup> Қаранг: Султон И. Асарлар. 2-том. – Т.: 1972.

долов лирикада бадийят масаласини Уйғун асарлари мисолида қўйди ва аҳамиятли фикрлар, нозик кузатишлар қилди. Бироқ, Т.Жалолов шеъриятимиздаги айрим нисбатан янги ҳодисалар, хусусан, персонажли, сюжетли лирикани қабул қилолмади. «Лирика ҳақида мулоҳазалар»<sup>93</sup> номли мақоласи билан баҳсга қўшилган О.Шарафиддинов масалага ўзгача ёндашди, «лирикани қаҳрамондан маҳрум қилиш — жанрнинг имкониятларини торайтиришга олиб келади» деган фикрни асослаб берди. Танқид майдонига эндигина кириб келган О.Шарафиддиновнинг масалага бу хил кенг ёндашиши танқидда ҳам янгилашиш бошланганидан дарак эди. Шу билан бирга, мунаққид шеъриятдаги, хусусан, персонажли лирикадаги схематизм кўринишларини асосли танқид қилди. Ҳ.Ёқубовнинг «Лирикада конфликт» номли мақоласи шеърнинг бадий қувватини оширишда конфликтнинг роли, конфликтнинг сустиги нафақат драматургия ва прозада, балки лирикада ҳам схематизмга олиб келиши кўрсатиб берилди. Конфликtsizлик назариясининг адабиётдаги излари ҳали тамом йўқолмаган бир шароитда мақолада билдирилган фикрлар муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга эди. Баҳс табиати билан боғлиқ ҳолда баъзан бирон бир фикрни қатъий ҳолида мақомида ўтказишга уринишлар ҳам кузатилди. Масалан, Ҳ.Ёқубов фикрига қарши чиқаркан, Ҳ.Дониёров ва С.Мирзаевлар «Воҳса ва қаҳрамонлар тасвирига қарши чиқиш қуруқ риториканинг авж олишига олиб келади»<sup>94</sup> деган хулосани олдинга сурдилар. Ҳолбуки, лириканинг ҳар қандай тури, агар шеър чинакам илҳом ва маҳорат билан ёзилган бўлса, яхши асар бўлавериши мумкин. Шунга ўхшаш ҳол баҳс давомида аруз масаласида билдирилган фикрларда ҳам кузатилади. Жумладан, А.Ҳайитметов «Ҳозир ҳам оригинал, ўзбек ўқувчилари севиб ўқийдиган юксак ғояли ғазаллар, рубоийлар, маснавийлар яратиш... арузни ривожлантириш тамомила мумкин»<sup>95</sup> деган фикрни олдинга сурди. Бу фикрни М.Юнусов қўллаб-қувватлаган бўлса, Ҳ.Ғуллом «Аруз —

<sup>93</sup> «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1956, 17 ва 21 март.

<sup>94</sup> «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1956, 28 март.

<sup>95</sup> «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1956, 14 апрел.

<sup>96</sup> «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1956, 23 май.

чидаганга чиқарган вазн, уни эплаган одам ёзин»<sup>96</sup> дея муросанинг осонроқ йўлини тутди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, бирига зид икки хил қараш қарши қўйилгани ҳолда аруз масаласи назарий жиҳатдан асосли ечимини топгани йўқ, ҳали адабиётшунослигимизнинг бу масалага яна жиддий қайтиши бор. Умуман, лирика ҳақидаги баҳснинг ғоят жонли кечгани, турли нуқтаи назарлар билдирилгани шеърятимизнинг мавжуд ҳолати ва эртанги истиқболи кўпчиликни ўйлантираётганидан дарак берганидек, у шеърятимизнинг кейинги равнақига бевосита таъсир этгани шубҳасиздир.

И.Султон XX съезд адабиёт олдига қўйган вазифаларга тўхталиб, «совет адабиётини фақат идеялари жиҳатидангина эмас, балки бадиий қуввати жиҳатидан ҳам дунёда биринчи адабиётга айлантириш»<sup>97</sup> зарурлигини таъкидлайди. М.Қўшжонов эса даврнинг адабий-эстетик эҳтиёжлари ҳақида: «жамоатчилик шоир ва ёзувчиларимиз ижодининг ўзига хос томонларини, асарларининг бадиийлик даражасини очиб берувчи, уларни бадиий жиҳатдан чинакам таҳлил қилувчи илмий асарларга муҳтож»<sup>98</sup> деб ёзади. Демак, адабиётдан бадиий савияни кўтариш талаб этилганидек, танқиддан таҳлил тамойилларини муайян даражада ўзгартириш талаб қилинади. Танқидчиликка шу йилларда кириб келган М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов сингари танқидчилар мазкур эҳтиёжни теран ҳис этдилар, танқидчилик фаолиятларида шундан келиб чиқишга интилдилар. Адабий асарни ғоявий ва бадиий жиҳатларини бирликда олган ҳолда таҳлил қилишга интилишнинг кучайиши давр танқидчилигининг жиддий ютуғи ва шубҳасиз, бунда унга қўшилган янги овозларнинг катта роли бор.

Бадиият, бадиий асар поэтикаси, ёзувчи маҳорати каби муҳим назарий масалаларнинг замонавий адабиёт намуналари миносида тадқиқ этилгани давр танқидчилигининг ўзига хос хусусиятларидан саналиши мумкин. Бу адабий танқид билан адабиёт назарияси орасидаги алоқаларининг мустаҳкамланиши, тан-

<sup>97</sup> Султон И. Асарлар. 2-том. – Т.: 1972.

<sup>98</sup> «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1956, 4 апрел.

қиднинг назарий жиҳатдан бақувватлашувига йўл очди. Агар ўзбек танқидчилиги тараққиётининг илгариги босқичларида унга хос «публицистика — илм — санъат» унсурлари уйғунлигида биринчиси устуворлик қилган бўлса, энди у чинакам илмга хос хусусиятларни касб эта борди. Жумладан, М.Қўшжоновнинг «Ҳаёт ва маҳорат» (1962) китобига кирган мақолаларда сюжет ва композиция, конфликт ва характер, бадийий образ ва образлилик сингари назарий масалалар ёритилди. О.Шарафиддиновнинг «Замонавийлик адабиётнинг қалби» номли мақоласида эса асар мазмунига алоқадор замонавийлик муаммоси бадийий маҳорат масаласи билан бирликда талқин қилинди. Мунаққид фикрича, замонавийлик асар темаси билангина боғлиқ эмас, у «ёзувчи дунёқараши, ҳаётга муносабати, эстетик позицияси билан боғлиқ бўлган гоъвий масала», шу боис ҳам у «муқаррар равишда маҳорат проблемаси ҳамдир». Яъни танланган мавзу қанчалик замонавий бўлмасин, у агар чинакам маҳорат билан юқори бадийий савияда ёритилмаса, замонавийлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Эътибор берилса, иккала мунаққид ҳам 40-йилларнинг охири 50-йиллар бошида адабий танқидчилигимизда кўп чалкаш хулосаларни (ҳатто, фоже оқибатларни ҳам) келтириб чиқарган масалаларни ўрганишга жазм этганлари кўринади. Хусусан, М.Қўшжоновнинг мақолаларида конфликтсизлик назарияси билан боғлиқ юзага келган иллатларнинг илдизи тадқиқ этилади, яна ҳам аниқроғи, ўша илдизга болта урилади. Зеро, уларнинг келиб чиқиши, бир томони, назарий билимларнинг саёзлиги билан ҳам боғлиқ эди. О.Шарафиддинов мақоласи эса замонавийлик масаласини юзакки тушуниш оқибатида юзага келган «замона муаммоларидан қочиб» ёки «ўтмишни идеаллаштириш» қабилида айб тақашларнинг олдини олиш, замонавий мавзуларни ишлашдаги қусурларни бартараф этиш мақсадига қаратилган. Янгиланаётган танқидчилик ўзининг қарашларини назарий пухта асосга қуришга ҳаракат қилаётгани, албатта, ижобий ҳодиса эди. Энг муҳими, танқидчиликдаги илк қадамларини шу йилларда қўйган У.Норматов, С.Мамажонов, С.Мирвалиев каби мунаққидлар ҳам ўз фаолиятларида шундай йўлдан бордилар. У.Норматов-

нинг ҳикоя, С.Мирвалиевнинг роман поэтикаси, С.Мамажоновнинг лирик асар табиати билан боғлиқ назарий изланишлари танқидчилигимизда янги, умидли кучлар етиштирилганидан дарақ эди.

Танқидчилик янги пайдо бўлган асарларни таҳлил қилиш ва баҳолашда фаоллиги билан адабий жараёндаги мавқеини янада мустаҳкамлади. Илгари айтилганидек, нашр имкониятларининг кенгайгани адабий жараёни изчил ёритиб бориш орқали унга фаол таъсир қилиш имконини яратди, танқид чин маънода «ҳаракатдаги эстетика» мақомини эгаллаш бошлади. Янгиланиш даври адабиётининг жиддий ютуқларидан саналувчи «Синчалак» қиссаси ҳақида О.Шарафиддиновнинг «Келажакка чорловчи қисса» тақризи, М.Қўшжоновнинг «Синчалак»да характерлар психологизми» номли тадқиқий характердаги мақоласи эълон қилинди. М.Қўшжонов «Синчалак» таҳлилида ўзининг тадқиқот принципига содиқ қолди, қўйилган муаммо нуқтаи назардан асарнинг ютуқ ва камчиликларини холис кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. 40-йилларда бошланган анъанани давом эттириб, рус матбуотида ҳам А.Қаҳҳор қиссаси қизгин муҳокама қилинди<sup>99</sup>. Айтиш жоиз, юқоридаги тақриزلарда, асосан, асарнинг ижобий фазилатларига урғу берилган. Бу ҳолатда, С.Содиқов фикрича, «асарни ўта кўтаринки, ялтироқ талқин этиш иллати бутун собиқ иттифоқ танқидчилигининг тамойилига айлангани яққол кўзга ташланади»<sup>100</sup>. Тўғри, танқидчилигимизнинг кейинги босқичларида кузатилган иллатлар шу йилларда ниш берган. Бироқ бу ўринда масаланинг иккинчи томонига ҳам эътибор зарур: «оғзаки танқидчилик» 1959 йилда Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган муҳокама давомида «Синчалак» қиссасини анча кескин танқид қилган, унга ҳам турли сиёсий айбловлар тақашга уринган.<sup>101</sup> Жумладан, муҳокама давомида «Синчалак»ка

---

<sup>99</sup> Чалмаев В. Победа в пути // Вопросы литературы, 1959, №7; Борисова И. Птичка – невеличка // Дружба народов, 1960, №1; Баскаков В. Время больших людей // Молодая гвардия, 1960, №4.

<sup>100</sup> Содиқов С. Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид. ДДА.-Т.: 1997, 22-б.

<sup>101</sup> Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: 2004, 304-313 бетлар.

«партия ҳаётидаги демократия бузиб кўрсатилган», «партия ходими синчалакка тенглаштирилган» қабилидаги тутуруқсиз айблар қўйилган. Албатта, 40 йиллаб томир отиб келган вульгар социологик ёндашувнинг изсиз йўқолиб кетиши мумкин эмас, давр танқидчилигида бунинг асоратлари ҳали анча кучли эдики, шундай шароитда юқоридагича мақтовлар посангини тўғрилаш учун зарур ҳам эди.

Танқидчиликнинг «Тобутдан товуш» комедиясига муносабатида ҳам шунга ўхшаш ҳол кузатилади. 1962 йилда илк бор саҳнага қўйилган «Тобутдан товуш» комедияси томошабинлар ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Премьерадан сўнг кўп ўтмай матбуотда комедия ҳақидаги қатор тақризларнинг эълон қилиниши<sup>102</sup> ҳам шуни кўрсатади. Бу тақризларда асар, асосан, ижобий баҳоланди. Орадан бир йилча ўтгач, «Қизил Ўзбекистон»нинг 1963 йил 11 август сониди В.Зоҳидов, Ф.Ғулум ва Ҳ.Ғулум ҳамкорлигида ёзилган «Тобутдан товуш» ҳақида» мақоласи эълон қилинди. Муаллифлар фикрича, «гарчанд асарнинг айрим ижобий, бинобарин фойдали томонлари бўлса-да, лекин умуман олганда унда ғоят жиддий хато ва нуқсонларга йўл қўйилган». Муаллифлар фикрича, бу «ғоят жиддий хато»лар комедияда «салбий шахсларнинг биринчи планга қўйилгани», унда «ўрнак бўларли ва тўлақонли образ йўқлиги», персонажларнинг «бепарда, шармандаларча гаплашишлари»да кўринади. Бундан аён бўладики, тақриз муаллифлари сатиранинг табиати билан ҳисоблашмайдилар, асарга «ҳаётдаги ижобий тенденцияларни кўрсатиш» ва «ижобий қаҳрамон яратиш» каби догматик талаблар асосида ёндашадилар. Бунинг устига, тақризчилар асар ҳақида илгари эълон қилинган мақолалардаги баҳоларни инкор қиладилар. Жумладан, О.Шарафиддинов тақризи ҳақида: «Ўзбекистон маданияти» газетаси «Тобутдан товуш» пьесаси тўғрисида О.Шарафиддиновнинг «Заҳарханда қаҳқаҳа» деган қуруқ мақтовдан иборат мақоласини

---

<sup>102</sup> Фельдман Я. Огонь сатиры // Правда востока, 1962, 3 ноября; Шарафиддинов О. Заҳарханда қаҳқаҳа // Ўзбекистон маданияти, 1962, 5 декабр; Поспеловский Ю. Стрелы попадают в цель // Советская культура, 1962, 24 ноября.



босиб, катта хатога йўл қўйди. Бу мақола пьесадаги жиддий нуқсонларни танқид қилиб, ёрдам бериш ўрнига уни бир томонлама, асоссиз мақтайди, кўкларга кўтаради. Бундай нарса адабиётимизнинг юксалишига ёрдам бермайди». Албатта, муаллифлар асар ҳақида ўзларининг фикр-хулосаларига эга бўлишга тўла ҳақликлар, муайян асар ҳақида турлича фикрлар билдирилиши мумкинлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Шунақа экан, мақолада «асарни мана бундай жиҳатлардан баҳолаш керак» тарзида танқидга тайёр қолипларнинг тақдим этилаётгани мутлақо нотўғридир. Аслида, бу шўро танқидчилигига йўрғақда теккан касал бўлиб, у социалистик реализмнинг «норматив» метод экани билан боғлиқ. Чунки «ҳаётни мана бундоқ, мана бундоқ қилиб тасвирлаш керак» дея адабиёт олдиға қатор талабларни қўйган метод адабий танқид олдиға ҳам шунға мос талабларни қўйиши табиий.

1959 йил февралда Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўтказилди. Декада доирасида уюштирилган мунозараларда ўзбек адабиётининг жорий ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама этилди. Жумладан, адабий танқид бўйича мунозараларда ўз даврининг йирик адабиётшунос олимлари, таниқли мунаққидлар фаол иштирок этдилар. Қатор адабий танқидий ва адабиётшуносликка оид асарлар муҳокама қилинди, уларнинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатилди. Мунозара қатнашчилари томонидан танқидчилигимиздаги ижобий ўзгаришлар эътироф этилгани ҳолда, унга хос муаммо ва камчиликларға эътибор қаратилди. Хусусан, «традицияларнинг кам ўрганилганлиги» танқидчиларға «миллий традициялар заминида шаклланган социалистик реализмнинг ўзинға хослиги»ни очишға имкон бермаётгани; танқидчиларда маҳоратнинг етишмаслиги, мақолаларда ҳамон «ақл ўргатиш»ға мойиллик, асар ҳақида тайёр штамплар асосида фикр юритиш каби иллатларнинг мавжудлиги кўрсатиб ўтилди<sup>103</sup>.

Албатта, бу каби муҳокамалар танқидчилигимиз ривожида муҳим аҳамиятға молик эди. Декадада билдирилган фикрлар танқидчилигимизда изсиз кетмади, бу нарса, аввало, танқид ва ада-

---

<sup>103</sup> Қаранг: Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. 2-том. 35-43 бетлар. Маҳорат мактаби. – Т.: 1961.

биётшунослик ўрганаётган масалалар доирасининг кенгайганида кўзга ташланди. Адабий танқидчилик жорий адабий жараён муаммолари, адабиёт тараққиёти қонуниятлари билан боғлиқ масалаларни жиддий тадқиқ этишга киришди. Жумладан, адабиётда анъана ва янгилик муносабати масаласига бағишланган илк мақолалар эълон қилинди. Х. Ёқубовнинг «Чинакам новаторлик учун», М. Юнусовнинг «Новаторлик — бадий тараққиётнинг муҳим шарт» номли мақолаларида анъана ва янгилик диалектик алоқадаги талқинини топди. Иккала мақола муаллифи ҳам замонавий адабиёт ривожда адабий анъаналарнинг роли катталигини таъкидлагани ҳолда, бадий тараққиёт ўша анъаналарни ижодий ривожлантириш асосида амалга ошишини асослаб кўрсатишга интилди. Табиийки, танқидчиликда мазкур масаланинг қўйилиши ва юқоридагича йўсинда ҳал қилиниши адабий меросга тўғри муносабатнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга молик эди.

Шу йилларда танқидчилик яна бир муҳим масалага айрича диққат қила бошлади. Маълумки, урушдан кейинги йилларда адабий алоқалар янада кучайди. Тўғри, шўро мафкураси бу алоқаларга кўпроқ сиёсий, мафкуравий тус беришга, уларнинг аҳамиятини шу жиҳатдан бўрттиришга кўпроқ эътибор қилди. Шунга қарамай, айни шу алоқалар адабиёт тараққиётининг муҳим омилларидан бири бўлиб қолгани, ўзбек адабиётининг равнақини фақат бой адабий анъаналарини ижодий давом эттириш билангина таъмин этиб бўлмаслиги аён эди. Шу маънода давр танқидчилигида адабий алоқалар ва адабий таъсир масалаларининг долзарб мавзуга айлана бошлаганини фақат мафкуравий «бужуртма»га лаббай сифатида эмас, адабий-эстетик эҳтиёж натижаси деб қараш ҳам лозимдир. Хусусан, Ш. Турдиев, Р. Иноғомовларнинг мазкур масалага бағишланган илк мақолалари шу даврда эълон қилинган бўлиб, улар ўзларининг кейинги фаолиятларида шу йўналишда изландилар, ушбу масалани махсус тадқиқ этдилар.

\* \* \*

60-йилларнинг бошлари шўро жамиятида руҳий кўтаринкилик — эйфория даври бўлди. Бу, биринчидан, Сталин истибодининг тугатилиши ва жамиятда бирмунча эркинлик шабадалари-

нинг эсгандай бўлгани, иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган ютуқлар билан боғлиқ эди. Яқиндагина фашизм балосини даф этиб, эндиликда Американинг атом дағдағасига муносиб жавоб тайёрлаб қўйган ва ўзини жами мазлумлар таянчи деб билган халқ; космосни забт этган, асрий чўлларни ўзлаштираётган, табиатни измига бўйсундира бошлаган халқ руҳиятида кўтаринкилик бўлиши табиий ҳам эди. Шу хил кайфият ва ўсишдаги дастлабки суръатлар таъсирида «коммунизм» эртанги кун бўлиб қолгани, кўпчилик коммунизмда яшашига ишониб қолгани ажабланарли эмас. Дарвоқе, аср адоғига қадар коммунистик жамият қурилиши юксак минбарлардан эълон қилинган, аниқ дастурлар белгиланганди ҳам. Шу ишонччи «Ҳаёт ва адабиёт» номли мақоласида И.Султон қуйидагича ифодалаган эди: «Бир неча ўн йилдан кейин совет кишилари дунёда энг юқори маиший даражага кўтариладилар, энг қисқа иш куни жорий этилади, кишилар моддий қийинчилик нималигини билмайдиган бўладилар. Коммунизм шахсининг эркин ривожини, гуллаб-яшнаши учун ҳамма шароитни яратиб беради»<sup>104</sup>.

Кўчирмадан маълум бўлмоқдаки, ҳозирда биз хомхаёл деб тушунадиган «коммунистик жамият» ўша давр кишилари назарида жуда ҳам реал, бунинг устига яқин келажак бўлиб туюлган. Юқорида айтилганидек, бу даврда кишиларнинг партиёга ишончи ортган, партиё эса коммунизм қуриш учун «бир-бирига чамбарчас боғланган икки вазифани, яъни коммунизмнинг моддий-техника базасини майдонга келтириш ва коммунистик одамни тарбиялаб етказиш»<sup>105</sup> вазифаларини бажариш зарур деб уқтирарди. Адабиётнинг бундан келиб чиқувчи вазифалари эса қуйидагилар: «адабиёт ва санъат ҳамини халқнинг турмуши билан чамбарчас боғланган бўлсин, социалистик воқелигимизнинг бойлиги ва ранг-баранглигини ҳаққоний акс эттирадиган бўлсин, совет халқининг улуғ ўзгартувчилик фаолиятини, унинг олижаноб муддаоси ва мақсадларини, юксак маънавий хислатларини

<sup>104</sup> Султон И. Асарлар. 2-том. – Т.: 1972. 323-б.

<sup>105</sup> Шу китоб. 285-б.

<sup>106</sup> Шу китоб. 286-б.

ёрқин ва ишонарли қилиб кўрсатиб берадиган бўлсин»<sup>106</sup>. Бу ўринда И.Султон партия томонидан адабиёт олдига қўйилган вазифаларни мухтасар баён қилади. Ўз-ўзидан аёнки, адабий танқиднинг вазифалари ҳам бевосита шулардан келиб чиқади. Мақолада бу масалага ҳам тўхталган И.Султон «танқиднинг вазифаси адабиёт соҳасида партиянинг йўлини изчил ўтказишдан иборат»<sup>107</sup> деб ёзади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, биргина И.Султон мақоласидан кўчирмалар келтирган ҳолда умумлашма қилишга ҳаракат қилингани тўғри эмасдек туюлиши мумкин. Бироқ биз бу ўринда И.Султон ўша даврнинг етакчи мунаққид ва адабиётшуносларидан саналгани, адабий танқидчиликнинг «об-ҳаво»си кўп жиҳатдан олимнинг фикрлари билан белгиланганини эътиборда тутдик, холос. Ҳолбуки, бундай қарашлар ўша даврда ёзилган деярли барча мақолалар ва тадқиқотларда у ёки бу даражада, турлича кўринишларда ўз ифодасини топган. Уларнинг ҳаммасига тўхталиш шарт эмас, умумий тасаввур бериш учун эса энг характерли мақолалардан бирига муфассалроқ тўхталиш кифоя деб билдик.

Юқорида қисқача таърифланган вазият тасаввур қилинса, айни шу даврда адабий танқидчилигимизда ўзига хос «лениннома» вужудга келгани, партиянинг адабиётга «доно раҳбарлиги», марксизм доҳийларининг адабиёт ҳақидаги «Қимматли» фикрларини, партиявийлик тамойилини ёритишга қаратилган мақолалар ва тадқиқотларнинг<sup>108</sup> пайдо бўлиш омилларини тушуниш мумкин бўлади. Афсуски, бу мақола ва тадқиқотларда партия ва адабиёт муносабатлари, партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати кўпроқ бир ёқлама ёритилган. Тўғри, бу масалани атрофлича ва тўлиқ, илмий ҳолис ёритиш имконияти, бир томондан, ҳозирда ошкор этилган кўплаб материалларнинг у пайтларда махфий

---

<sup>107</sup> Шу китоб. 319-б.

<sup>108</sup> Дониёров Х., Мирзасев С., Шермухаммедов С. Адабиёт ва санъатда ленинча партиявийлик принциплари. – Т.: 1966; Шермухаммедов С., Мирзасев С. Ленин ва адабиёт. – Т.: 1970; Мамажонов С. Адабиётнинг партиявийлиги ва халқчиллиги. – Т.: 1964, Шарафиддинов О. Ленин ва адабиёт. // Шарқ юлдузи, 1968, №10; Қаюмов Л. Бадий ижодда ленинча таълимот. – Т.: 1971; Қосимов С. Ленин, партия, адабиёт. – Т.: 1972; ва бошқ.

тутилгани, иккинчи томондан, партиянинг тўғри йўлда эканига қатъий ишонч мавжудлиги боис чекланган эди. Ҳатто, О.Шарафиддиновдек зукко мунаққид ҳам 1946–48 йиллар мобайнида адабиёт ва санъат соҳасида чиқарилган қарорларга тўхталиб, «Тўғри, бу қарорларни ҳаётга жорий қилишда, конкрет ёзувчилар ижодига тадбиқ этишда ўша йилларнинг мураккаб шароити билан, шу шароит туфайли туғилган догматизм билан изоҳланадиган жиддий хатоларга йўл қўйилган»ини<sup>109</sup> айтиш билан чекланади. Зеро, кўпчилик қатори мунаққид қарорнинг юзага келиш омиллари, унинг мазмун мундарижаси аввалбошдан адабиёт зарарига эканлигини айтишга, тушунишга ҳали тайёр эмасди. Бир ёқламалик марксизм-ленинизм асосчиларининг адабиёт ҳақидаги қарашларини ёритишда ҳам кўзга ташланади. Жумладан, уларнинг турли муносабат билан ёзилган мақола ва хатларидаги сочқин фикрлардан бутун бошли таълимот яратишга интилиш, Лениннинг адабий меросга муносабат масаласида билдирган фикрларидаги зиддиятларнинг кўрилмагани ёки ёзилган шароитини мутлақо ҳисобга олмаган ҳолда «Партия адабиёти ва партия ташкилоти» мақоласини дастурий асар сифатида қабул қилингани шундай дейишга етарли асос беради.

Социалистик реализм масаласига бағишланган мақола ва тадқиқотлар<sup>110</sup> ҳам давр адабий танқидчилигида анча кенг ўрин тутди. Методнинг илмий асосга эга эканлигини зўр бериб далиллашга интилгани ҳолда, танқид ва адабиётшунослик унинг фақат ғоявий-мафкуравий асосдагина алоҳида метод сифатида ажратилаётганига эътибор бермади. Аксинча, танқид социалис-

<sup>109</sup> Шарафиддинов О. Биринчи муъжиза. — Т.: 1979, 145-б.

<sup>110</sup> Шукуров Н. Социалистик реализм принципларига оғишмай амал қилайлик // Шарқ юлдузи, 1963, №4; Собиров Т. Ҳамза Ҳакимзода — ўзбек совет адабиётида социалистик реализм асосчиси // Шарқ юлдузи, 1969, №3; Султон И. Реализмнинг замонавийлиги // Ўзбекистон маданияти, 1963, 9 март; Мамажонов С. Социалистик реализм байроқдори // Ўзбекистон маданияти, 1963, 12 октябр; Алиев А. Социалистик реализм ва адабий жараён // Ўзбекистон маданияти, 1971, 22 июн; Қулжонов А. Баҳс давом этади // Ўзбекистон маданияти, 1971, 14 декабр; Назаров Б. Ойбек социалистик реализм ҳақида // Ўзбекистон маданияти, 1963, 28 декабр; Насриддинов Ф. Абдулла Қодирий реализми // Ўзбекистон маданияти, 1972, 28 январ; Норматов У. Социалистик реализм ва ижод типлари // Ўзбекистон маданияти, 1972, 22 феврал.

тик реализмни жаҳондаги энг илғор, жаҳон адабиётининг кейинги истиқболдаги йўлини белгилайдиган метод сифатида тушунтирди, ҳатто, уни жаҳон эстетик тафаккури тараққиётининг энг «юқори босқичи», ҳаётдан туғилгани учун ҳам асло ўлмайдиган метод дея баҳолади. Албатта, бу хил даъво ва баҳолар илмийликдан анча йироқ эди. Танқидчилигимиз ўзбек адабиётида социалистик реализмнинг қарор топиши масаласида ҳам сохталикка йўл қўйди. Илмий ва тарихий ҳақиқатга хилоф равишда Ҳамзани адабиётимиздаги ушбу метод асосчиси сифатида талқин қилиш, аввалига «Меҳробдан чаён» (И. Султон), кейинча «Ўтган кунлар»ни (У. Норматов) социалистик реализм намунаси сифатида талқин қилишлар бунинг далилидир.

Давр танқидчилиги ва адабиётшунослигида ҳамзашунослик жуда кенг, ҳатто, керагидан ортиқ даражада кенг ўрин тутди<sup>111</sup>. Бундай дейишимизнинг бонси шуки, Ҳамза ижоди ва шахсига бу қадар катта эътибор адабиётшунослик илмининг эҳтиёжи билан эмас, мафқуранинг талаби билан юзага келган эди. Шу сабабдан ҳам Ҳамза ижодини даврнинг ҳақиқий ижтимоий-тарихий ва адабий-маданий контекстидан узиб олган ҳолда, уни ўзбек шўро адабиётининг, ўзбек шўро адабиётида социалистик реализмнинг асосчиси сифатида тақдим қилиш ҳамзашуносликнинг асосий тенденцияси бўлиб қолди. Шоирнинг ўз даври адабий жараёнида тутган ўрни, унинг кейинги бўгин ижодкорларига таъсири орттириб, бўрттириб кўрсатилди. Сохтакорликда шу даражага бориб етилдики, 1949 йилда қайта тикланган «Бой ила хизматчи»ни социалистик реализмнинг адабиётимиздаги илк ва мумтоз намунаси сифатида тақдим этилди. Албатта, ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди бу қадар кенг ва атрофлича ўрганилиши жуда муҳим, бу жиҳатдан ўзбек адабиётшунослигида Ҳамза даражасига етадиган биронта ҳам ижодкор йўқ. Бироқ, сохталаштириш оқибати шу бўлдики, ҳозир бу асарлар илмий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам тамом эскирди.

60-йиллар ўзбек танқидчилигига разм солинса, унда мунақ-

---

<sup>111</sup> Қаранг: Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. 2-том. – Т.: 1972, 105-126 бетлар.

қидларнинг муайян йўналишда ихтисослашуви яққол кўзга ташланади: уларнинг айримлари шеърият, бошқалари наср, тагин бирлари драматургия танқиди билан кўпроқ шуғулланади. Бу эса, табиийки, танқиднинг профессионал савиясини кўтаришда муҳим эди. Чунки, аввало, ҳар бир танқидчининг ўзи хуш кўрадиган, эркинроқ ва суйиброқ ёзадиган соҳаси бўлади; иккинчидан, ихтисослашув янги асарлар оқими кучайган бир шароитда мунаққидга муайян соҳани мунтазам ва изчил кузатиб бориш, демакки, ундаги ҳар бир ўзгаришни вақтида ҳис қилиб туриш имконини беради. Адабиётнинг «томир уриши»ни мунтазам ҳис этиб туриш эса чинакам танқидчи бўлишнинг муҳим шартларидандир. Албатта, ихтисослашувни қатъий чегараланиб олиш сифатида тушунмаслик керак: биз «проза танқидчиси» дея таниган мунаққид фаолиятида шеърият, драматургия таҳлилига бағишланган асарлар бўлавериши мумкин, бироқ у проза ҳақида кўпроқ ва хўброқ ёзаверади. Масалан, 60-йилларда ёзган мақола ва китобларида М.Қўшжонов, У.Норматов, С.Мирвалиевларни кўпроқ наср, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, И.Ғафуровларни шеърият, Б.Имомов, Ҳ.Абдусаматовларни драматургия масалалари кўпроқ қизиқтирганини кўриш мумкин.

Маълумки, 60-йилларда миллий насримизда жиддий ўсиш, жонланиш кузатилади. Ойбек, А.Қаҳҳор сингари йирик адибларимиз қаторида А.Мухтор, С.Аҳмад, Шухрат сингари тажрибали носирлар ҳамда насрда қалами хийла қайралиб қолган О.Ёқубов, П.Қодировлар қаторига қўшилган Ў.Умарбеков, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов каби носирларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракати бу ўсишни таъмин этди. Айтиш керакки, бунда танқидчиликнинг насримиздаги янгиликларга, унинг муаммоларига ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлгани ҳам сезиларли аҳамият касб этган.

У.Норматовнинг «Ҳикояда драматизм», «Ҳикоя ва замон», «Ҳикояда ҳаёт нафаси», «Ҳикоянавис санъати», «Саид Аҳмад кулгиси» каби қатор мақолаларида ўзбек ҳикоячилигининг назарий масалалари, унинг мавжуд ҳолати ва тараққиёт тамойиллари ўрганилди. Шуниси муҳимки, мунаққид кўпроқ давр ҳикоячилигининг етук намояндалари — А.Қаҳҳор ва С.Аҳмад ҳикоя-

ларини таҳлил қилиш, уларнинг ижодий тажрибаларини умумлаштириб беришга интилки. Бунда У.Норматов ижодига хос асардаги ижобий нуқталарни бўрттириш орқали бадиий дид ва тафаккурга таъсир кўрсатишга интилиш принципи кўзга ташланади. М.Қўшжоновнинг У.Норматов билан ҳамкорликда ёзилган «Маҳорат сирлари» китобида А.Қаҳҳор» ижодининг бадиий ўзига хослиги, унинг асарлари бадиий жозибасини таъминлаган омиллар тадқиқ этилки. Моҳиятан ушбу китобни ёзувчига мўлжалланган танқид намунаси, дейиш мумкин. Чунки «Маҳорат сирлари» — кўплаб ёш ижодкорларга А.Қаҳҳор «маҳорат мактаби»да таҳсил олиш учун қўлланма бўла олгудай асар бўлиб, у ҳикоячилигимиз бадиий тақомилида муҳим ўрин тутлади.

М.Қўшжонов бадиий проза намуналарини таҳлил этаркан, уларда тасвирнинг ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги, бадиий мантанинги изчиллигига алоҳида эътибор билан қаради. Мунаққид асарни, унда тасвирланган ҳаёт ва характерларни реалликка қиёсан ва унга узвий боғлаган ҳолда таҳлил қилди, лекин бадиий ҳақиқатнинг ўз қонуниятлари, меъёрлари борлигини унутмасликка интилки. Олимнинг адабий танқидий асарларида социологик методни мутлақлаштирмаган ҳолда ундан таҳлил инструментларидан бири сифатида фойдаланилгани, бадиият масаласини мазмуний таҳлил билан бирга олиб борилгани танқидий тафаккурда жиддий ўсиш бўлганлигидан далолат эди. «Ҳаёт ва маҳорат» мақоласида мунаққид «Муқаддас» қиссасининг журнал вариантыдаги яқун муваффақиятлироқ эканини, бу ҳолда асар ўқувчи онгида давом этишини таъкидлайди<sup>112</sup>. Қиссанинг ўқувчиларга, уларнинг истакларига мосланган китоб варианты ютқизиқ эканлигини таъкидларкан, М.Қўшжонов бадиий дид юксаклиги ҳақида қайғуради. У.Норматов тақризиди ҳам қисса, умуман, ижобий баҳоланади, шу билан бирга, асарда ривоя ритми охирига бориб тезлашиб кетиши, характерларнинг табиатига мос бўлмаган ўзгаришлар юз бергани кўрсатиб ўтилади<sup>113</sup>. А.Қулжонов бўлса қиссанинг бош

<sup>112</sup> Қўшжонов М. Ижод масъулияти. — Т.: 1981.

<sup>113</sup> Норматов У. Муқаддас // Ёш ленинчи, 1960, 10 май.

<sup>114</sup> Қулжонов А. Шу куннинг қиссаси // Шарқ юлдузи, 1961, №2.



фазилатини унинг замонавий руҳида деб билади<sup>114</sup>.

Умуман олганда, 60-йиллар ўзбек насрида қисса жанри юксалди, у бадий ва ижтимоий тафаккурдаги ўзгаришларни бошқа жанрларга нисбатан кенгроқ ифодалай олди. Қиссачиликда даврнинг муҳим муаммолари, жумладан, ҳаётга эскича ва янги-ча муносабатлар зиддияти, замондошнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, инсонга муносабат, инсон қадри каби муаммоларнинг қўйилгани ҳамда уларни янгича, ўз даври нуқтаи назаридан бадий тадқиқ этишга ҳаракат қилингани ўқувчи омма эътиборини тортди. Қиссачиликдаги бу тенденция кўпроқ О.Ёқубов, П.Қодиров, Ў.Умарбеков, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимовларнинг изланишлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг асарлари танқидчиликда қизгин муҳокама қилинди<sup>115</sup>. Муҳими, танқидчилик ушбу қиссаларнинг ютуқларини кўрсатиш билангина чекланмади, адабиётимизнинг эртасини ўйлаган ҳолда улардаги айрим нуқсонларни ҳам кўрсатди.

Кези келганда айтиш лозимки, 60-йиллар танқидчилигида тақризнинг муайян қолипи шаклланиб улгурди. Унга кўра, тақриз қилинаётган асарнинг мавзуси ғоят долзарблиги таъкидланади, фазилатлари саналади-да, хулоса қисмида «айрим жузъий камчиликлари» ҳам йўқ эмаслиги эътироф этиб қўйилади. Табиийки, бундай амалиёт танқид савиясининг тушиб кетишига, унинг адабий жараёнда тутган мақоми сустлашишига олиб келади. Танқидчи Н.Худойберганов «60-йиллар танқидчилигида ўртача адабиётга муносабат жиддий муаммога айланди»<sup>116</sup> деб ёзгани ҳам шундандир. Масалан, юқорида қиссачилигимиз ютуқлари ҳақида гапирганимизда унинг энг яхши намуналари эътиборда тутилди. Ҳолбуки, бу даврда 60 дан зиёд қиссалар яратилди. Албатта, улар ичида бадий савияси паст бўлганлари ҳам йўқ

<sup>115</sup> Шарафиддинов О. Инсон севгига муҳтож // Қизил Ўзбекистон, 1962, 16 сентябр; Худойберганов Н. Илҳом мевалари // Шарқ юлдузи, 1961, №1; Файзиев Б. Ҳаёт қадри // Шарқ юлдузи, 1962, №12; Содиқ. Ҳамиша баҳор бўлсин // Гулистон, 1964, №7; Норматов У. Эрк баҳси // Ўзбекистон маданияти, 1970, 11 сентябр; Қўшжонов М. Қиссанинг иккинчи ҳаёти // Шарқ юлдузи, 1971, №4; Маҳмудов Т. Эрк ва севги // Шарқ юлдузи, 1971, №4; ва бошқ.

<sup>116</sup> Ўзбек совет адабий танқиди. – Т.:1990, 100-6.

қоласида Сайёрнинг қиссаларини жиддий танқид қилди. Бироқ танқид барча асарларга ҳам бундай принципиал ёндаша олмади. Қизиғи шундаки, танқиднинг яхши бадиий савиядаги асарларга нисбатан ҳам, бадиий савияси бўш асарларга нисбатан ҳам мавқеи аниқ — «ўртача асарлар» қаршисида танқид ожизлик қилди.

60-йиллар ўзбек романчилиги янги номлар, янги асарлар билан бойиди. Жумладан, А.Мухторнинг «Чинор» романи танқидчиликда қизгин мунозаралар уйғотди. Роман қурилишидаги мураккаблик, бадиий шартлилик даражасининг юқорилиги, ўтмиш ва замона тасвирининг алмашилиб туриши, ифоданинг рамзийлиги каби жиҳатлари билан адабиётимиз учун янги ҳодиса эди. Ҳ.Ёқубовнинг романни «мўъжиза» деб атагани<sup>117</sup> ҳам асарнинг ўз даври учун янгилик бўлгани билан изоҳланади. У.Норматов «Чинор»ни «А.Мухтор ижодидаги миллий заминга, миллий анъаналаримизга энг яқин турувчи асар»лиги, адиб «тажрибаси ҳозирги ўзбек насри учун ғоят ибратли» эканини таъкидлади. Айни пайтда, «ёзувчининг шаклий-услубий изланишлари адабий танқидчиликда муносиб баҳосини олмагани»ни қайд этади<sup>118</sup>. К.Яшин эса ушбу романга тўхталиб, «Очил бува образида миллий характернинг энг асл белгилари гавдалантирилгани», асар адабиётимизда «Қувончли ҳодиса» бўлганини айтади. Шу билан бирга, К.Яшин ёзувчи романга «фавқулодда ҳодисаларни меъёрдан ортиқ киритгани» ишончсизлик туғдириши, замонамиздан узоқлашилгани сари тасвир мавҳумлашиб, хиралашиб бориши каби камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди<sup>119</sup>. Ҳар ҳолда, К.Яшиннинг бу фикрлари танқидчиликдаги эътирозларга яқин, бу эса «ёзувчининг шаклий-услубий изланишлари»га(У.Норматов) алоҳида эътибор билан қараш, уларнинг ўзига хослигини махсус тадқиқ этиш зарурати етилганидан далолат эди.

<sup>117</sup> Ёқубов Ҳ. Самарали ижодий изланиш // Шарқ юлдузи, 1970, №9.

<sup>118</sup> Норматов У. Санъаткорнинг ҳуш ҳаноти // Ўзбекистон маданияти, 1972, 17 ноябр.

<sup>119</sup> Яшин К. Асарлар. 4-том. — Т.: 1980, 174-6.

Танқидчилик Мирмуҳсиннинг «Умид», П.Қодировнинг «Қора кўзлар», С.Аҳмаднинг «Уфқ», О.Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса», Ў.Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» романларини, умуман олганда, ижобий баҳолади. Жумладан, «Қора кўзлар»-да П.Қодиров аввалги романи «Уч илдиз»да кузатилган камчиликларга «анча барҳам бериб, олдинга томон катта қадам ташлагани»<sup>120</sup> қайд этилди. Шу билан бирга, романнинг айрим камчиликлари, хусусан, асар финалининг бўшаштириб юборилгани, Аваз билан Хулқар муносабатлари етарли очилмагани кўрсатилди<sup>121</sup>. С.Аҳмад, О.Ёқубов, Ў.Умарбековнинг роман жанридаги илк изланишларига танқид хайрихоҳлик билан муносабатда бўлди, уларнинг ютуқ ва камчиликларини холис баҳолади<sup>122</sup>, муаллифлар тимсолида жанрнинг эртасини кўрди.

Афсуски, танқид давр романчилигимиздаги камчиликларга доим ҳам принципиал муносабатда бўлмади, кўпроқ мураса йўлига юрди. Жумладан, «Чиниқиш» (Мирмуҳсин), «Тақдир» (И.Раҳим), «Ота» (Ҳ.Нўъмон ва А. Шораҳмедов), «Сенга интиламан» (Ҳ.Фулом), «Йўл» (Ж.Абдуллахонов) каби қатор романлар таҳлилида кўрсатилган камчиликлар яна «мавзу долзарблиги» ҳақидаги фикрлар соясида қолиб кетди. Ҳолбуки, танқид бу асарларга хос камчиликлар сирасида схематизмга мойиллик, композицион қурилишнинг заифлиги, характерларнинг тўлақонли чиқмагани, ҳаётнинг етарли бадий идрок қилинмагани, салмоқли бадий фалсафанинг йўқлиги кабиларни кўрсатиб ўтганда. Танқидчилик масалани «агар шу камчиликлар мавжуд экан, мавзу актуаллигининг ўзигина уларни «роман» санашга имкон берадими?» тарзида қўймади. Танқид бунга ўхшаш кескин ҳукмлардан қочди. Натижа шу бўлдики, адабиётимизда воқеа бўлган асарларга ёзилган тақризлар билан бадий савияси паст асар-

---

<sup>120</sup> Қаюмов Л. Аср ва наср. – Т.: 1975, 213-6.

<sup>121</sup> Норматов У. «Қора кўзлар» ҳақида // Совет Ўзбекистони, 1966, 12 август; Шарафиддинов О. Улғайиш самараси // Шарқ юлдузи, 1967, №1.

<sup>122</sup> Норматов У. Саид Аҳмад. – Т.: 1971; «Эр бошига иш тушса» // Ўзбекистон маданияти, 1966, 8 июн; Ёзувчилик машаққатлари // Шарқ юлдузи, 1970, №7; Шарафиддинов О. Курашчан авлод // Гулистон, 1967, №1; К.Яшин. Асарлар. 4-том. – Т.: 1980; ва бошқ.

ларга ёзилган тақризлар орасида у қадар катта фарқ кузатилмай қолди: танқид ўртамиёначиликка кенг йўл очиб берди.

60-йилларда ўзбек шеъриятида ҳам жиддий кўтарилиш кузатилади. Шеъриятга кириб келган янги авлод унга ўзининг янгича қарашлари, янги руҳини олиб кирди. Тажрибали шоирлар ижодида ҳам замона руҳи, талабига мос ўзгаришлар содир бўлди, уларнинг ижодида ҳам янгиланиш кузатилди. О.Шарафиддинов «Замон — қалб — поэзия» номли мақоласида бу кўтарилиш «сабабини сўнгги йиллардаги умумий ҳаётимиздан, ватанимизда ҳукм сураётган ижодкорлик руҳидан қидириш керак»<sup>123</sup> деб ёзганида тўла ҳақ эди. Мунаққид «ҳар қандай шеър қофияси ва вазни, туроғи ва банди жойида бўлгани билан поэзия бўлавермайди» деган тўғри ва даври учун муҳим тезисни олдинга сурди. О.Шарафиддинов «поэзия талантдан бошланади», деркан, талантни «ҳаётнинг ҳеч ким кўрмаган томонларини кўра олиш, у орқали воқеликнинг муҳим томонларини ифодалай олиш, даврнинг катта проблемаларини кўтариб чиқа олиш қобилиятидир. Поэзиядаги образлилик — фикрий теранлик билан, ҳаётга янгича муносабат билан, шу муносабатни эҳтиросли формада айтиш билан боғлиқ нарса» дея таърифлайди. Адабий-танқидий тафаккурдаги яна бир муҳим ўзгариш шу эдики, энди «темаларни тор, шахсий интим темалар ва сиёсий темалар деб ажратиш», «тор»ларини камситиш амалиётидан воз кечилди. Шеъриятда «мен» ҳуқуқларининг тан олинishi ундаги кўтарилишнинг муҳим омилларидан бири бўлди. Масалан, Зулфия лирик қаҳрамонининг шахсий кечинмаларини юксак гражданлик пафоси даражасига кўтариб куйлай олганини танқид эътироф этди<sup>124</sup>. Шоиранинг лирик қаҳрамонига хос дард дилида улкан йўқотишлар армони билан яшаётган минглаб аёлларимиз дардига том маънода ҳамоҳанг эдики, бу лирикада, умуман, адабиётда «тор» мавзу бўлмаслигининг ёрқин далили эди. Уйғуннинг «Ҳаёт чорлайди», «Қалбимда баҳор» тўпламларига кирган қатор шеърларнинг муваф-

<sup>123</sup> Шарафиддинов О. Замон – қалб – поэзия.

<sup>124</sup> Султонова М. Ўзбек қизининг овози // Ўзбекистон маданияти, 1970, 6 март; Бобоҳўжаев Н. Олтин водий туфҳаси // Шарқ юлдузи, 1967, №4; Мамажонов С. Шеърият баҳсида. – Т.: 1970.

фақияти ҳам уларда лирик қаҳрамоннинг оддий бир инсон сифатида гавдалангани, самимияти ва шулар туфайли халқ дилига яқинлиги билан изоҳланади. А.Сриповнинг илк шеърлариёқ поэзиядаги янгиланишнинг асосий белгиларини ўзида мужассам этди, муҳими, танқид бунга ўз вақтида илғаб ола билди. С.Мамажонов шоир шеърятига хос асосий хусусиятларни тубандагича ифодалади: «Абдулла инсон ички дунёси қарама-қаршиликларини аниқ, равон, меъёрли ҳиссиёт билан, жуда самимий ифодалай олади. Бу унинг шеърларига «драматик руҳ беради», шеърлари ўйлаётган, қийналаётган қалбнинг бадий ифодасидир»<sup>125</sup>.

Танқидчилик шеърятдаги янгилик ва ўзгаришларни мунтазам кузатиб борди, ундаги ижобий тамойилларни қўллаб-қувватлашга, номаъқулларининг йўлини кесиб интилди. О.Шарафиддиновнинг «Ниҳоллар» номли мақоласида ёш ижодкорларнинг шеърлари ғамхўрлик ва хайрихоҳлик, айна пайтда талабчанлик билан таҳлил қилинди. «Йиллар ва йўллар» мақоласида эса поэзиямизнинг ярим асрлик йўли, гарчи 20-йиллар адабиёти шеърятини ҳақидаги ўринларда давр таъсири билан асоссиз фикрлар билдирилган бўлса-да, илмий таҳлил қилинди, ундаги йўқотиш ва ютуқлар кузатилди. С.Мамажоновнинг «1965 йилнинг шеърини парвози», «Лирикамизга бир назар» номли обзор мақолалари, И.Ғафуровнинг «Она юрт куйчиси», «Усмон Носир», «Жозоба» номли китоблари танқидчилик лирика таҳлилида жиддий ўсганидан далолат беради.

60-йиллар шеърятини поэма жанрининг фаоллашуви кузатилади. Танқидчилик давр поэмаларини таҳлил қиларкан, аввало, поэма жанрининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга интилди. Зеро, жанр кенг оммалашаётган бир шароитда унга қўйиладиган талаблар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш танқидчилик учун ҳам, ижодкорлар учун ҳам бирдек муҳим эди. У.Норматовнинг «Поэма — қалб қўшиғи» мақоласида поэмада воқеаларни тасвирлаш эмас, балки ўша воқеалар туфайли пайдо бўлган руҳий кечинмалар муҳимлиги, поэма «прозада айтиш мумкин бўлмаган қалб қўшиғи» эканлиги кўрсатиб берилди.

---

<sup>125</sup> Адабиётимизнинг ярим асри. 240-б.

Мунаққид шу нуқтан назардан келиб чиқиб, жумладан, Ҳ.Са-лоҳнинг «Янгроқ ҳаёт», «Лайло» поэмаларида воқеалар тасви-рининг етакчилиги қилиб қолганини, Муҳаммад Алининг «Маш-раб» поэмасида қаҳрамоннинг тўлақонли характер сифатида гавдаланмаганлиги, Сайёرنинг «Даҳрий» поэмасида конфликт-нинг жўн ҳал қилинганини қусур сифатида кўрсатиб берди. Давр поэмалари С.Мамажонов, И.Ғафуров, Ф.Насритдинов каби му-наққидлар томонидан ҳам жиддий ўрганилди. Масалан, Э.Воҳи-довнинг «Нидо» поэмаси ҳақида тўхталиб, мунаққид унинг ўзи-га хос бир жиҳатини аниқ белгилайди ва асарни «армонли моно-лог» деб атади. Танқидчилик Ойбекнинг «Даврим жароҳати», Э.Воҳидовнинг «Нидо» ва «Палаткада ёзилган достон», Х.Ша-риповнинг «Шоир ҳақида», «Тановар», Муҳаммад Алининг «Гумбаздаги нур» поэмаларини ижобий баҳолади.

Юқоридагиларни умумлаштириб айтиш мумкинки, 60-йил-лар ўзбек танқидчилигида адабий асарни ғоявий ва бадиий жи-ҳатларини бирликда олган ҳолда текшириш, таҳлилда пухта на-зарий асосларга таянишга интилиш каби ижобий тамойиллар ку-затилди. Бу даврга келиб танқидчилик вульгар социологик ёнда-шув иллатидан, асосан, қутулди. Бироқ таҳлилда социологик ме-тоднинг етакчилиги ва мафкура яккаҳоқимлигининг мавжудли-ги туфайли вульгар социологизм томон оғиш хавфи имконият даражасида сақланиб қолаверди.

\* \* \*

1972 йилда партиянинг «Адабий-бадиий танқид тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Илгари кўриб ўтганимиздек, партиянинг адабиёт соҳасида чиқарган қарорларининг ҳаммаси унинг ада-биёт соҳасидаги сиёсатига ўзгаришлар киритиш зарурати туғил-ган шароитда қабул қилинган. Мазкур қарор ҳам истисно эмас, яъни у ҳам адабиёт соҳасидаги сиёсатни ўзгартиришга қаратил-ган эди. Бунини тушуниш учун 70-йиллар бошида шўро жамиятида юзага келган вазиятни ёдга олиш зарур бўлади. Кремлдаги сиё-сий ўйинлар натижасида Н.С.Хрушчевнинг ҳокимиятдан кети-ши билан «Хрушчев баҳори» ҳам поёнига етгани, ҳозирча у инер-ция кучи билан давом этиб келаётгани маълум бўлиб қолди. Янги

раҳбарият «гайкаларни қотириш» сиёсатини йўлга қўя бошлади. 60-йилларнинг иккинчи ярмидан ғарб маданияти таъсирига қарши кураш деган шиорлар остида эркинликларни чеклаш, ўзгача фикрловчи зиёлиларга янги шароитни билдириб қўйишга уринишлар бошланган эди. 1968 йилда совет қўшинларининг Чехославакияга олиб кирилиши ва миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилашидек ҳуқуқи очиқчасига поймол этилгани шўронинг янги сиёсати моҳиятини оламга ошкор этди. Ички сиёсатда ҳам энди ошкора орқага қайтиш бошланди: 50-йиллар охири 60-йиллар бошларидаги «илиқлик», нисбий эркинлик барҳам топа бошлади, яна сўз, фикр, ижод эркинлигига тажовуз қилинди, цензура кучайди. Табиийки, бу зиёлилар қатламида, айниқса, ижодкор зиёлилар орасида кучли норозилик туғдирди, «диссидентлар» — ўзгача фикрловчилар кўпайди, махсус хизматлар «диссидент»ларни таъқиб қилишга тушди. Илиқлик даврида ёзилган чинакам реалистик асарларнинг бир қисми ғаладонларга жойланди, бир қисми қўлёзма (самиздат) ҳолича оммалашди, бошқа бир қисми турли яширин тахаллуслар билан хорижда чоп қилинди... Қисқаси, шўро жамияти ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кейинча «турғунлик даври» деб аталган палласига кирди.

Партиянинг навбатдаги «тарихий» қарори, мухтасар таъриф берилса, юқоридагича ижтимоий-сиёсий шароит маҳсули бўлиб дунёга келган эди. Тўғри, ҳар доимгидек, қарорда асосий мақсад «адабиётни ғоявий ва бадий жиҳатдан юксалтириш» экани таъкидланади, танқидчиликда юз кўрсатган камчиликлар, жумладан, «ғоявий ва бадий жиҳатдан яроқсиз асарларга нисбатан мурасасозлик, субъективизм, ошна-оғайнигарчилик ва гуруҳбозлик билан боғлиқ тарафкашлик ҳоллари» асосли танқид қилинади. Бироқ, барча қарорларда бўлгани каби, бунда ҳам эзгу мақсад ва ҳаққоний кўрсатилган камчиликлар асосий мақсадни пардалашга хизмат қилади. Асосий мақсад эса, кўпроқ, қуйидагиларда кўринади: «Танқид социалистик реализм санъатининг инқилобий ва гуманистик идеалларини тасдиқлашда, буржуача «оммавий маданият» ва декадентлик оқимларининг реакцион моҳиятини фош этишда, адабиёт ва санъатга номарксистик қарашлар, ревизионистик эстетик концепцияларга қарши кураш-

да етарли даражада фаол ва изчил эмас». Ўз-ўзидан аёнки, бу гаплар, биринчи галда бадий адабиёт ва санъатда кузатилган «диссидентлик»ка қарши қаратилгандир. Яъни қарор танқид олдиға ҳам ички, ҳам ташқи «ғоявий душманлар»га қарши кураш вазифасини қўймоқдаки, бу социалистик реализм адабиёти ва санъатини «зарарли» таъсирлардан иҳоталаш, тўғриси, изоляциялаш мақсади билан изоҳланади.

Эътиборли жиҳати шуки, қарорда «партия органлари, министрлик ва муассасалар, ижодий союзлар тасарруфидаги матбуот органларининг танқидий-библиографик фаолиятини етарли назорат қилмаётганлари» айтилади. Бу эса назоратни, яъни цензурани кучайтириш, сўз ва ижод эркинлигини чеклашга бошқача йўсиндаги даъватдан бошқа нарсасиз.

Қарорда «партия қўмиталарининг муҳим вазифаси министрлик ва муассасалар, ижодий уюшмалар, матбуот, радио ва телевидение органларига танқидчи кадрларни танлаш, жойлаштириш ва тарбиялаш, танқидчиларнинг коммунистик қурилиш амалиёти билан алоқасини мустаҳкамлаш, уларнинг марксча-ленинча назарий тайёргарлигини мукамаллаштириш ишида ёрдамни кучайтириш» эканлиги таъкидланади. Эътибор берилса, бу ўринда партия танқидни адабиётга эмас, ўзига хизмат қилдириш учун «гамхўрлик» қилаётганини эътироф этаётгани кўринади. Зеро, қарорда партия қўмиталари «танқидчи кадрларни танлаш, жойлаштириш ва коммунистик руҳда тарбиялаш»га сафарбар этилаётган экан, демак, партия танқидга ўз қўлидаги мафкуравий қурол деб қарайди, уни ўзининг адабиёт жаҳазидаги иттифоқчиси, аниқроғи, ўз сиёсатини амалга оширувчи югурдак деб билади.

Партия қарорини ҳаётга тадбиқ этиш ҳам, деярли, илгаридан синалган схема асосида амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, Ёзувчилар уюшмасининг иккита пленумида адабий танқидчилик масалалари муҳокама этилди, «Совет Ўзбекистони» ва «Ўзбекистон маданияти» газеталарида шу масалага бағишланган редакцион мақолалар эълон қилинди; «Шарқ юлдузи» журналида «Партия ишончи — илҳом манбаи», «Тошкент ҳақиқати» га-



зетасида «Адабий-бадий танқидчиликда партиявийлик учун» мавзуларида етакчи мунаққидлар иштирокида муҳокамалар ташкил қилинди ва б. Холислик учун айтиш керак, қарор туфайли адабий танқидга эътибор анча кучайди: нашриётларнинг тематик режаларида, вақтли матбуот нашрларида адабий танқидий асарларга кенгроқ ўрин берилди бошланди, «Мунаққиднинг биринчи китоби» серияси ташкил қилинди, бир қатор мунаққид ва адабиётшуносларнинг меҳнатлари тақдирланди ва б.

Танқидчилигимизнинг савияси ошгани, ижтимоий тафаккурда юз бериб улгурган силжиш мунаққидларимизнинг ўз фаолиятларида қарордаги адабиёт учун фойдали нуқталарга кўпроқ эътибор қаратганларида кўринади. Жумладан, танқид бадиият масаласига асосий эътиборни қаратиб, бадиий асарни баҳолашда шакл ва мазмуннинг ўзаро мувофиқлиги, материалнинг қай даражада маҳорат билан бадиий қайта ишлангани, бадиий мантиқнинг изчиллиги, характерларнинг жонли ва ҳаётий тасвирлангани, инсон руҳий оламининг нечоғли чуқур очилгани каби муҳим жиҳатларни мезон қилиб олди. М.Қўшжоновнинг «Маъно — маҳоратнинг бош масаласи» номли мақоласида насримизнинг мавжуд ҳолатини шу талаблар асосида талабчанлик билан таҳлил қилинди. Мунаққид, масалан, «Дегрез ўғли» романи композициясидаги номукамаллик сабабини «асарда бутун қисмларни, барча образларни зарур тартибга солиб турадиган марказий маънонинг заифлигида» деб кўрсатади. Мунаққид фикрича, худди шундай камчилик «Умид» романига ҳам хосдир. М.Қўшжонов «асарнинг ҳамма қисмини, барча эпизод ва образларни асар бошидаги муаммога босқичма-босқич, бобма-боб боғлаб бориш керак»лигини таъкидлайди. Кейинроқ мунаққид шу талабга риоя этилмаганликни «Меъмор» романидаги асосий камчилик деб кўрсатди<sup>126</sup>. Муҳими, М.Қўшжонов давр романчилигида кенг тарқалган нуқсон — бадиий концепциянинг заифлиги натижасида композицион бутунлиқнинг таъмин этилмаслигига эътиборни тортди. Эътиборли томони шуки, М.Қўшжонов «социал маъно»

<sup>126</sup> Қўшжонов М. Қалб ва қиёфа. — Т.: 19-б.

деганида ижтимоий қимматга эга маънони кўзда тутуди, бу эса мавзунинг кўлами (улкан қурилишлар, курашлар ва ҳ.) билан боғлиқ эмас. З.Аъламнинг «Троллейбус», «Бахтли билет» ҳикояларини таҳлил қиларкан, уларнинг «кўпчилиги маъно учун яратилган»ини маъқуллайди ва фикрларини «ёш авторнинг ўзига хослиги шундаки, у ҳаётдан баландпарвоз воқеалар изламайди, воқеаларнинг энг оддийсини танлайди. Уларни тасвирлашда ҳам баландпарвоз сўзлар танламайди. Сўзларнинг энг оддийсини ишлатади. Бироқ бу оддий воқеа ва оддий сўзлардан у маъно чиқара олади. Буни ҳикоячилигимизда яратилаётган янги тенденция, деб қараш керак»<sup>127</sup>, — дея хулосалайди. З.Аълам ҳикояларининг ёқлангани танқидий тафаккурдаги ўсишдан далолат беради. Зеро, илгарироқ танқидчилик шеърятдаги «интим» мавзулар ҳам аҳамиятли эканлигини эътироф этган ва 30-50 йиллардаги айбловлардан уни «реабилитация» қилгани каби, энди прозадаги бу хил мавзуларга ҳам кенг йўл очилаётган эди.

70-йиллар насрида схематизм, ҳаётни ўта юзаки тасвирлаш каби ҳоллар кўплаб асарларда кузатилди. Бунинг натижасида кўплаб насрий асарлар жозибадан маҳрум бўлди, уларда сунъийлик, бадийий мантиқнинг бузилиши, характерларнинг қўғирчоқ, ғояларни ифодаловчи рупорга айланиб қолиши каби жиддий бадийий қусурларга олиб келди. Шуниси борки, бундай асарларнинг муаллифлари нима ҳақида ёзмоқчилиги, қандай муаммоларни қўймоқчи ва уларни «партия-ҳукуматнинг қайси кўрсатмалари асосида» ёритишларини олдиндан биладилар. Табиийки, мафкура жиҳатидан фойдали бундай «асарлар» босилиш ҳам, ташвиқ қилиниши ҳам, тақдирланиши ҳам ажабланарли эмас. Айни пайтда, уларнинг бадийий тафаккур ривожига, бадийий дид тарбиясига салбий таъсир қилиши ҳам аён. Шу сабабли ҳам жонкуяр мунаққидлар мазкур иллатга қарши турдилар. Жумладан, М.Қўшжоновнинг ёзувчи И.Раҳимга ёзган «Давр талаби ва ижод масъулияти» номли очиқ хатида «Одам қандай тобланди» романининг заиф томонлари муфассал, далиллаб кўрсатиб берилди. Муҳими, мунаққид хат охирида ёзувчига мурожаат этиб, хат ёзишдан мақса-

<sup>127</sup> Қўшжонов М. Ижод масъулияти. 51-6.

дини қуйидагича ифодалайди: «Сиз ёзувчилик ишида анча тажриба орттирган одамсиз. Баъзи бир асарларингиз билан китобхон ҳурматига ҳам сазоворсиз. Бизнинг истагимиз битта: номингизга яраша асар ёзсангиз, китобхон ҳурматыни доим кўз қорачиғидек асрасангиз дейман. Бу хатни ёзишдан мақсад фақат шу — Сизни асраш, истеъдодингизга доғ туширмаслик»<sup>128</sup>. И.Раҳимга қаратилгани ҳолда, ушбу очиқ хат адабиётимиздаги муҳим муаммолардан бирини ўртага ташлаши, адиб ва шоирлар, мунаққидлар диққатини унга тортиши жиҳатидан муҳим эди.

О.Шарафиддиновнинг «Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси»<sup>129</sup> номли мақоласида ҳам схематизм ҳақида, уни юзага чиқараётган омиллар ҳақида сўз боради. Гарчи мақолада биргина «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» қиссаси таҳлил қилинса-да, унда жорий адабий жараён учун жуда муҳим умумлашмалар чиқарилган. Мунаққиднинг фикрича, ҳаёт ҳақиқати, унинг ўткир зиддиятлари қаршисидаги қўрқув схематизмни юзага келтирувчи омилдир. Ўша қўрқувга буй берган «Санъаткор ичидаги аллақандай муҳаррир унинг елкаси оша ёзганига қараб, қаламини эркин ва бемалол югуришидан тийиб туради, бундай ҳолларда асарда асл ҳақиқатнинг ўзи эмас, балки шаклан ҳақиқатга ўхшаган, лекин моҳиятига кўра ундан олис турадиган ясама нусхаси пайдо бўлади. Ҳаёт ҳақиқати қаршисида ҳадиксираш, уни баралла овоз билан айтиш ўрнига бир чимдим-бир чимдимдан намоён этиш бадий асарни кўламдан маҳрум этади, заифлаштиради, умрини қисқартиради». Келтирилган кўчирмада на-сримиздаги ўртамиёначилик касалининг асосий омили ўз ифодасини топган. Аслида, тасвирда ҳаётнинг ўзидан эмас, у ҳақдаги «тайёр тасавурлар, аввалдан мавжуд қолиплардан келиб чиқиш» реализмдан чекиниш демакдир. Тўғри, мунаққид бу хулосани очиқ айтмади, бироқ ҳақиқий реалистик санъат тамойилларидан чекиниш адабиётимиздаги (социалистик реализм адабиётидаги! - Б.Р.) ўртамиёначилик, туссизликнинг бош сабаби эканини бир қисса таҳлилида кўрсатиб бера билди.

<sup>128</sup> Шу китоб. 236-б.

<sup>129</sup> «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1979, 14 сентябр.

Танқидчиликда битта асар ҳақида турлича қарашларнинг ифодаланиши, баҳс-мунозараларнинг туғилиши адабий танқидий тафаккур ривожига муҳимлиги шубҳасиз. Фақат бу ҳолда баҳслашувчи томонларнинг иккисига ҳам холис қараш жоиз: кўпчилик томонидан қабул қилинмаган фикр ҳар вақт ҳам хато бўлавермаслиги мумкинлигини ёдда тутиш зарур. П.Қодировнинг «Мерос» қиссаси адабий танқидчиликда ижобий баҳоланди. Жумладан, Н.Худойберганов ҳам қиссани, умуман, ижобий баҳолагани ҳолда ўз даври учун муҳим масалани ўртага ташлади: «Фидойиликнинг ҳам чек-чегараси бор <...> Пиримқул Қодировнинг қаҳрамони Отажонов Ёлқин нима учун ўзини гоҳ ўтга, гоҳ сувга уради, гоҳ ёнади, гоҳ куяди. Яна шуниси борки, эҳтиёж йўқ пайтида ҳам ёнади, куяди, эзилади, меҳнат оғирлигидан эзилади, бироқ мана шу эзилишдан, куйиш-ёнишдан роҳатланаётгандай туюлади, мана шу эзилиш, куйиш-ёнишгина чинакам пахтакорнинг бахти-саодати демоқчи бўладики, бунга хайрихоҳлик билдиргингиз келмайди»<sup>130</sup>. Танқидчининг бу гаплари «пахта учун кураш» йўлида уни етиштирувчи «олтин қўллар»нинг том маънода жигари эзилаётган, пахта кампаниясини салкам фронт шароитига тенглаштириб қўйилган бир пайтда айтилган. Бунақа гаплар 80-йиллар охирига борибгина ошкора ва баралла айтиладиган бўлгани эътиборга олинса, мунаққиднинг журъатига таҳсин айтиш, бу гаплар остидаги ҳақиқатни чуқурроқ ўйлаб кўриш зарур бўларди. Бироқ, танқид бу фикрни қабул қилмади: О.Абдуллаев «Танқидчиликда нур ва соялар» номли мақоласида Н.Худойберганов «даъвоси ўринсиз» деб ёзди<sup>131</sup>.

Асар юзасидан билдирилган фикрларнинг мунозарали бўлиши, камчиликларнинг асосли очиб берилиши адабиёт ривожига учун фойдали, албатта. Бироқ танқидий фикрларнинг етарли асосланмаслиги, ҳукм-хулосаларнинг бевосита таҳлилдан ўсиб чиқмаслиги, муаллиф мақсади ёки асарнинг жанр табиатини ҳисобга олмаслик ҳоллари ҳам учрайдики, танқид бунга ўз вақтида тегишли муносабат билдирди. Жумладан, танқидчилик

<sup>130</sup> Худойберганов Н. Сўз курашга чорлайди. – Т.:1978, 59-60 бетлар.

<sup>131</sup> «Шарқ юлдузи» журнали, 1979, № 6.

Ў.Ҳошимовнинг илк романи — «Нур борки, соя бор» романини ижобий баҳолади, ундаги нуқсонларни холислик ва хайрихоҳлик билан кўрсатиб ўтди. Н.Худойберганов эса «Фақат нур, фақат соя» номли мақоласида романда схематизм кучли, деган фикрни олдинга сурди. Танқидчи асарнинг ижобий томонларини, унда маҳорат билан ёзилган ўринлар борлигини эътироф этган ҳолда, ёзувчи бу романда ҳаётни кенг кўламда теран бадиий идрок этолмаган, деб ҳисоблади. Мунаққиднинг фикрича, бунга ҳаётни схематик тасвирлаш ҳалақит берган. Тўғри, романда «ижобий» ва «салбий» лагерларнинг бир-бирига кескин қарши қўйилгани, Шерзодга асосан ижобий, Сайфи Соқиевичга асосан салбий сифатларнинг берилиши шундай ўйлашга асос ҳам берар. Бироқ танқидчи Ю.Бондаренко бу ўринда мунаққид асарнинг жанр хусусиятини эътиборга олмаган деб ҳисоблади. Унинг фикрича, Н.Худойберганов эталон сифатида психологик романни олади-да, «бошқа типдаги асарни ана шу эталон остига олиб қарайди, натижада муаллифга ноўрин даъволар қилади»<sup>132</sup>. Илгарироқ Н.Худойбергановнинг «Олтин девор» комедиясини баҳолашида ҳам шунга ўхшаш ҳол кузатилишини Л.Қаюмов кўрсатиб ўтади<sup>133</sup>.

Л.Қаюмов давр танқидчилигидаги ҳолат ҳақида тўхталиб, унда асарни холис баҳолашга интилувчи «одил танқидчилар», мадҳиябозликни ўзига касб қилиб олган «ғайри танқидчилар» ҳамда асардан асосли-асоссиз камчилик қидирувчи «ўта танқидчилар» борлигини таъкидлайди<sup>134</sup>. О.Шарафиддинов эса «Сунгги пайтларда айрим мунаққидлар танқиднинг вазифасини торайтириб қўймоқдалар, «мадҳиябозлик» ва «талабчанлик» деган тусунчаларни бир томонлама талқин қилмоқдалар»<sup>135</sup> деб ёзади. Мунаққид «танқидчи ҳар бир асарни, албатта, танқид қилиши, унинг камчиликларини очиб бериши керак» деган ақида билан ишлаш тўғри эмаслигини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам «ўта танқидчилик» аслида «ғайри танқидчилик»нинг тескари томони,

<sup>132</sup> «Литературная газета», 1980, 6 август.

<sup>133</sup> Қаюмов Л. Аср ва наср. — Т.: 1975, 251-6.

<sup>134</sup> Шу китоб. 250-251 бетлар.

<sup>135</sup> Шарафиддинов О. Гузаллик излаб. — Т.: 1985, 179-6.

холос, у танқидда авж ола бошлаган мадҳиябозликка қарши юзага келгани ҳам бор гап. О.Шарафиддинов танқидчилик муаммоларига бағишланган мақоласида бу масалага Ў.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссаси муносабати билан тўхталади. Маълумки, Ў.Ҳошимовнинг онага улкан меҳр, юксак эҳтиром ва муҳими, том маънодаги самимият билан ёзилган ушбу қиссаси давр насрчилигида ўзига хос воқеа бўлган, кенг китобхонлар оммаси томонидан қизғин кутиб олинган. Мазкур асарга адабий танқидчилик ҳам катта қизиқиш билан қаради, қатор етук мунаққидларимизнинг тақриз ва мақолаларида асар жуда юқори баҳоланди, қиссанинг юксак бадийлиги, таъсирлилиги таъкидланди<sup>136</sup>. Албатта, қиссадан олинган таассуротнинг янгилиги, ундаги самимиятга мафтунлик натижасида айрим мақолаларда бироз ошириб баҳолаш ҳоллари ҳам кузатилиши табиий эди. Н.Худойберганов айти шу нарса билан келиша олмайди. Мунаққид «Меъёр ва тасвир» номли мақоласида қиссанинг фазилатларини эътироф этади, кейин «ундан камчилик қидиришга киришиб кетади. Бироқ камчиликлар топилавермагач, уларни ўзи тўқиб чиқара бошлайди ва бунинг оқибатида қиссада Она образи заиф чиққан, психологик жиҳатдан далилланмаган, ҳаётийликдан маҳрум, деган фикрни билдиради»<sup>137</sup>. Мунаққид асарнинг табиатини, унинг ўзига хос жанр хусусиятларини ҳисобга олмайди, яна бошқа меъёрлар билан ёндашади. Масалан, у қисса ҳақида ёзган касбдошларига хитобан «Ёзувчи кундалик турмушнинг қандай долзарб масалаларини, анъанавий муаммоларини диққат марказига чиқариб, уларни қандай ёритиб берди?» деган саволни қўяркан, муаллиф нияти билан мутлақо ҳисоблашмайди. Мунаққид қиссанинг қурилишини ҳам маъқулламайди: «Қизиқ, қисса яхлит асар бўлса-ю, унда қандай қилиб мустақил ҳикоялар, ихчам қиссалар мужассамлашган?» тарзида ўзи-

---

<sup>136</sup> Шарафиддинов О. Она // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1982, 5 март; Қўшжонов М. Онага таъзим // Қишлоқ ҳақиқати, 1982, 20 март; Мирвалиев С. Она ҳақида қўшиқ // Ёш ленинчи, 1982; Мамажонов С. Она — табиат ихтироси // Совет Ўзбекистони, 1982, 16 май; Шукуров Н. Дунёнинг ишлари // Гулистон, 1982, № 4.

<sup>137</sup> Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб. — Т.: 1985, 179-б.

дан илгари айтилган фикрларга эътироз билдиради. Агар баҳс назарий масалага кўчар экан, унда, эътироз билдириш билангина чекланмасдан, қиссанинг жанр хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритиш тўғрироқ бўлар эди. Ҳолбуки, қиссанинг қурилиши муаллиф нияти ва асар руҳияти, асарнинг лирик табиатига мос, унинг тарқоқдек кўринган қисмларини муаллиф шахси бирлаштиради. Афсуски, баҳслашиш истаги Н.Худойбергандан шу оддий ҳақиқатларни ҳам тўсиб қўяди.

Юқорида айтилганидек, давр танқидчилигида «ўртамиёна асарларни мақташ, шунчаки қаламкашларни улуғлаш ниҳоятда авж олди»<sup>138</sup>. Адабиётнинг ўз «номенклатура»си пайдо бўлдики, мақолаларда уларнинг номини санаб ўтишлик «фарз», уларнинг асарлари ҳақида танқидий фикр айтиш «гуноҳ» даражасига етиб қолди. Бу ҳақда кейинроқ М.Қўшжонов «редакторлар, директорлар, раислар, секретарлар адабиёти пайдо бўлди. Газета ва журналларнинг кўзга биринчи ташланадиган бетлари уларнинг асарлари билан банд бўлди. Баъзи кимсалар бу хилдаги юқори лавозимли ёзувчиларнинг асарлари қачон чиқишини кутиб юришди. Айрим пайтларда қўлёзма, корректура асосида ошиғич мақолалар ёзилди. Асарнинг ўзи чиқмасидан олдин шу асарга ёзилган тақризлар чиқиб улгурган пайтлар ҳам бўлди»<sup>139</sup>, деб ёзган эди. Албатта, бу ҳолатнинг юзага келишига М.Қўшжонов келтиргандан бошқа ҳам қатор сабаблар бор эди. Булар сирасига миллий менталитетимизга хос андиша ва катталарга ҳурматни ҳам, жамиятда томир отиб улгурган «катталар» қаршисида «Куллуқ» қилиб туришга мойилликни ҳам, ошна-оғайнигарчилик ва гуруҳбозликни ҳам бемалол қўшса бўлади. Бундан ташқари, ўртамиёна адиблар аксар ҳолларда «Қайси мавзуда ва қай йўсин талқин қилиб» ёзилса расмий доиралар рағбатига нойил бўлишларини яхши билганлари, танқид «долзарб мавзуда ва социалистик турмуш афзалликларини алқаб» ёзилган асарларни ташвиқ этишга бурчли бўлганини ҳам эътиборга олмоқ керак, албатта. Жумладан, Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли» романининг

<sup>138</sup> Ўзбек совет адабий танқидчилиги. – Т.: 1990, 105-6.

<sup>139</sup> «Шарқ юлдузи» журнали, 1988, № 1, 170-6.

заиф томонлари талабчан мунаққидлар томонидан кўрсатилгани у ҳақда «Тириклар тарихи», «Ишчи авлоди ҳақида роман» сингари куруқ мақтовдан иборат тақризларнинг ёзилишига тўсиқ бўлолмади. Номларининг ўзиёқ тақризлар мазмун-мундарижасидан хабар беради. Уларда романда яратилган образлар «ёшларимизни маънавий-руҳий жиҳатдан бойитади, хато ва камчиликлардан сақлайди», «асардаги ҳар бир шахс ўзига хос қирралари билан ўқувчи эсида узоқ вақт сақланиб қолади» қабилдаги далилсиз, таҳлилга таянмаган мақтов хулосалар ёзилди. Худди шунга ўхшаш ҳол 70- 80 йиллар бошлари матбуотида эълон қилинган Н.Сафаровнинг «Момақалдироқ», «Наврўз», И.Раҳимнинг «Оқибат», «Одам қандай тобланди», «Генерал Равшанов», Мирмуҳсиннинг «Чиниқиш» «Илдизлар ва япроқлар», И.Содиқовнинг «Фарғона зулмат қўйнида», Ҳ.Ғуломнинг «Машраб», «Қорадарё», М.Қориевнинг «Афросиёб гўзали», Б.Бойқобиловнинг «Шукуҳли карвон» шеърӣ романи каби асарларга ёзилган юқоридагича руҳдаги қатор тақризларда ҳам кузатилади. Афсусли томони шуки, бу навдаги тақриз ва мақолалар М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Худойберганов, И.Ғафуров сингари талабчан мунаққидлар фаолиятида ҳам онда-сонда бўлса-да учраб туради<sup>140</sup>. Бу эса «мадҳиябозлик» алоҳида мунаққидларнинг касали бўлмай, умуман давр танқидчилигида кенг тарқалган эпидемия эканини кўрсатади.

Шеърӣят муаммолари ҳам давр танқидчилигида фаол муҳокама қилинди. 60-йилларда шеърӣятдаги илк қадамларини қўйган авлод бу вақтга келиб унинг руҳини янгилашга, унга янги мавзулар, оҳанглар олиб киришга улгурди. Бу авлодга таъриф бериб, И.Ғафуров: «Улар лирикага чинакам самимӣят олиб кирдилар. Улар дунёни кенг ва мураккаб деб биладилар, тушунадилар. Уларнинг оламдан қизғанадиган ҳеч нарсалари йўқ. Бағирлари очик»<sup>141</sup>, — деб ёзади. С.Мамажонов эса давр шеърӣятидаги ўзига хослик-

<sup>140</sup> Қаранг: Шарафиддинов О. Гузаллик излаб. – Т.: 1978; Қўшжонов М. Ижод масъулияти. – Т.: 1981; Ғафуров И. Шеърӣят изланиш демакдир. – Т.: 1984; Худойбергано Н. Ўз дунёси, ўз қиёфаси. – Т.: 1986; Норматов У. Давр туйғуси. – Т.: 1987.

<sup>141</sup> Ғафуров И. Ям-яшил дарахт. – Т.: 1976, 103-6.



ни «серовозлик» да кўради ва бунини Э. Воҳидов, А. Орипов шеърлари таҳлилида очиб беради<sup>142</sup>. Шунга яқин фикрни И. Фафуров ҳам таъкидлайди: «Шеърятимизда ранг-баранг овозли, ранг-баранг услубли, ранг-баранг қарашли шоирлар плеядаси қалам тебратмоқда. Шеърятимиз ўзининг фалсафий-ғоявий, ҳаётий, инсоний қарашларида жуда соғлом, жуда самимий шеърятдир»<sup>143</sup>.

Танқидчилик шеърятимиздаги ўсиш-ўзгариш жараёнларини мунтазам кузатиб, унинг муаммолари тадқиқига бағишланган проблематик мақолалар, обзор мақолалар, янги шеърини тўпламларга ёзилган тақризлар орқали жараёнга фаол таъсир қилди. Давр шеърятини ҳавосини белгилай бошлаган 60-йиллар авлодига мансуб шоирлар ижодини монографик планда ёритишга қаратилган илк мақолалар пайдо бўлди. Катта авлод шоирларининг ижодини таҳлил қилиб, тажрибаларини умумлаштирувчи тадқиқот ва мақолалар, портретлар яратилди. Танқидчилик шеърятининг эртаси ҳақида қайғурди, унга кириб келаётган ёш истеъодлар тарбиясига алоҳида эътибор берди: матбуотда ёшлар шеърятини таҳлиliga бағишланган шарҳлар мунтазам эълон қилиб борилди. Бу даврда шеърят танқидида фаол изланган О. Шарафиддинов, С. Мамажонов, Н. Шукуров, И. Фафуров каби ўзларининг етуклик палласига кирган мунаққидлар қаторига Б. Акрамов, Ё. Яқвалхўжаев, Б. Норбоев, И. Ҳаққулов каби иқтидорли танқидчилар келиб қўшилдилар. Танқидчилик шеърини чуқурроқ ҳис қила бошлади: мақолаларда шеърини шоирона нозик идрок этиш, шоирона фикрлаш, шоирона ифодага интилиш кучайди.

70-80 йиллар бошлари шеърятимизда ўзига хос поэтик изланишларга бой кўтарилиш даври бўлса-да, ундаги жиддий муаммолар ҳам анча етилиб қолган эди. О. Шарафиддиновнинг «Шеър кўп, аммо шоир-чи?» мақоласи шу муаммолардан дарак берган бонг бўлди. Мақолада муаллиф давр шеърятинидаги схематизм ҳақида атрофлича фикр юритди. Мунаққид шеърятимизда катта ўсишни эътироф этгани ҳолда, «ҳозирги шеърят уммонининг кўп қисми рангсиз, туссиз, эмоционал таъсир кучи заиф ўртамиё-

<sup>142</sup> Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар. – Т.: 1979, 40-б.

<sup>143</sup> Фафуров И. Лириканинг юраги. – Т.: 1982, 37-б.

на шеърлардан ташкил топган» деган анча кескин, лекин тўғри фикрни айтди. О Шарафиддинов фикрича, ҳозирги шеърятдаги схематизм 20-30 йиллардаги каби очиқ кўзга ташланмайди, чунки «кўпчилик ўртамиёна деганларимиз ҳам шеърый техника жиҳатидан анча мукамал, вазни равон, қофиялари бут, поэтик образларда оригиналлика интилиш мавжуд». Мунаққид ҳозирги шеърятда схематизм турли кўринишларда намоён бўлишини айтиб, уларнинг иккитасини мисоллар орқали кўрсатиб беради. Бу кўринишларнинг биринчиси «шеърларда акс этаётган олам анча тор, жонли, реал ҳаётдан анча узоқлиги» билан; иккинчиси «бир-бирини такрорлаш, бир-бирига тақлид қилиш, бир марта яхши топилган образни қайта-қайта ишлатиб сийқасини чиқариш» билан ўзини намоён этади. О.Шарафиддинов мақолада чинакам шоир бўлиш учун кишига истеъдод кераклиги, шоирлик истеъдоди эса ҳаёт ҳодисаларини теран идрок этувчи нигоҳ ҳамда ҳамиша уйғоқ виждонга эга бўлмоқлик, сўз сеҳрини мукамал эгаллаганлик билан белгиланишини таъкидлайди.

70-80 йиллар бошлари ўзбек шеърятда шаклий-услубий изланишлар, турфа ижодий тажрибалар, поэтик тафаккурда жиддий ўзгаришлар юз берган даврдир. Бинобарин, шеърятда, шеър танқидчилигида янги муаммолар юзага келди, борлари ўткирлашди. Сабаби шуки, поэтик тафаккурдаги ўзгаришлар, янгиланишлар танқидчиликдаги ўсишдан анча илгарилаб кетди. Натижада давр танқидчилиги баъзан шеърни тушуниш, бадний матнни идрок қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйди, асарнинг руҳига ҳар вақт ҳам кира билмади. Масалан, Н.Шукуров шоир Р.Парфи «Қандайдир бетайин дарду аламларни куйлаётгани», бундан «зарарли концепция» ўсиб чиқиши мумкинлигини айтади<sup>144</sup>. Мунаққид шоирнинг машҳур «Видо табасумли олам, ёшлигим» сатри билан бошланувчи бандни оладида, «Шоирнинг лирик қаҳрамони кимнинг номидан гапирмоқда?» деган саволни қўяди. Унинг фикрича, улкан бунёдкорлик ишлари билан машғул «совет ёшлари» тилидан бу каби «нола-

---

<sup>144</sup> Шукуров Н. Лирик қаҳрамоннинг маънавий олами. – «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1981, 29 май.

фарёдларни ифодалаб бўлмаслиги ўз-ўзидан равшан». Кўрамизки, Н.Шукуров шоирни «ғоявий хато»га йўл қўйганликда айблашга мойил. Бу яна ўша вульгар социологик ёндашув асорати, унинг юмшоқроқ шаклда бўй кўрсатиши эди. И.Ҳаққулов ўзининг «Яна лирик қаҳрамоннинг маънавий олами ҳақида»<sup>145</sup> номли мақоласида Н.Шукуров фикрларининг асосизлигини далиллаб кўрсатиб берди. У, жумладан: «Ахир, ҳаётда нима воқеалар рўй бермайди, дейсиз. Киши бошидан қандай савдолар кечмайди: биров вақтида ёшлигини қадрлай олмайди, биров илк муҳаббатидан бевақт жудо бўлади ва бунга умр бўйи ўзини айбдор сезади... Шоирда шунга ўхшаш ҳодисалар тўғрисида ёзишга ҳуқуқ борми? Албатта, бор». Аввало, мунаққидлар баҳсига диққат қилинса, шеърятимизда шахснинг кечинмалари, дард-изтиробларини ифодалашга ҳуқуқнинг тан олиними осон кечмагани кўринади. Бироқ, бу ўринда И.Ҳаққуловни кўпроқ бошқа нарса — Н.Шукуровнинг юқоридаги кайфиятни шоир «ўз авлоди ёшлигига поэтик характеристика» сифатида талқин қилмоқчи бўлганидир. Бу эса 30-50 йилларда вульгар социологик танқид синовидан ўтган усул эди.

И.Ҳаққуловнинг «Ёшлар шеърятини ва танқид»<sup>146</sup> мақоласида масала кенгроқ кўламда ўртага қўйилган. Мунаққид катта авлодга мансуб касбдоши И.Ғафуровнинг шеър дид билан таҳлил этишини эътироф этган ҳолда, унинг ёшлар шеърятини таҳлиliga бағишланган ишларида «аввалги талаб ва таҳлил йўлларидан бир қадар чекиниш сезилгани»ни таъкидлайди. И.Ғафуровнинг «Бадиий фикрингиз маҳсулдорми?» мақоласида Х.Давроннинг «Алпомишнинг қайтиши» шеъри мазмун-мундарижаси, руҳига киролмагани ва шу боис уни янглиш талқин қилганини асослаб кўрсатди. И.Ҳаққулов бунақа ҳолат адабий танқидчиликда тенденцияга айланиб қолаётгани, катта авлод мунаққидлари ёшларнинг ижодий изланишларини ҳар вақт ҳам тушуна олмаётганларини Н.Норматов, Н.Шодиев, У.Норматов, Б.Норбоевлар мисолида кўрсатиб берди.

<sup>145</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1981, 7 август.

<sup>146</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1983, 14 октябр.

А.Аъзам ёшлар ижодига бағишланган «баъзи тақриз ва мақолаларда ташқи ўхшашлик, айрим яқинликларга асосланиб, «фалончи фалончилар таъсирида ёзмоқда <...> қабилида дудмал фикрлаш одат тусига кираётгани»ни<sup>147</sup> маъқулламайди. Мунаққид адабий таъсир адабий жараёндаги қонуний ва табиий ҳодиса эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилади. Бу бежиз эмас. Зеро, ўзи мансуб авлод адабий-эстетик қарашларининг янгиланишида хорижий адабиётлар таъсири, бунинг аҳамияти катта эканини у чуқур ҳис қилади. А.Аъзамнинг «Шундай ҳам ёзилади...»<sup>148</sup> номли мақоласи М.Аҳмедовнинг «Ҳикоя ҳам шундай ёзиладими?»<sup>149</sup> мақоласига жавоб тарзида ёзилган. Мунаққид М.Аҳмедов сарлавҳага чиқарган таажжуб ўринсизлигини, бу нарса А.Мамарасулов ҳикояларидаги «ўзгача бадий мантиқ», «бошқаларникига ўхшамайдиган поэтик усуллар»ни қабул қилолмаганликдан юзага келганини кўрсатиб берди. Муҳими, А.Аъзам ёш ёзувчини ҳимоя қилиш ниятидагина эмас, унинг изланишларида ҳали меъёрига етмаган ўринлар борлигини эътироф этади, фақат танқиднинг ёшлар ижодига «меҳр ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш»ини истайди.

Эътибор берилса, ушбу баҳслар турли адабий авлодларга мансуб мунаққид ва ижодкорлар адабий-эстетик қарашларидаги жиддий тафовутлар туфайли юзага келаётганини сезиш қийин эмас. Маълумки, давр ижтимоий, эстетик қарашларга ҳар вақт маълум ўзгаришлар киритиб туради. Чинакам танқидчи мана шу ўзгаришларга мос қадам ташлаши шарт, акс ҳолда у адабий жараёндан узилади, демак, касбий жиҳатдан талабга жавоб беролмай қолади.

Юқоридагилардан кўринадики, 70-йиллар охири 80-йиллар бошлари ўзбек танқидчилигида бадий асарга янгича ёндашиш, адабиётнинг моҳияти ва жамиятдаги вазифаларини бошқача тушунишга интилиш бошланган эди. Шу боис ҳам 80-йиллар бошида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси уюштир-

<sup>147</sup> Аъзам А. Масъул сўз. – Т.: 1987, 56-57 бетлар.

<sup>148</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1982, 15 октябр.

<sup>149</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1982, 15 октябр.

ган «Поэзияда гражданлик руҳи ва интим мотивлар уйғунлиги», «Шеърят танқидчилиги» мавзуларидаги баҳслар доирасида ўнлаб мақолалар эълон қилинди. Баҳсда қўйилган масалалар қизгин муҳокама этилди, иштирокчилар масалаларга турли жиҳатлардан ёндашиб, турли фикр-хулосалар билдирдилар. Фикрдан фикр туғилади: баҳсда билдирилган фикрлар охиروқибат адабий танқидий тафаккур ривожига хизмат қилгани шубҳасиздир.

\* \* \*

80-йилларнинг ўрталарига келиб шўро жамияти ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маънавий жабҳаларда инқирозга юз тутгани аён бўлиб қолди. Жамиятда узоқ йиллардан бери маддалаб келган иллатларни, касални яширсанг иситмаси ошкора деганларидек, энди яширишнинг иложи ҳам қолмаган, улар жамиятни адои тамом этган эди. КПСС МКнинг 1985 йил апрел пленумидан эътиборан шўро сиёсатида жиддий бурилиш юз берди. Партиянинг сиёсати энди шўро тузумини сақлаб қолишга қаратилган бўлиб, унинг «Қайта қуриш» номини олганлиги бежиз эмас эди. Мазкур пленумда, кейинроқ XXVII съезд ва XIX конференцияларда «Қайта қуриш», яъни шўро жамиятини сақлаб қолиш стратегияси ишлаб чиқилди. Шўро ҳукумати олдида инқироз ҳолатига келиб қолган иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш, жамиятда ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш вазифалари турган эдики, уларни жамиятни эркинлаштиришсиз амалга ошириш мумкин бўлмаслиги аён эди. Айни шу шароитда демократлаштириш, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм) каби тамойиллар олдинга сурилди.

Ошкоралик сиёсати, сўз эркинлиги тамойилининг амал қила бошлагани матбуотни бениҳоя жонлантирди. Газета ва журналларда, айниқса, Москва нашрларида жамиятнинг яқин ўтмишини танқидий ёритишга қаратилган юзлаб мақолалар босилди, шўро ўтмишининг шу пайтга қадар кўпчиликдан сир тутилган томонларини ошкор этувчи материаллар, махфий тутилган ҳужжатлар эълон қилинди. Жамият аъзолари илк бора ўз бошидан кечирган фожиаларни бутун кўлами билан ҳис қилиш имконига

эга бўлди: тарихимизнинг шу пайтгача кўпчилик қалбини гурурифтхорга тўлдириб келган «шонли» инқилоб йиллари, фуқаролик уруши, колхозлаштириш, қулоқлаштириш, индустрлаштириш, Улуғ Ватан уруши... каби саҳифаларида нечоғли улкан фожиалар тўлиқ эканлигини кўпчилик илк бора тасаввур этди. Матбуот ва адабиётнинг ҳаракати самараси ўлароқ, жамият аъзоларининг қарашларида, ижтимоий тафаккурда кескин ўзгаришлар юз берди...

Ижтимоий ҳаёт ва тафаккурдаги ўзгаришлар, табиийки, адабий жараёнда ўз аксини топди: жамият ҳаётини ўзгача нигоҳ билан бадиий тадқиқ этувчи янги асарлар яратилди, бир пайтлар ёзилганича ғаладонларда қолиб кетган асарлар эълон қилинди. Адабиётда, танқидчиликда публицистик руҳ кучайди. Танқид ва адабиётшунослик асарлари моҳиятан бир-бирига яқинлашди — ўтмиш мероси, назарий асослар қайта кўриб чиқила бошланди, қадриятларни қайта баҳолаш жараёнлари ҳаракатга келди.

Мазкур жараёнлар танқид ва адабиётшунослик қаршисига ғоят долзарб масалаларни кўндаланг қилиб қўйди. Буларнинг ичида энг долзарб бўлиб тургани шўро адабиётига, социалистик реализм адабиётига муносабат масаласи бўлиб қолди. Социалистик реализм методи ва адабиёти юзасидан баҳслар собиқ иттифоқ миқёсида қизиб, «Литературная газета», «Вопросы литературы», «Литературное обозрение» каби нашрларда ўнлаб мақолалар эълон қилинди. Давр танқидчилигида шўро адабиёти ва унинг методига бир тўхталиб, уни танқид қилиш ёки ҳимоялаш маъносида бир неча жумла қистириб ўтиш урфга айланди. Қизиғи, ҳар икки ҳолда ҳам фикр хулосаларни, гўё улар исбот талаб қилмайдигандек, таҳлилга таянмасдан ва далилдамасдан ифодалаш кузатилди. Бу масаладаги тадқиқот хараكتеридаги жиддий чиқишлардан бири сифатида У.Норматовнинг «Методимизнинг моҳияти тўғрисида»<sup>150</sup> мақоласини кўрсатиш мумкин. Мақолада мунаққид: «менингча <...> кейинги мунозараларда кўтарилган «Социалистик реализмдан воз кечшимиз керакми?» деган саволни қўйиш ўринсиз. Биз хоҳлай-

<sup>150</sup> «Шарқ юлдузи» журнали, 1989, № 5.

мизми, йўқми социалистик реализм деб аталган адабий-бадий ҳодиса — реаллик, мавжуд нарса, уни рад этиш, ундан воз кечиш асло мумкин эмас. Бироқ социалистик реализм адабиёти, санъати, унинг XX аср маданияти равнақида тутган мавқеи ҳақидаги бирёқлама, оширилган тасаввурлардан, социалистик реализмни зиддиятлардан холи идеал метод деб тушунишдан, социалистик реализм назариясига оид тор, догматик қарашлардан, уни бузиб талқин этишлардан қатъий равишда воз кечиш мумкин ва лозим», — деган фикрни билдиради. Дарҳақиқат, социалистик реализм номли адабий эстетик ҳодиса XX аср бошларидан шаклланган объектив ҳақиқат. Лекин уни догмага, маълум меъёр ва талаблар мажмуига айлантириб, охир-оқибат адабиёт ривожига тушов қилиб қўйган марксистик адабиётшуносликнинг ўзи эди. Ҳолбуки, XX аср «шўро адабиёти» ва «социалистик реализм адабиёти» деган тушунчалар ўзаро тенг эмас, аслида биринчиси иккинчисини ўз ичига олади. Шўро адабиётининг кўплаб намуналарини «Қулоғидан тортиб юриб»гина ушбу методга мансуб этиш мумкин. Бироқ баҳслар қизиғида бу нарса доим ҳам эътиборга олинмади, шўро адабиётини буткул инкор этишдек нигилистик кайфият ҳам кузатилди. Бу ҳодисанинг илдизларини Н.Худойберганов шўро даврида «яхши асарлар эмас, балки фақат марксизм-ленинизм ғояларини ифода-лаб, коммунистик ғояни тараннум этган, совет ҳокимияти ҳамда унинг қарорлари, тадбирларини билиб-билмасдан, тушуниб-тушунмасдан ҳимоя қилишга қаратилган асарлар тақдирланиб, мана шу асарларгина бойлигимиз, улардан бошқалари бизга ётдир, деган сиёсат юргизилгани»да<sup>151</sup> кўради. Кўрамизки, Н.Худойберганов шўро даврида «бармоқ билан санарли» бўлсада, яхши асарлар ҳам яратилганини эътироф этади.

Шўро даврида тарғибу ташвиқ қилинган асарларни кескин танқид қилиш, шўро даврида ҳурмат шоҳсупасига чиқариб, тирик классикларга айлантириб қўйилган адибларни муросасозликда, маддоҳликда айблаш ҳам давр танқидчилигида қайта-қайта учрайди. Масалан, авваллари ўзбек шўро ада-

---

<sup>151</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991, 24 май.

биёти ҳақида сўз борсаки мақтаб тилга олинган Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романига нисбатан танқидчиликда бирмунча совуқ муносабат пайдо бўлди. Жумладан, Х.Дўстмуҳаммаднинг «Концепцияни янгилаш учун» номли жиддий мақоласида «Қутлуғ қон»да «бутун куч бойнинг салбийлигига, камбағалнинг ижобийлигига қаратилгани» таъкидланади<sup>152</sup>. Тўғри, мунаққид бу фикрни матни нозик таҳлил қилган ва шунга суянган ҳолда асосли чиқаради. Бироқ у ҳам бир нарсани, ҳаётда Мирзакаримбой сингари бойлар илгари ҳам, Ойбек тасвирлаган даврларда ҳам, ҳозирда ҳам мавжудлигини эътиборга олмайди. Яъни, ҳаётда мавжуд турли феълли бойлардан ўзининг ижодий мақсадига мувофиқини гавдалантиришга ёзувчи ҳақли экани билан ҳисоблашмайди. Яна бир тарафи, асарларга муносабатда улар ёзилган давр шароити ҳар вақт ҳам ҳисобга олинмади, бу ҳам, табиийки, бирёқлама хулосалар чиқарилишига сабаб бўлди. Н.Каримовнинг «Қутлуғ қон»нинг яратилиши»<sup>153</sup> мақоласи худди шу каби ҳолатларнинг олдини олишда муҳим бўлиши лозим эди. Мунаққид Ойбекнинг романи қандай муҳокама қилингани ва унга қандай талаблар қўйилгани, романдаги ҳозирги ўқувчига номақбул айрим нуқталарни ёзувчи хоҳласа-хоҳламаса қўшишга мажбур бўлганини ҳужжатли асосда кўрсатиб берди. Д.Қуронов «Икки роман — икки талқин» номли мақоласида «Кеча ва кундуз» билан «Қутлуғ қон»ни қиёсан таҳлил қилиб: «Ойбекнинг қарашлари «расмий нуқтаи назар»га мос тушади, лекин шунда ҳам адиб юқорига маъқул келадиган қилиб (кейинги таҳрирлар бундан истисно) ёзган дейишдан тийиламиз. Ёш Мусо шахс ва адиб сифатида шаклланган шарт-шароитларни, унинг ОЙБЕК бўлишида Инқилобнинг аҳамияти назарда тутилса, ёзувчи ўзи англаган ҳақиқатни борича, қўлидан келганча тасвирлашга ҳаракат қилганини билиш қийин эмас»<sup>154</sup>, — деб ёзди. Д.Қуронов мақолада билдирган фикрларини «адабиётга эскича қараш-

<sup>152</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1990.

<sup>153</sup> «Ёш ленинчи» газетаси, 1989, 29 декабр.

<sup>154</sup> «Ёшлик» журналы, 1991, № 6.



ларни янгиланмай (янги тўн кийдириш назарда тутилмаяпти) туриб ижод эркинлигини, фикр ҳурлигини таъминлаб бўлмайди», қарашлар чинакам янгиланганидагина «Кеча ва кундуз» ҳам, «Қутлуғ қон» ҳам насримизнинг тенг ҳуқуқли «граждани»лари сифатида яшай олади» дея хулосалади. Бу эса танқидчиликда яқин ўтмиш адабий меросига нисбатан тўғри, илмий ҳолис муносабат шаклланаётганидан дарак эди.

Давр танқидчилиги қатағон қилинган ижодкорлар ҳаёти ва фаолиятини ёритиш, уларнинг асарларини таҳлил қилиш ва омалаштириш, XX аср бошидаги адабий-ижтимоий жараённи ўрганишга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси таҳририяти ҳамкорлик уюштирган «Қайта қуриш ва маданий меросни ўрганишнинг методологик асослари» мавзuidaги кенгашда (1987, 10 июн) бу йўлда бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди. И.Султон ва С.Мамажоновларнинг «Маданиятимизнинг икки буюк сиймоси»<sup>155</sup> мақоласи шу кенгаш мавзусига бағишланган бўлиб, унда кенгашнинг руҳи ўз аксини топган. Мақолада муаллифлар Чўлпон билан Фитратнинг, мураккаб давр шароити билан боғлиқ ижодий йўлларидаги чигалликлар ва асарларидаги айрим гоъвий нуқсонларга қарамай, адабиётимиз тарихида муҳим ўрин туттиларини таъкидладилар. Мазкур мақола ҳамда кенгаш материаллари адабий меросга муносабатда ҳануз догматик қарашлардан қутулиб кетилмагани, бу жараённинг осон кечмаётганини намоён этди<sup>156</sup>. 1988 йилда Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи «Шарқ юлдузи» журналида қайта эълон қилинди. Романни журналда эълон қилиниши осон кечмагани, унинг сезиларли таҳрирлар билан чоп қилингани ҳам бунинг ёрқин далилидир<sup>157</sup>. «Тонг қоронғусида» номли тақризида Б.Аҳмедов романи тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан текшираркан, ёзувчи «синфлар ва синфий кураш масаласига чуқур ва атрофлича ёндаша

---

<sup>155</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1987.

<sup>156</sup> Бу ҳақда қаранг: Шарафиддинов О. Чўлпонни аниқлаш. – Т.: 1994.

<sup>157</sup> Қаранг: Куронов Д. Истиқлол дарди. – Т.: 2000.

олган, деб бўлмас»лигини камчилик сифатида кўрсатади<sup>158</sup>. Шу жойнинг ўзидаёқ «балки бу образларнинг ижтимоий сиёсий шаклланиши романнинг бизгача етиб келмаган, тўғрироғи, ҳали излаб топилмаган иккинчи қисмида очиб берилгандир» дея ўзи кўрсатган «хато»ни оқлайдиган сабаб келтиради. Демак, бу тақризда ҳам асарга ғоявий жиҳатдан баҳо беришга мойиллик кузатилади ва буни инерция кучи таъсирида юзага келган, дейиш мумкин. О.Шарафиддинов, Р.Отаев мақолаларида эса романнинг бадиият жиҳатига кўпроқ аҳамият берилган<sup>159</sup>.

Умуман, қатагон қилинган ижодкорлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини тўплаш ва қайта чоп этиш.борасида О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Б.Қосимов, Ш.Турдиев, Ҳ.Болтабоев каби олимлар, Д.Қуроноф, З.Эшонова, М.Қаршибоев, Б.Каримов сингари ёш тадқиқотчилар жуда фаол ишладилар. Аср бошидаги адабий жараёни, жадидчилик ҳаракатининг моҳиятини ўрганишга қизиқиш ортди. Таъкидлаш зарурки, бу адабиётшуносликни қизиқтирган илмий муаммо доирасидан кенг эди, бу масалани билишга оммавий қизиқиш, оммавий эҳтиёж мавжуд эди. Шу маънода, ушбу мавзудаги изланишлар адабий танқид соҳасига алоқадордир. С.Қосимовнинг «Беҳбудий ва жадидчилик», Б.Қосимовнинг «Жадидчилик» номли мақолалари жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиётини кенг кўламда ўрганишга қаратилган илк тадқиқотлар бўлди.

1989 йилда Ҳамза Ҳакимзода таваллудининг юз йиллиги нишонланди. Адабиётшунослик ва танқидчилик XX аср бошларидаги адабий жараёни, 20-30 йиллар адабиётини ўрганишга астойдил киришган бир шароитда Ҳамза ижоди, унинг адабиётимиз тарихида тутган ўрни масалаларини ҳам қайта кўриб чиқиш тақозо этиларди. «Ёшлик» журнали етакчи ҳамзашунослардан И.Султон, Л.Қаюмов ва Ҳ.Абдусаматовлар билан уюштирган суҳбатда (1989, № 3) мазкур мавзунинг ўткир турган масалала-

<sup>158</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1988, 28 ноябр.

<sup>159</sup> Шарафиддинов О. «Кеча ва кундуз»// Ўзбекистон адабиёти ва санъати; 1989, 25; Отаев Р. Тоғ юлдузи шуълалари//Шарқ юлдузи, 1989, № 1.

ри ўртага қўйилди. Жумладан, И.Султон «Бой ила хизматчи»нинг тикланган варианты «Ҳамза асарининг аслидан анча камбағаллиги»ни таъкидлаб, «конкрет тарихий шароитда Ҳамза асарларининг таҳрир этилган варианты унинг асл асарлари билан деярли бир қаторда қимматга эга» деб ҳисоблашини айтди. Суҳбатда бу масаланинг юзага чиқиши ва олимнинг бу тарзда жавоб бериши бежиз эмас. Чунки адабиётшунослиқда «тикланган нусха»ни асл нусха сифатида қабул қилиш ҳисобига кўплаб сохта хулосалар чиқариб бўлинган, қатор тадқиқотларнинг ўзак концепцияси шунга таянган эди. Н.Каримовнинг «Бой ила хизматчи» драмасининг ижодий тақдири» номли мақоласида шу нарса кўрсатиб ўтилди<sup>160</sup>. С.Мелининг «Бой ила хизматчи» ёки тикланган нусха муаммоси» номли мақоласида («Ёшлик», 1989, №11) «тикланган нусха»нинг «ақидапараст адабиётшуносликнинг илдиз отишига хизмат қилгани, «1939 йилда тикланиб, сўнг инқилоб арафасида ёзилган социалистик реализмнинг биринчи асари, Ҳамза ижодининг гултожи мавқеига кўтарилиши мантиққа зид» эканлиги далиллаб берилди. Юқоридаги суҳбатда Ҳ. Абдусаматов фикрларини: «Ҳақиқат ва чуқур ўрганиш заминида 20-йиллар адабиётидаги кемтикларни тўлдиришимиз, ҳар бир ёзувчи ва шоирни ўрнига қўйишимиз лозим», — дея хулосалаган эди. Дарҳақиқат, бу муҳим масалани ҳал қилишга киришилди, бироқ Ҳамзанинг адабиётимиздаги ҳақиқий ўрнини белгилаш борасидаги ишларга адабиётшунослигимиз ҳануз киришганича йўқ.

Турли масалалар бўйича баҳс-мунозараларнинг кўпайгани, фикрлар хилма-хиллигининг кучайгани давр танқидчилигининг ўзига хос жиҳати саналиши мумкин. Баҳсларнинг бир тури «танқидни танқид» руҳида ўтди. Жумладан, С.Очилнинг «Шеър масъулияти ва фикр равонлиги» номли мақоласида шеърни тушунмаган, бадиий ижод табиатини ҳисобга олмаган ҳолда қуруқ айбловлар қўйиш амалиёти кузатилди. О.Шарафиддиновнинг «Бир тилда гаплашайлик» номли мақоласида танқидчининг даъволари ўринсиз эканлиги кўрсатиб берилди ва «мунаққид асар ҳақида

<sup>160</sup> Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. — Т.: 1988.

фикр юритишдан аввал шу асар муаллифи даражасига кўтарилиши, ҳаётга унинг кўзи билан назар солиб, унинг қалби билан асарни ҳис этиб кўрмоғи лозим. Биз танқидчилар адиб ва шоирлар билан бир тилда гаплашишни ўрганиб олайлик»<sup>161</sup> деган тўғри талабни қўйди.

М.Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» романи У.Норматов ва А.Отабоев мақолаларида турлича талқин қилиниб, турлича баҳоланди. У.Норматов романда «кечаги кунимизнинг ҳаққоний таҳлили»ни кўрди, асарда ифода йўсинининг ўзига хослигини, унда полифоник бадиий тафаккур мавжудлигини кўрсатди ва уни юқори баҳолади. А.Отабоев эса романда ҳаётдаги жиддий муаммоларнинг латифанамо талқин қилинганини маъқулламади. Муҳим нуқта шуки, ҳар икки мунаққид ҳам ўз қарашини асослаб беришга ҳаракат қилган. Асли, шундай баҳсларнигина фойдали дейиш мумкин: чунки уларда қўйилган масалалар бўйича баҳс ўзгалар тафаккурида давом этади, билдирилган фикрлар ё ривожлантирилади, ё уларнинг инкорига асос изланади. Роман ва у ҳақдаги икки мунаққид фикри «Ёшлик» журнали уюштирилган ёш танқидчилар даврасида қизгин муҳокама қилингани ҳам бунинг далилидир<sup>162</sup>.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Солиҳ маҳдум образи масаласида кўпчиликнинг эътиборини тортган яна бир қизгин баҳс кўзгалди. А.Раҳимов «Солиҳ маҳдумда нима гуноҳ?» (1990, 3 авг.) номли мақоласида маҳдумдан ижобий фазилатлар излаб топишга интилди: унинг муаллимлик фаолияти, зиёкорлигига алоҳида урғу берди, ушбу образ талқинида адибга замонасининг, асар яратилган даврдаги диндорларга муносабатнинг таъсири сезилади, деган фикрни олинга сурди. М.Қаршибоев «Солиҳ маҳдум фариштами?» (1990, 2 н.яб.) номли мақоласида А.Раҳимов фикрларини инкор қилди, образ талқинига ислом арконлари нуқтаи назаридан ёндашиб, унинг «фаришта эмас»лигини исботлади. Баҳсда бир-бирига тамом зид икки хил қараш олдинга сурилгани ҳолда, иккала мунаққидни яқинлаштиради-

<sup>161</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1987, 25.

<sup>162</sup> «Ёшлик» журналы, 1989, № 3.

ган бир жиҳат бор. У ҳам бўлса, иккала мунаққиднинг ҳам образ талқинига кўпроқ ғоявий асосда ёндашганидир. А.Раҳимов мақоласида образга шўроча ғоявий асосда ёндашилади-да, унга тамом тескари хулоса чиқарилган; М.Қаршибоев мақоласида ҳам ёндашув эскича, фақат бу ёндашув асосидаги марксизм исломий таълимотга алмаштирилган, холос. Баҳсга қўшилган Ю.Шоназаров «Яна Солиҳ маҳдум ҳақида» (1991, 25 янв.) номли мақоласида муҳими Солиҳ маҳдум образининг «тирик одам» эканлиги, «сатирик схема эмаслиги» таъкидланди.

Бироқ баҳсларнинг барини ҳам самарали бўлди, дейиш мушкул. Айрим ҳолларда «Баҳс» ёки «Бир асар — икки фикр» рукнларида эълон қилинган материаллардан моҳиятан бир хил фикр-хулосалар келиб чиқса, айримларида бир-бирига тамом зид фикрлар бир-бирига алоқадор бўлмаган ҳолда зикр этилди<sup>163</sup>. Энг ёмони, баҳс рукнидаги мақолалар баъзан муаллифларнинг бир-бирларини айблашлари учун майдонга айланиб қолдики, бу ҳолда фикрлашда тенденциозлик руҳи этакчи бўлиб қолди. Бунақа ҳолда эса билдирилган тўғри фикрларнинг қимматига ҳам путур етиши тайин. Масалан, Ҳ.Абдусаматов Н.Худойбергановнинг «Ҳаммаси таҳлилда кўринади» мақоласига жавобан ёзган «Ҳалоллик» мақоласида айрим тўғри фикрларни ҳам билдирган, лекин асосий кучни ҳамкасбини айблашга қаратган. Умуман, бу давр танқидчилигида мунаққидларнинг бир-бирларини «шўрони мақтаганлик», «социалистик реализмни тарғиб этганлик», «рашидовшунос»лик билан шуғулланганлик» кабиларда айблаш ҳоллари кўп учрайди. Шундай ҳол шоир У.Азимовнинг «Ақл, заковат — муросами?» номли мақоласида ҳам яққол кўзга ташланди. У.Азимов мақолада «адабиётимиз эртага қадам қўйиши учун кеча йўл қўйган хатоларимизни чуқурроқ ўрганишимиз лозим» деган тўғри мақсадни қўяди-ю, буни илмий холис ўрганиш ўрнига У.Норматовни айблашга берилиб кетади. У.Азимов айблашнинг ўзи билан иш битмаслигини, бу масалани давр шароити билан боғлиқ ҳолда ўрганиш шарт эканлигини мутлақо

---

<sup>163</sup> Қаранг: «Шарқ юлдузи» журнали, 1988, №8, 189-194 бетлар.

ўйламасдан, У.Норматовга жуда беписанд муносабатда бўлганки, натижада мақола адабиётнинг эртаси ҳақида қай-ғуришдан эмас, қулай шароит туғилганда «бир боплаб қўйиш» учун ёзилгандек таассурот қолдиради. Бошқача айтсак, муаллифнинг фикрлаш йўсинида 30-йиллар оҳанги сезилади, фақат У.Норматов «халқ душмани» деб эълон қилинмаган, холос. У.Норматовнинг «Йўқ, адолат — ҳақиқат йўли» номли жавобида илмий мулоҳаза салмоғининг устуворлиги, хатоларни тан олиши ва зарур ўринда ўзини асосли ҳимоялаши, умуман, холислиги билан баланд туради.

Абдулла Қаҳҳор таваллудига 80 йил тулиши муносабати билан матбуотда адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида қатор мақолалар, суҳбатлар, хотиралар эълон қилинди. Шуни таъкидлаш керакки, юбилей муносабати билан эълон қилинган ишларда одатланилганидек мақтовлар билангина чекланиб қолинмади, аксинча, адиб ижодини, асарларини янгидан идрок этиш ва баҳолаш, унинг шахсиятига яқинлашиш мақсади етакчилик қилди. Р.Қўчқорнинг «Уч сароб», «Тарих ҳақиқати», «Қўш роман ва айрича қарашлар», «Сароб»нинг пайдо бўлиши» номли мақолалари<sup>164</sup> А.Қаҳҳор романларининг ижодий тарихини ўрганишга қаратилди. Мунаққид ўзининг фикр-хулосаларини роман нашрларини бир-бирига қиёслаш, романларга танқидчиликнинг муносабатини ўрганиш, бой архив материалларига таянган ҳолда чиқарди. Р.Қўчқор мақолаларининг аҳамияти шундаки, улар романлар устидаги ижодий ишнинг осон кечмагани, мустабид тузум шароитида ижод қилган адибларга осон тутиб бўлмаслигини, А.Қаҳҳор асарлардаги ҳозирги кунда номақбул жиҳатлар баъзан унинг ғояга ишончи, баъзан эса мажбурият орқасида юзага чиққанини ҳужжатли асосда кўрсатиб берди. Бу эса шўро даврида яратилган асарларнинг ҳаммасига бир хил тасаввурдан келиб чиқиб ёндашиш нотўғри эканлигини, ҳар бир конкрет ҳолда асарга ўзига хос омиллар таъсир қилиши мумкинлигини, илмий холислик жуда кўп манбаларга таянишни тақозо этишини яққол англатди.

---

<sup>164</sup> «Ёшлик» журнали, 1986, № 6; «Ёшлик» журнали, 1987, № 6; «Шарҳ юлдузи» журнали, 1989, № 3; «Ёшлик» журнали, 1991, № 9.

О.Отахоновнинг «Борса-келмас»даги казина»<sup>165</sup> мақоласида яна бир муҳим тенденция кўзга ташланди. Мунаққид «ҳақиқий бадий асарлар қайси жанрда ёзилганлигидан қатъи назар, турли-туман фикрлар кўзгаши, кучли мунозараларга сабаб бўлиши, хилма-хил таҳлилларга изн беражаги»ни таъкидлади. Шу қарашга таяниб, О.Отахонов «Ўғри»даги асосий ўғри ... Қобил бобо. У ўз юрагидаги шижоатни, кураш туйғусини, зулмга исён руҳини ўғирлаган шахс» қабилидаги талқинни олдинга сурди. Мақола яқин ўтмиш меросини янгича талқин қилиш имкониятларидан сўз очиши, танқидни шунга йўналтириши жиҳатидан муҳим эди.

Миллий ўзликни англаш жараёни кеча бошлаган бир шароитда мумтоз адабиётимизни холис ва ҳаққоний ўрганиш, кишилар онгига сингдирилган бир ёқлама қарашларни бартараф қилиш, ўқувчи оммани бой меросимизни тасарруф этишга тайёрлаш адабиётшунослик олдидаги долзарб вазифага айланди. Бу даврда мумтоз адабиётшуносликка онд ишларнинг адабий танқид характери касб этиши шу вазифани бажариш тақозо этган зарурат эди. Шунга кўра, мумтоз адабиётимиз билимдонларининг кенг оммага мўлжалланган асарларида меросни халқ дилига яқинлаштириш мақсади устуворлик қилди. Матбуот нашрларида меросни ўрганиш ва тарғиб қилишга қаратилган махсус рукнлар ташкил қилинди. Жумладан, «Ёшлик» журналида бир ғазал таҳлилига бағишланган жажжи тадқиқотлар мунтазам чоп этиб борилди. Н.Комилов, А.Абдуғафуров сингари адабиётшунослар амалга оширган таҳлиллар мумтоз ғазалларнинг мазмун бойлиги, маъно серқатламлиги ҳақида ўқувчиларга ёрқин тасаввур берди. Шунингдек, танқидчиликда мумтоз адабиётни тушуниш учун ислом дини асослари, тасаввуф таълимотидан бохабарлик бениҳоя муҳимлиги баралла айтилди, шу йўналишдаги илк материаллар эълон қилинди. Танқид ва адабиётшунослик меросимизни бугунги кун нуқтаи назаридан талқин қилиб, уни замон кишисининг маънавий эҳтиёжларга хизмат қилдиришга астойдил киришди<sup>166</sup>.

<sup>165</sup> «Шарқ юлдузи» журнали, 1988, № 4.

<sup>166</sup> Ҳаққулов И. Навоий азиз билган... // Ёшлик, 1988, № 4; «Фақр йўлида ғани, имонга бой. // Ёшлик, 1989, № 2; Комилов Н. Тасаввуф ва бадий ижод. // Ёшлик, 1991, № 8, Муҳиддинов М. Саодатманд инсон ким. // Ёшлик, 1990, № 8. Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори. – Т.: 1987; ва бошқ.

Танқидчиликда мавзулар доирасининг кенгайгани жорий адабий жараён муаммоларига эътиборни сусайтиргани йўқ. Адабий жараённи ёритишга қаратилган обзорлар, қатор муаммоли мақолалар; шеърят, проза ва драматургиямиздаги ҳолатни ўрганишга бағишланган тадқиқий мақолалар, янги асарларга қатор тақризлар ёзилди. Жумладан, шеърят танқидчилигига оид Б.Акрамов, И.Ҳаққулов, Я.Қосимов, С.Мели каби мунаққидларнинг мақолалари бу соҳада ижобий ўсиш бўлганини кўрсатди<sup>167</sup>. Уларда шеърни чуқур ҳис қилишга интилиш борлиги, муаллифлар эътибори шеърдаги сўз маъно нозикликларини кашф этиш, сўзлар замиридаги ҳисларни қалбдан кечириб кўриш ва сўнг ўқувчига «юқтириш» мақсадларига қаратилгани таҳсинга лойиқдир. М.Қўшжонов, У.Норматов, Н.Худойберганов, А.Расулов, А.Улуғов каби мунаққидларнинг қатор мақола ва тақризларида<sup>168</sup> на-сримиз муаммолари тадқиқ этилди, ундаги тараққиёт тенденцияларини аниқлаш, ютуқ ва камчиликларни кўрсатишга ҳаракат қилинди. Танқидчиликка Ш.Ризаев, Р.Қўчқоров, А.Улуғов, М.Қаршибоев, М.Олимов, М.Намозов, Б.Рўзимухаммад каби бир қатор умидли ёшлар кириб келди. Албатта, бу ёшларнинг бадиий адабиётга қарашлари янгича ижтимоий шароитда шакллангани, жаҳон адабий-эстетик тафаккуридан яхшигина хабардорлиги, илк мақолаларидаёқ шижоат билан муҳим муаммоларни кўтарганлари, фикрларини назарий пухта асослашга интилганлари қувончли ҳодисадир. Муҳими, ёшларнинг аксарияти ўз фаолиятларида танқидчилигимиздаги энг яхши тамойилларга эргашди, бу эса танқидчиликдаги янгиланиш жараёни кўзланган мақсадга олиб бориши, бу жараённинг муқаррар амалга ошишига ишонч туғдирди.

---

<sup>167</sup> Акрамов Б. Шеърятда сўзни қадрлаш санъати. // Ёшлик, 1986, № 1; Моҳият ва руҳият образлари. // Шарқ юлдузи, 1987, №9; Ҳаққулов И. Сўзларди — сўзларни снғмоқ. // Ёшлик, 1987, № 12; Беғуборлик фасли. // Ёш куч, 1987, № 9; Қосимов Я. Соғинчларга йўлдош юрак. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1987, 2 октябр; Шеърятда гражданлик руҳи. // Ёшлик, 1987, №5; Шеър ва дунё. // Шарқ юлдузи, 1989, №1; Навқирон шеърят. // Ёшлик, 1989, №1; Мелиев С. Жонли сўз қудраги. // Ёшлик, 1989, №6; ва бошқ.

<sup>168</sup> Қўшжонов М. Савия ижоднинг бош талаби. // Шарқ юлдузи, 1987, №6; Қайта қуриш ва ўзбек романи. // Шарқ юлдузи, 1998, №1; Шарафиддинов О. Адабиёт тилдан бошланади.



Хулоса қилиб айтсак, қайта қуриш даври, ошкоралик шароити адабий танқидий тафаккур ривожига учун яхши шароит яратди. Танқидчилик ўзининг догматик қарашларидан фориғ бўлиш йўлига кирди. Узоқ йиллар ҳукм сурган мафкуравий тазйиқ шароитида йўл қўйилган камчиликларни тузатишга киришган танқидчилик бу жараёнда ўзи ҳам соғломлаша борди.

## ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ

Истиқлол миллатнинг ижтимоий-тарихий тараққиётида янги босқич, миллий тарихимизда, турмушнинг барча соҳаларида янги саҳифа очган буюк ҳодиса бўлди. Аввалига чор ҳукумати, кейин шўро томонидан юргизилган мустамлакачилик сиёсати миллий тафаккурда оғир асоратлар қолдирди. Истиқлолга эришилгач, Ўзбекистон раҳбарияти маънавият ва маърифат ишларига алоҳида эътибор бергани, буни давлат сиёсати мақомидаги вазифага айлантиргани бежиз эмас, балки ижтимоий-тарихий зарурат эди. Кишилар онгини шўро мафкураси асоратларидан фориг этиш, жамиятимизнинг эртасини белгилайдиган янги авлодни тарбиялаш куннинг энг долзарб вазифасига айланди. Табиийки, бунда адабиёт ва санъатнинг, жумладан, танқид ва адабиётшуносликнинг ҳам фаол иштироки зарур эди.

Танқид ва адабиётшунослик олдидаги энг долзарб масалалардан бири ўтмиш адабий меросини илмий ҳолис ўрганиш ва қайта баҳолаш бўлиб қолди. Узоқ йиллар мобайнида бой адабий меросимизга синфийлик нуқтаи назаридан ёндашилди, меросни «керак-нокерак»ка ажратиб чала ўрганилди, уни замонга ўта вульгар мослаштириб талқин қилинди. Буни, масалан, шўро замонида адабиётшунослигимизнинг алоҳида соҳасига айланиб улгурган навоийшуносликда ҳам кўриш мумкин эди: Навоий асарлари тўла нашр этилмади, чоп этилганларидан ҳамд ва наътлар қисқартирилди, талқинлар замонга мослаштирилди ва ҳ. Буларнинг бари масаланинг ўта чигал ва мураккаблигидан далолат беради. Тўғри, бу масала «ошкоралик» йиллариёқ кун тартибига қўйилган эди. Бироқ унутмаслик керакки, «ошкоралик» — «Қайта қуриш», яъни шўро тузумини сақлаб қолишга йўналтирилган ҳаракатнинг бир қисми эди, холос. Шунақа экан, «ошкоралик» шароити мазкур масалани атрофлича кенг ва илмий ҳолис ўрганишга имкон бериши мумкин эмас, мабодо иложсиз берганида ҳам, бу узоққа чўзилиши мумкин эмас. Истиқлол шароити мумтоз адабий меросимизни атрофлича чуқур ва илмий ҳолис ўрганишга тўла имконият яратди. Аввало шуки, бу масала кўлами кенгроқ бўлган миллий ўзликни таниш, миллий қадри-

ятларни тиклаш масаласининг узвий бўлаги бўлиб қолди. Президентимиз ўртага ташлаган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» шиори бунда дастуруламал бўлиб қолди. Зеро, ўзининг илдизларини, аجدодларини таниган миллатгина эркнинг, истиқлолнинг қадрига етади, дунёда аجدодлар шаънига муносиб жой олишга ҳаракат қилади. Истиқлолнинг дастлабки йили ҳазрат Навоий юбилейининг жуда катта тантаналар билан нишонлангани, биринкетин Амир Темур, Баҳоваддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом ал-Фарғоний, Имом Мотурудий каби алломаларнинг, А.Яссавий, Огаҳий, Феруз каби шоирлар таваллуд тўйларининг ўтказилиши катта воқеа бўлди. Шуниси муҳимки, бу юбилейлар аввалгиларидек кампаниябозлик ёки тантанабозлик билангина чекланиб қолмади, аксинча, мазкур зотлар билан боғлиқ қаламжолар тикланди, уларнинг асарлари нашр қилинди, вақтли матбуотда уларнинг ҳаёти ва ижоди атрофлича ёритилди, улар ҳақида адабий асарлар, ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратилди ва ҳ. Жумладан, «Қуръони Карим»нинг ўзбек тилида чоп этилиши, Имом Бухорий, Имом Термизийнинг ҳадис илмига бағишланган асарларининг эълон қилингани мумтоз адабиётни ўрганишда муҳим аҳамиятга молик бўлди. Вақтли нашрларда Н.Комилов, И.Ҳаққулов, С.Рафиддинов каби олимларнинг тасаввуф таълимоти асосларидан баҳс этувчи мақолалари мунтазам бериб борилди, китоблар чоп қилинди. Илгари «диний-клерикал» ёки «сарой адабиёти» тамгалари билан ўрганилмай ва оммалаштирилмай келган Рабғузий, Яссавий, Суфи Оллоёр, Ҳувайдо, Феруз, Амирий каби ижодкорларнинг асарлари нашр этилди, улар ҳақида қатор мақолалар ёзилди. Таъкидлаш лозимки, адабиёт тарихига оид бу ишларнинг оммавий-маърифий характерда бўлишини даврнинг ўзи тақозо этган бўлиб, айтиш мумкин хусусияти туфайлигина уларни моҳиятан адабий танқидий асарлар санаш мумкин дир.

Истиқлол йилларида XX аср бошларидаги адабий жараён, жаҳидчилик ҳаракати ва жаҳид адабиёти масалаларини ўрганишга эътибор янада кучайди. Агар «ошкоралик» йилларида жаҳид ижодкорларнинг «шўро воқелигини қабул қилди, унинг афзаллигини англашга келди» қабилида талқин қилишга маж-

бур бўлинган бўлса, эндиликда уларнинг асарларини борича талқин қилиш имконияти юзага келди. Мазкур масалани ўрганишда О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Б.Қосимов, Ш.Турдиев, Ҳ.Болтабоев сингари олимлар қатори шу йилларда уларнинг ёнига кирган М.Қаршибоев, З.Эшонова, Д.Қуроно, И.Ғаниев, Б.Каримов, У.Султонов каби ўнлаб ёш тадқиқотчилар фаол иш олиб бордилар. Қатагон қилинган ижодкорларнинг асарларини излаб топиш, нашрга тайёрлаш ва қайта эълон қилиш борасида кўп ишлар амалга оширилди. Матбуотда жадид маърифатчиларнинг истиқлол йилларида ҳам долзарблигини йўқотмаган, эҳтимол, қайтадан долзарблик касб этган мақолалари, асарлари мунтазам эълон қилиб борилди. Профессор О.Шарафиддинов раҳбарлигида Чўлпоннинг «Адабиёт надири?» номли мақолалар тўплами, уч жилдлик «Асарлар»и нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Бу борада янги ташкил қилинган «Маънавият» нашриёти, айниқса, катта ишларни амалга оширди. Жумладан, «Истиқлол қаҳрамонлари» сериясида Беҳбудийнинг икки жилдлик (Б.Қосимов нашрга тайёрлаган), А.Авлонийнинг икки жилдлик (Б.Қосимов нашрга тайёрлаган), Фитратнинг уч жилдлик (Ҳ.Болтабоев нашрга тайёрлаган) сайланмалари чоп қилинди. Мазкур серияни тайёрлаган Б.Қосимов, У.Долимов, С.Аҳмедов, О.Тўлабоев, М.Тожибоева каби адабиётшуносларнинг фидокорона меҳнати туфайли бугунги ўқувчи Сидқий Хондақлиқий, Ажзий, Камий, Ибрат, Сўфизода, Ю.Сарёмий каби ижодкорлар ҳақида маълумотга эга бўлди, уларнинг асарлари билан танишди. Адабиётшунос Н.Каримов жадид адабиёти намояндалари, қатагон йилларининг даҳшатлари ҳақида ҳужжатли маълумотлар берувчи ўнлаб мақолалар эълон қилди. «Шаҳидлар хотираси» республика хайрия жамғармасининг таъсис этилиши бу йўлдаги ишларни янада кенг кўламда олиб бориш имконини яратди.

1994 йилда А.Қодирий таваллудининг 100 йиллиги нишонланди. Танқид ва адабиётшунослик мазкур санани муносиб кутиб олди: вақгли матбуотда адиб ҳаёти ва ижоди тўғрисида янги маълумотлар берувчи, асарларини янгича талқин қилувчи қатор мақолалар эълон қилинди. «Абдулла Қодирийнинг бадий ду-

нёси» коллектив монографияси, У.Норматовнинг «Қодирий боғи», М.Қўшжоновнинг «Қодирий — эркислик қурбони», «Ўзбекнинг ўзлиги» каби асарлари қодирийшуносликда янги босқич бўлди. 1997 йилда Чўлпоннинг 100 йиллиги республика миқёсида кенг нишонланди. Адабиётшунослигимизда адиб ижодини ўрганиш бўйича салмоқли ишлар қилинди, чўлпоншунослик соҳаси шаклланди. О.Шарафиддиновнинг «Чўлпонни англаш», Н.Каримовнинг «Истиқлолни уйғотган шоир», Д.Қуроновнинг «Чўлпон: ҳаёти ва ижодий мероси», Б.Рўзимухаммаднинг «Чўлпон — тонг юлдузи демак» сингари рисолалари тўйга муносиб тўсна бўлди. Кейинги йилларда яратилган Н.Каримовнинг «Чўлпон» маърифий романи, Д.Қуроновнинг «Истиқлол дарди (Чўлпоннинг ижтимоий-сиёсий қарашлари тадрижи)» ҳамда «Чўлпон насри поэтикаси» номли монографиялари бу борадаги жиддий тадқиқотлардан бўлди. Истиқлол йилларида XX аср бошидаги адабий жараён, жадид адабиёти намояндаларининг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган ўнлаб илмий тадқиқотлар<sup>169</sup> ёзилгани ҳам бу мавзунинг нечоғли долзарб турганини яна бир карра кўрсатади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида ўзбек шўро адабиётининг катта авлоди вакиллари «маддоҳлик»да, халқ бошига беадад кулфатлар келтирган тузумга югурдаклик қилганликда айблаш, уларнинг меросини нигилистик инкор қилиш кайфияти устуворлик қилди. Жадид адабиёти намояндаларини «кўтариш» ва бунга зид равишда шўро адибларини «тушириш», мақолаларда уларга ўринли-ўринсиз «тегиниб» ўтиш тенденцияси кузатилди. Бу каби

<sup>169</sup> Фаниев И. Абдурауф Фитратнинг тарихий фожса яратиш маҳорати. ҚДА. — Т.: 1992; Қуронов Д. «Кеча ва кундуз» романида характерлар психологизми». ҚДА. — Т.: 1992; Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. ҚДА. — Т.: 1993; Султонов У. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари. ҚДА. — Т.: 1995; Каримов Б. Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллар адабий танқидчилигидаги ўрни. ҚДА. — Т.: 1995; Умрзоқов Ф. Ғози Юнуснинг ижодий йўли. ҚДА. — Т.: 1996; Болтабоев Ҳ. XX аср ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. ДДА. — Т.: 1996; Қуронов Д. Чўлпон поэтикаси(настрий асарлари асосида). ДДА. — Т.: 1998; Фаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси. ДДА. — Т.: 1998; Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. ҚДА. — Т.: 1998; Усмонов О. Ғулум Зафарийнинг ижодий йўли. ҚДА. — Т.: 1999; ва б.

муносабат, табиийки, шўро даври адабиётшунослигига ҳам тааллуқли эди. Масалан, ёш адабиётшунос А. Ёқуб: «Биз истиқлолга эришгач, дунёқарашимиз ҳам ўзгарди. Мулкчиликка нисбатан қадим ўзанга қайтганимиз соцреализмга асосланган тоталитар даври адабиётшунослигини ҳам архив мулкига айлантирди. Вақти келганда ундан мутахассисларгина фактлар қидиради, холос. Энди унга тафаккур ривожининг босқичларидан бири сифатида қаралмайди»<sup>170</sup>, — деб ёзди. Унингча, «Қизил адабиёт қизил адабиётшуносликни шаклантирган», бу адабиётшуносликнинг бор-йўқ хизмати шуки, у «академик услуб билан таништирди», холос. Танқидчиликнинг кейинги уч-тўрт йил давомидаги «жим» тургани, муаллиф фикрича, методологиянинг касодга учрагани, энди «тоталитар адабиётшунослик қайтадан мутолаага шўнғиб кетгани» билан изоҳланади. А. Ёқуб ёзишича, издошлар, «шогирдлар ўзгача. Улар адабиётга бутунлай радикал қарашлар билан кириб кела бошлади», «тоталитар даври адабиётшунослари бутун шогирдларининг ютуқлари билангина ўз маъноси кўтариши мумкин».

Албатта, мақола муаллифи, умуман олганда, тўғри фактларни қайд этади, бироқ уларга таяниб чиқарган хулосалари бирёқлама, илмийликдан йироқ бўлиб қолган. У адабий жараённинг муҳим қонунияти — ворисийликни эътиборга олмайди: адабий танқидий тафаккур ривожигадаги бутун бир даврни тўла инкор қилмоқчи бўлади. Ҳолбуки, унинг ўзи «издош, шогирдлар» ҳақида гапирди: агар «издош, шогирдлар» экан, уларнинг устозларидан буткул узилиб кетиши мумкин бўлмаган ишдир. Иккинчидан, социологик методнинг шўро замонида сохталаштирилгани уни тўла инкор қилишга асос бўлолмайди: «вульгар социологизм» билан «социологик метод» орасига тенглик аломати қўйиш хато. Ниҳоят, учинчидан, нафақат шўро адабий танқидчилиги, балки ҳар қандай адабий танқидий асар «эскиради» — пайти келиб архив мулкига айланади. Зеро, жамиятнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари, бадий дид ўзгарувчандир.

---

<sup>170</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1996, 23 август.

Мазкур масалага бағишланган У.Норматовнинг «Адабий жараёндаги ғаройиб робиталар» номли мақоласига таҳририятнинг кириш сўзида қуйидагиларни ўқиймиз: «... ёшлар адабиётга маъфуравий қурол, восита, ҳаёт кўзгуси эмас, балки «соф санъат» ҳодисаси деб қарашни астойдил ёқлаб чиқаётирлар. Иккинчи гуруҳ адабиётшунослар эса социологик маъфуравий ёндашишнинг «янгича», «замонавий» усулини тақдим этаётирлар ва шу усулга таяниб маданий меросимизни қайта баҳолаш, элақдан ўтказишга уринаётирлар. Айниқса, совет даври адиблари ижодига муносабатда бу баҳсли тус олаётир»<sup>171</sup>. Адабиётшуносликдаги баҳсларнинг асосий мазмуни шу сўзларда ўз ифодасини топган. У.Норматовнинг мазкур мақоласи масалага илмий асосда ёндашган жиддий чиқишлардан бири бўлди. Мунаққид «холис, соғлом, юксак маърифатли, адабиётнинг сўз санъати эканини асло назардан соқит этмайдиган теран илмий социологик тадқиқот усулига бугунги адабиётшуносликда талаб ва эҳтиёж ниҳоятда катта», деб ҳисоблади. Унинг фикрича, «XX аср ўзбек адабиётини бу усулни четлаб ўтиб баҳолаб бўлмайди». У.Норматов шўро давридаги ўзбек адабиётини тамомила «социалистик реализм» қолипидаги асарлардан иборат эмаслигини, «шахс ва миллат эрки, шаъни, миллий озодлик, истиқлол ғоялари 30-40 йиллар адабиётида ҳам мавжуд»лигини, бинобарин, адабий авлодлар орасида зиддиятлар билан бирга ворисийлик ҳар вақт мавжудлигини кўрсатиб берди. Мунаққид XX аср адабиётини қайтадан ўрганиш зарурлигини, бунда шошма-шошарлик билан хулосалар чиқариб бўлмаслигини таъкидлади.

Ҳ.Абдусаматовнинг «Янги замон, янги адабиёт» номли мақоласида ҳам XX аср ўзбек адабиёти, улкан йўқотишларга қарамай, адабиётимизда юксалиш даври бўлгани таъкидланди. Олим социалистик реализмга хос нуқталарни эътироф этгани ҳолда, уни тамомила инкор қилиш, «сохта метод» дея баҳолашларга қўшилмади. Ҳ.Абдусаматов мақоласида, «соф санъат» талабига зид ўлароқ, адабиёт маъфурадан, сиёсатдан холи бўлолмай-

<sup>171</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1995, 3 ноябр.

ди, деган фикр яна бир бор олдинга сурилди. Айтиш керакки, мақолада кўпгина тўғри ва жўяли мулоҳазалар билдирилгани ҳолда, муаллифнинг талқинлари, фикрлаш тарзида яна эскича йўлдан борилгани бўртиб кўзга ташланди.

Адабиётда «соф санъат»ни кўриш истаги, албатта, унда фақат мафкура қуролинигина кўриш амалиётига қарши акс таъсир сифатида юзага келди. Бироқ, бунда ҳам бирёқламаликка боғлиқ, адабиётнинг ижтимоий табиати тамомила инкор қилина бошлади. Б.Саримсоқов «Адабиётнинг ижтимоий табиати»<sup>172</sup> номли мақоласида бадий адабиётнинг мазкур белгилловчи хусусиятини назарий жиҳатдан асослаб берди. Д.Қуронов ва Ҳ.Усмоновларнинг «Идеал ва бадий яхлитлик»<sup>173</sup> номли мақолаларида адабий жараёндаги баҳс-мунозараларнинг омиллари ҳақида тўхталиб, улар «моҳиятан ғоявий асосдаги зиддиятлардир» деган хулосага келинди. Муаллифлар «мумтоз адабиётни, XX аср Фарб модерн адабиётини мафкурада, ижтимоийликдан холи деб билиш — янглиш тасаввур» эканлигини, адабиётнинг ижтимоийлиги «инсоннинг инсон учун яратган предмети» шаклида яшаши билан белгиланишини асослаб кўрсатдилар. Мақолада ушбу масаланинг ижод табиати билан боғлиқ ҳолда тушунтиришга ҳаракат қилингани, адабий меросни қайта баҳолашда яна эскича ёндашув кузатилаётгани кўрсатилди, «ижодий ўқиш» масаласи ўртага ташланди.

Шўро даври адабиётининг нодир намуналарига нописанд муносабатда бўлиш С.Мелининг «Меҳр сеҳри»<sup>174</sup> мақоласида яққол кўзга ташланди. Мунаққид А.Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясида қаҳрамон фожеасига ачиниш, меҳр-шафқат йўқ, инсонга меҳрсиз ёзилгани учун ҳам асар юксак бадийят намунаси бўлмайди, деган фикрни олдинга сурди. С.Мели фикрича, «Ноинсоний Ғоя ёзувчига нима ёзиш ва қандай ёзишни буюриб турганида ёзувчи буйруқни сўзсиз ва сидқидилдан бажарганда «Ўғри»га ўхшаш асарлар дунёга келади». Ҳикоя ўша ғоя

<sup>172</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1995.

<sup>173</sup> «Тафаккур» журнали, 1996, № 4.

<sup>174</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1995, 23 июн.



кўрсатмаси билан ёзилгани учун ҳам уни «ўқиб, китобхон бадий завқ туймайди. Ғоянинг ўқталган кўрсаткич бармоғи ўқувчи гашига тегаети, холос», деб ҳисоблади. С.Мелига жавоб тарзида ёзилган Д.Қуроновиинг «Ўғри»нинг ҳимоясига икки оғиз сўз»<sup>175</sup> номли мақоласида ҳикоя бошқача талқин қилинди. Мунаққид С.Мелининг ёзувчи қаҳрамониға меҳрсиз, деган фикрини инкор қилиб, буни ҳикоядаги тасвир принципи билан боғлиқ деб тушунтирди. Д.Қуронови «Ўғри»да қатағон даври фожеалари акс эттирилган, «Адабиётимизда инсон, халқ тақдирига куйиниб ёзилган «Ўғри» даражасидаги асарлар кам топилади» тарзидаги С.Мели хулосаларига буткул тескари хулоса чиқарди. Баҳсга муносабат билдирган Н.Худойберганонови эса: «С.Мели «Ўғри» ва бошқа шунга ўхшаш асарларнинг коммунистик мафкура ни тасдиқлашга қаратилганини таъкидлаганида қисман ҳақ. Нега тўлиқ эмас, қисман? Чунки, Абдулла Қаҳҳор ҳақиқий санъаткор сифатида ҳикояга инкор руҳини ҳам сингдирган»<sup>176</sup>, — деб ёзди. Н.Худойберганонови Д.Қуронови фикрларини ёқлагани ҳолда, «униинг «Ўғри» ва Абдулла қаҳҳорнинг бошқа асарлари ҳукмрон мафкурадан холи, дегандай мулоҳазасига қўшилиб бўлмаслиги»ни ҳам таъкидлаб ўтди. Яъни бу ўринда Н.Худойберганонови холисликка интилган, шунинг учун ҳам Д.Қуронови баҳс қизиғида оз бўлса-да бирёқламаликка йўл қўйганини ҳис қилган ва шуни кўрсатиб ўтган.

Истиқлол даври адабий танқидчилиғида модернизм масаласидаги баҳс-мунозаралар анча кенг ўрни тутади. Аслида, бу масаланиннг долзарблик касб этиши кун тартибига «янги адабиёт қандай бўлиши керак?» тарзидаги саволнинг қўйилиши билан боғлиқдир. Адабиётга шу йилларда кириб келган авлод энди ўзидан олдингилар йўлидан бориб бўлмаслиғини билган ҳолда фаолият бошлади — дунёни, инсонни янгича бадий идрок қилиш йўлларини излай бошлади. Бундай шароитда, табиийки, янги авлод ўзидан олдингиларнинг адабий-эстетик қарашларини инкор қилганидек, аввалгилари уларни ҳар вақт ҳам тушунавер-

<sup>175</sup> «Ваган» газетаси, 1995, 21-28 июл.

<sup>176</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1995, 10 ноябр.

майди — адабий-эстетик қарашлар зиддияти юзага келади. Ушбу масаланинг ўткир туришига яна бир сабаб бор. Маълумки, шўро жамияти узоқ йиллар давомида жаҳон адабиёти ва санъатидан сунъий равишда узиб қўйилди, улардаги изланишлар, янгиликлар «фильтр»ланиб ўтказилди. Танқид буржуа адабиёти ва санъатидаги ҳодисаларни (ҳатто, уларнинг нима эканлигини билмагани ҳолда ҳам) бирёқлама қоралаш билангина машғул бўлди. Ошкоралик йилларидан бошлаб темир ҳалқа бўшатилади: ўзбек ўқувчиси «буржуа адабиёти»нинг кўплаб намуналари билан танишиш (албатта, рус тили орқали) имконига эга бўлдики, буларнинг кўпи унинг учун тамомила янгилик эди. Натижада, Чўлпон таъбирича айтсак, «йўлсизлик»дан қийналиб турган ёш бўғин ижодкорларнинг аксариятига Ғарб адабиётининг йўли энг тўғри бўлиб кўринди.

Айтиш керакки, адабий танқид ёшларнинг «модернча» изланишларга турлича муносабатда бўлди. Жумладан, С.Мелининг «Асл адабиёт — эзгуликка хизмат»<sup>177</sup> номли мақоласида модернизм эскиргани, унинг «Ғарб ҳодисаси сифатида ўзбек маънавий муҳитида нашъу намо тополмаслиги кескин қилиб айтилди. Ёзувчи П.Қодиров ҳам модернизм маънавий жиҳатдан жамиятимиз талабларига, ўзбек китобхони эҳтиёжларига тўғри келмаслигини таъкидлади<sup>178</sup>. Адиб мақоласида эътиборга молик муҳим бир нуқта бор: у модернизм ва постмодернизм ўртасида катта фарқ мавжудлигини, «постмодернистлар мумтоз реализмга қарши туришдан воз кечганлари», улар «реализм йўлига қайтаётгандай кўриниши»ни таъкидлади. П.Қодиров «Камюнинг абсурдга оид фикрларини нотўғри талқин этувчилар бор»лигини афсус билан айтarkan, асли Камю «абсурд оқимиға тушиб нишабға қараб оқишни эмас, балки абсурд оқимиға қарши сузиш зарурлигини таъкидлаган»ини ўринли эслатди. Б.Саримсоқовнинг «Абсурд маънисизликдир»<sup>179</sup> номли мақоласида У.Норматов ва Д.Қуронов суҳбатларида билдирилган фикрларға эътироз билдирилди. Жумладан, мунақ-

<sup>177</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2000, 18 август.

<sup>178</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2004, 26 март.

<sup>179</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2004, 26 март.

қид У.Норматовнинг кейинги чиқишларида абсурдга хос унсурлар А.Қаҳҳор, Ҳ.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, Т.Мурод каби ижодкорлар асарларида ҳам кузатилиши ҳақида билдирган фикрларини<sup>180</sup> инкор қилди, уларни том маънода реалистик асарлар деб ҳисоблади. Баҳсга қўшилган Ж.Эшонқул агар модерн адабиёти, хусусан, абсурд адабиёти маънисизлик бўлса, «нега дунёнинг кўплаб мамлакатларида севиб ўқилмоқда?» тарзидаги эътироз билдирди<sup>181</sup>. А.Қосимов ва И.Ҳожиалиевларнинг баҳс муносабати билан ёзилган мақоласида Б.Саримсоқовнинг фикрлари умуман маъқуллангани ҳолда, «абсурд ижод йўқ жойда абсурд асар ҳам бўлмайди» деган фикрни, шунингдек, абсурд асар қаҳрамони «маънавий ахлоқий концепциясиз, муайян ғоя ташимайдиган, ҳаётга лоқайд ва маънисиз муносабатни ифодалайди» тарзидаги хулосасига эътироз билдирилди. Муаллифлар фикрича, «Гарчи абсурд руҳидаги асарда ана шундай қаҳрамон тасвири берилса ҳам, асарнинг умумий пафоси бундай кайфиятга қарама-қарши руҳ уйғотади»<sup>182</sup>.

Эътироф этиш лозимки, шоир Б.Рўзимухаммад кейинги йилларда модернизм масаласига бағишланган қатор мақолалари<sup>183</sup> билан матбуотда жуда фаол иштирок этди. Унинг мақолалари ёшларнинг изланишлари моҳиятини ўқувчиларга етказишда муҳим аҳамиятга эгадир. Нега деганда, Б.Рўзимухаммаднинг ўзи ўша изланишлар моҳиятини теран тушунади, янги авлод вакиллари асарларини таҳлил ва талқин қилиш учун зарур билимга, янгича дидга эга, ҳодисага мос адабий-эстетик принциплар билан ёндаша олади. Бундан

---

<sup>180</sup> Қаранг: Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати. – Т.: 1998; Норматов У. Бугунги насримиз тамойиллари // Жаҳон адабиёти, 1997, №3; Норматов У., Қурунов Д. Романнинг янги умри // Жаҳон адабиёти, 2000, №9; ва бошқ.

<sup>181</sup> Эшонқул Ж. Воқелик ва ҳаёт уйғунлиги. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2002, 12 июл.

<sup>182</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2002, 28 июл.

<sup>183</sup> Рўзимухаммад Б. Декадентликнинг илдизи қасрда // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2001, 7 декабр; Қаёт тажрибалари ва ҳаёл чигириги. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2002, 11 август; Макон муаммоси. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2002, 18 октябр; ва бошқ.

шундай хулоса келиб чиқадики, изланишлар йўлидан бораётган янги адабиёт янги танқидни ҳам майдонга чиқаради: ҳозирча бу йўлдаги илк куртаклар Б.Рўзимуҳаммад, Ж.Эшонқул, У.Ҳамдам, Ҳ.Содиқ, Ҳ.Карвонли каби ёшлар тимсолида кўзга ташланаётир.

Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан «Тафаккур» ва «Жаҳон адабиёти» журналларининг таъсис этилгани жамият маданий-маънавий ҳаётида муҳим ҳодиса бўлди. «Тафаккур» журнали адабиётимиз тарихи, тасаввуф таълимоти, шарқ фалсафасига оид материалларни, адабий танқидий мақолаларни мунтазам чоп этиб борди. «Жаҳон адабиёти» журнали эса ўқувчиларни чет эл адабиётининг нодир намуналари билангина эмас, хориж адабиётшуносларининг адабий танқидий асарлари билан ҳам таништириб боришга интилди. Жумладан, улар журнал ёрдамида Ж.Голсуорсининг «Адабиёт ва ҳаёт», «Олти адибнинг қиёфасига чизгилар», А.Бретоннинг «Сюрреализм манифести», Я.Парандовскийнинг «Сўз кимёси», И.Стоунгнинг «Биографик қисса ҳақида», К.Ясунарининг «Гўзалликнинг кашф этилиши», Ҳ.Ҳессенинг «Жаҳон адабиёти кутубхонаси», А.Камюнинг «Ёзувчи бўлиш — шараф», А.Гениснинг «Қалб фотографияси» каби ўнлаб асарларни ўз она тилисида ўқиш имконига эга бўлдилар. Албатта, бу миллий адабий танқидий тафаккур ривожига муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, журнал ўзбек адабиёти масалаларига бағишланган материалларни ҳам мунтазам бериб борди. Жумладан, 1998 йилда «Сарҳисоб» номи билан XX аср ўзбек адабиёти масалалари бўйича давра суҳбати ўтказилди; ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти билан алоқада ўрганишга бағишланган қатор мақолалар, суҳбатлар эълон қилинди.

Сўнгги йиллар ўзбек танқидчилигида шўро даври адабий меросига муносабатнинг нормаллашуви, нигилистик инкор руҳининг сезиларли сусайиб, меросга янгича ёндашув шакллана бошлангани кузатилади. У.Норматовнинг «Қаҳҳорни англаш машаққати», Б.Назаровнинг «Ғафур Фулом олами» сингари китоблари, И.Ҳаққулнинг А.Қаҳҳор, С.Мелининг Ғ.Фулом, Д.Қуроновнинг Ҳ.Олимжон, У.Ҳамдамовнинг Ойбек шеърляти

ҳақидаги мақолаларида меросга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, адиблар руҳига кириб, асарлари ботинидаги маъноларни очишга интилиш кузатилади. Жумладан, Фафур Фуломнинг 100 йиллиги муносабати билан эълон қилинган қатор материалларда шу ҳолни яққол кўриш мумкин бўлади. Б.Назаров адибнинг 60-йилларда ёзган асарларини таҳлил қиларкан, сатрлар орасидаги маъноларни ўқиди, Ғ.Фулом шўронинг оддий маддоҳигина бўлиб қолмаганини, сатрлар орасига ўзининг дардлари, армонларини жойлаб кетганини асослаб берди. С.Мелининг «Меҳр сەҳри» (иккинчи мақола), «Отсиз шум бола» номли мақолалари Ғафур Фулом асарларининг ўзига хос поэтик хусусиятларини нозик таҳлил этиши, назарий савияси жуда бақувват, айти пайтда ўқишли ва жажжи кашфиётларга бойлиги билан диққатни тортди. Д.Қуронови «Ҷамид Олимжонни биламизми?» номли мақоласида «Муқанна» драмасини муаллифнинг асарни ёзиш пайтидаги руҳий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда янгича талқин қилишга ҳаракат қилинди. Мақола танқидчиликда турлича муносабатларни уйғотди. Жумладан, Н.Каримов ўзининг «Ҷамид Олимжонни биласизми?» номли очиқ хатидаги Д.Қуронови билдирган фикрлар етарли асосга эга эмаслиги, бинобарин, уни ҳозирги даврга мослаб талқин қилиш нотўғри деб ёзди. Н.Каримов хатидаги Д.Қуроновга қаратилган қуйидаги гаплар, аслини слаганда, олимнинг янгича талқинларда меъёрдан ошириб юбориш ҳолларига муносабати сифатида тушунилиши мумкин: «Ойбек, Ғафур Фулом, Абдулла қаҳҳор сингари забардаст адибларимизнинг совет даврида яратган асарларида мавжуд тузумда рўй берган даҳшатларни фош қилувчи ёки уларга шама қилувчи сатрлар бўлмаганидек, Ҷамид Олимжондан ҳам бундай, Сиз айтмоқчи, жасоратни топишга интилиш ўша тузумни ҳам, шу тузум даврида майдонга келган асарларни ҳам тушунмасликдан бошқа нарса эмас»<sup>184</sup>. Албатта, Н.Каримов маълум маънода ҳақ, бироқ бу қадар кескин ва тугал ҳукм чиқариш унчалик тўғри эмас, бунинг устига ҳозирги танқидчилик талқинлар хилма-хиллигига интилаётгани, буни

<sup>184</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2003, 18 апрел.

тан олишга ҳаракат қилаётгани ҳам маълум. Д.Қуронов бу ҳатга жавоб тарзида ёзган «Мен не дейдирман...»<sup>185</sup> номли мақоласида ўз фикрларини янада асослаб кўрсатишга ҳаракат қилди ва: «ҳозирги замон талқин илми бадий асар талқини адоқсиз жараён деб уқдиради. Бу эса конкрет асарнинг турли даврларда турлича тушунилиши ҳам, ҳар бир ўқувчининг уни ўзича тушуниши ҳам табиий деганидир. Бағрикенглик қилиб, ўзингизникидан фарқли талқинларнинг яшашига-да изн берсангиз, фикримча, адабиётшунослик илми бундан фақат ютади, асло ютқазмайди», — деган хулоса чиқарди. Баҳсда, табиийки, ҳар икки томон ҳам ўз фикрида, ўз хулосасида қолди, масала бир томонга ҳал қилинмади. Тўғриси, тугал ҳал қилиниши мумкин ҳам эмас, баҳслашувчи томонларнинг ҳар бири ўзича ҳақлигини тан олиш керак. Шундай бўлса-да, бунақа баҳсларнинг аҳамияти фикр кўзгаши, мулоҳаза қилишга ундаши билан катта аҳамиятга эга.

А.Ёқуб юқорида эслатилган мақоласида «Мана, тўрт-беш йилдирки бу адабиётшунослик жим» деб ёзганида кўп жиҳатдан ҳақ эди. Дарҳақиқат, истиқлолнинг дастлабки йилларида танқидчиликда бироз суस्ताшиш кузатилгани бор гап. Бунинг қатор объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Жумладан, ўтиш даври шароитида кўплаб газета ва журналлар жуда танг аҳволда қолди. «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» каби адабий жанрларнинг тиражи кескин тушиб кетди, нашр ҳажми, давомийлиги қисқардики, бу ҳол адабий танқидий асарларни чоп этиш имкониятини кескин камайтирди. Масалан, «Шарқ юлдузи» журнали 1993 йилдаёқ ойлик журнал бўлмай қолди: йил давомида журнал 12 та ўрнига 7 та, 1994 йилда эса 6 та китоб шаклида чоп қилинди. Шу икки йил давомида А.Қодирий ва Ғ.Ғулом юбилейлари муносабати билан берилган материалларни ҳисобга олмасак, адабий танқидий материаллар деярли берилмади. Албатта, бозорга ўтиш шароитида вақтли нашрларнинг кўпроқ ўқувчини жалб этадиган материалларни чоп этиш ва шу орқали янгича иқтисодий шароитда яшаб қолишга интили-

<sup>185</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2003, 16 август.

ши ҳам табиий эди. Мазкур ҳолнинг субъектив омили эса, А.Ёқуб айтмоқчи, «тоталитар даври адабиётшунослиги асосланган таги пуч социализм методологиясининг касодга учрагани» эди. Танқидчиликдан энди ўзи таянган асосларни бошқатдан кўриб чиқиш талаб этилардики, бунинг учун муайян тайёргарлик зарур. Эҳтимол шунинг учундир, 90-йилларнинг ўрталарига қадар танқид ва адабиётшунослик кўпроқ ўтмиш адабиёти билан шуғулланди, жорий адабий жараён муаммолари тадқиқ этилган, янги асарлар таҳлилига бағишланган жиддий мақолалар фақат онда сондагина учради.

90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб танқидчилигимизда жонланиш юз бера бошлади. Вақтли нашрларда адабий танқидий чиқишларнинг кўпайгани, муайян масалалар бўйича баҳслар ўтказила бошлангани шундай дейишимизга асос беради. Ҳар ҳолда, XXI асрга ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги ўзининг олдинги асрдаги камчиликларидан, асосан, фориг бўлган ҳолда қадам қўйди. Танқидчилигимиз олдида улкан, жумладан, сўз санъатининг жамиятда йўқотган мавқеини имкон қадар тиклашдек оғир вазифалар тургани маълум. Ишонамизки, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Худойбергенов, И.Ғафуров, А.Расулов сингари улкан тажрибага эга танқидчиларни; И.Ҳаққулов, қ.Йўлдошев, С.Мели, Я.Қосимов сингари айни ижодий кучга тўлган мунаққидларни; Р.Қўчқоров, А.Улуғов, Б.Рўзимухаммад, У.Ҳамдамов сингари танқидда ўз сўзини айтишга интилаётган ёшларни ўз сафида бирлаштирган ўзбек танқидчилиги бу вазифаларнинг уддасидан чиқа олади.

## АБДУРАУФ ФИТРАТ

(1886-1938)

Абдурауф Фитратнинг адабий танқидий фаолияти нисбатан кеч бошланиб, жуда мураккаб бир шароитда кечди. Бу мураккаблик фақат давр ижтимоий ҳаётидаги талотўплар, қирғинбароту қувғинлар, фикрга мафкуравий-сиёсий тазйиқнинг кучайиши кабилар билангина белгиланмайди. Мураккаблик, саналганларга қўшимча ўлароқ, Фитрат адабий танқидий фаолиятининг ўзбек адабиётшунослигининг алоҳида фан соҳаси сифатида эндигина шакллана бошлаган даврига тўғри келиши билан ҳам боғлиқдир. Агар Фитратнинг мақола ва илмий рисолаларига бугунги кун нуқтаи назаридан қарасак, улар адабиёт назарияси ва адабиёт тарихи соҳаларига оид, деб ҳукм чиқарамиз. Лекин улар яратилган давр нуқтаи назаридан ёндашилса, уларнинг «ҳаракатдаги эстетика» — адабий танқид намунаси сифатида ҳам намоён бўлганини кўриш мумкин. Чунки Фитратнинг назарий мақолалари даврининг адабий-эстетик эҳтиёжларидан келиб чиққан, унинг адабиёт тарихига оид асарларида эса мерос давр нуқтаи назаридан таҳлил этилиб баҳоланган ва шу давр ижтимоий-эстетик эҳтиёжларига хизмат қилдирилган.

Фитратнинг адабий назарий характердаги илк мақоласи — «Шеър ва шоирлик»ни кузатсак, юқоридаги фикрларимизнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Муаллиф мақолада муҳим масалани ўртага қўяди: «Шеър нима?» деган саволга жавоб беради. Фитрат «ваззли, қофияли гап»нинг ўзи шеър бўлмайди, деб ҳисоблайди: «Етти-саккиз сўзни белгили бир «вазн»да тизиб, кетиндан белгили бир сўзни «Қофия» қўймоқ билан шеър орасинда ердан кўккача айирма бордир». Фитратнинг бу фикрлари, албатта, XX аср бошидаги адабиётда анчагина кучайган мувашшаҳбозлик, шаклбозлик, қофиябозлик каби иллатларга қарши қаратилган ва ўз даври учун жуда муҳим эди. Унинг таърифига кўра, «шеърда кишиларнинг қонини қайнатғучи, сингирларини ўйнатғучи, миясини титратғучи, сезгисини қўзгатғучи бир куч» бўлмоғи керак. Зеро, «Чин шеър юрак сезгуларини кўрсатмақдир. Вазн ва қофия эса сўзнинг бегагидир». Фитрат шеърят



олдига қўяётган талаб назарий жиҳатдан асосли ва тўғри. Бироқ мунаққиднинг мақсади шеърят билан шеърбозликни назарий жиҳатдан фарқлаб бериш ёки лирикага (гарчи ушбу термин ишлатилмаса-да) тур сифатида таъриф бериш билангина чекланмайди. Унинг мақсади кўпроқ ижодкор ва ўқувчиларнинг бадиий дидини қайраш, чинакам шеърни шеърбозликдан ажратишга ўргатишдир. Мақоланинг «Иштирокиюн» газетасида (оммавий нашр) эълон қилингани, тилининг нисбатан соддалиги ҳам тор мутахассисларга эмас, ўқувчи оммага мўлжаллангани уни адабий танқидга алоқадор этади. Яъни, «Шеър ва шоирлик» мазмун-мундарижаси ва мақсадига кўра муаммоли характердаги адабий-танқидий мақолага яқиндир.

Юқоридагига ўхшаш ҳол «Адабиёт қондалари»да ҳам кузатилади. Қўлланма «адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари»га мўлжалланган. Унда санъат ва адабиётнинг моҳияти, тур ва жанрлар, бадиий асар тузилиши, шеършунослик масалалари бўйича бошланғич маълумотлар берилади. Эътиборли жиҳати шуки, қўлланма соф назарий характерда эмас, «адабиёт ҳаваслилари» учун мўлжаллангани унинг услуби, мазмун-мундарижасини адабий танқидий асарларга яқинлаштиради. Бошқа бир муҳим жиҳати шуки, унда назарий масалаларни ёритиш учун Чўлпон, Боту, Элбек сингари ижодкорлар асарларига бот-бот мурожаат қилинади, бу асарлар ўрни билан таҳлил қилинади ва баҳоланади. Яна бир жиҳати, қўлланмада адабиётнинг санъат эканлигига кўпроқ эътибор берилган, ўз давридаги «синфийлик» талабларидан имкон қадар қочилган. Шунинг учун ҳам Фитрат ёш Ойбекнинг танқидига учраган эди. Ойбек Фитратнинг адабиёт ва санъат ҳақидаги қарашлари «буржуазия адиб ва шоирларининг «санъат санъат учун» назариясига ўхшаб кетади» дея танқид қиларкан, «Дуруст, ҳар санъат асари юракни тўлқинлантирсин, лекин санъатнинг ижтимоий томони бундан ҳам муҳимроқдир»<sup>186</sup> дейди.

Фитрат «Тилимиз» (1919) номли мақоласини: «Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми?» деган савол

---

<sup>186</sup> Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 14-том. 40-бет.

билан бошлайди ва бу саволга лўнда қилиб «Туркча» дея жавоб беради. Масаланинг нима учун бундай қўйилганининг сабаби кейинроқ «Ёпишмаган гажаклар» номли мақоласида очиқ ифода этилган: «Сўнгралари ҳаёт мени пантуркизмда қотиб қолишда қўймади. Мен ўзбек миллатчисига айландим. 17-18 йилларда Ўрта Осиёда пантуркизм ҳаракати кучаймоқда эди. Айниқса, Тошкентда пантуркизм фикри билан суғорилган турли тўдалар ташкил бўлди. Турк тиллари, турк адабиётини бирлаштириш шиори остида «иш» кўрилди. Мактабларда усмонли тили, усмонли адабиётини она тили дарслари ўрнида қабул қилинди. Мана шу ҳаракатга қарши ўзбек тили, ўзбек адабиёти шиорлари остида «Чигатой гурунги» ташкил қилинди». Бизнингча, Фитратнинг кейинги илмий фаолиятида кўпроқ ўзбек адабиёти тарихи масалалари билан шуғуллана бошлаши шу нарса билан, яъни «ўзбек миллатчиси»га айлангани билан изоҳланса бўлади. Фитрат халқимизнинг бой адабий ва маданий меросини, илм-фан ва маданиятимизнинг улкан намояндаларини элга танитиш йўли билан ўзбек халқининг жаҳон тамаддунида ўзига хос ўрни борлиги, у на рус ва на усмонли туркларга «ука» бўлишга муҳтож эмаслигини кўрсатишга интилди.

20-йиллар вақтли нашрларида Фитратнинг «Қутадғу билик», «Муқаддиматул адаб», «Аҳмад Яссавий», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Ўзбек шоири Турди», «Фарҳоду Ширин» достони тўғрисида», «Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони ҳақида», «Муҳаммад Солиҳ», «XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига бир назар» сингари ўнлаб мақолалари эълон қилинди. Мазмун моҳиятига кўра бу мақолалар ҳам адабий танқидий характерга эга эди. Чунки мунаққид уларда ўтмиш адабиёти намуналарини ўз даври нуқтаи назаридан таҳлил қилди ва баҳолади, уларни замонасининг ижтимоий-маънавий эҳтиёжларига хизмат қилдирди.

Фитратнинг мақолалари илмда ҳали маълум бўлмаган фактларни муомалага киритиши, адабиётшуносликнинг жуда муҳим масалаларига диққатни торттиши, мавжуд янглиш ёки нотўғри фикрларга аниқлик киритиши билан ўз даври учун ҳам, адабиёт тарихи соҳасининг кейинги тараққиёти учун ҳам муҳим эди.

Масалан, у биринчи бўлиб буюк ватандошимиз Маҳмуд аз-Замаҳшарий шахси ва меросига эътиборни тортиб, «Муқаддима-тул адаб» номли мақоласида: «Бу кунгача шу китоб тўғрисида жиддий текшириш ясаб, илмий бир мақола ёзгучи киши бўлмади. Мен ўзимнинг кучсизлигимга қарамасдан мана шу мақолани майдонга чиқармоқчи бўлдим. Менинг бу мақолам илмий бир нарса бўлмаса ҳам илмий кишиларнинг диққатини бу китобга тортишга сабаб бўлур, деб умид этаман»<sup>187</sup>, — деб ёзади.

Фитрат Алишер Навоий ижодининг тарғиб этилиши, унинг муносиб баҳосини олишида ўзининг илмий асосланган хулосалари билан катта хизмат қилди. Жумладан, у маълум доираларда мавжуд Навоийга форс адабиёти классикларининг тақлидчиси сифатида менсимайроқ қарашларга зарба бериб, «Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони ҳақида» мақоласида Фитрат Навоий «Чигатой адабиётининг энг улуғ намояндаси» бўлиш билан бирга «форс адабиётининг эътиборлик китобларидан» эканлигини таъкидлайди. Фитрат Бобурномадаги «Навоийнинг форсий шеърлари туркий шеърларига кўра кучсиздир» (Фитрат мақолада шу тарзда ўзгартириб берган - Б.Р.) деган фикрга қўшилмайди. У ёзади: «Мавлоно Жомийдан бошлаб у замоннинг энг катта форс шоирлари ўз шеърларини Навоийга кўрсатаркан, тузатиб беришларини сўраганлар». Энг муҳими, Фитрат бу даъволарни қуруқ айтмайди, балки ҳазратга замондош форсигўй шоирларининг эътирофларига таяниб, форс адабиётининг буюклари асарларини Навоий асарларига қиёслаган ҳолда далиллайди. Навоийнинг форсий асарларини, шоирнинг бу тилда ёзиш имкониятларини яхши билгани учун ҳам Фитрат 1925 йилда топилган Девон Навоийга янглиш нисбат берилганини исботлаб беради.

Фитрат асарларига разм солинса, унинг адабиётшунослигимиз диққат марказига XX аср охирига келгачгина қўйилган масалаларга ҳам эътибор қилганини кўриш мумкин. Ҳозирда, масалан, мумтоз адабиётни ислом ва тасаввуф таълимотларидан ажратиб ўрганиб бўлмаслиги умумэътироф этилган ҳақиқатдир.

<sup>187</sup> «Маориф ва ўқитгучи» журналы, 1926, № 7-8.

Фитрат ўзининг қатор асарларида, жумладан, «Аҳмад Яссавий», «Машраб» мақолаларида тасаввуф масаласига тўхталади. Албатта, олимнинг бу масалага ёндашувида даврнинг таъсири бор, лекин ушбу масала қўйилганининг ўзи катта воқеа эди. Фитрат «Аҳмад Яссавий» номли мақоласида тўғри таъкидлашига кўра, «яссавий ва нақшбандий тариқатларининг ҳаракатлари Ўрта Осиё тарихининг муҳим ҳам жуда қизиқ қисмидир». Фитрат шунинг учун ҳам мазкур мақолада «Ўрта Осиёда тасаввуф оқимлари» номи билан туркум мақолалар эълон қилиш нияти борлигини айтади. Афсуски, олимнинг бу нияти рўёбга чиқмай қолди.

Фитрат мумтоз адабиётимиз намояндаларининг иямий биографиясини яратишга биринчилардан бўлиб киришган олимдир. Маълумки, ўтмиш адабиётимиз вакилларидан кўпларининг ҳаёти ва фаолиятига оид материаллар жуда кам. Шаклланаётган янги адабиётшунослик эса адабиётни тарихийлик принципига таянган ҳолда ўрганиши керак. Бунинг учун эса ёзувчи биографиясига оид маълумотлар жуда зарур. Шу заруратни англаган ҳолда Фитрат мумтоз адабиётимиз намояндаларининг илмий биографиясини яратиш тажрибасини бошлаб берди. Олим Аҳмад Югнакий, Турди Фароғий каби ижодкорлар биографиясини тиклашга киришаркан, бунда уларнинг ўзлари қолдирган асарлардаги ишоралар, бошқа ижодкорларнинг асарларидаги айрим мисралар, тазкиралардаги қисқа маълумотларга таянди. Фитрат шу каби қисқа маълумотларни чуқур илмий таҳлил қилиш орқали ўтмишдаги ижодкорлар биографиясини тиклаш мумкинлигини кўрсатиб берди. Бошқача айтсак, у мумтоз адабиётимиз намояндалари илмий биографиясини яратиш тамойилларини ишлаб чиқди ва амалда қўллади.

Юқоридагилардан ташқари, Фитрат Фирдавсий, Умар Хайём, Мирзо Бедил сингари форсигўй ижодкорлар ҳақида ҳам қатор мақолалар ёзди. Унинг томонидан тузилган «Энг эски туркий адабиёт намуналари», «Ўзбек адабиёти намуналари» сингари мажмуалар адабиётимиз тарихини ўрганишда муҳим бўлгани шубҳасиз. Зеро, бу мажмуаларга Фитратнинг давр адабиёти ҳақида маълумот берувчи обзор мақолалари киритилган, мажмуадан ўрин олган асарлар ҳақида маълумот берилган, улар

қисқача таҳлил қилинган. Хуллас, бу мажмуалар адабиётимиз тарихини системали тарзда изчил ёритишга қаратилган илк асарлар эди. Мажмуаларни кўздан кечирганда ўқувчи шунга амин бўлади.

Абдурауф Фитрат серқирра ижодкор эканлиги, унинг меросида нафақат адабиётшунослик, балки тарих, тилшунослик, муסיқа, санъат соҳаларига оид асарлар мавжудлиги маълум. Биз олимнинг адабиётшунослик бобидаги фаолиятига қисқача тўхталиб ўтдик. Ҳолбуки, унинг адабиётшунослик мероси ҳақида жуда кўп гапларни айтиш, бутун-бутун китоблар ёзиш ҳам мумкин. Кейинги йилларда Фитратнинг адабиётшунослик фаолиятини ўрганишга бағишланган Ҳ. Болтабоевнинг докторлик, У. Жўрақуловнинг номзодлик диссертациялари ёзилгани бунинг далилидир. Маълумки, ҳозирги кунга келиб Фитратнинг кўплаб асарлари қайта нашр этилган, уларни ўқиб, фикримизнинг тўғрилигига шахсан амин бўлиш ҳам мумкин.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Қосимов Б. Маслакдошлар. – Т.: 1994.
2. Болтабоев Ҳ. Фитратнинг илмий мероси. – Т.: 1996.
3. Жўрақулов У. Фитратнинг уч йирик асари. // Шарқ юлдузи, 1998, №1.
4. Шарафиддинов Озод. Ижодни англаш бахти. – Т.: «Шарқ», 2004, 96-130 бетлар.
5. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. – Т.: «Маънавият», 2000, 208-б.
6. Олимжон Ҳамид. Мукамал асарлар тўплами. Ун томлик. Олтинчи том. – Т.: «Фан», 1982, 315-б.

## АБДУРАҲМОН САЪДИЙ (1889-1957)

Абдураҳмон Саъдий Уфа губерниясининг Таймеев қишлоғида туғилган. Бошланғич маълумотни ўз қишлоғида олгач, мадрасада таҳсил олган. Мадраса таҳсилдан сўнг муаллимлик билан шуғулланган. Абдураҳмон Саъдий 1908-1911 йилларда ўқиш учун Туркияга боради ва Истанбул дорилфунунида филология ихтисослиги бўйича таҳсил олади. Дорилфунунни тамомлагач, юртига қайтади ва Актюбинск, Олмаота, Екатеринбург каби шаҳарлардаги татар мактабларида муаллимлик фаолиятини давом эттиради. Муаллимлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда А.Саъдий татар ва бошқирд мактаблари учун қатор дарсликлар яратди. Жумладан, унинг адабиёт ўқитиш билан боғлиқ «Қавоиди адабия ва унга илова» (1911), «Адабиёт усуллари» (1912), «Адабиёт муаллими» (1913), умуман тарбия масалаларига бағишланган «Фан тарбия сабоқлари» (1922), «Иш тарбияси ҳам иш мактаби» (1923) каби дарслик ва қўлланмалари ўз даври учун зарур ва аҳамиятли эди. Эътибор берилса, А.Саъдийнинг ижодий фаолиятининг илк босқичи кўплаб маърифатчиларнинг ҳаёт йўлига ўхшаш эканлигини кўриш мумкин. Ҳақиқатан ҳам унинг онгли фаолияти жадид маърифатчиси мавқеидан туриб бошланган эди.

А.Саъдий 20-йиллардан бошлаб ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлади: 1921-1925 йилларда Самарқанд ўқитувчилар тайёрлаш билим юртида, сўнг Ўрта Осиё Давлат университетида, умрининг охириги йилларида эса Самарқанд Давлат университетида талабаларга ўзбек адабиёти тарихидан сабоқ берди. Шу билан бирга А.Саъдий ўзининг адабиёт назарияси, мумтоз адабиётимиз тарихи масалаларига бағишланган мақолалари, адабий танқидий чиқишлари билан адабий жараёнда фаол иштирок этди.

А.Саъдийнинг «Гўзал санъат дунёсида» (1922) мақоласи назарий характерда бўлиб, унда санъатнинг моҳияти, унинг ижтимоий вазифалари, санъат морфологияси масалаларидан баҳс юритилади. Албатта, мақола бугунги кунда бирмунча ибтидо-

ийдек кўриниши мумкин, бироқ, муҳими шундаки, бу санъатнинг моҳиятини илмий асосда ўрганишга қаратилган ўзбек тилидаги илк мақолалардан эди. 1923 йилда Ўзбек билим ҳайъати А.Саъдийга ўзбек билим юртлари учун адабиёт назарияси бўйича дарслик тайёрлашни топширгани ҳам бежиз эмас эди. Топшириқни бераркан, Ҳайъат олимнинг бу борада муайян тажриба ва етарли илмий-назарий тайёргарликка эгалигини эътиборга олган, албатта. А.Саъдийнинг шу топшириқ асосида ёзилган «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари» (1924) номли китоби адабиёт назарияси бўйича ўзбек тилидаги илк қўлланма бўлиб қолди.

А.Саъдийнинг адабий танқидий мақолаларига диққат қилинса, унинг жорий адабий жараёни, ўзига замондош ижодкорлар фаолиятини мунтазам кузатиб бориши кўринади. Бу танқидчи учун жуда муҳим фазилатдир. Шу фазилати туфайли ҳам у адабий жараёни ўзининг обзор типидagi қатор мақолаларида муфассал ёрита билди. Мунаққиднинг «Беҳбудий ва унинг теграсига йиғилган ёзғучилар» (1923), «Ўзбек ёш шоирлари» номли туркум мақолалари (1923-24), «Олти йил ичида ўзбек шеърий адабиёти» (1924) сингари мақолалари фикримизнинг далилидир. А.Саъдий ўзи фикр юритаётган ижодкорларга хос энг муҳим жиҳатларни яхши илғайди. Масалан, юқоридаги мақолаларнинг биринчисида мунаққид А.Фитрат ижоди ҳақида тўхталиб, унинг адабиётда «бошқа эшик очишга муваффақ бўлгани»ни таъкидлайди. Унинг фикрича, Фитратнинг «янги эшик очгани» — новаторлиги «ҳиссийлик (сентименталлик) ва рўмантиклик»да намоён бўлади. Назарий жиҳатдан яхши тайёргарликка эгалиги учун ҳам мунаққид 20-йиллар бошларидаги адабиётимизда, хусусан, унинг илғор вакиллари ижодида намоён бўлган асосий хусусиятларни тўғри аниқлай билган. Ёки Чўлпон ижоди таҳлилига бағишланган «Ўзбек ёш шоирлари» туркумидаги мақоласида шоирга «чин маъноси билан романтик бир юрак шоири (лирик)» дея баҳо беради. Чўлпонга қисқача қилиб «у ёнадур ҳам ёндирадур» дея таъриф берган мунаққид бунинг сабабини ҳам аниқ кўрсатган — унинг юрак (лирик) шоири экан-

лигини бунинг асоси деб билган. Шунга ўхшаш, мунаққид учинчи мақолада ўқувчи диққатини Ҳамза ижодий фаолиятининг серқирралигига тортади: «Ўзида юрак шоири бўлиш, музикачилик ва турли куйлар ихтиро этиш, драматурглик ҳам артистлик йиғилган бир шахсни ҳам биз ҳали ёлғиз Ҳакимзода ўртоқда кўра оламиз».

А.Саъдийнинг адабий танқидий қарашлари ҳам, табиийки, ўз даври таъсиридан холи бўлолмас эди. Жумладан, у В.М.Фриче сингари марксчи адабиётшуносларга эргашди, ўз фаолиятида синфий-мафкуравий таҳлил тамойилларига таянди. Бундай таъсирни, масалан, «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари» қўлланмасидаги талқинларда кузатиш мумкин. Шунга ўхшаш, 1924 йилда Чўлпон ижодига берган баҳосида ҳам унинг синфий нуқтаи назардан ёндашаётгани кўринади: «Чўлпон омма — халқ шоири эмас, ўқимишлилар, зиёлилар шоирдир. Уни омма — жалпи халқ тез англайди. Лекин шунинг баробаринда, у халқ қайғуси билан (фақат ҳеч бир синфга айирмасдан) ёзғучи «халқчи» (народник) бир шоирдир». Албатта, бу гаплар ҳали Чўлпонни айблаш кампанияси бошланмасидан айтилган. Бироқ, эътибор берилса, Чўлпон ижодига марксча-ленинча таълимот нуқтаи назаридан ёндашган мунаққид унинг «халқчи»лигини (большевик мафкурачилар наздида «народниклик») сиёсий қолоқлик эди) унчалик маъқулламаётгани, халқ қайғусини «ҳеч бир синфга айирмасдан» ёзишини камчилик деб тушунаётганини ҳам сезиш мумкин. Бу каби таъсирларга қарамай А.Саъдий 20-йилларда Чўлпон ижодининг адабиётимиз ривожигаги ўрнига юқори баҳо бера билди. Бироқ адабиётшунослигимизда вульгар социологик ёндашув кучайиши баробари мунаққид қарашларида ҳам ўзгаришлар юз берди, ички зиддият кучайди. Масалан, 1934 йилда чоп қилинган «Ўзбек буржуа адабиёти» номли китобида ўзи 20-йилларда «янги ўзбек адабиётининг асосчилари» деб атаган ижодкорларни кескин танқид қилди, уларнинг ижодини сайлаб, «пролетариат нуқтаи назаридан қараб, танқид кўзи билан ўрганиш лозим»лигини уқтирди.

А.Саъдий адабий танқидий қарашларидаги зиддиятлар, табиийки, унинг бошқа асарларида ҳам кўзга ташланади. Шу боис



ҳам унинг қатор мақолалари ўз вақтида адабиётшунослиқда кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Жумладан, А.Саъдий билан баҳсга киришганлар сирасида В.Маҳмуд<sup>188</sup>, А.Исмоилзода, Ҳ.Олимжон, Ойбек кабиларни кўрсатиш мумкин. Масалан, Ҳ.Олимжон «Марксизм ниқоби остидаги меньшевизм» номли мақоласида А.Саъдий қарашларидаги вульгар социологизм кўринишларини кескин танқид қилади. Ҳ.Олимжон ёзади: «ўзининг эски «дарслик»ларида анча саботли бўлган идеалист-меньшевик Саъдий, «марксист» бўлмоқчи бўлганда жуда фожиали қизғанч бир ҳолга тушади: бунда у ҳар қандай оқимга асир бўладир. Бу жиҳатдан Саъдий ўтакетган эклекдир»(таъкид бизники - Б.Р.) Ҳ.Олимжон А.Саъдий қарашларидаги «Қурама»(элек)ликни тўғри таъкидлайди. Эҳтимол шунинг учундир, А.Саъдийнинг қарашлари ўз вақтида «ўнг»ларда ҳам, «сўл»ларда ҳам бирдек эътироз кўзгайди, уларни баҳсга ундайди.

А.Саъдийнинг «Тўртта шеърлар тўплами тўғрисида»(1933) номли мақоласи Ҳ.Олимжон шеърляти таҳлилига бағишланган тадқиқот мақоладир. Бу мақолада ҳам юқоридагича зиддиятли нуқталар кўзга ташланади. Асосий зиддият шундаки, мунаққид, бир томондан, шоирнинг шеърларидан ғоявий хатолар қидиради, иккинчи томондан, ундан санъаткорликни талаб қилади. Ғоявий жиҳатдан маъқул кўринган шеърларни бадий заиф деб топса, бадий жиҳатдан маъқулларидан ғоявий хатолар топади. А.Саъдий фикрича, Ҳ.Олимжон шеърларидаги «оппортунизм ва меньшевиклик» хатолари 8 пунктни ташкил этади, шу пунктларни тўлдириш учун мунаққид сиёсий хатолар қидиради, «буржуазия таъсирини очиқ кўрсатган жойларга» урғу беради. Бу ички зиддиятни ўз вақтида Ойбек «Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши ўт очайлик» номли мақоласида далиллаб кўрсатиб берган эди. Айтиш керакки, А.Саъдий мақоласи ва Ойбекнинг унга жавобини ўқиганда, бугунги кунда уларнинг иккисини ҳам тўла ҳақ деб бўлмаслигини, аксинча, ҳар иккисининг қарашларига ҳам танқидий ёндашиш тўғрироқлиги аён бўлади.

---

<sup>188</sup> Вадуд Маҳмуд бўлимига қаранг.

Жумладан, А.Саъдий Ҳ.Олимжоннинг 30-31 йилларда ёзган шеърлари «аввалги йилларда ёзганларига нисбатан санъатча сусайганлигини кўрсатадилар» деб ҳисоблайди. Бунинг сабабини эса мунаққид қуйидагича изоҳлайди: «Кейинги шеърларида ишчи синфининг дунёқарашини, фикр ва ҳисларини, синфий кураш практикасини ва социализм қуриш жараёнини санъатли суратларда беришга кўра, тизма орқали ораторлик, физиология билан кўп шуғулланиш йўлини олгандир». Сирасини айтганда, мунаққид бир томондан ҳақ, ҳақиқатан ҳам Ҳ.Олимжоннинг бу давр шеърляти ошкор декларативлик касб этганлиги ҳозирда ҳеч кимга сир эмас. Шунга қарамай, Ойбек бу фикрга қарши чиқади, аксини исботлашга уринади. Албатта, Ойбек кўп эътирозларида ҳақ, бироқ бугунги кун нуқтаи назаридан қаралса, А.Саъдий ҳам қатор ўринларда ҳақ бўлгани кўринади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, бу мақолаларни қиёсий аспектда танқидий ўрганиш Ҳ.Олимжон ижодий эволюциясини чуқурроқ тасаввур этиш, унинг ижодий меросига тўғри муносабатни шакллантиришда муҳим бўлиши мумкин.

А.Саъдийнинг мунаққидлик фаолияти, ўз даври билан боғлиқ бутун зиддиятлилиги ва нуқсонларига қарамай, 20-30 йиллар адабий жараёнида сезиларли из қолдирди. У Чўлпон, Боту, Элбек, Ҳ.Олимжон сингари ижодкорлар фаолиятини атрофлича таҳлил этувчи мақолалар («Ўзбек ёш шоирлари» туркуми, «Тўртта шеърини тўплам ҳақида») яратди, бу билан танқидчилигимизда бир ижодкор фаолиятини монографик планда таҳлил қилишга қаратилган мақолалар яратиш анъанасини бошлаб берди. Шунингдек, унинг танқидчилигимизда адабий танқидий обзор жанрининг қарор топишида ҳам ўзига яраша хизмати борлигини таъкидлаш зарур. Яна бир жиҳати, у конкрет ижодкор фаолиятини мунтазам кузатиб бориш асосида мақолалар ёзиш анъанасини ҳам бошлаб берди. Хусусан, Гайратий ижоди ҳақида ёзган қатор мақолалари шундай дейишга асос беради. Буларнинг бари А.Саъдийнинг профессионал ўзбек адабий танқидчилигида ўзига хос ўринга эга мунаққид эканлигидан далолат беради.

А.Саъдийнинг ўтмиш маданиятимиз намояндаларининг ҳаёти ва фаолияти, мумтоз адабиётимиз тарихи масалаларига бағиш-

ланган қатор мақолалари ўз даври учун муҳим илмий-маърифий аҳамиятга молик эди. У ўз даври ўқувчиларига Форобий, Аҳмад Яссавий, Имом Ғаззолий, Ибн Мискавайх, Роғиб Исфаҳоний каби аждодларини танитди, уларнинг ҳаёти ва фаолияти, мероси ҳақида маълумот берди. Албатта, бу мақолаларда ўтмишга муносабатда давр руҳининг таъсири сезилади, талқинларни замонавийлаштиришга интилиш борлиги ҳам шубҳасиз. Шунга қарамай, бу мақолалар ҳозирда ҳам Шарқ маданияти, педагогикаси, тасаввуф фалсафаси каби масалаларни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қила олади.

Маълумки, 30-йиллар охирида республика адабий ва илмий жамоатчилиги буюк Навоий таваллудининг 500 йиллик юбилейини муносиб нишонлашга тайёргарлик ишларини бошлаб юборган эди. Шу тайёргарлик доирасида Навоий ижодини ўрганишга бағишланган ўнлаб мақолалар, тадқиқотлар майдонга келди. Жумладан, А.Саъдий ҳам бу йўналишда жуда самарали изланди<sup>189</sup>. Олимнинг «Адабиёт олими ҳам танқидчи сифатида Мир Алишер Навоий» (1938), «Навоийнинг ижодий йўли ва гуманистик идеали» (1939), «Навоий лирикаси ва нашр этилган «Чор девон» ҳақида» (1945), «Халқ ижодиётининг Навоий асарларида акс этиши» (1948) сингари мақолалари шу изланишлар натижаси эди. Навоий ҳақидаги илмий тадқиқотларининг якуни сифатида А.Саъдий «Алишер Навоий ижоди — ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётининг юқори босқичи» мавзусидаги докторлик диссертациясини ёзди ва ҳимоя қилди.

Абдурахмон Саъдий мураккаб бир даврда танқид ва адабиётшунослик соҳасида фаолият юритди. Албатта, унинг асарларида давр шароити, мафкура зуғуми таъсирида юзага келган камчиликлар, зиддиятлар бўлиши табиий. Лекин биз унинг кўпчилик қатори некбин ниятлар билан ижод қилганини, адабиётимиз ва адабиётшунослигимиз равнақига муносиб ҳисса қўшганини асло унутмаслигимиз лозим. Олимнинг асарлари бугун ва эртанинг тадқиқотчилари учун 20-30 йиллардаги ада-

---

<sup>189</sup> А.Саъдийнинг 20-йиллардаги Навоий ижодига ногўғри муносабати ҳақида. «Вадуд Маҳмуд» булимига қаранг.

бий жараён ҳақида, ундаги мураккабликлар ва буларнинг давр адабиётида акс этиши ҳақида, ўша даврнинг адабий-эстетик эҳтиёжлари, бадий диди ҳақида маълумот берувчи муҳим манба бўлиб қолади.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Саъдий А. Имом Ғаззолий. // Шарқ юлдузи, 2001, №2.
2. Саъдий А. Ғўзал санъат дунёсида. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2000, 12 май.
3. Мўминова Н. Адабиёт назариясидан илк қўлланма. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999, № 4.
4. Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки томлик – Тошкент.: 1987.

## ВАДУД МАҲМУД (1897-1976)

Вадуд Маҳмуд 20-йиллар адабий-ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этган фидойи зиёлиларимиздан биридир. Қатағон сиёсати туфайли В.Маҳмуднинг адабиёт майдонидан четлаштирилгани ўзбек адабиётшунослиги учун нечоғли катта йўқотиш бўлганини биз энди, мунаққиднинг асарларидан айримлари қайта чоп этилиб, у ҳақда мақолалар, тадқиқотлар эълон қилинганидан кейин билиб турибмиз.

Вадуд Маҳмуд 1897 йилда Самарқанд шаҳрида туғилди. Беш ёшида отаси, масжидда имомлик ва мадрасада мударрислик қилган Маҳмудий домла вафот этади. Вадуднинг болалиги унга тоға қатори бўлмиш<sup>190</sup> ўз даврининг пешқадам зиёлиларидан Абдуқодир Шакуррий хонадони ва у очган мактабда кечди. Абдуқодир Шакуррий очган мактаб Туркистондаги илк усули жадид мактабларидан саналиб, унда ўқитув ишлари жуда яхши йўлга қўйилган эди. Бўлғуси мунаққид мактабда диний ва дунёвий билимларни пухта ўргангани, мумтоз адабиётимизнинг улуг намоёндалари ижоди билан яқиндан танишади. 1917 йил ўзгаришларидан сўнг яхшигина маълумотли бўлган В.Маҳмуд янги ҳукумат идораларида иш бошлайди, хусусан, 20-йиллар бошида Самарқанд вилояти маориф бўлимини бошқаради. Табиийки, руҳоний оилада таваллуд топган ва жадидчилик руҳида тарбияланган В.Маҳмуднинг қарашлари шўро мафкурасига ҳар вақт ҳам мос келармайди. 20-йилларда «янги зиёли» масаласи кун тартибига қўйилиб, «Ким янги зиёли саналиши мумкин?» деган масалада баҳслар қизғин тус олган, зиёлиларни ҳам синфий асосда ажратиш бошланган бир шароитда В.Маҳмуд «эскилар», «миллатчи зиёлилар» сирасига киритилади. 1927 йилда Самарқандда чақирилган маданият ходимларининг I қурултойига вакил бўлган «Қизил маданиятчилар» В.Маҳмудни ушбу маъракадан кувадилар. Орадан икки йил ўтиб В.Маҳмуд ҳибсга олинади, қамоқ

---

<sup>190</sup> Бу ҳақда муфассалроқ маълумот олиш учун қarang: Карим Б. Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. – Т.: 2000.

муддатини Семипалатинскда ўтаб, 1934 йилдагина Тошкентга қайтиб келади. Бироқ орадан уч йил ўтиб В.Маҳмуд яна ҳибсга олинади...

В.Маҳмуднинг матбуотдаги илк мақолалари хотира характерида бўлиб, улар муаллиф ўзига маънавий ота билган Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақидадир. Маориф соҳасида ишлагани сабаб В.Маҳмуднинг аксар публицистик мақолалари мактаб-маориф ишлари, таълим-тарбия муаммоларига бағишланган. «қизил байроқ» газетасида босилган «Чин севиш» (1921), кейинроқ «Туркистон»да эълон қилинган «Ҳинд ихтилочилари» (1928) номли тақризлари Фитрат асарларининг саҳна талқини тўғрисида. Шундай бўлса-да, уларда муаллиф спектаклнинг ўйналиши ҳақидаги гаплар билан чекланмай, Фитрат асарларининг ютуқ томонлари, айрим камчиликлари ҳақида ҳам жўяли мулоҳазалар билдиради. Жумладан, В.Маҳмуд «Чин севиш»ни «ўзбек саҳнасида шу кунгача ўйнаб келинган пьесаларнинг энг кучлиси, энг буюғи» дея баҳоласа, кейинги асар мисолида Фитратга хос бадий тил маҳоратини таъкидлаб кўрсатади. Айни пайтда, мунаққид ёзувчининг айрим ўринларда «табiiйликдан чиқиб кетгани», мустамлакачи инглизларнинг хатти-ҳаракатидаги енгил-елпиликни маъқулламайди. Хуллас, шу илк тақриزلардаёқ В.Маҳмуд ўзига хос бадий дид, санъат ва адабиёт ҳақида ўз қарашларига эга мунаққид сифатида намоён бўлади.

В.Маҳмуднинг кейинча уни «Чўлпончилик»да, «Чўлпоннинг маддоҳи» эканликда айбашларига дастак бўлган мақоласи «Чўлпоннинг «Булоқлари» деб номланади. Бу Чўлпоннинг янги тўплами нашр этилгани муносабати билан ёзилган тақриз бўлиб, мунаққид шоирга юксак баҳо беради: «Чўлпон ўзбекнинг янги шоиридир, шунинг учун ўзбек элининг бугунги руҳи, ҳоли, сезгиси «Булоқлар»да қайнайди, ўзбек тили, ўзбек оҳанги «Булоқлар»да сайрайди, ўқийди». Аслида В.Маҳмуд тақризнинг илк жумлаларидаёқ асосий хулосани айтиб қўйган: Чўлпон халқнинг дилидагини халқнинг тили ва оҳанги билан куйлай олганини таъкидлаган. Чўлпон шеърларидан парчалар келтириб, уларнинг ўзига хос оҳангдорлигини айтади, бу билан «ўзбек янги шоирларининг оҳангсиз бўлишларини уялмай сўйлай турғонлар»ни уял-

тиришга чоғланади. Айтиш керакки, мақолада публицистик руҳ, таҳлилдан кўра таъкид устунроқ. Бу эса, бизнингча, тўпламдан олинган илк таассурот кучи, ташвиқий мақсад билан изоҳланиши мумкин. Бундан ташқари, В.Маҳмуднинг Чўлпон билан салимий дўстона муносабатда бўлгани, ўз ижодида ундан таъсирлангани ҳам маълум. Яъни, бу омиллар ҳам мақолада объектив таҳлилдан субъектив муносабатнинг етакчи роқ мавқе тутишига сабаб бўлган кўринади.

В.Маҳмуднинг А.Саъдий билан матбуотдаги баҳси 20-йиллар адабий танқидчилигининг ўзига хос жиҳатларини намоён этади. А.Саъдийнинг «Ўзбек ёш шоирлари» мақоласида билдирилган айрим фикрларга қўшила олмаган В.Маҳмуд «Адабий танқидга бир назар» номли мақола билан чиқади. Мунаққидни А.Саъдий мақоласида қониқтирмаган нуқталардан айримларини кўриб ўтсак. Аввало, А.Саъдий мақоласида «Фитрат ижоди 1917 йил феврал инқилоби билан бошланган» дея жиддий фактик хатога йўл қўяди. Бунга В.Маҳмуд ҳақли эътироз билдиради ва чалкашликни тузатади. Иккинчиси, В.Маҳмуддан фарқ қилароқ, А.Саъдий Фитратнинг бадий ижоди ҳақида баланд фикрда эмас. Унингча, Фитрат шеърлари вази, оҳанг жиҳатларидан нуқсонли, «тили кўб сўзлик ва оз маънолик». Гарчи далиллаб кўрсатилмаган бўлса-да, бу эътирозда қисман жон бор. В.Маҳмуд мунаққиднинг бу фикри шеърни ҳис қилмаслик, арабча-форсча сўзлар маъносичи англамаслик натижаси дебгина билади, яъни ўзи ҳам тенденциозликка берилади. Учинчиси, А.Саъдий А.Авлоний «тизмаларидан сиз қанча шеър изласангиз, шунча фикр ҳам ваъзга учрарсиз» деган фикрини ҳам бирёқлама инкор қилади. Дарҳақиқат, В.Маҳмуд айтмоқчи, ҳар қандай адабий ҳодиса давр шароитидан келиб чиқиб баҳоланиши лозим. Бироқ, бизнингча, гарб ва рус адабиётшунослиги таъсиридаги А.Саъдий бу ўринда «тизма»(ҳар қандай ўлчовли нутқ) билан «шеър»ни (лирика, яъни ҳистуйғу, кечинма) фарқлайди. Демак, Авлоний масаласига икки жиҳатдан ёндашган ҳар икки мунаққид ҳам ўзича ҳақ. Кўрамизки, баҳсда томонларнинг қайси бирини бўлмасин тўла ҳақ дейиш мушкул. Шунга қарамай, В.Маҳмуд А.Саъдий мақоласини «адабий танқид эмас», «танқид ҳам эмас. Бу бир сўкишдур» деб баҳо-

лади. Табиийки, бу қадар қизгин тус олган баҳс шу билан якун топиши қийин: А.Саъдий «Адабий-тарихий саводсизликка қарши» номли мақоласини, бунга жавобан В.Маҳмуд «А.Саъдийнинг саводи» номли жавоб мақоласини эълон қилди...

В.Маҳмуд адабиёт тарихи билан махсус шуғуллана бошлаган илк адабиётшуносларимиздан биридир. Адабий меросга муносабат масаласи кескин турган шароитда В.Маҳмуднинг адабиёт тарихи масалалари билан жиддий шуғуллана бошлагани унинг шахс ва олим сифатида ўз мавқеини муқим эгаллаганини кўрсатади. Шу ўринда яна ортга, А.Саъдий билан баҳсга қайтишга тўғри келади. Гап шундаки, В.Маҳмуд баҳсда фикрларини асослаш учун А.Саъдийнинг «Адабиёт дарслиги»да Навоий ғазали асосиз танқид қилинганини кўрсатиб ўтади. В.Маҳмуд шу ғазални таҳлил қилиб, у гўзал санъат намунаси сифатида ҳозирги эстетик талабларга («асрий завқимизга ҳам мувофиқ») ҳам жавоб беришини таъкидлайди, унинг муаллифини эса «ўзбек ёш шоирларининг бобоси» деб атайти. А.Саъдий баҳсни давом эттиришга жазм этаркан, худди шу масалани диққат марказига чиқаради, мақоласини «Адабий-тарихий саводсизликка қарши»<sup>191</sup> деб номлаши ҳам шундан.

В.Маҳмудни «адабий-тарихий саводсиз»ликда айблашга бел боғлаган А.Саъдий мутлақо асосиз даъволарни олдинга суради: «Ҳам насли-уруғи, ҳам тили жиҳатидан қатъиян ўзбек бўлмагон, балки чиғатой ёки уйғур бўлгон Навоийни ўзбек ва ҳатто «ўзбек шоирларининг бобоси» деб чиқмоқ жасоратдир. Шунинг билан бирга, ҳақиқатда, адабий-тарихий бир саводсизлик натижаси эканлиги адабий-тарихий саводи бўлгон одамлар қаршисида очиқ бир нарсадир». А.Саъдий рус ва европа шарқшуносларининг асарлари билан танишлигини рўкач қилган ҳолда ўзини адабий-тарихий саводли деб билади. Олим айнан шу манбалардан гула кўтариб, «Навоийнинг бутун мавзуи <...> эрон классик шоирларининг эскирган мавзулари эди» деган фикрни билдиради, яъни уларнинг хато фикрларини такрорлайди. В.Маҳмуд фикрига зид равишда мунаққид Навоий ижоди «ас-

---

<sup>191</sup> «Зарафшон» газетаси, 1924.



римиз завқига ҳам, эҳтиёжига ҳам тамомила яроқсиз» деган ҳукм чиқаради.

В.Маҳмуд «А.Саъдийнинг саводи»<sup>192</sup> номли жавоб мақола-сида ўзининг айбловчисини айблаш йўлини тутати. Муаллиф А.Саъдийни рус ва европа шарқшуносларининг тақлидчиси эканлигини айтиб, унинг «илмга қарши жиноят ва ўғирликлари»ни очишга жазм қилади. Бу даъвосини асослаш учун А.Саъдийнинг бошқа бир мақоласидаги фикрлар Саблуковдан таржима қилиб ўзиники тарзида берилганини исбот этади. Айни вақтда, у ўзининг Навоий ҳақидаги фикрлари Бартольд, Самойлович сингари рус шарқшунослари, Куприлизода, Заки Валиди каби туркшуносларнинг қарашларига мос келишини таъкидлайди, бу билан «адабий-тарихий саводсиз» эмаслигини намоён этади.

Навоий ҳақида баҳс давомида билдирган фикрларидан старли қоникмагани ва баҳс масаланинг нечоғли долзарб турганини намоён этганидан бўлса керак, орадан ўн кун ўтиб В.Маҳмуд «Илмий-адабий вазифалар қаршисида»<sup>193</sup> номли мақола билан чиқади. Мақолада В.Маҳмуд: «Навоий турк адабиётининг отасидур. Навоий адабиёт дунёсида жуда катта хизматлар қилгон бир кишидур. Навоий турк тилининг отасидир. Навоий буюк адиб, буюк шоир, буюк доҳийдур. Фақат қани уни биз таниймизми? Унинг хизматларини биламизми? Унинг ким эканидан хабаримиз борми? Ҳалигача унинг таржимаи ҳолини босмадик. Бир расмини чиқарган бўлсак ҳам аслига унча мувофиқ эмасдур», - деб ёзади. Мунаққид Навоийни танишга чақираркан, унинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганишга даъват қилади, буни илм олдида турган муҳим вазифалардан деб билади. Муҳими, В.Маҳмуд қуруқ даъват билан кифояланиб қолмади, тез орада «Навоий учун»(1925), «Алишер Навоий»(1925) номли мақолаларини ёзиб, матбуотда эълон қилди.

Юқоридагилардан ташқари, В.Маҳмуд адабиёт тарихи масалаларига оид «Фузулий Бағдодий» (1925), «Турк адабиёти тарихи» (1925), «Навоийгача турк адабиёти» (1926) номли мақола-

<sup>192</sup> «Зарафшон» газетаси, 1924, 11 июн.

<sup>193</sup> «Зарафшон» газетаси, 1924, 21 июн.

лар, жадид маърифатчилари ҳақида маълумот берувчи «Турк шоири Ажзий» (1926), «Муаллим Шакурий» (1992, илгари босилмаган), шунингдек, мактаб-маориф ва маданиятимиз муаммоларидан баҳс этувчи ўнлаб публицистик мақолалар муаллифидир.

В.Маҳмуднинг ўзбек матбуотидаги сўнгги мақоласи 1926 йил бошида эълон қилинган. Демак, мунаққид 28 ёшидаёқ адабий жараёндан «ихрож қилинган». В.Маҳмуднинг деярли 30 йил умри — то 1956 йилга қадар қамоқ ва сургунларда кечдики, юқорида унинг 5-6 йиллик фаолиятига тўхталганимиз эътиборга олинса, йўқотиш миқёсини тасаввур этишимиз мумкин. В.Маҳмуд қамоқдан қайтгач, қолган умрини ҳам илм-фанга бағишлади: умрининг охирига қадар Тожикистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. *Карим Б. Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. — Т.: 2000.*
2. *Карим Б. Вадуд Маҳмуд. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992, 16 октябр.*
3. *Маҳмуд В. «Чин севиш». // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994, 3 июн.*
4. *Мақсудов Ю. Вадуд Маҳмуд ва Чулпон. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, 10 сентябр.*
5. *Ўзбек совет танқиди тарихи. Икки томлик. — Т.: 1987.*

## АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН (1897-1938)

Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг серқирра истеъдод эгаси бўлганлиги, унинг шоир, ёзувчи, драматург, публицист, танқидчи, театр танқидчиси сифатида фаолият олиб боргани яхши маълум. Чўлпоннинг матбуотдаги дастлабки чиқишларидаёқ бу серқирралик намоён бўлган: «Садои Туркистон», «Садои Фаргона» газеталарида эълон қилинган илк шеър, ҳикоя ва публицистик мақолалари қаторида «Адабиёт надур?» ва «Муҳтарам ёзувчиларимизга» номли адабий-танқидий мақолалари ҳам бор.

Мутахассислар Чўлпоннинг адабий-танқидий қарашлари жадидчилик ғоялари таъсирида шаклланганини яқдиллик билан таъкидлайдилар. «Адабиёт надур?» номли мақола бу фикрнинг тўғрилигини англаш учун старли. Чўлпон адабиётни «юрак кирларини юрадиган маърифат суви» деб билади. У адабиёт жамият ҳаётида жуда катта аҳамиятга эгаллигини таъкидлайди, «адабиёт яшаса, миллат яшар» деган фикрни олға суради. Ҳақиқатан ҳам XX аср бошларида оммада маълум бир фикрни шакллантириш учун адабиёт, матбуот жуда катта аҳамиятга эга эди. Чўлпон жадидчилик ғояларини амалга ошириш, халқни маърифатли қилишда адабиётнинг ўрни катталигини айтиш билан чекланиб қолмайди. Унинг фикрича, «Агар баёз ва бемаъни бир-иккита китоб билан қоладиган бўлсак, махву инқирозий бўлурмиз». Чўлпон ўз даврида чоп қилинган баёзларни назарда тутган бўлиб, уларда мазмун шаклбозликка, мувашшаҳчиликка қурбон қилинган. Шунинг учун ҳам ёш танқидчи уларни миллат манфаатига хизмат қилмайди, деб ҳисоблайди. Чўлпон қандай адабиётни назарда тутди? Шу мақолада Чўлпон «ўзининг шавкат ва ғайрати ила замонасида бутун дунёни ҳавор ва даҳшатга солгон жаҳонгирларнинг ўтказган кунларин ва даврларин тарихларда кўрса ва эшитса ҳар киши юрагида бир ботурлиқ ва бир фидокорлик ҳис этар ва қаҳрамонона умидларда бўлинар» деб ёзади. Чўлпон адабиёт ўқувчида миллий ғурурни уйғотиши кераклигини алоҳида таъкидлаб айтмоқда. Чунки миллат руҳи «маишат йўлидаги ҳар хил қора кирлар билан кирланган», уни тозалаш,

поклаш учун, уйғотиш учун адабиёт зарурдир. Мақолада даврининг жуда муҳим масаласини ўртага ташлар экан, Чўлпон юртдошларига «Адабиёт ўқуйлик. Адиблар етишдурайлик, «адабиёт кечалари» ясайлук. Руҳ, ҳис, туйғу, фикр, онг ва ўй олайлук, билайлук» дея хитоб қилади. Бундан кўринадики, ёш адиб адабиётни миллатни уйғотиш, тараққий эттиришнинг муҳим воситаси деб билган.

Чўлпон «Муҳтарам ёзғучиларимизга» номли очиқ хат шаклидаги мақоласида қалам аҳли эътиборига бошқа бир муҳим масалани қўяди. У энди «адабиёт қандай бўлиши керак?» деган саволни ўртага ташлаб, бунга қўлидан келганча жавоб беришга интилади. Мунаққид «сўнгги йилларда миллий тиётр ва рўмон китоблари ёзилуб бостирилувлар кўрилмакга бошла»гани, жумладан, Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесаси ёшларда «катта бир рағбат ҳосил қилгани»ни айтиб, буни «миллатнинг интибоҳига хайрли бир фол» деб баҳолайди. Чўлпон «ҳали бизга кўп тиётр ва рўмон китоблари керак» деганида мазмуни ва руҳи янгича адабиётни назарда тутди. Шунинг учун ҳам у Европа адабиётини, европалик ёзувчилар тажрибасини мисол тариқасида келтириб, улар «ўзларининг яхши-ёмон одатлари орасида юрибдурлар. Сўнгра қўлларига қалам олуб, яхшисини яхши, ёмонини ёмон кўрсатуб ёзубдурлар» дейди. Чўлпон ҳамкасбларини халқ ичида аралашиб юришга чақиради, фақат шундай қилинсагина мавжуд ҳаётни ҳаққоний тасвирлаш мумкин деб билади. Чўлпон мақолада «реализм» деган атамани ишлатган эмас, лекин унинг фикрлари йўналишидан «қозир миллатга реалистик адабиёт керак» деган хулоса келиб чиқади. Ёш Чўлпоннинг илк ижодидан бошлаб бундай адабий-эстетик мавқеда туриши унинг катта истеъдод эгаси эканлигини, замонасининг ижтимоий-эстетик эҳтиёжларини теран тушунганини кўрсатади.

Чўлпоннинг адабий-танқидий мақолалари мавзу жиҳатидан ранг-баранг. Уларнинг айримлари жорий адабий жараён муаммоларини ўртага қўйиш ва ҳал қилиш, бошқа бирлари мумтоз адабиётимиз ёки хорижий адабиётларнинг етук намояндаларини элга танитиш ва тарғиб қилиш, тағин бирлари таржимачилик муаммоларини ўрганиш мақсадларига қаратилган. Маса-

лан, «500 йил» номли мақоласида Чўлпон Навоий меросига тўғри муносабатни шакллантириш, унга ўзига муносиб қимматни бериш кераклиги ҳақида куйиниб ёзади: «Бу кунги янги ўзбек адабиёти ва унинг бу кунги содда шеvasи, менимча, ўша чигатой шеvasидан ўзга эмасдир. Баъзи бир кишилар Навоийдан анча кейин чиққан адиб ва шоирларимиздан бир-иккита соддароқ ёзгонларини ушлаб олиб, уларни ҳаддан ташқари кўтармак билан наригини бир қадар туманлаштирмакчи бўлсалар ҳам, Навоий ўзбек тили ва адабиётида тегишлик юксак мавқеини олғондир». Чўлпон халқимизнинг бой адабий мероси билан ҳақли равишда фахрланади: «Ўз адибларига 5-6 асрлик бир тарих ярата билган халқлар кўп эмасдир», — деб ёзар экан, ўқувчиларнинг ҳам қадим ўтмишга илдиз отган маданиятимиз билан фахрланишга ундайди. Мақола очиқ хат шаклида бўлиб, унинг сарлавҳаси остида «ўзбек билим ҳайъати эътиборига» деган изоҳ берилган. Муаллиф олимлар эътиборини мазкур муҳим масалага тортаркан, Навоийнинг ўзига яраша қадрини бериш, унинг таваллуд ва вафоти саналарини муносиб нишонлаш учун зарур тадбирларни таъкидлаб санайди. Мақоланинг мазмун-мундарижасидан аён бўладики, Чўлпон унда ҳам маърифатчилик мавқеида туради. Яъни, унинг мақоласи адабий-танқидий йўналишдагина эмас, кўпроқ маърифий характер касб этади. Худди шу гапни «Увайсий» номли мақола ҳақида ҳам айтиш мумкин. Унда Увайсий ҳақида мухтасар маълумот берилади, унинг халқ ичида машҳур ғазалларидан айрим байтлар келтирилади, машҳур «Анор» чистони таҳлил қилинади. Бироқ мақсад яна ўша — халққа Увайсийдек ҳассос шоирани тақдим этиш, уни танитиш, тарғиб этиш бўлиб қолади.

Чўлпонни «миллатчи» дея айблаганларнинг қанчалар ноҳақ бўлганини унинг адабий-танқидий мақолалари ҳам яна бир марта кўрсатади. Хорижий халқлар адабиёти ва санъатининг улкан намояндаларини, уларнинг ижодини ўз халқига танитиш, тарғиб этиш Чўлпон ижодида анчагина кенг ўрин тутди. Жумладан, «Улуғ ҳиндий» номли мақоласида Тагор «асарларининг кўпини ўқуб ўтганимдан кейин шу улуғ ва қийматбаҳо одамни ўз элимга танитмоқчи бўлдим» деб ёзиши унинг мақсадини аниқ кўрсатиб

туради. Тагордан ташқари у турк адиблари Тавфиқ Фикрат ва Ризо Тавфиқбек, хитой санъаткори Мей Лан Фон, рус театр арбоби В.Мейерхольд ва адиби М.Горький ҳаёти ва ижоди ҳақида муҳаббат билан ёзади.

Чўлпоннинг «Улуғ ҳиндий», «Тагор ва тагоршунослик» номли мақолалари улуғ ҳинд ёзувчиси Тагорга бағишланган. Унинг ҳозирда кўп тилга олинадиган ва ижодидаги бош тамойилни ифода этадиган «кўнгил янгилик қидирадир» деган сўзлари «Улуғ ҳиндий» мақоласида ёзилган. Айтиш керакки, «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи»да Чўлпон худди шу мақоласи асосида «адабий жараёнга қараши тўғри эмас эди <...> классик ва совет адабиёти ўртасидаги мерос ва ворислик алоқаларини тушунмаган»<sup>194</sup> дея асоссиз танқид қилинган эди. Ҳолбуки, Чўлпон мақолада: «Эски адабиёт билан янги адабиёт ўртасида қолғон шарқли ёш чинакам чучмал бир вазиятдадир. Эски адабиёт бир ширин, янгиси яна ширин, фарбники тағин яна ширин. Қайси биттасига кўпроқ берилсин? Бири-биридан ширин ахир!» — деб ёзади. Чўлпон ҳақида гап кетганда камчилик кўрсатиш асосий мақсадга айлангани учун бўлса керак, биз курсив билан ажратган гап китобда тушириб қолдирилган-да, танқид қилинаверган. Аслида эса Чўлпон мақолада муҳим масалани ўртага қўйган эди: «Бизнинг ўзбеклар учун ҳали ҳозирга у хил чучмаллик йўқ. Нимага десангиз, ўзбеклар эскидан — ҳеч сабабсиз! — аразлағон, хафа; янгига эндигина суқулиб кирмоқда. У адабиёт майдонида янгиликка нисбатан ёш бола, гўдак, чақалоқ, эскиликка нисбатан етим, кимсасиз, беспризорний, ўзбошли!» Адабиётимиздаги бундай «чучмал» ҳолат, ўзи эътироф этганидек, Чўлпоннинг ўзига ҳам хос, шунинг учун «бошлаб ўзим йўлсиз» деб ёзади. Муаллиф Тагор тимсолида «Шарқ ва Фарб ўртасидаги олтин кўпрук»ни кўради. Демак, Чўлпон ўтмиш адабий меросини инкор қилиш кайфияти кучая бошлаган, айримларда «ортиқ янгилик, фарблик ё ортиқча шарқлилиқ» кузатилган бир пайтда энг тўғри мавқени эгаллаган: у замонавий адабиёт ўзида ўтмиш адабиётидаги, Шарқ ва Фарб

<sup>194</sup> Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. 1-том. 63-6.

адабиётларидаги энг яхши жиҳатларни ўзида мужассам уйғунлаштириши керак, деб билган.

«Ризо Тавфиқбек» номли мақолада туркий оламда «жаҳон урушининг сўнгигача шуҳрати, ҳурмати ва эътибори катта» бўлган усмонли турк адиб ва файласуфининг ижодий тақдири ҳақида қизиқ мушоҳадаларга дуч келамиз. Чўлпон унинг тақдиридаги бурилиш сабабларини қисқагина баён этади: Фузулий туркми ё эронли тарзидаги «миллият жанжали»да ўзининг фикрига эга бўлган, оммага ёқмас-да шу фикрида собит қолган, кейинроқ Туркия мағлубиятга учрагач, сулҳ ҳақидаги шармандали битимга имзо чеккан Ризо Тавфиқбек омманинг эътиборидан тамом қолди. Кечагина шуҳрати бутун турк оламига таралган олимни энди «дорилфунун талабалари мударисликдан ҳайдадилар», коллеж талабалари ҳам ундан дарс тинглашни ўзларига ор билдилар. Натижада «Туркиянинг адабиёт ва илм оламидаги энг катта бир кишиси, замоннинг қизигон қонли ёшлари билан чиқиша олмасдан, кенг фикрини мия хуржунига солиб, саёқлик-дарбадарлик кўчасига кириб қолгон». Аслида, бу мушоҳадалар фақат Ризо Тавфиқбек ҳақидагина эмас, Чўлпон шу баҳона «инқилоб ва ижодкор тақдири», «ижодкор ва омма» каби муаммолар устида ўйлайди. Чўлпон Ризо Тавфиқбек қисматига ачиниб билан қарайди, унга нисбатан тутилган йўлни оқламайди. «Инқилоб — гоят кучлик омил эмас. Қандай зўр шуҳратлар ерларда судралмади?» дея риторик савол қўяди. Бу — инқилоб ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборганига гувоҳ бўлиб турган, ўз юртида шахсга муносабатда шунга ўхшаш ҳолларни кузатаётган одамнинг хулосаси.

Чўлпоннинг ижодий фаолияти кўп жиҳатдан театр санъати билан боғлиқ кечгани, унинг театрда адабий эмакдош бўлгани, 1924-1927 йилларда эса Москвадаги Ўзбек драмстудиясида ишлагани маълум. Унинг меросида ўнлаб театр тақризлари, театр санъати муаммоларига бағишланган мақолалари мавжуд. Албатта, бу тақриз ва мақолалар Чўлпоннинг эстетик қарашларини тушунишимизда муҳим аҳамиятга молик. Иккинчи томондан, Чўлпон фақат спектаклнинг ижро томон-

лари билангина чекланиб қолмайди, балки унинг асоси бўлган драматургия масалаларига ҳам тўхталади. Масалан, Ҳамзанинг «Фарғона фожеалари» пьесасининг ўйналиши муносабати билан ёзилган «Тарихнинг зарарлик такаррури» номли мақоласида саҳнага қўйиладиган асарларнинг бадиий жиҳатларига эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, «адабий асарларга ҳақиқий қийматини бериб, адабиётга кира олмагон нарсаларни шафқатсиз суратда майдондан ҳайдамоқ» керак. Ҳамзанинг мазкур пьесаси «Қуруқ воқеаларни ингичка, нозик адабий йўл билан кўрсатмак истаган»и билан «ўшал вақтларнинг ўшал вақтдаги хабар(хроника)ларидан бошқа нарса бўла олмадилар». Ўзбек театри, ўзбек санъати эса «бу хил санъатдан йироқ асарлар ва санъатга 1919 йил кўзи билан қарайдургон тўдалар томонидан тиргизилиб, яшатила олмас». Айни пайтда, Чўлпон Ҳамза «ўзбек театрининг, ўзбек санъатининг юксалишида муҳим бир омил бўла оладир» деб ҳисоблайди, уни театр ривожига ишлатиш зарурлигини таъкидлайди. Бундан Чўлпоннинг масалага объектив ёндашгани, биринчи навбатда санъатимиз манфаатини кўзлаганини кўриш мумкин.

Чўлпон «Або Муслим» спектакли муносабати билан ёзилган тақризда «томошада Фитратга хос сўз усталиги хийла кучлик. Бу жиҳатдан томоша катта бир адабий аҳамиятга моликдир» деб ёзади. У «халқ театрга юрмайди» деган гапларга қўшилмас экан, унинг «театр-томоша исмида бўлатургон қурчоқ ўюнарига, ўз руҳига ёт бўлгон, унга англашилмайтургон таржималик «ғарбий» асарларга юрмаса ҳақи бордир» деб ёзади. Чўлпоннинг фикрича, саҳна асари халқ руҳига яқин бўлиши зарур, шундагина у муваффақият қозона олади: «ўзини қизиқтиратургон заминларда ёзилгон ва яхши ўйналатургон томошаларга халқ юрадир». Демак, театрга халқни, томошабинни жалб этиш масъулияти фақат режиссёр ва актёрларгагина эмас, ёзувчилар зиммасига ҳам тушади. Бундан ташқари, театр санъатининг ўзига хос томонларини, унинг ривожига салбий таъсир қилаётган муаммоларни жуда яхши билган Чўлпон тақризларида ўқувчилар, масъул кишилар диққатини уларга



жалб қилади. Масалан, «Театр санъат» мақоласида у қиш яқинлашган пайтда ҳам ёзлик бинода спектакллар намоиш этилаётгани, қишлик бино ҳақида кўп гапирилгани билан бу масалада ишлар силжимаётганини; Бухородан махсус чақиртириб келтирилган Уйғур ҳануз туришга жой билан таъминланмагани ҳақида куйиниб ёзади. Чўлпон мақолани «Санъатнинг қиймати шу эса, ундай санъатдан умид узмаса керак эди!» деган афсус ва ташвиш билан якунлайди.

Худди адабиёт ҳақидаги мақолаларида кўрганимизга ўхшаб, Чўлпон ўқувчиларни хорижий халқлар санъати, театридаги ўзига хосликлар билан, янгилиниш жараёнлари билан таништиришга катта аҳамият беради. Масалан, «Мейерхольд театри» номли мақоласида у йирик рус режиссёри В.Мейерхольд театр санъатига олиб кираётган янгиликлар ҳақида муфассал сўз юритса, «Маликан Турондот» мақоласида итальян «ниқоблар комедияси» ҳақида, «Мей Лан Фон» мақоласида эса япон «кабуки театри» ҳақида маълумот беради. Албатта, булар эндигина оёққа тураётган театр санъатимиз учун ҳам, бу санъатдан эндигина баҳраманд бўла бошлаган томошабинлар оммаси учун ҳам, театр санъатига кириб келаётган ёшлар учун ҳам муҳим эди.

Чўлпон ёниб яшаган ижодкор эди. Унинг адабиёт ва санъат масалалари қаламга олинган мақолаларининг кўпида публицистик руҳ устуворлик қилади. Қатор мақолаларида Чўлпон ўз даври учун гоят муҳим масалаларни ўртага қўяди. Тўғри, мақолаларнинг ҳаммасида ҳам муаммонинг счими кўрсатилмайди. Лекин уларнинг адабиёт ёки санъатга оид муаммога ўқувчи омманинг эътиборини қаратиши, бу ҳақда муайян жамоатчилик фикрини шакллантириши жиҳатидан муҳим эканлигини эътироф этиш керак. Масалан, матбуот тилидаги қурама ҳолат («Гилимизнинг ишланиши»), театр санъатимиз ва томошабинлар савиясини кўтариш учун театр танқидчилигига эътибор кучайтириш («Театру танқидларига аҳамият»), профессионал актёрлар тарбиялаш зарурати («Сўз, сўз, сўз!»), бадий таржимачиликнинг аҳамияти ва унга эътиборнинг сустлиги («Кўлагада қолғонлар тўғрисида») каби қатор долзарб муаммолар ҳақида Чўлпон биринчилардан бўлиб бонг урган.

Хуллас, Чўлпоннинг ижодий фаолияти адабиётимиз ривожига дагина эмас, миллий санъатимиз такомилда, шунингдек, миллий адабий-танқидий тафаккур ривожига, онгимизда янгича бадиий диднинг шаклланишида жуда катта аҳамиятга молик бўлган.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. *Чўлпон. Адабиёт надири.* – Т.: Чўлпон, 1994.
2. *Шарафиддинов О. Чўлпон.* – Т.: 1991.
3. *Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти.* – Т.: «Шарқ», 2004, 14-96 бетлар.
4. *Каримов Наим. Чўлпон.* – Т.: «Фан», 1991.
5. *Қуронов Д. Жаҳон адабиётига йўл. // Жаҳон адабиёти, 1997, № 6, 168-172 бетлар.*
6. *Тожибоев Рустам. Адабиёт миллатнинг ҳаёти. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992, 13 март, 11-сон.*

## ОТАЖОН ҲОШИМ (1905-1938)

Отажон Ҳошим халқимиз пешонасига сиғмаган, қисқа умри давомида ўзининг илмий изланишлари, илмий ташкилий фаолияти билан илм-фанимиз, хусусан, адабиётшунослигимиз раванқига сезиларли ҳисса қўшолган ёрқин истеъдодлардан биридир. Унинг ҳаёт йўли кўплаб тенгдошларининг таржимаи ҳолига ўхшаш: 1905 йилда Тошкент шаҳрида туғилди, эски мактабда саводини чиқаргач, рус-тузем мактабида таҳсил олди. Инқилобдан кейин ўқитувчилар тайёрлаш билим юртида ўқиди, илмга чанқоқлиги, ташкилотчилиги билан назарга тушди. 1922 йилда Ўзбекистон Марказий ижроқўми йўлланмаси билан Москвага бориб, ишчилар факультетида ўқиди. Сўнг ўша даврнинг нуфузли таълим даргоҳи саналган қизил профессорлар институтига ўқишга киради. Бироқ соғлиги туфайли уни тугатиш Отажонга насиб этмайди. Ўзбекистонга қайтгач, О.Ҳошим Маориф Халқ Комиссарлиги қошидаги Илмий кенгаш раиси сифатида фаолият олиб борди, Самарқанд Педакадемиясини ташкил этишда фаол қатнашди, унда ўзи ҳам дарс берди.

Бу даврда О.Ҳошим адабий ҳаракатда ҳам фаол иштирок этди: 1927-1929 йилларда «Қизил қалам» уюшмасига раҳбарлик қилди. Мазкур уюшманинг О.Ҳошим раҳбарлигида чоп этилган иккита мажмуаси ҳозирда жуда қимматли манба саналади. Уларга ўша даврда номлари қора рўйхатларга олинган Чўлпон, Фитратларнинг ҳам асарлари киритилган эди. Профессор О.Шарафиддинов шу фактга таяниб: «Отажон Ҳошимов мажмуалар мундарижасини белгилар экан, уларга киритиладиган асарларни танлар экан, илмий жиҳатдан объектив мавқеда турган, ўзининг субъектив қарашларидан устун келиб, чинакам плюрализмга эришган»<sup>195</sup>, — деб ёзади. Шуниси эътиборлики, худди шу факт ўз вақтида жиддий танқидга учраган эди: «Қизил қалам» ташкилоти биринчи йилда бир «Альманах» чиқариш ташаббусига тушади. «Альманах»ни ишлаб чиқиш учун махсус кишилар

<sup>195</sup> Шарафиддинов О. Истиқлол фидойилари. — Т.: 1993, 97-б.

белгиланадилар. Бу «махсус»лар «Альманах»нинг маълум мазмун билан чиқишини таъмин қилиш учун мавзулар тайин этадилар»<sup>196</sup>. Куриниб турибдики, муаллифлар мажмуанинг тузувчиларини ғоявий жиҳатдан жиддий айблаётирлар. Бундан аён бўладики, О.Шарафиддинов бежиз О.Ҳошимнинг мажмуани тузишдаги ҳолислигига эътиборни тортаётгани йўқ, чиндан ҳам «шу биргина фактнинг ўзиёқ Отажон Ҳошимовнинг ғоят юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар эгаси» эканлигидан дарак беради.

1929-32 йилларда О.Ҳошим Ленинград Шарқшунослик институти аспирантурасида таҳсил олди. Аспирантурани тугатгач, бир неча муддат Шарқшунослик институти илмий котиби вазифасида ишлайди. 1933 йил декабрида О.Ҳошим Тошкентга қайтиб, янги ташкил этилган Фанлар қўмитасининг раҳбарларидан бири сифатида фаолият бошлайди. 1934 йилда Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтини ташкил этишда бош-қош бўлиб, то ҳибсга олингунига қадар унинг директори вазифасида ишлайди. Институтдаги фаолияти давомида ҳам О.Ҳошим ўзини моҳир ташкилотчи сифатида намоён этди: у институтнинг тадқиқот ишларига даврининг етук адабиётшунос ва тилшуносларини жалб қила билди. У раҳбарлик қилган йилларда институтда ўзбек халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиётимиз тарихи, ўзбек тилшунослигига оид катта ишлар амалга оширилдики, буларнинг баарида, шубҳасиз, унинг бевосита ёки билвосита ҳиссаси бордир. Шу билан бирга, О.Ҳошим адабий ҳаракатда ҳам фаол иштирок этди: у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси президиум аъзоси, танқид секциясининг раҳбари эди.

Отажон Ҳошим ўз даврининг кўплаб кишилари қатори марксизм таълимотига чин дилдан берилган, эътиқод қўйган инсон эди. Албатта, илгарилари мақташга асос бўлган бу факт ҳозир кўпчиликда аксинча муносабатнинг туғилишига сабаб бўлар. Лекин О.Ҳошим — ўз даври кишиси, бунинг устига ҳали анча ёш ҳамда таълимотни назарий жиҳатдангина ўрганганини эътиборда тутиш лозим. Иккинчи томони, унинг марксизмга муносабати ўша давр шароитида шакллангани, у пайтларда дунё ҳозирги-

<sup>196</sup> Олимжон Ҳ. Танланган асарлар. 5 томлик. 5-том. — Т.: 1972, 46-б.

дан ўзгача суратда бўлганини ҳам унутмаслик керак. Яъни, бу каби ишонч, эътиқодни тушунмаслик, англамаслик оқибати дебгина билиш хатодир. О.Ҳошимнинг «Диалектика ва дилектик усулда ўйлаш», «Давлат тўғрисида Маркснинг фикри», «Давлатсиз жамият», «Пролетариат ҳокимияти», «Давлатнинг ўлими», «Маркс пролетариат ҳокимияти ҳақида» каби қатор мақолалари уни ушбу таълимотнинг билимдонларидан бири сифатида танитди. У академик И.Султон таърифича, «Ўзбекистонда марксизм-ленинизмнинг биринчи тарғиботчиси ва ташвиқотчиси бўлди».

Гарчи кўп ижодий қуввати ижтимоий-сиёсий характердаги асарларга сарф этилган бўлса-да, О.Ҳошим қолдирган адабиётшуносликка оид мерос ҳам анча салмоқлидир. 20-йилларнинг иккинчи ярмидан адабий ҳаракатга фаол қўшилган ёш мунаққид давр адабиётшунослигининг энг долзарб муаммоларига диққат қилди. Жумладан, унинг «Пролетариат ва чигатой адабиёти»(1928), «Пролетариат адабиёти ва адабий мерос»(1928), «Адабий мерос ва чигатой адабиёти»(1929) сингари қатор мақолалари классик адабий меросга муносабат масаласига бағишланган. Маълумки, 20-йилларда пролеткультчилар ва уларнинг таъсиридаги адабиётшунослар ўтмиш адабий меросини тамом инкор қилиш йўлига ўтган эдилар. Худди шу даврда О.Ҳошим Фитрат тузган «Ўзбек адабиёти намуналари»(1927) мажмуасига сўз боши ёзган. Мажмуанинг тузилиши ўз-ўзидан нигилистик инкор руҳидаги фикрларга қарши амал бўлса, О.Ҳошимнинг сўз боши ёзганиёқ унинг бу масаладаги мавқеини аниқ кўрсатди. Сўз боши муаллифи: «Эски маданий меросни яхши билиш, бунинг учун ундаги керакли-керакли ерларни олиб ва тўплаганлари устида ишлаш — мана бу пролетар адабиётини тузиш учун асосдир», — деган фикрни олдинга сурди. Албатта, бу ўринда гапнинг меросга мафкуравий жиҳатдан сайлаб муносабатда бўлиш ҳақида бо-раётгани бугунда эътироз уйғотиши табиий. Лекин, биринчидан, маданий меросга, умуман, ўтмишга сайлаб муносабатда бўлиш ҳар қандай даврга ҳам хос нарсаси, иккинчидан, меросни бутунлай нигилистик инкор қилиш ҳаракатлари мавжуд бир шароитда бу жуда прогрессив қараш эди. Айни пайтда, О.Ҳошим маданий

меросни «пролетариат тўғридан-тўғри қабул қилиб, ўз мақсади учун ишлатолмайди, ишлатишдан илгари уни феодализм, капитализм синфлари фикри, руҳидан тозалаши»<sup>197</sup> зарур деб ҳисоблайди. Марксизм ғояларини тамом ўзига сингдирган мунаққид фикрича, барча учун «умумий санъат йўқдир. Санъат синфийдир. Санъат ё феодализм, ё буржуазия, ё пролетариат санъати бўла оладур». О.Ҳошим адабий танқидий қарашларидаги бундай ички зиддият бевосита давр таъсири, яна ҳам тўғрироғи адабий мерос ҳақидаги ленинча таълимот таъсири билан изоҳланади. Зеро, бу таълимот, бир томондан, башарият тўплаган барча билимларни ўрганишга даъват этса, иккинчи томондан, ҳар қандай маданиятда икки маданият-эзувчилар ва эзилувчилар маданиятлари мавжуд деб уқтирар эди. Ушбу таълимот исканжасида бўлишига қарамай, О.Ҳошим меросни чинакам қадрлашга интилди, бироқ бу интилишида бардавом бўлишга, таълимот қобилигини ёриб чиқишга эриша олмади.

О.Ҳошим замонавий адабиёт муаммоларига бағишланган мақолаларида ҳам муҳим масалаларни ўртага қўйишга, уларга ўз муносабатини билдириб, ҳал қилиш йўлларини кўрсатишга интилди. Жумладан, «Шўро адабиётининг бир неча ижодий масалалари» номли мақоласида адабиётда юз кўрсатаётган қуруқ декларативлик, схематизм иллатларини танқид қилди. У давр адабиётида ишчилар ҳаёти тасвирига бағишланган асарлардаги бир хиллик ҳақида тўхталиб ёзади, ёзувчилар «Заводга борадилар, у ерда кўрган нарсаларини, эшитган сўзларини юзаки тасвир этиб берадилар. Тонг отиши, гудок чалиниши ишчиларни уйғотишини, клубга боришларини ҳам шунга ўхшашларини кўрсатадилар». Мунаққид ўзини қониқтирмаётган нарсани аниқ белгилайди, бироқ бунинг сабабини ҳаётни яхши билмасликдагина деб кўрсатади. Бу эса унинг масаланинг моҳиятини яхши англамаётганидан дарак беради. Чунки ҳаёт тасвиридаги бундай юзакилик, аслини олганда, мунаққиднинг ўзи адабиёт олди-га қўяётган ғоявийлик талаби билан юзага чиқади. Яъни, ҳаётни

---

<sup>197</sup> Ҳошим О. Пролетариат ва чигатой адабиёти. // Маориф ва уқитғучи, 1928, №4.

тайёр ғоявий қолиплар асосида тасвирлаш охир оқибатда албатта схематизмга олиб боради. Кўрамизки, О.Ҳошим адабий танқидий қарашлардаги ички зиддиятчилик нафақат ўтмиш ҳақидаги асарларда, балки замонавий адабиёт ҳақидаги фикрларида ҳам кўзга яққол ташланади. Шунга ўхшаш зиддият унинг ўзи шахс ва ижодкор сифатида ҳурмат қилган адиблар асарларини ғоявий жиҳатдан танқид қилишида ҳам кузатилади<sup>198</sup>.

Юқорида О.Ҳошим қарашлари шўро мафқураси таъсирида шакллангани ва кўп жиҳатдан унга мос эканлигига урғу бердик. Ўз-ўзидан савол туғилади: агар шундай экан, нега шўронинг ўзи уни 33 ёшида қатағон қилди? Бизнингча, буни унинг юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлгани билан изоҳлаш мумкин. Бундай салоҳиятга эга одам, биринчидан, кун келиб ўз ички зиддиятларини енгиб ўтиши ва ўзининг мустақил мавқеини эгаллаши табиий; чинакам тафаккур кишиси ўзгалар фикрини ҳурмат қилади, бас, у фикрлар турличалигига йўл беради... Қатағоннинг асосий мақсадларидан бири эса, маълумки, шўрони шундай одамлардан ҳимоя қилишдан иборат эди.

## АДАБИЁТЛАР:

1. *Шарафиддинов О. Истиқлол фидойилари.* – Т.: 1993.
2. *Мирвалшев С. Ўзбек адиблари.* – Т.: 2001.
3. *Олимжон Ҳ. Танланган асарлар. 5 томлик. 5-том.* – Т.: 1972.
4. *Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки том.* – Т.: 1987.

---

<sup>198</sup> Шарафиддинов О. Истиқлол фидойилари. – Т.: 1993, 133-б.

## МУСО ТОШМУҲАММАД ҲҒЛИ ОЙБЕК (1905-1968)

Ўтган асрнинг 20-йиллари ўрталаридан вақтли нашрларда ўз асарлари билан фаол қатнаша бошлаган Ойбек то умрининг охирига қадар адабий жараён етакчиларидан бири бўлиб қолди. Ўз даврида унинг оригинал бадиий ижоди барчани қизиқтиргани каби, адабий танқидий чиқишлари ҳам адабий жараёнга жиддий таъсир этган. Ойбек — буюк истеъдод эгаси, ўзида беқиёс нозик дид ва файласуфона ўткир ақлни мужассам этган мутафаккир санъаткор бўлиши билан бирга, ўз даврининг фарзанди ҳам эди. Унинг адабий танқидий қарашларидаги ички зиддиятлилик шу нарса билан белгиланади.

Ойбекнинг адабий танқидий характердаги илк чиқишларидан бири «Адабиёт қондалари» номли тақриз<sup>199</sup> бўлиб, унда Фитратнинг шу номли қўлланмаси ҳақида фикр юритилади. Ойбек қўлланманинг зарурлиги, унинг айрим ижобий томонларига озгина тўхталади-да, «китобнинг кўпгина камчиликлари» ҳақида сўз очади. Мунаққид Фитратнинг энг катта камчилиги деб «санъат ва адабиётга бу кунги кўз билан (марксчиларча) қарамаган»-ликни билади. Унинг фикрича, «бутун ҳодисаларни марксизм призмаси орқали» кўриш ва текшириш лозим. Ойбек санъатни «синфларнинг биллурлашган мафкуравий қуроли» деб таърифлайди, шунинг учун у «синфий муносабатларнинг тарихи билан бирга такомил этади». Ойбекка кўра, қўлланмада «санъатнинг иқтисод ва синф билан боғланиши, шуларга қараб ўзгариши, тарихий илдизи, жамиятда тутган ўрни каби муҳим маълумотлар» берилиши керак эди, шуларнинг йўқлиги Фитратнинг камчилигидир. Мунаққид Фитратнинг назарий қарашлари «буржуазия адиб, шоирларининг «Санъат — санъат учун» назариясига жуда ўхшаб кетади» деб ҳисоблайди. Бу назарияни ёқламаган Ойбек адабиётни «марксистча ижтимоий таҳлил (марксистко социологический анализ) қилишимиз лозимдир. Ҳодисаларнинг сир-

---

<sup>199</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1926, 8 декабр; Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 14-том. 40-44 бетлар.



ларини ойдinлатадиган ёлғизгина шу методдир», деб ҳисоблайди. Шу ўринда эслатиш жоизки, бу гапларни ёзганида Ойбек САГУнинг ижтимоий фанлар факультетида таҳсил олаётган бўлиб, чамаси, унинг сабоқлардан олган таассуротлари мақолага кўчган. Кейинчалик Ойбек ўзининг таржимаи ҳолида «1935 йилга келиб шундай бир пайт келиб қолдики, мен энди ё олимпиктисодчи ва ё ёзувчиликдан бирини танлаб олишим зарурлигини ҳис қилдим»<sup>200</sup> деб ёзади. Яъни, бунга қадар Ойбек вужудида ёзувчи ва ижтимоийётчи олим яшаган, табиийки, бу нарса адабий танқидий асарларида акс этган.

Орадан бир йил ўтмай Ойбек Айн мақоласига жавобан «Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак» номли мақоласи<sup>201</sup> билан чиқди. Бу мақолада юқорида айтилган зиддият яққолроқ кўринади. Ойбек Чўлпоннинг инкор қилинишига қарши, уни «ёш адабиётимизнинг кўримли чечаги» деб билади. У социологик метод тарафдори бўлгани ҳолда Чўлпон ижодига вульгар социологик ёндашган Айнни танқид қилади. Ойбекнинг фикрича, шоир ижодини социологик метод асосида текшириш, «Нима учун кўнглига миллий туйғулар маҳкам ўрнашди? Чўлпон нима учун пролетар мафкуралик шоир бўла олмади?» каби саволларга жавоб топиш лозим. «Шахс ижтимоий муҳит чизгиларининг кесишган нуқтасидир» деб билган мунаққид Чўлпондан «пролетар шоири» бўлишни талаб этиш нотўғрилигини, у «ўзининг муҳити, тарбияси ва интилишлари эътибори-ла бундан узоқ»лигини таъкидлайди. Айнни пайтда, Ойбек Чўлпондан воз кечиш тўғри эмас, деган фикрни олдинга суради. Чунки «бугунги ёш насл унинг содда тилини, тотли услубини, техникасини кўб севади. Ундан кўб гўзалликлар олади. Чўлпоннинг мафкураси эмас, балки яратган бадний намуналари ўқулади, воз кечилмайди».

Ойбек юқоридаги иккала мақолада ҳам ўзининг социологик метод тарафдори эканлигини намоён этса-да, бадийятни қадрлайди, синфий жиҳатдан ижодкорларни «бизники — бизники эмас» тарзидаги ажратиш ва шу асосда инкор қилиш йўлидан бормай-

<sup>200</sup> Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 14-том. 12-б.

<sup>201</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1927, 17 май; «Шарқ юлдузи» журнали, 1989, № 6.

ди. Адабиётга бундай ёндашувнинг қарор топиши учун эса, табиийки, социологик метод мавжуд методлардан биригина бўлиб қолиши, бадий ижодда ҳам, адабий танқидда ҳам фикрлар турличалиги ҳукм суриши лозим. Бироқ воқелик бошқача эди, унда большевистик мафкурадан бошқаси тан олинмай бошлаган, мафкура яккаҳокимлигига пухта замин ҳозирлана бошлаган эди. Ўз-ўзидан маълум бўладики, Ойбекнинг адабиётга бундай ёндашуви амалдаги сиёсатга мос эмас эди. Шу сабабли Айн — Ойбек — Усмонхон баҳсида расмий доиралар наригилар томонида бўлди, А.Икромов нутқида «ёш шоиримиз Ойбек масалани мафкура жиҳатидан кўра олмагани» маъқулланмади.

30-йилларда Ойбек жорий адабий жараён, хусусан, лириканинг ҳолатини таҳлил қилишга қаратилган қатор мақолалар эълон қилди. Унинг «Сўнгги йилларда ўзбек поэзияси»(1934), «Социалистик лирика учун»(1934), «Ўзбек поэзиясида тил»(1934) каби мақолаларида шеърят билан боғлиқ муҳим масалалар ўртага ташланди. Ойбекнинг бу мақолаларида ҳам, табиийки, давр руҳи, даврнинг бадий диди ўз изини қолдирган. Шу боис ҳам 30-йиллар шеърятидаги ҳозирда биз камчилик деб тушунадиган жиҳатларни мунаққид ютуқ сифатида кўрсатади. Масалан, у ёзди: «Давр, синфий кураш, қурилиш фактлари ўзбек поэзиясининг тематикасидир. Шоирлар тор — шахсий фикр, тушунчаларнинг доирасидан чиққанлар. Мана бу поэзиянинг ўсувини кўрсатади. Ижод «мен» қобиғида ўралиб қолмасдан, турмушга, уни ўрганиш, акс эттириш, ўзгартиришга йўналтирилган»<sup>202</sup>. Аслида, 30-йиллар шеърятидан «мен»нинг сиқиб чиқарилиши давр шеърятининг энг катта ютқизиғи эди. Чунки худди шу нарса шеърятдаги туссизликни келтириб чиқарди, шеърятнинг шеърый публицистикага айланишига олиб келди. Қизиғи шуки, Ойбек ўз мақолаларида буларни маъқулламайди: давр шеърятидаги декларативлик, «техникачилик», «идеялар қонсиз, этсиз абстракт равишда ифодаланиши», «фикрни дасталаб берувчи сиқик образлар»нинг камлиги кабиларни бадий жиҳатдан нуқсон деб кўрсатади. Бироқ буларни аслида давр шеърятидаги ўзи

---

<sup>202</sup> Ойбек. Мукамал асарлар туплами. 14-том. 90-б.

илгари суриб турган жиҳатлар қонуний равишда келтириб чиқаришини эътиборга олмайди. Шуниси ҳам борки, Ойбек шеърятнинг бадий жиҳатларидан қониқмагани ҳолда унинг олдидаги вазифаларини қуйидагича белгилайди «меҳнаткашларни қайтадан тарбиялаш, бадий туйғуларни ўстириш, бизнинг давримизда яшамоқ, ишламоқ, курашмоқ нашъасини талқин этиш, давринг буюк идея, идеалларини бадий образлар билан тушунтириш» ва бошқалар<sup>203</sup>. Қўриб турганимиздек, Ойбек шеърят олдидаги вазифаларни белгилашда кўпроқ ғоявий-мафкуравий жиҳатларига эътиборини тортади. Унинг фикрича, «бу вазифаларни бажариш учун ёзувчи, шоирлардан Маркс-Ленин таълимотини ўзлаштириш» талаб этилади.

Ойбек қарашларидаги юқоридагича ички зиддиятчилик А.Саъдийга жавоб тарзида ёзилган «Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши ўт очайлик» мақоласи ҳамда «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» номли монографиясида ҳам кўзга ташланади. Жумладан, Ойбек А.Саъдийнинг Ҳ.Олимжон шеърларига вульгар социологик ёндашган ҳолатларни танқид қилади, лекин ўзи ҳам уни социологик нуқтаи назардан баҳолайди, нагижада мунаққиднинг айрим ҳақли, асосли фикрларини ҳам инкор қилади. Шунга ўхшаш А.Қодирий ижодини монографик планда ўрганишга бағишланган илк йирик тадқиқотлардан бири бўлган «Абдулла қодирийнинг ижодий йўли» монографиясида ҳам вульгар социологик ёндашув сабабли Ойбек улуғ адиб ижодига, асарларига холис баҳо беришга ожизлик қилди. Асарнинг айрим ўринларида вульгар социологик ёндашув шунчалар ошкор эдики, Ойбекнинг 1936 йилда ёзилган бу асари шўро даврида амалга оширилган кейинги нашрларга, жумладан, 10 жилдлик асарлар тўпламига ҳам, 20 жилдлик «Мукамал асарлар тўплами»га ҳам муайян таҳрирлар билан киритилди.

Ойбек адабий танқидий фаолиятида вульгар социологизмдан қутулиш, асосан, уруш йилларидан бошлаб аста-секин амалга ошганини кузатиш мумкин. Хусусан, «Ўзбек адабиёти»(1943), «Оташин ватанпарвар ва талантли шоир»(1944), «Бу кунги вази-

---

<sup>203</sup> Шу жойда. 101-б.

фалар»(1945), «Жалолиддин» драмаси ҳақида» (1946) каби мақолаларида асосий эътибор бадиият, ҳаётийлик, маҳорат сингари масалаларга қаратилгани шундай дейишга асос беради. Албатта, бунда ҳаётий ва ижодий тажрибанинг ортгани ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Чунки бу давр ичида Ойбек вульгар социологик ёндашув асосида чиқарилган «ҳукмлар» охир-оқибатда қатағонга «фатво» бўлиб хизмат қилганига гувоҳ бўлди, қатағон заҳмини ўз ҳаётида синаб кўрди. 1945 йил 2 октябрида «Жалолиддин» драмаси муҳокамасида Ойбек сўзлаган нутқ<sup>204</sup>, унинг муҳокама давомида Шайхзодага тақалган айбловларни инкор қилишга, жуда бўлмаганда «хаспўшлаш»га уриниши ҳам шу туфайлидир. Муҳокамадан кўп ўтмай «Қизил Ўзбекистон» газетасида Ойбекнинг Фафур Фулом билан ҳамкорликда ёзилган «Жалолиддин» драмаси ҳақида» номли тақризи эълон қилинди. Тақриз муаллифлари асарнинг бадиий фазилатлари, унинг «ўсаётган ўзбек драматургиясида шубҳасиз, ҳодиса» эканлиги, «Ўзининг фикрий ва бадиий тўлғинлиги, юксаклиги жиҳатидан «Жалолиддин» бизнинг драматургиямизда юқори пояни ишғол этиши»ни<sup>205</sup> таъкидладилар. Шуниси эътиборлики, муаллифлар муҳокама давомида айтилган «камчиликлар» ҳақида тақризда мутлақо тўхталган эмаслар. Бу эса муаллифларнинг некбин нияти, Шайхзодага муносабат салбийлашаётганини сезиб турган икки буюк адибимизнинг уни айбловлардан ҳимоя қилишга чоғланганларини кўрсатади. Ёки кейинроқ, 1966 йилда Ойбекнинг А.Наумов билан ўтказилган суҳбатида А.Қодирий ҳақида айтган сўзларида чуқур эҳтиром, меҳр барқ уриб туришини олайлик. 30-йилларда ёзилган тадқиқотда Ойбекнинг бундай муносабатини вульгар социологик баҳо босиб турган бўлса, энди бу ҳислар бор бўйини кўрсатади. Яъни, Ойбекнинг А.Қодирийга 60-йиллардаги бундай муносабати фақат давр таъсири билангина эмас, илгаритдан бор эди.

Ойбек 1945-1950 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди. Табиийки, у хизмат тақозоси билан адаби-

<sup>204</sup> Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 20-том. 90-б.

<sup>205</sup> Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 14-том. 228-б.

ётда партия сиёсатини ўтказишга масъул эди. Ойбекнинг «Ўзбек совет адабиётининг тараққиёти ва галдаги вазифалари»(1945), «Ўзбек совет адабиётининг юқори ғоявийлиги учун» (1947), «Ижодиётда янги ғалабалар сари» (1948), «Йигирма беш йил мобайнида ўзбек совет поэзияси» (1949) каби қатор нутқ ва мақолаларида бунини яққол кўриш мумкин. Шунга қарамай, бу мақолаларида ҳам Ойбек «партиянинг хизматчиси» бўлибгина эмас, адабиётимизнинг равнақи ҳақида қайғураётган зукко мунаққид сифатида ҳам бўй кўрсатади.

Хуллас, катта ўлчамларда олиб қаралса, Ойбекнинг адабий танқидий фаолияти, давр билан боғлиқ бутун камчилик ва нуқсонларига қарамай, ўз вақтида адабиётимиз равнақига хизмат қилди. Адибнинг адабий танқидий мероси ҳозирда ўша давр адабиётини ўрганиш учун қимматли манбадир.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Қўшжонов Матёқуб. Дийдор.-Т.: «Шарқ», 2004, 95-115 бетлар.
2. Ёқубов Ҳомил. Ойбек. (адабий танқидий очерк). – Т.: ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1959 йил.
3. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. Ҳн учинчи том. -Т.: «Фан», 1979, 512-б.
4. Ўзбек совет адабий танқиди. Икки томлик. Биринчи том. – Т.: «Фан», 1987, 347-б.

## ҲОМИЛ ЁҚУБОВ (1907-1998)

Ҳомил Ёқубов 1907 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Илк маълумотни Раҳимия мактабида олган бўлғувси олим кейинча, 1917 йилдан сўнг, янги ташкил топган «Намуна» мактабида ўқиди. 1921-1925 йилларда Навоий номидаги таълим-тарбия техникумида таҳсил олди. Ҳ.Ёқубов Ленинград(ҳозирги Санкт-Петербург)даги А.И.Герцен номидаги педагогика институтида (1926-1927), сўнг эса Ўрта Осиё план-иқтисод институтида таҳсил олди. Шундан сўнг Ҳ.Ёқубов бир неча муддат мактаб, турли ўқув курслари ва техникумларда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. 1934 йилда Ҳ.Ёқубов Тил ва адабиёт институтида илмий ходим сифатида иш бошлади. 1943-1947 йилларда Ҳ.Ёқубов Шарқшунослик институти (Ленинград бўлими) аспирантурасида таҳсил олди. Аспирантурадан қайтгач, 1948-1950 йилларда Тил ва адабиёт институти директор ўринбосари, 1958 йилдан бошлаб қарийб 30 йил давомида бўлим бошлиғи вазифасида ишлади. Шу тўлиқ бўлмаган маълумотлардан ҳам кўриш мумкинки, Ҳ.Ёқубовнинг бутун онгли ҳаёти адабиётимиз билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, ўзбек адабиётшунослик илмининг қоқ марказида кечди.

Танқидчилик фаолиятини 1929 йилда Ойбекнинг «Кўнгил найлари» тўпламига ёзган тақризи билан бошлаган Ҳ.Ёқубов 30-йиллар матбуотида ўнлаб мақола ва тақризлар эълон қилди, профессионал танқидчи сифатида танилди. Ҳ.Ёқубовнинг бу даврда эълон қилинган мақолалари кўздан кечирилса, уларнинг ҳам жанр, ҳам мавзу (яъни, муҳокама объекти) эътибори билан рангбаранглигини кўриш мумкин. Мунаққиднинг илк мақолалари сирасида Ф.Фулоннинг «Кулги ҳикоялар» тўплами, А.Пўлат ва И.Муслимнинг «Зафар нишони» ҳамда З.Саид ва Н.Сафаровнинг «Тарих тилга кирди» пьесалари, «Тор-мор»(А.Фадеев) романининг ўзбек тилига таржимасини муҳокама этувчи тақризларнинг борлиги бунинг ёрқин далилидир.

Ҳ.Ёқубов адабий танқидий фаолиятининг аввалиданоқ ўзига тенгдош ижодкорлар — Ойбек, Ф.Фулон, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор,

Уйғун сингари адиб ва шоирларнинг ижодига алоҳида эътибор билан қаради: янги асарларига тақризлар ёзди, ижодий фаолиятларини атрофлича ёритадиган тадқиқий характердаги мақолалар эълон қилди. Олимнинг «Ғафур Ғулом ижодиёти» (1934), «Уйғун ижодиёти» (1934), «Ҳамид Олимжоннинг ижодий йўли» (1935) каби мақолаларида бу ижодкорларнинг фаолияти, асарлари атрофлича таҳлил этилди. Албатта, мақолалар муаллифининг ўзи тадқиқ этаётган ижодкорларга руҳан яқинлиги, адабий-эстетик ва ижтимоий қарашлардаги муштараклик уларнинг асарлари моҳиятини очиб беришга қўшимча имкониятлар очади. Иккинчи томондан, Тил ва адабиёт институтидаги иш режасига кўра Ҳ. Ёқубов жорий адабий жараён, янги ўзбек адабиётининг шаклланиш тарихи масалалари билан шуғулланиши лозим эди. Олимнинг илмий қизиқишлари доираси ва хизмат мажбуриятининг уйғунлиги самарали натижа берди: у «Ўзбек болалар адабиёти» (1936), «Ўзбек поэзияси 15 йилда» (1936) каби тадқиқот мақолалар ёзди, тенгдошларининг янги асарларига мунтазам тақризлар эълон қилиб турди. Бундан ташқари, Ҳ. Ёқубов «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналида ташкил қилинган «Ёш ёзувчиларга маслаҳатлар» рубрикасини олиб борди. Олимнинг шу рукнда эълон қилинган мўъжаз мақолаларида ёш талантларга адабиёт илмидан илк сабоқлар берилди, уларга зарур адабий-назарий тушунчалар моҳияти тушунтириб борилди. Адабиёт илмидан ҳали дарслик ва қўлланмалар кам бўлган шароитда бошловчи адиб ва шоирлар учун ушбу рубриканинг ўзига хос мактаб вазифасини ўтаганлиги шубҳасиз.

Ҳ. Ёқубовнинг 30-йилларда ёзилган мақолаларида, табиийки, давр ва унинг ҳукмрон мафкураси таъсири йўқ эмас. Бироқ, шуниси эътиборлики, унда бошқа танқидчиларда кўрилган «жангари» кескинлик камроқ, борлари эса мода таъсирида юзага келган. Бу мунаққиднинг назарий жиҳатдан пухта тайёргарликка эгалиги, чинакам олимона (яхши маънодаги академизм), босиқ вазмин фикр юритишга мойиллиги билан белгиланади. Ҳ. Ёқубов адабиётнинг ўз қонуниятлари, ўз вазифалар доираси борлигини теран ҳис қилади. Шунинг учун ҳам, масалан, «Тарих тилга кирди» пьесаси ғоявий-сиёсий жиҳатдан яроқли бўлгани ҳолда бади-

ий жиҳатдан анча бўшлигини таъкидлайди; «Болалар адабиёти-нинг савиясини кўтарайлик»(1936) номли мақоласида эса маълум гоёни ташвиқ қилиш, тасдиқлаш йўлида бадиятни унутиш, ҳаётни, образларни сохталаштириш ҳолларини танқид қилади. Худди шу фазилатлар Ҳ.Ёқубовнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган «Сароб» романи муҳокамасида (1939, 14-17июн), фикрларидаги айрим камчиликларга қарамай, нисбатан адолатли мавқеда тура олишини таъмин этган.

Урушдан кейинги йилларда Ҳ.Ёқубовнинг танқид ва адабиётшунослик соҳасидаги фаоллиги янада кучайди. Мунаққиднинг давр танқидчилигидаги ўзгаришларни намоён қилувчи «Абдулла қаҳҳор новеллалари» мақоласи «Шарқ юлдузи» журналининг қатор сонларида эълон қилинди. Мақолада А.Қаҳҳор ҳикояларининг поэтик ўзига хослиги, адибнинг «объектив» тасвир бобидаги маҳорати, ҳикоялар тилининг жозибадорлиги ва сиқиклиги, фикрни фақат образлар ёрдамида ифодалашга интилишнинг етакчилиги каби қатор хусусиятлари очиб берилди. Бу мақола танқидчилигимизда бадият, маҳорат масалаларига эътиборнинг кучая бошлаганидан дарак берди. Афсуски, ўзи бадият масалаларига урғу беришга интилгани ҳолда, мунаққид адиб ҳикояларидаги психологик тасвир масаласини ўрганган А.Алимуҳамедовнинг фикрларига қарши чиқади. Кейинроқ, 1949 йилда Ҳ.Ёқубовнинг «Адабиётимизда эстет-космополитларни охиригача фош қилайлик», «Адабиёт ва санъатда беватан космополитларни охиригача фош қилайлик» номли мақолалари пайдо бўлди. 30-йилларда ҳам бу хил кескинликдан имкон қадар тийилган, асар бадиятига эътибор қаратишга кўпроқ мойил мунаққиднинг бу чиқишлари, Фитрат таъбирича, «ёпишмаган гажаклар»дек кўринади. Чамаси, уларнинг ёзилишида «буюртма-топшириқ» амалиёти ҳал қилувчи рол ўйнаган кўринади. Зеро, бу мақолалар ёзилган пайтда Ҳ.Ёқубов Тил ва адабиёт институти директор муовини, яъни адабиётда партия сиёсатини юргизишга масъул шахслардан бири эди. Албатта, бугунги кун нуқтаи назаридан мунаққидни айбситаши осон: «Биров уни қўлидан ушлаб туриб ёздирмаган-ку! Ҳақ гапни айтиши имкони бўлмаса ҳеч йўқ жим ўтирса бўлади-ку!» дея эътироз қилиш ҳам мумкин. Бироқ, авва-



ло, шўро даврида «жим ўтириш» имкони ҳам ҳар вақт бўлавермаган. Давр кишиларини айбситишдан илгари масалани ҳар жиҳатдан мулоҳаза қилиб кўрилса, «у ёки бу олим атайин адабиётимиз зарарига ишлаганми?» деган саволни қўйиб кўрилса, бизнингча, масалага адолатлироқ ва тўғрироқ ёндашилган бўлади.

Ҳ. Ёқубовнинг ёзувчи Ойбек билан самимий дўстона муносабатда бўлгани, бу дўстлик уларнинг ўсмирлик пайтларидан — таълим-тарбия техникумида таҳсил олган пайтларидан бошлангани маълум. Мунаққиднинг адабий танқидий фаолияти Ойбекнинг тўпламига тақриз ёзишдан бошлангани юқорида айтилди. Садоқатли дўст ва Ойбек ижодининг ҳақиқий муҳиби сифатида Ҳ. Ёқубов бу мавзуга қайта-қайта мурожаат этади. 1940-50 йилларда Ҳ. Ёқубов «Ойбек», «Ёзувчи Ойбек», «Ойбек прозасида бадиий тасвир», «Ойбек романлари», «Ҳаёт прозаси» каби қатор мақолаларини эълон қилди. Уларда ёзувчининг ўзига хос маҳорат қирралари, асарларининг мазмун бойлиги очиб берилди, айрим камчиликлари самимий кўрсатиб ўтилди. Олимнинг 1955 йилда, Ойбек таваллудининг 50 йиллиги олди-дан нашр қилинган «Ойбек. Танқидий-биографик очерк» номли китоби адибнинг тўйига муносиб совға бўлди. Ҳ. Ёқубов кейинги йилларда ҳам Ойбек ижодига кўп мурожаат этди, янги асарларига тақриزلар ёзди. Унинг «Ойбек»(1959), «Ғоявийлик ва маҳорат» (1963), «Адибнинг маҳорати» (1963) рисолаларида адиб асарлари мисолида адабиётшунослигимизнинг муҳим муаммоларини ўртага қўйилди, уларни ҳал қилишга ҳаракат қилинди. Ўзининг қатор мақола ва рисолалари билан ойбекшunosликка асос солган Ҳ. Ёқубов 1966 йилда «Ойбек ижодида ғоявийлик ва маҳорат» мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ҳ. Ёқубов — бениҳоя серқирра ижодкор. У муайян мавзу ёки давр, ижодкор фаолияти ёки назарий муаммони ўрганиш билан чекланиб қолмади, балки адабиётга, адабиётшуносликка оид кўп масалалар билан шуғулланди. Жумладан, 40-йиллардан Ҳ. Ёқубов ўзбек адабиёти тарихи масалалари билан ҳам жиддий шуғуллана бошлайди. Унинг «Ўзбек шоири Турди ижоди»(1940), «Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди»(1941), «Халқ-

парвар шоир Муқимий» (1949), «Ўзбек демократ шоири Муқимий» (1953) номли рисоалари, «Заҳриддин Муҳаммад Бобир» (1941), «Алишер Навоий «Ҳамса»си» (1948), «Навоийнинг «Сабъан сайёр» достони» (1948) каби қатор мақолалари, ниҳоят, «Турди ва унинг адабий муҳити» (1947) мавзусидаги номзодлик диссертацияси ўзбек адабиёт тарихчилиги соҳаси ривожига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди. Булардан ташқари, Ҳ. Ёқубов «Лирикада конфликт» (1956), «Чинакам новаторлик учун» (1963), «Лирик характер» (1964), «Ўзбек адабий танқидчилиги ва адабиётшунослиги тараққиётининг асосий босқичлари» (1972) сингари назарий характердаги мақолалар; адабий алоқалар масаласини ўрганишга қаратилган «Пушкин ва ўзбек адабиёти», «Маяковский ва ўзбек адабиёти», «Шолохов ва ўзбек адабиёти» каби қатор мақолалар муаллифи ҳамдир.

Ҳ. Ёқубовнинг илмий-ташкилий фаолияти ҳам адабиётшунослигимиз учун жуда самарали бўлди. Тил ва адабиёт институти томонидан амалга оширилган қатор хайрли ишларда, жумладан, «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерклари» (2 жилдлик), «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (4 жилдлик) каби фундаментал ишларнинг яратилишида раҳбар ва муаллифлардан бири сифатида фаол қатнашди; Ойбек, Ҳ. Олимжон, Ф. Фулом каби адибларимизнинг мукамал асарлари тўпламларини нашрга тайёрлашда жонбозлик билан ишлади. Ҳ. Ёқубов ўзининг илмий фаолияти давомида ўнлаб шогирдлар етишдирки, улар устозларининг ишларини муваффақият билан давом эттирмоқдалар.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Ёқубов Ҳомил. Сайланма. Икки жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: 1983, 308-б.
2. Мушинов Ф., Ёқубов Ҳомил // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992, №3-4.
3. Ёқубов Ҳомил. Ойбек (Адабий танқидий очерк). – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1959.
4. Имомов Бердиали, Ёқубов Ҳомил. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 104-б.

## ҲАМИД ОЛИМЖОН (1909-1944)

Ҳамид Олимжоннинг шахс ва ижодкор сифатида шаклланиши тарихимизнинг ниҳоят мураккаб даври — ижтимоий турмушда, миллий маданият ва тафаккурда кескин ўзгаришлар юз берган бир пайтга тўғри келади. Ғоявий-мафкуравий курашлар кескинлашган бир даврда адабиёт майдонига кирган Ҳ.Олимжон бу курашда аниқ мавқени эгаллади, ўзи юракдан ишонган эътиқодни энг тўғриси деб билди, ҳам бадиий ижодда, ҳам адабий-танқидий фаолиятида шу эътиқоднинг оташин тарғиботчиси, фидойи ҳимоячиси бўлиб қолди. Шу сабабли ҳам Ҳ.Олимжоннинг адабий танқидий мақолалари, тадқиқотлари айрим бирёқламаликлардан, тенденциозликдан холи эмас. Унинг айрим хулосалари бугунда тамом эскиргани, айрим фикрлари бугунги адабий танқидий қарашларга тамом зидлиги ҳам сир эмас. Шунга қарамай, биринчидан, Ҳ.Олимжон меросисиз адабий танқид тарихи чала бўлиб қолишини, иккинчидан, унинг асарлари ўша давр адабиётини ўрганишда жуда муҳим манба эканлигини ҳам эътироф этмоқ зарурдир.

Ҳ.Олимжон жуда ёш чоғларидан адабий-ижтимоий фаолиятга шўнғиди. Жумладан, 17 ёшидаёқ «Зарафшон» газетасининг партия ва комсомол турмушини ёритувчи бўлимни бошқаргани ёки Самарқандда чақирилган инқилобий ёзувчилар мажлисида қатнашгани; 18 ёшида Ўзбекистон зиёлилари II қурултойига, 20 ёшида Бутун Россия деҳқон ёзувчилари съездига вакил қилиб сайлангани шундан далолатдир. Яъни, Ҳ.Олимжон жуда ёш пайтидан ўзбек шўро адабиётининг ишонган вакили сифатида фаолият олиб бордики, албатта, бу ҳам унинг адабий танқидий қарашларига таъсир қилмай қолмас эди.

Ҳ.Олимжоннинг адабий танқидий характердаги илк чиқишларидан бири — «Деҳқон ёзувчиси ким?» номли мақоласи съезд таассуротлари билан ёзилган бўлиб, у муаллифнинг большевик мафкура таъсирида эканини кўрсатади. Мунаққиднинг фикрича, «деҳқон оммаси ўртасидаги табақаларга ажралишларни кўролмаслик» хато; «деҳқон ёзувчилари ҳақида гапирганда, улар-

ни мутлақ икки гуруҳга ажратишга мажбурмиз. Унинг бири зодагон ва муштумзўр лагернинг манфаатига хизмат қиладиган бўлса, яна бири <...> социализм тузилишига киришган камбағал ва ўрта деҳқонлар кўпчилиги манфаатини «дуртор»га солиб куйлайдирган ҳам у омманинг сезги ва яшойишларини ишчилар синфининг кўзгуси билан кўрадиган ва кўрсатадиган санъаткордир»<sup>206</sup>. Ҳ.Олимжон «деҳқон ёзувчиси» атамаси остида фақат иккинчи гуруҳни тушунади, унингча, фақат «пролетар мафкура-си асосида, деҳқончиликка характерли бўлган образ(шакл)лар воситаси билан» деҳқонлар синфини «хўжаликни коллективлаштиришга ундаган», «социализм ва энг сўнгида коммунизм жамиятига чақирган» ёзувчиларнигина «деҳқон ёзувчиси» деб аташ мумкин. Ҳ.Олимжон деҳқон ёзувчилари «Қишлоқнинг пролетар адиблари бўлишга интилишлари керак»лигини таъкидлайди, шундай бўлишига қатъий ишонади. Аслида эса Ҳ.Олимжоннинг «деҳқон ёзувчилари» ҳақидаги фикрлари большевиклар партиясининг деҳқонлар синфи ҳақидаги қарашларига тамом ҳамоҳанг, партиянинг ижтимоий сиёсатини механик тарзда адабиётга кўчиришдан ўзга эмас эди. Яхши биламизки, большевиклар деҳқонларни пролетариатнинг иттифоқчилари санаганлари ҳолда, уларни сиёсий жиҳатдан қолоқ, тарбия ва етовга муҳтож деб билганлар. Шунга ўхшаш муносабат Ҳ.Олимжоннинг деҳқон адиблари ҳақидаги фикрларида ҳам яққол кўзга ташланади. Айтмоқчимизки, эндигина йигирма ёшни қоралаган мунаққид бу фикрларни ўзиники тарзида ифодаласа-да, аслида улар ўқиганлари ёки съездда эшитганларининг кўр-кўрона такроридир.

Ҳ.Олимжон «Ўқиш ва ўрганиш қийинчиликлари тўғрисида» (1932) номли мақоласида эътироф этишича, «Марксизм-ленинизмни ўрганишнинг жуда катта завқи бор. Унингча, адабиёт жаҳасида меҳнат қилаётганларнинг асосий камчилиги шундаки, улар «марксизм-ленинизм фалсафаси билан қуролланишда, марксист адабиётчилиكنинг назариясини эгаллашда жуда заифдирлар». Мунаққиднинг таълимотга мутаассибларча берилиши шу даражадаки, у шу таълимот эгалланса ҳар қандай чигалликлар

<sup>206</sup> Олимжон Ҳ. Танланган асарлар. 5 томлик. 5-том. – Т.: 1972, 6-6.

ечилади, деб ҳисоблайди. Ҳар қандай таълимотга кўр-кўрона ишонч эса охир-оқибатда бир ёқламаликка олиб боради. Ҳ.Олимжон мақолада адабиётнинг моҳияти, унинг ижтимоий вазифаларини шу таълимотга кўра ёритишга, тушунтиришга интилади. Ўзи чуқур ўзлаштиришга киришган таълимотга шайдолиги орқасида Ҳ.Олимжон бошқаларнинг айрим тўғри хулосаларини ҳам инкор қилади. Жумладан, ўзи баҳслашаётган муаллифларнинг «Адабиёт <...> синфий қуролдир. У илгари Россия ва унинг мустамлакаларидаги меҳнаткашларни эзишда қуроллик қилиб келиб, бизга келганда сифатини йўқотмайди. Балки бизда ҳам эзиш қуроли сифатида, шунинг учун биз уни пролетариатники деймиз» тарзидаги фикрини хато ҳисоблайди. Чунки мунаққиднинг ишонишича, «эзиш, эксплуатация, кишиларни ҳалокатга, ваҳимага, қоронғиликка, ишсизликка, ўлимга судрагувчи адабиёт билан инсониятнинг чин озодлик учун курашида дўст-душманни ажратиб берадиган, ҳақиқий баробарликка, чин садоқатга, порлоқ социалистик турмушга олиб чиқишга хизмат қиладиган адабиёт ўртасида фарқ»<sup>207</sup> жуда катта. Ҳ.Олимжон ўзининг чин эзгулик томонида турганига, инсониятнинг бахти учун курашаётганига бешак ишонади, шунинг учун ҳам масаланинг моҳиятини англамайди. Моҳиятан эса «пролетар диктатураси» ҳам ўзгаларни (ўзга синфларни) эзиш асосига қурилган ҳокимият эканини пролетариат доҳийларининг ўзлари уқтирганлар, бу «пролетар диктатураси» ўрнатилган дастлабки йиллардаёқ намоён бўлган. Ҳ.Олимжон таълимотга муносабатда ҳам чин романтик эди, у кураш ва мавҳум келажак романтикаси таъсирида атрофида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисалар моҳиятини етарли даражада англашга ожизлик қилади.

Ҳ.Олимжоннинг 30-йилларда ёзилган «Марксизм ниқоби остидаги меньшевизм»(1932), «Миллатчилик ва аксилинқилобчилик билан кураш ва ўзбек пролетар адабиёти» (1933, Миртемир билан ҳамкорликда), «Ёзувчининг савиясини кўтарайлик» (1933), «Социалистик реализмни эгаллаш йўлида» (1933, Уйғун билан ҳамкорликда), «Фош қилиш эмас, хаспўшлаш» (1934, Уйғун

---

<sup>207</sup> Кўрсатилган манба. 23-б.

билан ҳамкорликда), «Адабиётимизнинг тикка кўтарилиш даврида» (1934) сингари мақолаларида ҳам адабиётга синфий нуқтаи назардан ёндашиш, мафкуравий жиҳатдан фош этиш руҳи, синфий ҳушёрликка даъват устуворлик қилади. Жумладан, «Адабиётимизнинг тикка кўтарилиш даврида» мақоласида мунаққид: «Танқид соҳасида ҳам адабиёт соҳасида бўлганидек, биз синфий курашнинг кескинлашганига, унинг янги формалар олганига эгамиз. Бундан кейин ҳам бу кураш албатта кескинлашажак. Бу бобда бизнинг капитализм онги қолдиқлари билан бўлган курашимиз яна тезланиши ва ҳушёрлигимизнинг кўтарилиши зарур», - деб ёзади. Эътибор берилса, бу гаплар «халқлар отаси» томонидан илгари сурилган ва кейинча қатағонга асос бўлган «социализм ғалабаси чуқурлашиб бориши баробари синфий кураш ҳам кескинлашади» тарзидаги фикрни эслатишини кўриш мумкин. Муайян таълимот ёки доҳийларга кўр-кўрона ишонч шахснинг ўзлигини емириши шундан ҳам яққол кўринади. Орадан икки йил ўтгач, Ҳ.Олимжоннинг ўзи талаб этганидек синфий ҳушёрлик руҳида ёзилган «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида» (1936) мақоласи эълон қилинди. Мақолада муаллиф Фитрат ижодини монографик планда тадқиқ қилишга чоғланаркан, асосий эътиборни унинг совет воқелигини қабул қилолмаганини асослашга, «инқилобий дунёга қараш позицияларига ўтиш юзасидан жиддий қадам ташлолмай келаётгани»ни очиб беришга қаратди. Афсусли томони шуки, орадан бир йил ўтиб Фитрат ҳибсга олинди... Албатта, Ҳ.Олимжон мақоласи Фитратнинг қатағон қилинишига сабаб бўлди дейиш тўғри эмас. Бироқ бир нарсани тан олиш зарурки, синфийликни дастак қилган адабий танқидчилар қатағонга адабий танқидий асос яратгани, қатағон қилинган ижодкорлар ҳақида муайян ижтимоий фикрни шакллантирганлари ҳам аён ҳақиқатдир.

Бизнингча, 37-йил воқеалари Ҳ.Олимжон қарашларида маълум ўзгаришлар ясаган. Бундай дейишимизга асос шуки, унинг меросида Фитрат ҳақидаги мақоласидан кейин юқорида кўриб ўтилгандек ошкор синфий руҳдаги мақолалар деярли учрамайди. Албатта, биз Ҳ.Олимжон синфийлик оғусидан буткул фориг бўлди, демоқчи эмасмиз. Синфий ёндашувнинг излари унинг

кейинги фаолиятида ҳам кўзга ташланади, бироқ мунаққид адабиёт ҳақида сўз юритганда синфийлик, мафкуравийлик талабларини илгаригидек мутлақлаштириш амалиётидан қайтди. Бундан кейинги йилларда Ҳ.Олимжон адабиётимиз тарихи масалаларига оид бир қатор мақолалар ёзди. Унинг «Муҳаммад Амин Муқимий», «Фарҳод ва Ширин» ҳақида», «Навоий ва замонамиз» каби мақолалари адабиётимиз тарихини ўрганишда сезиларли аҳамиятга эга бўлди. Ўзининг бадиий ижодида фольклордан руҳланган, ундан унумли фойдаланган Ҳ.Олимжон халқ оғзаки ижодига оид «Мардлик, муҳаббат ва дўстлик достони» (1938), «Эр Торғин — бахт излаган халқ образи» (1938), «Ҳасан батрак» ҳақида» (1938) каби мақолалар ёзди. Жумладан, «Мардлик, муҳаббат ва дўстлик достони» мақоласида у «Алпомиш» достонига юксак баҳо бераркан, «Ўзбек адабиётини юксалтириш, унинг тилини чин халқ тили қилиш, содда ва чуқур қилиши ва ниҳоят, умуман айтганда, ўзбек совет адабиётини чин маънода халқчил қилиш учун фольклорнинг аҳамияти буюк» бўлишини таъкидлади.

Ҳ.Олимжон Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилган йилларида (1939-1944) хизмат тақозоси билан турли анжуманларда, йиғинларда нутқлар сўзлади, ҳисоботлар берди. Табиийки, бу нутқлар адабий жараёнда изсиз кетмаган, уларни оғзаки танқид намунаси сифатида кўрсатиш мумкин (улардан айримлари кейин матбуотда эълон қилинган). Уруш йиллари Ҳ.Олимжоннинг адабий танқидий мақолалари адабиётни душманга қарши сафарбар этишда катта аҳамиятга эга бўлди. У 1943 йилда Москвада ўтказилган ўзбек адабиёти декадасини бошқарди, «Ўзбек халқининг адабиёти» мавзусида маъруза қилиб, москвалик ёзувчи шоирлар олдида адабиётимизнинг тарихий тараққиёт йўли, бой адабий меросимиз ҳақида фахр билан сўзлади.

Ҳ.Олимжоннинг адабий танқидий фаолияти, барча нуқсон ва камчиликларидан қатъий назар, адабиётимиз тараққиётида, адабий назарий тафаккур ривожланишида сезиларли аҳамиятга эга бўлгани шубҳасиз. Унинг адабий танқидий мероси бугун ўша давр адабиётини ўрганишда муҳим манба бўлибгина қолмай,

Ўзига хос сабоқ ҳамдир. Зеро, Ҳ.Олимжондек улкан истеъдоднинг имкониятларини чеклаган, унинг қарашларидаги ички зиддиятлиликни келтириб чиқарган омилларни чуқур ўрганиш бизга ўзимиз учун, давримиз учун муҳим хулосаларни чиқаришга имкон беради.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. *Олимжон Ҳ. Танланган асарлар. 5 томлик. 5-том. – Т.: 1972.*
2. *Олимжон Ҳ. Мукамал асарлар туплами. 10 томлик. 6-том. – Т.: 1982.*
3. *Қуронов Д. Ҳамид Олимжонни биламизми. // Шарқ юлдузи, 2002, № 2.*
4. *Ўзбек совет танқиди тарихи. Икки томлик. – Т.: 1987.*



## ИЗЗАТ СУЛТОН

(1910-2001)

Иззат Султон 1910 йилда Ўш шаҳрида туғилди. Отасидан эрта айрилган бўлғуси олим болалар уйида тарбияланди. 1924 йилда Тошкентга ўқишга келиб, аввал иш мактабида, сўнг таълим-тарбия техникумида таҳсил олди. Техникумни тамомлагач, мактабда ўқитувчилик қилди. Илмга чанқоқлиги уни 1930 йилда САГУнинг ижтимоий фанлар факультетига етаклади, бироқ бир йилдан сўнг ўқишини ташлаб, журналистлик фаолиятини бошлади: ўша вақтда Самарқандда нашр қилинган «Батрак» газетасида масъул котиблик қилади. 1934 йилда И.Султон янги ташкил қилинган Тил ва адабиёт институти аспирантурасига ўқишга кирди ва профессор Фитрат раҳбарлигида илмий тадқиқот бошлади. 1937 йилда аспирантурани тугатган ёш олим 1942 йилга қадар шу институт директор ўринбосари вазифасида ишлади. Кейинги бир неча йиллар давомида И.Султон турли раҳбар лавозимларда ишлади: 1942-1943 йилларда Ўзбекистон Давлат радио қўмитасида раис ўринбосари, 1943-1945 йилларда бадиий фильмлар студияси директори, 1945-1948 йилларда Министрлар Совети раиси ўринбосари вазифаларини бажарди. 1948 йилда И.Султон яна Тил ва адабиёт институтига қайтиб, умрининг охирига қадар шу илм даргоҳида хизмат қилди: институт директори, бўлим мудири, ихтисослашган кенгаш раиси вазифаларида самарали фаолият олиб борди.

И.Султон 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб адабий танқидий чиқишлари билан адабий ҳаётда фаол иштирок этди. Унинг илк тақризи «Турмуш дарслиги учун» (1933) деб номланиб, унда М.Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романи ҳақида сўз боради. Мунаққиднинг «Чеховнинг ҳикоячилиги» (1935), «Буюк устоз» (1936) мақолалари ҳам юқоридаги тақризга мазмунан яқин туради. Учала мақолада ҳам муаллиф рус адабиётидан ўрганишга даъват этади. Хусусан, «Чеховнинг ҳикоячилиги» мақоласида И.Султон адиб ҳикояларининг юксак бадииятини таъмин этган «баъзи формал томонларни қисқача белгилаб ўтиш»ни ният қилади. Шу ният ижроси мақолани Чехов ҳикоялари поэтикасидан

сабоқ берувчи муъжаз қўлланмага айлантирадики, бу ўз даврида давр китобхонлари учун ҳам, бошловчи ёзувчилар учун ҳам жуда муҳим эди. М.Горький вафоти муносабати билан ёзилган кейинги мақолада эса адибнинг адабий қарашлари, ёш ёзувчиларга ўғитлари ҳақида сўз боради. Мунаққиднинг ёзишича, «Горькийнинг адабиёт ҳақидаги фикрлари бебаҳо ва мислсиз бир хазинадир<...> Унинг фикрлари ҳамма-ёш ва қари ёзувчиларимиз учун мактабдир»<sup>208</sup>. Тўғри, ҳозирда рус адабиётидан ўрганишга даъватлар бироз эриш туюлади. Бироқ мақола ёзилган даврда, янги ўзбек адабиёти эндигина тараққиёт йўлига кирган бир пайтда бу даъватлар асосли ва тўғри эди.

30-йилларда И.Султоннинг бир қатор театр тақризлари ҳам чоп этилди. «Нега томошабин бепарво» (1934), «Йигирма йил бурунги Ҳамлет» (1935), «Пишмаган ва оғизга тушмаган бир асар воқеаси» (1935), «Номус ва муҳаббат» (1936) каби мақолаларда театр санъати, драматургияга оид муҳим муаммолар ўртага ташланади, улар ҳақида жўяли мулоҳаза юритилади. Ўзи драматургия бобида излана бошлаган ва кейинча қатор ва яхши саҳна асарлари яратган ижодкор томонидан билдирилган мулоҳазалар, албатта, драматургиямиз ривожда сезиларли аҳамиятга эга эди.

Табийки, И.Султон ҳам давр адабиётшунослигида кенг та-рқалган вульгар социологизм касалидан фориғ бўлолмади. Бу нарса, масалан, унинг «Асл Машраб»(1936) мақоласида яққол кўзга ташланади. Умуман олганда, мақолада муҳим масала ўртага қўйилади: Машраб ҳаёти ва ижодини илмий ўрганиш, унинг биографиясини қўшиб-чатишлардан, меросини ўзгалар томонидан қўшилган нарсалардан тозалаш зарурати таъкидланади. Бироқ давр руҳи таъсирида И.Султон Машраб ҳақида, тасаввуф ҳақида бирёқлама фикр билдиради. Унинг фикрича, Машраб ўз замонидаги «турмушдан норозилар табақаси»га мансуб «бу ҳолдан чиқиш йўлини билмаган»идан Офоқ Хўжага бориб сиғинади. Тасаввуф пирлари, жумладан, Офоқ Хўжа ҳам, муаллиф фикрича, норозиланган омма «юрагидаги ғазаб-

<sup>208</sup> Султон И. Асарлар. 4 томлик. 2-том. – Т.: 1972, 16-б.

ни «юмшатиб», уларни «мўмин» қилмоққа ҳаракат этар эдилар», холос. И.Султон Машраб ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни диндорлар ўз манфаатларига мослаб қалбакилаштирган деб ҳисоблайди. Мақола сўнгида у «Машрабни душманлар қўлидан тортиб олиш, унинг энг яхши асарларини кенг оммага ёйиш керак»лигини таъкидлайди. Табиийки, бу ўринда энди гап кенг оммага шўро манфаатларига мослаштирилган Машрабни танитиш ҳақида, яъни қайта «қалбакилаштириш» ҳақида боради. Албатта, адабиётни мафкура қуроли деб билинган даврда ўтмиш маданияти кимга хизмат қилади, деган масала кескин турган. И.Султоннинг «Адабий меросимизни ўрганайлик»(1937) номли мақоласида «Адабиётшунослигимиз тарихида ўтган икки зарарли оқим — аксилинқилобий миллатчилик ва вульгар социологизм бу вақтгача адабиётимиз тарихини тўғри ўрганишга халал бериб келгани»<sup>209</sup> таъкидланади. Олим буларнинг биринчиси ўтмиш адабиётини ўз мақсадига хизмат қилдиришга интилгани, иккинчиси эса тамом инкор қилганини нотўғри деб билади. Шуниси қизиқки, унинг ўзи «халқ душманлари-миллатчилар» деб таърифлаган адабиётшуносларни ўтмиш адабиётидан ғоявий мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилганлари учун қоралайди, айни чоғда ўзи худди шу мақсадда фойдаланиш пайида бўлади. Яъни олим илмий мантиққа хилоф йўлдан боради, «нега бизга мумкин-у, уларга йўқ» деган саволни қўймайди. Сабаби бу ўринда илмий мезонлар ўрнини мафкуравий мезонлар эгаллаган, мафкуравий жиҳатдан эса олим ўзини энг тўғри мавқеда деб билган.

И.Султон меросида уруш йилларида ёзилган адабий танқидий асарлар кам: бу, аввало, олимнинг бу даврда хизмат вазифалари билан машғул бўлганлигидандир. Тил ва адабиёт институтига қайтгач, И.Султон танқид ва адабиётшунослик соҳасида яна фаоллашади. Маълумки, урушдан кейинги дастлабки йиллардаёқ партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсатига ўзгаришлар киритилди: танқид яна сиёсий ҳушёрликка берилди, «космополитизм»да, «эстетизм»да, совет воқалигини бузиб кўрсатганлик-

---

<sup>209</sup> Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. 1-том. 201-б.

да айблашлар кучайди. Адабиётда бу сиёсатни амалга оширишга маъсул кишилардан бўлмиш И.Султон асарларида, табиийки, бу нарса ўз изини қолдирди. Масалан, Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романи ҳақидаги «Ҳаётбахш шабадалар» (1951) номли тақризида мунаққид асарнинг энг катта ютуғи сифатида «бугунги ҳаётни тасвир этишда автор тўғри йўлга тушиб олгани», яъни «социалистик қишлоқ ҳаёти»ни ҳаққоний, нурли тасвирлаганини кўрсатади. Унинг фикрича, «асосий диққатини колхоздаги ижобий кишиларга қаратиб, ёзувчи жуда тўғри иш қилади». Аслида эса қишлоқ ҳаётининг бундай «ҳаққоний» тасвири «конфликтсизлик назарияси» таъсирида юзага келган ва шўро мафкурачилари истагига нечоғли мос бўлса, бадийят талабларига шунчалик зид эди. Мафкуравий ёндашиш туфайли мунаққид ромanning асосий камчиликларидан бири сифатида «район партия раҳбар ходимлари» қисфасининг яхши очилмагани, уларнинг барча эзгу ишларга раҳнамолик қилишлари тасвирланмаганлигини кўрсатади. А.Қаҳҳорнинг «қўшчинор» романи муҳокасида айтган сўзлари И.Султоннинг бу масаладаги қарашларини янада очиқроқ англатади. Мунаққид романда «колхозлар қашшоқ қилиб тасвирлангани» билан келиша олмайди, буни ҳақиқатга зид деб билади. Бунинг устига у Сидиқжоннинг бош қаҳрамон қилиб олинганини ҳам маъқулламайди, «Биз Ўрмонжонни, райком секретарини қаҳрамон сифатида кўришни хоҳлаймиз»<sup>210</sup>, дейди. Бундай талаб, маълумки, адабиётда фақат мафкура қуролинигина кўриш, унинг санъат эканлигига тасомила кўз юмишдан келиб чиқади.

И.Султон 1956 йилдан кейин адабий танқид соҳасида янада фаол ишлади. Адабиётга муносабат бирмунча ўзгариб, яқин ўтмиш тарихи қайта кўрилаётган бир паллада шундай бўлиши табиий ва зарур ҳам эди. Шу даврда ёзилган мақолаларидан бирида олим: «Сўнгги йилларгача ҳамма тарихий асарларда бизнинг 20-йиллар адабиётимиз жуда камбағал бўлиб кўринар эди. Агар 20-йилларда адабиёт бунчалик камбағал бўлса, унинг 30-йиллардаги улкан кўтарилиши нимага асосланганини ҳатто ту-

<sup>210</sup> Қаранг: Кўчқор Р. Мен билан мунозара қилсангиз. – Т.: 1998, 60-62 бетлар.

шуниб бўлмас эди»<sup>211</sup>, — деб ёзади. И.Султон А.Қодирий меросининг ўқувчиларга қайтарилишида муҳим рол ўйнади. Унинг «Талантли ўзбек совет ёзувчиси Абдулла Қодирий» (1956), «Абдулла Қодирий» (1962) номли мақолаларида адиб ижодига энди ўзгачароқ ёндашилди. Тўғри, давр талаби билан у А.Қодирийнинг шўро воқелигини қабул қилгани, шўро мавқеига ўтгани, социалистик реализмни эгаллай бошлагани кабиларга кўпроқ урғу берди; унинг асарларидаги айрим ғоявий «нуқсон»ларни кўрсатди. Бироқ олим яқин ўтмиш адабиётига муносабатда охиригача собит бўлолмади, очиғи, бунга имкон ҳам йўқ эди. Адабиётимиз тарихидаги сунъий бўшлиқдан қониқмагани ҳолда, у Фитрат, Чўлпон каби ижодкорларнинг «гражданлик йўли билан оқланиши уларнинг 20-йиллар адабиёти тарихида ўйнаган салбий ролидан кўз юмиб ўтишга асос бўлолмайди»<sup>212</sup>, деган фикр-ни олдинга сурди... Албатта, ҳозирда олимнинг камчиликлари, хатолари ҳақида осонгина гапириб қўйиш мумкин. Лекин буларнинг бари объектив ва субъектив сабабларига эга бўлганини, яъни олимнинг фикрлари тамомила ўзга ижтимоий-тарихий шароитда билдирилганини ҳам, унинг қарашлари тамомила ўзгача шароитда шаклланганини ҳам унутмаслик даркор.

Иззат Султондан адабиётшуносликка оид қатор асарлар, юзлаб адабий танқидий мақолалар мерос қолган. Биз улардан айримларигагина қисқача тўхталдик. Юқорида кўпроқ танқидий мулоҳазалар баён қилингани олим асарларининг қиммати ҳақида неўғри хулоса келтириб чиқармаслиги лозим. Зеро, И.Султоннинг адабий танқидий асарлари, бутун камчиликларига қарамай, адабиётимиз ривожига сезиларли из қолдирган, унинг адабиёт назарияси, адабиётимиз тарихининг долзарб масалалари тадқиқиға бағишланган асарлари ўзбек адабиётшунослиги ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган. Жумладан, И.Султоннинг илк бор 1939 йилда чоп этилган «Адабиёт назарияси» дарслиги қайта-қайталаб нашр қилинган, қарийб 60 йил давомида у фило-

<sup>211</sup> Султон И. Асарлар. Тўрт томлик. Иккинчи том. — Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 424-6.

<sup>212</sup> Султон И. Асарлар. 4 томлик. 2-том. — Т.: 1972, 143-6.

лог-талабалар учун адабиёт назариясидан ўзбек тилидаги асосий қўлланма бўлиб келдики, ҳозирда олимнинг хатолари ҳақида гапираётган мутахассисларнинг бари илк назарий сабоқларнинг унинг ўзидан олгандир.

### АДАБИЁТЛАР:

1. *Мирвалиев С. Ўзбек адаблари.* – Т.: 2000, 69-б.
2. *Султон И. Асарлар. 4 томлик. 2-том.* – Т.: 1972.
3. *Қўшжонов М. Дийдор.* – Т.: «Шарқ», 2004, 176-182 бетлар.
4. *Қўшжонов М. Ижод сабоқлари.* – Т.: «Ёш гвардия», 1973, 192 бет.
5. *Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти.* – Т.: «Шарқ», 2004, 637-б.
6. *Мирзаев Сайдулла. Ҳаёт ва адабиёт.* – Т.: «Шарқ», 2001, 304-б.
7. *Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. 2 томлик.* – Т.: 1987.

## МАТЁҚУБ ҚЎШЖОНОВ (1919)

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг ёрқин намо-  
яндаларидан бири Матёқуб қўшжонов адабиётшунос ва танқид-  
чи сифатидаги фаолиятини ҳаётнинг паст-баландини хўп кўргач,  
50-йилларнинг охирида бошлаган. Мунаққид илмий-ижодий фа-  
олиятининг бошланиши жамият ҳаётида, ижтимоий тафаккурда  
жиддий ўзгаришлар юз бера бошлаган пайтларга тўғри келади.  
Ижоднинг бошланишидаёқ М.Қўшжонов ўзининг қизиқиш дои-  
расини, фаолиятининг бош тамойилини аниқ белгилаб олди: у  
бадий асарни таҳлил қилиш ва баҳолашда бадийликни бош  
мезон деб билди, кўпроқ бадиият, маҳорат масалалари билан  
шуғулланди.

Яна бир эътиборли томони шуки, М.Қўшжонов ўзини қизиқ-  
тирган масалаларни умумий тарзда эмас, конкрет ижодкор асар-  
лари мисолида ўрганиш йўлидан борди. Олимнинг илк асарлари  
ичида «Ойбек маҳорати», «Йўлчи характерининг эволюцияси»,  
«Ойбек романларида конфликт ва характер» каби тадқиқотлар-  
нинг бўлиши бунинг ёрқин далилидир. Бошловчи тадқиқотчи-  
нинг адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб масала ва уни  
ўрганишнинг энг оптимал йўлини илғай олгани олимлик иқтидо-  
рини кўрсатади. Зеро, адабиётшунослигимизда масалани шу тар-  
зда ўрганиш учун шароит ҳам етилган эди: бу пайтга келиб янги  
ўзбек адабиётининг Ойбек, А.Қаҳҳор сингари иккинчи бўгин на-  
мояндаларининг асарлари бунинг учун етарли манба бўла олар  
эди. Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига эътибор зарур: бир  
қарашда М.Қўшжоновнинг ишлари адабиётшуносликка таал-  
луқли, лекин манбанинг замонавий адабиётдан олингани ва жо-  
рий адабий жараён учун муҳим масалаларнинг тадқиқ етилгани  
уларни танқидга алоқадор этади.

М.Қўшжонов адабий асарни ҳаёт билан боғлаган ҳолда таҳ-  
лил қилади, уни баҳолашда бадий воқеликнинг яхлитлиги, ман-  
тиқнинг изчиллиги, тасвирнинг ҳаётийлиги, характерларнинг  
жонли ва тўлақонли яратилганлигига алоҳида эътибор беради.  
Масалан, унинг «Синчалак»да характерлар психологизми»(1960)

номли мақоласида қўйилган муаммо асарни юқоридагича жиҳатларда текширишга имкон беради. М.Қўшжонов мазкур мақоласида «Синчалак» қиссаси жозиба бахш этиб турган муҳим жиҳат қаҳрамонлар руҳиятининг теран психологик таҳлил қилингани, хатти-ҳаракатларнинг психологик жиҳатдан асослаб тасвирлагани эканлигини кўрсатади. Кейинроқ У.Норматов билан ҳамкорликда ёзилган «Маҳорат сирлари» китобида ҳам М.Қўшжонов А.Қаҳҳор ҳақида ўз даври учун янги дадил фикрларни олдинга суради. Жумладан, у илк бор «Сароб»да «адашганлар фожеаси» талқин қилингани, «қўшчинор чироқлари»даги камчиликлар «конфликтсизлик назарияси» таъсирида юзага келганини таъкидлади. Албатта, бугунги адабиётшуносликда ушбу масалада ўзгача фикр устувор. Бироқ мунаққиднинг бу фикрлари ўз даври адабий танқидий тафаккурида жиддий силжиш бўлганини ҳам эътироф этмоқ зарур. М.Қўшжоновнинг «Абдулла Қаҳҳор ижодида сатира ва юмор» (1973) китобида адиб асарларида сатирик ва юмористик руҳини ҳосил қилувчи усуллар, бадий воситалар атрофлича таҳлил қилинган. Бошқача айтсак, бунда ҳам адиб «маҳорат сирлари»нинг яна бир қирраси очиб берилган. Бундан илгарироқ ёзилган «Абдулла Қаҳҳорнинг эстетик принциплари ҳақида» (1967) номли мақоласида ёзувчининг адабий танқидий асарлари таҳлил қилиниб, унинг ижодий-эстетик принциплари кўрсатилган эди. М.Қўшжонов 80-90 йилларда ҳам А.Қаҳҳор ижодига мурожаат этади: «Абдулла Қаҳҳор маҳорати» (1988) китобини нашр эттирди, 90-йилларда адиб ижоди бўйича баҳсларга қатнашди. Бу ўринда саноқ билан чекланганимиз бир нарсани — М.Қўшжонов бутун фаолияти давомида А.Қаҳҳор ижодига мурожаат қилиб келаётганини кўрсатиш учундир. Худди шунга ўхшаш ҳолни М.Қўшжоновнинг А.Қодирий ижодини ўрганишда ҳам кўриш мумкин: ёзувчи оқланганидан сўнг олим «Абдулла қодирийнинг тасвирлаш санъати» (1966) китобини чоп эттирган бўлса, кейинги китобларига кирган мақолаларида ҳам улуғ адиб ижодига қайта-қайта мурожаат қилди, истиқлол йилларида эса «Қодирий — эркисизлик қурбони» (1992), «Ўзбекнинг ўзлиги» (1994) китобларини яратди. Бундан кўриняптики, М.Қўшжонов насримизнинг икки улкан истеъ-



додли намојандаси асарларини ўрганиш орқали гўё «маҳорат мактаби» очди, унда ижодкор ва ўқувчиларнинг «таҳсил» олишларига имкон яратди. М.Қўшжонов илмий-ижодий фаолиятининг муҳим бир қирраси — шу.

М.Қўшжонов фаолиятининг иккинчи қирраси-танқидчилик, у биринчисига тўғридан-тўғри боғланади: талабчан мунаққид сифатида у носирларимизни ўзи ҳурмат қилган адиблар даражасига кўтаришга интилади. Унинг бир қатор китоблари, мақолаларида жорий адабий жараён, хусусан, насримиздаги ҳолат, муаммолар, ютуқ ва камчиликлар текширилади, уларда, насримизнинг камолини кўзда тутган ҳолда, талабчан холислик, жонкуярлик билан фикр юритилган. Жумладан, «Ҳаёт ва маҳорат»(1962) мақоласида 50-йиллар охири 60-йиллар бошидаги насримизда мавжуд муаммолар, уларнинг илдизлари очиб берилади. Масалан, мунаққид шу давр насрчилигидаги катта камчиликлардан бирининг сабаби қуйидагича изоҳланади: «ёзувчилар кўпроқ воқеаларга эътибор берадилар, яъни уларни кўпроқ қурилайётган электростанция, очилаётган кўриқ<...> ва ҳоказолар қизиқтиради. Шу ишларни бажараётган кишиларни эса унутиб, иккинчи планга тушириб қўядилар». Бунинг оқибатида эса адабиёт ўзининг «инсоншунослик» хусусиятини йўқотиб қўяди: «бадийлик учун зарур бўлган воқеалар билан кишилар орасидаги нормал пропорция-мувозанат бузилади». Кўрамизки, М.Қўшжонов давр адабиётида урчий бошлаган «долзарб мавзу» баҳонасида адабиётда «прописка» олиш давосида бўлаётган туссиз асарларга қарши туради, бадий баркамол асарлар яратиш учун инсон характерини ёрқин ва жонли тасвирлаш кераклигини таъкидлайди. Мунаққид характерларнинг «умум хусусиятларини кўрсатиш йўлига ўтиб, ҳаётни юзаки тасвирлаш» натижасида «схематизм келиб чиқиши»ни конкрет асарлар таҳлилида очиб беради.

Айтиш керакки, адабий асарни ҳаёт билан қиёсан текшириш баъзан янглиш хулосаларга, адолатсиз ҳукм-хулосаларга олиб келиши мумкин. Зеро, ҳеч бир инсон, жумладан, ҳеч бир мунаққид ўзи яшаб турган ҳаётни бутун мураккабликлари билан тўла тасаввур этолмайди. У «ҳаётда шундай бўлади ёки бўлмайди»

деганида ўзининг тасаввурига сиғдирилган ҳаётдан келиб чиқади. Шундай экан, ёзувчи тасаввурдаги «ҳаёт» билан мунаққид тасаввурдаги «ҳаёт» бир-биридан фарқланиши табиийки, агар шу нарса эътиборга олинмаса, асарни нотўғри баҳолаш юзага келади. Худди шундай ҳол М.Қўшжоновнинг «Сўқмоқлар» қиссасига муносабатида кўзга ташланади. Мунаққид «Аттанг!» номли мақоласида С.Зуннуновани қаҳрамонларни жуда бўш, лапашанг, камчиликларга қарши курашолмайдиган ожиз кимсалар сифатида тасвирлаган, дея анча кескин танқид қилди. Қиссани баҳолашда М.Қўшжонов ўз ижодий принциpidан чекинди. Агар юқоридаги асарлар таҳлилида мунаққид бадииятни биринчи ўринга қўйган ҳолда ва бадиият нуқтаи назаридан уларнинг ҳаёт билан муносабатини ўрганган бўлса, «Сўқмоқлар» қиссаси таҳлилида бу нарса соф социологик жиҳатдан амалга оширилди.

70-йилларда М.Қўшжонов масаланинг яна бир муҳим қиррасига диққатини тортди: «Маъно-маҳоратнинг бош масаласи»(1973) деган фикрни олдинга сурди. Аслида, мақолада гап шакл ва мазмун бирлиги, уйғунлиги ҳақида боради, «маъно аввало асарнинг композициясида акс этиши» таъкидланади. М.Қўшжонов бу ўринда систем таҳлил, асарнинг шакл ва мазмун жиҳатларини бирликда олиб текшириш тамойилини намойиш этади. Мунаққид мақолада яна бир муҳим фикрни асослади: ижтимоий (социал) маъно тушунчасининг кенглиги, маънонинг ижтимоий қиммати мавзунинг долзарблиги ёки тасвир кўлами билангина белгиланмаслигини кўрсатди. Унинг таъкидлашича, ҳаётдаги энг оддий воқеа ҳам ижтимоий қимматга эга, бу ўша воқеанинг қандай талқин этилишига боғлиқ. М.Қўшжонов бундай қарашини ёш ёзувчи З.Аъламнинг жажжи ҳикоялари мисолида кўрсатиб, асослади. Мунаққид давр насрчилигида кенг кузатила бошлаган мазмун парокандалиги, асардаги эпизодлар, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, гап сўзларининг ҳаёт ҳақиқатига, характерларнинг ички мантиқига мувофиқ бўлиб қолиши, бадиий мантиқнинг бузилиш каби ҳолатларни кўрсатиб берди.

М.Қўшжонов адабиётимизнинг бадиий савиясини кўтариш йўлида кўп қайгурган, камчиликларни принципиаллик билан та-

нқид қилган мунаққидлардан саналади. Жумладан, унинг 70-йилларда кўп шов-шувларга сабаб бўлган «Давр талаби ва ижод масъулияти» номли ёзувчи И.Раҳимга очиқ хат ва Сайёрнинг «Хулқар» китоби муносабати билан ёзилган «Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа» номли мақоласи шу қайғуриш натижасида ёзилгандир. Албатта, адабиётимизда анча чуқур томир отган «ўртамиёначилик» касалининг илдизини қуритишга булар камлик қилади. Бунинг устига, мазкур иллатнинг кенг ёйилишига асос бўлган объектив омиллар ҳам мавжуд эди. Бу ҳақда М.Қўшжонов ошкоралик йилларида ёзилган «қайта қуриш ва ўзбек романи», «Ўтмишдан садо» номли мақолаларида анча батафсил тўхталди. Ҳа, М.Қўшжонов ҳам «редакторлар, директорлар, раислар, секретарлар» адабиёти пайдо бўлган шароитда охиригача принципиал бўлишга, барча асарларга бирдек талаб қўйишга ожизлик қилди: иложи бор ўринда жим турди, иложи бўлмаган ўринларда ўртамиёна асарни адабиётимиз ютуқлари қаторига санаб ўтишга, баъзан мақташга мажбур бўлди. Шунда ҳам М.Қўшжонов сингари мунаққидларнинг қаторда оз бўлса-да борлиги касалнинг имкон қадар олдини олганини эътироф этмоқ лозим.

М.Қўшжонов истиқлолни табаррук ёшида қаршилади. Истиқлол очган имкониятлар фикри тиниқ, қарийиб 40 йил адабий танқид қозонида қайнаган мунаққидни бефарқ қолдириши асло мумкин эмас эди, албатта. М.Қўшжонов ўзининг қатор мақолалари билан адабий жараёнда қатнашди, адабий танқидий фаолиятида давр тақозоси билан йўл қўйган камчиликларини мардона тан олди, босиб ўтган йўли, шўро давридаги адабиётимиз ва адабиётшунослик илмимиздаги ҳодисалар ҳақида бой маълумот берувчи «Армон», «Дийдор» сингари мемуар асарларни ёзди. Олим бир пайтлар ўзига армон бўлиб қолган Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги образлар тизимининг таҳлилига бағишланган мақоласини<sup>213</sup> эълон қилди, «Сароб» юзасидан билдирилган фикрларга муносабатини билдирди<sup>214</sup>; ўзи меҳр қўйган улуғ адибимиз ҳақида «Қодирий — эркисизлик қурбони», «Ўзбекнинг ўзли-

<sup>213</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1992, № 3-4.

<sup>214</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1995, 17 март.

ги» номли китобларини чоп эттирди. Дарвоқе, М.Қўшжонов ёш адиб У.Ҳамдамнинг «Мувозанат» романи нашрига «Шиддат билан ёзилган роман» номли сўзбошисини ёзди, ҳатто, муаллиф тенгқурларининг ҳам бари қабул қила олмаган романни мунаққид тушунди ва муносиб баҳолади: ҳаракатдаги фикр қаримайди, дейдилар.

М.Қўшжоновнинг адабиётшунослигимизга қўшган улкан ҳиссаси, фидокорона меҳнатлари муносиб тақдирланди. 2003 йилда академик М.Қўшжонов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

## АДАБИЁТЛАР

1. Қўшжонов Матёқуб. Қалб ва қиёфа. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 224-б.
2. Қўшжонов Матёқуб. Ижод масъулияти. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 344-б.
3. Қўшжонов Матёқуб. Ҳаёт ва қаҳрамон. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 368-б.
4. Худойберганов Норбой. Ҳақиқат ёғдулари. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 308-б.
5. Худойберганов Норбой, Расулов А. Ўзбек совет адабий танқидчилиги. – Т.: «Ўқитувчи», 1990, 168-б.

## ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ (1929)

Озод Шарафиддинов ҳозирги ўзбек адабий танқидчилигининг улкан намояндаси, ярим асрдан буён адабий жараён қозонида қайнаб, адабиётимизнинг тараққиёти, адабиётшунослигимиз ривожига хизмат қилаётган ТАНҚИДЧИДир. Биз сўнгги сўзни бош ҳарфлар билан ёздик, бу бежиз эмас.

Озод Шарафиддинов мақолаларидан бирида танқидчилик касби ҳақида фикр билдириб, танқидчида учта унсур мужассам бўлиши кераклигини айтади: аввало унда «эстетик туйғу бениҳоя ўткир бўлиши лозим, у санъат гўзаллигини нозик ҳис қила билиши, бадиий адабиётдан чинакам завқлана олиши шарт»; иккинчиси — «фикрлаш қобилияти»; учинчиси — «адабиётни бутун вужуди билан билан севиш, унга сидқидилдан фидойилик билан хизмат қилиш»<sup>215</sup>. Озод Шарафиддиновда бу унсурларнинг бари жам. Тўғриси, бу фазилатларни ўзида мужассам этган талайгина танқидчиларимиз оз эмас. Бироқ Озод Шарафиддиновда шуларнинг барини яхлитлаб, кучайтириб намоён этувчи яна бир муҳим жиҳат бор: у-биринчи навбатда ШАХС. Ўзининг ҳаётий тажрибаси, кўрган-билганлари, ўқиганларининг қаймоғи сифатида шаклланган қарашларини ҳимоя қилишга, ҳақ гапни айтишга, керак бўлса ўзини ҳам танқид қилишга ўзида журъат топа биладиган шахс. Худди шу нарса О.Шарафиддиновнинг эл ичида, мутахассислар орасида топган юксак обрў эътиборнинг асосидир.

Озод Шарафиддиновнинг адабий танқидий асарлари жанр жиҳатидан ранг-баранг. Уларнинг сирасида тақриз алоҳида ўрин тутди. Маълумки, тақриз адабий танқиднинг мунаққид ижодий фаоллигини кўрсатадиган оператив жанри, у, одатда, янги асар пайдо бўлгандан сўнг қисқа фурсат ичида ёзилади. Яъни тақриз ёзиш учун мунаққид адабий жараённи мунтазам кузатиб бориши, унинг ичида яшаши зарур. Зеро, чинакам тақриз янги асарни бугунги адабий жараён контекстида, бадиий тафаккурнинг бугунги даражаси ва бугунги ўқувчининг бадиий дидини ҳисобга

<sup>215</sup> Шарафиддинов О. Талант ва ҳақ мулки. — Т.: 1979.

олган ҳолда ёритиши ва баҳолаши зарур. О.Шарафиддинов ярим асрлик фаолияти давомида кўплаб тақризлар ёзди. Унинг тақризларида янги асар ҳақида маълумот бериш билангина чекланиб қолинмайди, балки тақриз қилинаётган асар юқоридагича талаблар асосида таҳлил қилинади, баҳоланади. Жумладан, мунаққид ижодининг турли даврларига мансуб «Келажакка чорловчи қисса», «Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси», «Ботирларнинг умри боқий», «Она», «Мунаққид сўзининг салмоғи», «Мағзи пуч сўзлардан бир тош нари қоч» каби тақризлари ушбу жанрнинг ўзбек танқидчилигидаги сара намуналаридан саналади. О.Шарафиддинов ўз тақризларида янги асар баҳона кўпинча адабиётимизнинг муҳим муаммоларини ўртага қўяди, уларга муносабат билдиради. Масалан, Ў.Умарбековнинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» қиссасига ёзилган тақризда<sup>216</sup> 70-йилларда адабиётимизда қайтадан урчий бошлаган «доно партия раҳбарлари» образлари, ҳаётни сохта схематик акс эттиришнинг адабиётга зарари ҳақида асосли фикрлар билдирилади. О.Шарафиддиновнинг «Мағзи пуч сўзлардан бир тош нари қоч» тақризи Б.Бойқобиловнинг «Ўзбекнома» асари ҳақида. Бироқ шу гапнинг ўзи билан кифоялансак, тақризнинг аҳамиятини туширган, ундаги катта умумлашмани торайтирган бўламиз. Буни мунаққиднинг ўзи ҳам таъкидлайди: «Биз бир шоирнинг бир асари ҳақида баҳслашаётгандек кўринсак-да, аслида баҳс каттароқ, жиддийроқ масала устида кетяпти — гап чинакам санъат даражасидаги адабиётни яратиш, бинобарин, мустақил юртимизнинг мустақил адабиёти тўғрисида боряпти»<sup>217</sup>. Шу эзгу ниятни кўзлаган ҳолда О.Шарафиддинов тақризда истиқлол даври адабиётида ниш ура бошлаган «маддоҳизм» иллатини кескин танқид қилади, бу ҳодисанинг адабиётга ёт эканлигини асослаб беради.

О.Шарафиддинов ижодида проблематик мақолалар ҳам кенг ўрин тутди. Маълумки 50-йилларнинг охири 60-йилларда адабиётшунослигимизда шеърят ҳақида баҳслар бўлиб ўтганди.

---

<sup>216</sup> Шарафиддинов О. Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси. — «Шарқ юлдузи» журнали, 1979.

<sup>217</sup> Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. — Т.: 2004, 605-6.

Баҳснинг юзага келиши бежиз эмасди: жамиятдаги ўзгаришлар шеърятда ҳам ўзгаришларни тақозо этар, энди «Шеърят қандай бўлиши лозим? Шеърят қайси йўлдан бориши лозим?» тарзидаги саволлар ўртага қўйилган эди. О.Шарафиддиновнинг шу йилларда ёзилган «Лирика ҳақида мулоҳазалар», «Замон — қалб — поэзия» номли мақолалари ёш мунаққиднинг, яъни янги авлоднинг бу саволларга жавоби тарзида юзага келди. О.Шарафиддинов устоз шоирларни қадрлаган ҳолда шеърятимизнинг эртасини ёшлар белгилашини яхши билади. 60-йилларда шеърят майдонига кирган ёш шоирлар ижоди таҳлилга бағишланган мақоласини мунаққид «Ниҳоллар» деб номлади. Ниҳол эса, маълумки, парваришга муҳтож: унга сув қуйиш ҳам, қайчилаш ҳам бирдек муҳим. О.Шарафиддинов 60-йилларда майдонга чиққан Э.Воҳидов, А.Орипов, Ҳ.Шарипов, Ж.Жабборов, Г.Жўраева каби шоирларимиз ижодини мунтазам кузатиб борди, уларнинг асарларига тақризлар ёзди, шарҳларида уларга тўхталди: ютуқлардан қувонади, камчиликларни кўрсатиб самимий танқид қилди. Кейинги йилларда ёзилган кўплаб мақолаларида ҳам мунаққид замонавий шеърятимиз муаммолари ҳақида теран мушоҳадалар юритади, шеърятни нозик ҳис қилиб, нозик таҳлил этади. Шу сабаб ҳам адабий жамоатчилик уни чинакам «шеършунос» сифатида танийди, тан олади. Ёшларнинг ижодий изланишларига эътибор билан қараш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш О.Шарафиддиновнинг танқидчилик фаолиятида муҳим ва доимий жиҳатдир. У кўплаб бошловчи ижодкорларга тўғри йўл кўрсатди, уларга асарларини чоп эттиришда беғараз ёрдам берди, кўпларига матбуотда «оқ йўл» тилади. О.Шарафиддинов шеърятимиз равнақи ҳақида қайғуриб, куйиниб ёзган «Шеър кўп, аммо шоир-чи...» мақоласи адабиётшунослигимизда воқеа бўлган мақолалардандир. Мунаққид анча кескин танқидий фикрлар билдирди, бироқ бу шеърят ривожига хизмат қиладиган танқиддир. Аксинча, С.Очилнинг «Шеър маъсулияти ва фикр равонлиги»<sup>218</sup> мақоласида ёш шоирларнинг шеърларига вульгар ёндашув ҳоллари кузатилди. «Бир тилда гаплашайлик» ма-

<sup>218</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1987, 9 январь.

қоласида мунаққид С.Очилнинг фикрларидаги хатоликларни асосли кўрсатди, ижодкор ва танқидчиларни бир тилда гапиришга даъват этди.

О.Шарафиддинов фақат шеърят масалалари билан чекланиб қолган тор мавзу кишиси эмас. Мунаққиднинг проза муаммоларига бағишланган «Характер-бадийлик мезони», «Бадий тил муаммолари», «Адабиёт тилдан бошланади», мақолаларида насримизнинг ўткир муаммолари ўртага қўйилди, ундаги камчиликлар принципа ва илмий холис очиб берилди. Саналган мақолаларнинг биринчисида мунаққид илгарироқ «Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси» тақризидан билдирган схематизм ҳақидаги фикрларни умумлаштириб давом эттирди, бунинг насримизда умумий касалликка айланаётганидан огоҳ қилди. Кейинги мақолаларининг бари бадий тил муаммоларига бағишланган. «Адабиёт тилдан бошланади» мақоласида О.Шарафиддинов И.Раҳимнинг «Генерал Равшанов» романидаги энг катта камчилик тилининг ишланмаганида эканлиги, бошқа барча қусурлар бевосита шундан ўсиб чиқишини асосли кўрсатиб берди. Афсуски, куюнчаклик билан ёзилган мақоланинг танқидий руҳини ҳамма ҳам сингдира олмади: асарнинг яхшилигини, айтилган камчиликлар жузъийлигини таъкидлаган мақолалар, китобхонларнинг хатлари чоп қилинди. Табиийки, танқидга бундай муносабат номақбул, бунинг устига бу эътирозлар асарнинг бошқа жиҳатларига таянган ҳолда билдирилганди. Яъни томонларнинг бири боғдан келса, иккинчиси тоғдан келади.

О.Шарафиддинов ўзи чуқур ҳурмат қилган ёзувчи шоирларимиз ҳақида қатор портретлар, адабий танқидий очерклар яратди. Мунаққиднинг А.Қаҳҳорга бағишланган «Истеъдод жилोलари», шунингдек, «Миртемир», «Мақсуд Шайхзода» номли портретлари жанрнинг танқидчилигимиздаги сара намуналаридан саналади. О.Шарафиддинов «Сўз санъатига фидоий садоқат», «Халқ бахтининг оташин куйчиси», «Шеърят қалб ёлқини» каби адабий танқидий очеркларида Ойбек, Ф.Фулум, А.Орипов сингари забардаст санъаткорларни китобхонга яқинлаштирди, уларнинг асарларидаги жозибани, шахсиятидаги юксакликни очиб берди. Ўзи фақат ўзбек адабиёти билангина чекланиб



қолмаган мунаққид ўзбек китобхонларига ўзга халқларнинг адиб ва шоирларни ҳам танитди, уларнинг асарларини тарғиб этди. (Масалан, «Яловбардорлар» номли китоби).

Истиқлол даврида О.Шарафиддиновнинг ижодий фаоллиги бир неча бор ортди. Мунаққид истиқлол арафаларидан бошлаб қатағон қилинган зиёлиларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганишга астойдил бел боғлади: ўнлаб мақолалар эълон қилди, китоблар чоп эттирди. «Шарқ» нашриёти чоп этган «Истиқлол фидойилари» туркумини О.Шарафиддиновнинг шу номли китоби бошлаб бергани бежиз эмас: олим жаҳидчилик, жаҳид адабиёти, 20-30-йиллар адабий жараёнинг билимдони ва жонкуяр гадқиқотчиси сифатида тан олинган. О.Шарафиддинов имкон бўлди дегунча ўзига кўпдан армон бўлиб келаётган мавзу — Чўлпон ҳаёти ва ижодини ўрганишга киришди. Ҳозирги ўзбек китобхонига шоир ҳақида илк тўлиқ маълумот берган «Чўлпоннинг ижодий йўли»(1987) мақоласи О.Шарафиддинов қаламига мансубдир. Олим «Кеча ва кундуз»нинг «Шарқ юлдузи»да қайта чоп этилишида (1988) жонбозлик кўрсатди, зарурият юзасидан асарни «ҳимоя» қилувчи сўз бошини, роман нашр этилганидан сўнг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида «Кеча ва кундуз» номли катта мақоласини эълон қилди. 1991 йилда мунаққиднинг Чўлпон ҳаёти ва ижоди ҳақида муфассал маълумот берувчи «Чўлпон» (1991) рисоласи чоп этилди. Хуллас, олим адабиётшунослигимизда янги бир соҳа-чўлпоншуносликка асос солди. О.Шарафиддинов шогирдларини ёнига олиб Чўлпон асарларини тўплаш ва нашр эттириш йўлида қаттиқ ишлади. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Чўлпоннинг «Адабиёт надур» (1994) номли тўплами, 3 жилдлик танланган асарлари (1994) китобхонлар қўлига етиб борди. Устознинг шогирдларидан бири Д.Қуронов бу ҳақда: «Домла ўзини аямай ишлади. Асли, ўша пайтда бу китоблар домланинг фидойилиги туфайлигина дунё юзини кўрди. Иқтисодий танглик кучайган шароитда домла нашриётма-нашриёт елиб-югурди, корхона ва ташкилотларга бош уриб ҳомий излади. Бировникини қўйинг, ўзининг китобини чиқариш учун ҳам бу даражада куюнчаклик қиладиган одам камдан-кам топилади», — дейди.

Дарҳақиқат, О.Шарафиддиновнинг истиқлол йилларида чоп этилган «20-30 йилларда жадид адабиёти», «Абдурауф Фитрат ва унинг «Ҳинд сайёҳи» асари», «Истиқлол қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир», «Адабиёт яшаса — миллат яшар» сингари мақолалари XX аср ўзбек адабиёти тарихини қайта яратишда, яқин ўтмиш адабий меросимига илмий ҳолис муносабатнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга моликдир.

О.Шарафиддиновнинг истиқлол даврида ёзилган қатор бадилари XX аср ўзбек адабиётида кечган ҳодисалар моҳиятини англашимизда муҳим аҳамиятга моликдир. Мунаққиднинг «Бир нутқ тарихи», «Бир асар муҳокамаси», «Нутқ ёки адиб ҳаётининг юлдузли онлари» каби қатор хотира типдаги мақолалари адабий жараённинг кенг ўқувчи оммага қоронғи томонлари билан таништиради, демак, уни кечаги кунга адолатлироқ муносабатда бўлишга даъват этади. О.Шарафиддинов шу йилларда ёзган қатор бадиларида А.Қаҳҳор, С.Аҳмад, Зулфия, А.Орипов, Ғайратий каби ижодкорлар ҳақида самимий меҳр билан ҳикоя қилади, уларни китобхонга қалбан яқин қилади. Мунаққиднинг журналистлар, адабиётшунослар билан қилган суҳбатларида ҳам адабий жараён, адабиётимизнинг эртаси, бугунги ижтимоий ҳаётнинг муҳим муаммолари ўртага ташланди, муҳокама қилинди.

Истиқлол йилларида О.Шарафиддиновнинг адабиётимиз, миллий маънавиятимизга қилган энг катта хизмати «Жаҳон адабиёти» журналидаги муҳаррирлик фаолияти билан боғлиқ, десак муболаға қилмаган бўламиз. Муҳаррир сифатида О.Шарафиддинов журналнинг ўқишли бўлиши билан бирга, унинг ўзбек ўқувчисини жаҳон адабиётининг энг сара асарлари билан таништиришига жиддий эътибор берди. Журнал мундарижасини бугунги ўзбек ўқувчисининг дид ва савияси, жаҳон адабиётидаги турфа йўналишлар, жамиятимизнинг бугунги ижтимоий-маънавий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тузишга алоҳида эътибор берди. Аввало, мутаржим сифатида ўзи ўнлаб асарларни таржима қилди, журналхонларга етказди. Шунинг таъкидлаш жоизки, журнал жаҳон фалсафий, адабий-эстетик тафаккурининг йирик намоёндалари асарларини чоп этиш билан адабий-назарий тафаккурнинг ўсишига ҳам жиддий таъсир этади...

Истиқлол йилларида О.Шарафиддинов амалга оширган ишлар — мунаққид ва публицист сифатида эълон қилган мақола-лар, адабиётшунос сифатида чоп эттирган рисола-лар, мутаржим сифатида ўзбекчалаштирган асарлар рўйхати-га бир сидра назар солинсаёқ, ҳар қандай ғайратли ёшнинг ҳавасини келтиради. Мунаққид ишлайдиган замон келганида ўзини аямай, фидоийлик билан меҳнат қилди. Буни юрт ҳам, юртбоши ҳам билди: олимга «Буюк хизматлари учун» орденининг берилиши шунинг ёрқин далили. Устоз О.Шарафиддиновда барчага ибрат бўларлик бир жиҳат бор : у - муттасил фикрлайдиган, фикри уйғоқ инсон. Шу боис ҳам у пайғамбар ёшидан ўтганида эътиқодини, қарашларини буткул ўзгартиришга, бугина эмас, ўтган кунларни холис тафтиш қилиш, адашганини бутун элга изҳор этишга ўзида куч топа билди. Энди йўқотишларни қоплашга чоғланиб, астойдил ишга киришганида соғлиғи панд берди. Шу оғир дамларда олим ўзида нафақат ғайрат, балки чексиз матонат, ҳайратомуз ирода кучи борлигини ҳам намоён этди. Бу ҳақиқий фидоийлик, жасорат, қаҳрамонлик намунасидирки, Республика Президентининг фармони билан олимга «Ўзбекистон қаҳрамони» унвонининг берилиши шунинг юксак эътирофидир.

## АДАБИЁТЛАР:

1. *Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти.* – Т.: «Шарқ», 2004.
2. *Расулов А. Истеъдод ва эътиқод.* – Т.: 2000.
3. *Қушжонов М. Дийдор.* – Т.: «Шарқ», 2004.
4. *Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. (Адабий танқидий мақола-лар)* – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 462-б.

## УМАРАЛИ НОРМАТОВ

(1931)

Ҳозирги ўзбек адабий танқидчилигининг йирик вакили Умарали Норматов қарийб ярим асрдан бери адабий жараёнда фаол қатнашиб келади. Мунаққиднинг илк мақоласи — «Ёш прозаикларнинг баъзи ютуқ ва камчиликлари» номи билан «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1957 йил 23 март сонида эълон қилинган. Шундан бери ўтган вақт давомида У.Норматов чоп эттирган адабий танқидий ишлар адади, китоб ва рисолалар, мақола ва тақризлар, сўз боши ва сўнгсўзлар — барини қўшиб ҳисоблаганда беш юздан ортиқ номдадир. Биз бу арифметик ҳисобни бежиз келтирмадик, мақсад — У.Норматовнинг ҳозирги танқидчиликнинг энг фаол ва сермаҳсул вакили эканлигини бу йўл билан ҳам асослаб қўйиш.

У.Норматов адабий танқидий фаолиятининг бошланиши ижтимоий ҳаётда бирмунча «илиқлик» юзага келган даврга тўғри келди. Айни шу шароит мунаққид табиатидаги энг муҳим хусусият — ҳайратнинг омон қолиши ва барқ уриб яшнашига имкон берди. Илк адабий танқидий чиқишлариданоқ У.Норматов адабий асардан гўзаллик излади, ундан ҳайратланди ва шу ҳайратини ўқувчиларга «юқтириш»га интилди. Шуниси муҳимки, худди шу нарса мунаққиднинг бутун фаолиятига хос ўзак хусусият, унинг асосий ижодий принципи бўлиб қолди. Тўғри, бу ҳайратга мунаққиднинг яна бир фазилати — бағрикенгликнинг қўшилиши баъзан бироз орттириб баҳолаш ҳолларини ҳам келтириб чиқарди. Бироқ бу мутлақо беғараз орттириб баҳолаш, аниқроғи, ғараз бўлса бордир, фақат у ижодкордан яхшироқ асарларни кутиш, китобхонни ушоққина гўзалликни ҳам қадрлашга ўргатишдан иборат холос.

У.Норматов «Ғафур Ғулом поэзиясининг эстетик принциплари» (1959), «Поэзиямизда гўзаллик проблемаси» (1960), «Ҳикояда воқеа ва характер» (1960), «Ҳикояда ритм» (1961), «Ҳикояда деталь ва тафсилот» (1962) сингари илк мақолаларидаёқ бадиият, асар поэтик хусусиятлари, ёзувчи маҳорати каби масалаларни диққат марказига қўйди. Бу эса У.Норматовнинг ўзбек ада-

бий танқидчилигидаги тараққиёт тенденциялари, унинг олдида турган вазифалар доираси, даврнинг ижтимоий-адабий талаб-эҳтиёжларини теран тушунганидан далолатдир.

У.Норматов ижодига назар солсак, унда адабиётнинг барча тур ва жанрларига мансуб асарлар таҳлилига бағишланган мақолаларни учратишимиз мумкин. Шундай бўлса-да, адабий жамоатчилик У.Норматовни кўпроқ проза танқидчиси сифатида эътироф этади. Мунаққид прозага айрича эътироф билан қараётгани илк мақолаларида (мас., юқорида зикр этилган ҳикоя жанрига оид мақолалар), М.Қўшжонов билан ҳамкорликда эълон қилинган «Маҳорат сирлари»(1968) китобида яққол кўзга ташланади. 70-йилларда У.Норматов ўзбек насри тараққиёти муаммоларини ўрганиш йўлида фаол изланди, шу изланишлар маҳсули ўлароқ унинг «Насримиз уфқлари»(1974), «Гўзаллик билан учрашув»(1976), «Насримиз анъаналари»(1978) номли китоблари яратилди. Албатта, ушбу китобларнинг мазмун-мундарижаси мунаққиднинг вақтли нашрлардаги чиқишларида асосан ёритилган. Бироқ бу китоблар аввал эълон қилинган ишларнинг оддийгина йиғиндиси эмас, балки муайян тизимга солинган, қайта ишланиб яхлитликка келтирилганидир. Яъни уларни ўқиган китобхон давр прозаси ҳақида изчил ва яхлит тасаввур олиши мумкин. Мунаққид 60-70 йилларда наср бобида олиб борган изланишлар 1977 йилда «Ҳозирги ўзбек насри» мавзуида ҳимоя қилинган докторлик диссертациясида мужассам ифодасини топди.

У.Норматовнинг адабий-танқидий фаолиятига бир сидра назар солинсаёқ унинг ижоди жанр жиҳатидан ранг-баранг эканлигини кўриш мумкин бўлади. Мунаққид ижодида тақризлар, обзор ва проблематик мақолалар, адабий танқидий очерклар билан бир қаторда портрет ва суҳбатлар ҳам кенг ўрин тутишини кўриш мумкин. У.Норматовнинг «Шуҳрат»(1969), «Саид Аҳмад»(1971) номли китоб ҳолида нашр қилинган портретлари алоҳида олинган ижодкор фаолиятини атрофлича ёритиши, уларнинг асарларини хайрихоҳлик билан таҳлил қилиши жиҳатидан характерлидир. Булардан ташқари, У.Норматов қатор адибларимизнинг асарлари нашрига ёзган сўзбоши ва сўнгсўзларини ҳам жанр эътибори билан адабий портрет, адабий танқидий очерк

дейиш мумкин. Жумладан, С.Аҳмад («Эл ардоқлаган адиб»), П.Қодиров (Ҳақиқатнинг машаққатли йўли»), Х.Тўхтабоев («Қисса ва унинг автори ҳақида»), Мирмуҳсин («Халқ билан ҳамнафас») каби адибларимизнинг асарлари мунаққид сўз бошиси билан очилади. Уларда мунаққид ёзувчини китобхонга танитади, унинг асарлари ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашади, қисқаси, муаллиф билан ўқувчини бир-бирига яқинлаштиради. Сўзбошиларнинг бошқа бир хилида асосий урғу нашр этилаётган асар таҳлилига қаратиладики, мунаққиднинг фикрлари ўқувчига асар моҳиятини англаш учун калит бўлиб хизмат қилади. Масалан, мунаққид «Лолазор» романи нашрига ёзган «Кечаги кунимизнинг ҳалол ва теран таҳлили» номли сўзбошида асарнинг ифода ва тасвир йўсинидаги ўзига хосликни очиб беради, унинг анъанавий романларимиздан фарқли нуқталарига ўқувчи диққатини жалб этади. Бу эса ўқувчининг миллий насрчилигимиздаги ўзгаришларни илғаб олишида, ўқувчи омманинг бадий диди тарбиясида жуда муҳим эди.

У.Норматов суҳбат жанрига алоҳида эътибор билан қарайди, ўзининг аксарият китобларида бу жанрга махсус ўрин ажратади. Мунаққиднинг Н.Сафаров, Ҳ.Фулом, Мирмуҳсин, А.Мухтор, Саид Аҳмад, П.Қодиров, Ш.Холмирзаев каби атоқли адиблар билан ўтказган суҳбатларида<sup>219</sup> сўз санъати, ёзувчи ва жамият муносабати, жорий адабий жараён хусусиятлари, ижод психологияси, ижодий лаборатория каби адабиётшунослик учун муҳим масалалар ўртага ташланади, уларни муҳокама қилинади. Айтиш керакки, ёзувчи билан ўтказилган ҳар қандай суҳбат (интервью) ҳам адабий танқидий асар бўлолмайди. Бунинг учун суҳбатда адабиётшуносликнинг, жорий адабий жараённинг муҳим масалалари мавзуга олиниши зарур. У.Норматов ўтказган суҳбатлар эса шу талабга тўла жавоб беради. Мунаққид ҳамсуҳбат ижодкорнинг сўз санъатига оид муайян масаладаги фикр-мулоҳазаларини билишга йўналтирилган саволларни қўяркан, масаланинг адабиётшунослигимиз учун, ўқувчи омма учун аҳамиятлилигини бош мезон қилиб олишга интилади. Суҳбатни ўқиган

---

<sup>219</sup> Бу суҳбатлар «Етуклик»(1986) китобига киритилган.

киши ижодкорнинг адабий-эстетик қарашлари билан танишиш, уни инсон сифатида яқиндан билиш, тушуниш ва шу асосда асарларини чуқурроқ англаш имконига эга бўлади.

У.Норматов ижодида ҳам, бугунги кун нуқтаи назаридан қаралса, социалистик реализм догмалари, ғоявийлик талаби билан юзага келган камчиликлар, албатта, бор. Буни олимнинг ўзи ҳам мардона иқрор қилади. Ўзининг илгари ёзганлари ҳақида: «Ўзимча хомчўт қилиб чиқсам уларнинг деярли тўртдан уч қисми бугун аҳамиятини йўқотибди. Бунинг боиси шундаки, ўша аҳамиятини йўқотган ишлар адабий жараёндаги ўткинчи, танқиддан тубан нарсалар ҳақидадир, арзимас нарсалар ҳақидаги баҳс-мулоҳазалардир»<sup>220</sup>, — дейди. Албатта, олимнинг ушбу иқрори кейинги бўғин мунаққидлари учун сабоқ бўларли. Мунаққид «танқиддан тубан» деганида танқид объекти масаласининг муҳимлигини, танқид учун манба бўларлик нарса ҳақида ёзиш кераклигини назарда тутди. Ҳозирда баъзилар У.Норматовни «социалистик реализм ҳақида энг кўп ёзган» дея маломат қилмоқчи бўлишади. Дарҳақиқат, олим 70-80 йилларда социалистик реализм масалаларига бағишлаб «Социалистик реализм ва реалистик ижод типи»(1972), «Социалистик реализм йўлидан» (1973), «Социалистик реализм ва ҳозирги адабий жараён» (1975), «Ҳаракатдаги реализм» (1983), «Методимизнинг ҳаётийлиги ҳақида» (1986), «Методимизнинг моҳияти ҳақида» (1989) сингари қатор мақолалар ёзди. Бироқ бир нарсани эътироф этиш керак: У.Норматов ҳеч вақт методни догматик тушунган эмас, аксинча, ҳамisha социалистик реализмни «очиқ система» деб билганлар қаторида бўлган, унинг рамкаларини кенгайтиришга интилган. Айтмоқчимизки, У.Норматов талқинидаги социалистик реализм билан 30-, 40-, 50-йиллар тушунчасидаги қотиб қолган қолипни бир хил тушуниш хатодир.

Истиқлол йилларида адабий танқид соҳасида ишлаётган энг фаол муаллифлардан бири, шубҳасиз, У.Норматовдир. Мунаққид адабий жараёндаги ҳодисаларни жонкуярлик билан кузатади, муаммоларни ҳал қилиш йўллариини излайди, ютуқлардан

---

<sup>220</sup> Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати. – Т.: 2000, 50-6.

қувонади. Кейинги йилларда У.Норматовга хос бағрикенглик, тангилик, янгиликка ўчлик бор бўйи билан кўринди, спортчилар таърифи билан айтсак, иккинчи нафаси очилди. Энг муҳими, мунаққид «замонга мослашди» эмас, бундай ўйловчилар янгилади. Зеро, У.Норматов шахс ва мунаққид сифатидаги «жавҳар»ини сақлаб қолди.

У.Норматов шўро даври адабиётига, хусусан, А.Қодирий, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом ижодига бағишланган мақолаларида ўзининг илгариги қарашларига жиддий ўзгаришлар киритди. «Қодирий боғи», «Ўтган кунлар» ҳайрати» китобларида, вақтли матбуотда эълон қилинган қатор мақолаларида улуг адиб ижодини теран илмий таҳлил қилди, унинг умумбашарий моҳиятини очиб, адабиётимиз ривожига тутган улкан ўрнини асослаб берди. «Қаҳҳорни англаш машаққати» номли мўъжазгина китобчасида мунаққид адиб асарлари қатидаги шу пайтга қадар англамаган мазмунларни очиб берди. Китобнинг номланишида ҳам чуқур мазмун бор: У.Норматов А.Қаҳҳор асарларини навқирон пайтларидан бошлаб ўрганади, мана эндигина унинг моҳиятига яқинлашгандек бўлиб турибди. Китобни ўқигач, 80-йиллар охири 90-йиллар бошидаги шўро даври адабиётига нигилистик муносабатнинг асоси бўшлигига амин бўламиз. Шуниси эътиборлики, У.Норматов А.Қаҳҳор ижоди билан XX аср Ғарб адабиётидаги оқимлар орасида муштарак нуқталарни кўради. Хусусан, адибнинг асарларида «абсурд туйғуси» борлигини ёзади. Тўғри, бу фикрга кўпчилик адабиётшунослар қўшилмади, матбуотда баҳслар бўлиб ўтди. Бироқ мунаққиднинг фикрини буткул асоссиз деб бўлмайти. Ҳали бу ҳодисани — 70 йил изоляция ҳолатида қолган ўзбек адабиётига ўша давр Ғарб адабиётининг таъсири масаласини ўрганишга бағишланган асарлар яратилади, баҳсли масала ҳал қилинади. У.Норматов ҳозир билдирган фикрлар эса муаммога илк бор диққатни жалб этиши, ўша ишларни амалга оширажак тадқиқотчиларнинг фикрига тўртки бериши жиҳатидан катта аҳамиятга эгадир.

Истиқлол йилларида У.Норматов жорий адабий жараён муаммолари билан ҳам жиддий шуғулланди. Мунаққиднинг «Умидбахш тамойиллар», «Адабий жараёндаги ғаройиб робиталар»,



«Жасорат жозибаси», «Сукутда эмас, ҳаракатда» каби қатор мақолалари, тақризлари, суҳбатларида бугунги адабиёт муаммолари атрофлича муҳокама қилинади.

У.Норматов — фикри навқирон мунаққид. У кишидаги ёшларга хос ғайрат, куюнчаклик, гўзаллик қаршисида туганмас ҳайрат бор экан, ҳали кўп асарлар кутишга ҳақлимиз.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. *Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати.* – Т.: 2000.
2. *Норматов У. «Утган кунлар» ҳайрати.* – Т.: 1996.
3. *Абдулла Қодирийнинг бадший дунёси.* – Т.: 1994.
4. *Норматов У. (Библиографик кўрсаткич).* – Т.: 1990.
5. *Ўзбек совет танқиди тарихи. Икки том.* – Т.: 1987.

## АБДУҒАФУР РАСУЛОВ

(1937)

Абдуғафур Расулов адабий танқидчилигимизда ўзига хос ўрни, ўз «овоз»ига эга мунаққидлардан биридир. Мунаққиднинг ўзига хос овози ТошДУ (ЎзМУ) ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасида О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Худойберганов сингари забардаст танқидчилар билан биргаликда кечган узоқ йиллик муаллимлик фаолияти давомида обдон тобланди. Энг муҳими, бу овоз шу машҳур кафедра ижросига уйғун жўровоз бўлгани ҳолда ўзлигини ҳам сақлаб қололди. А.Расулов қарийб қирқ йилдан буён адабий жараён ичида қайнайди, адабиёт билан бирга нафас олади — 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб матбуотдаги мақолалари, радио ва телевидениедаги чиқишлари, синфхоналардаги ёниқ маърузалари билан адабиётимиз равнақига хизмат қилиб келади.

А.Расулов танқидчилик фаолиятида насримиз муаммоларини ўрганишга бағишланган проблематик мақолалар, шарҳлар, тақризлар кенг ўрин тутди. Мунаққид насрий асарларни таҳлил қиларкан, уларнинг ҳаёт билан алоқаси, бадний ўзига хослиги каби муҳим жиҳатларни диққат марказига қўяди. У конкрет асарни умуми адабиёт контекстида баҳолашга, ўша асар ҳақида билдирилган фикрларни эътиборда тутишга ҳаракат қиладики, бу мунаққид баҳоларининг холис бўлишини таъмин этади. Албатта, А.Расуловнинг шўро замонида ёзилган мақолаларида даврнинг, ҳукмрон мафқуранинг таъсири йўқ эмас. Бироқ унинг босиқ-вазмин мулоҳазалари, ўрни билан ўртага ташлаган саволлари замирида айтиши лозим бўлган, лекин айтолмаган фикрларини уқиб олиш имконияти ҳар вақт бор эди. Масалан, Ҳ.Фуломнинг «Машраб» романи ҳақида тўхталиб, мунаққид шоир «ҳаётининг фалсафий моҳияти теран бадний таҳлил қилинмаган»идан қониқмаганини изҳор қилади<sup>221</sup>. Сабаби, романда тасвирланган «воқеалар мантиқидан Машрабнинг Тутихонга бўлган севгисидан улугроқ муҳаббати борлиги англашилади». Зукко китобхон бу ўринда гап Маш-

<sup>221</sup> Расулов А. Танқидчилик уфқлари. — Т.1985, 116-6.

рабнинг қалбини эгаллаган «ишқи илоҳий» ҳақида бораётгани, мунаққид шоир ҳаётининг фалсафий моҳиятини бусиз идрок этиб бўлмаслигини таъкидламоқчи эканини англайди. Ёки И.Раҳимнинг «Оқибат» романидаги Бой ота образига тўхталиб, ёзади: «Бу одам 30-йилларда от-араваси, қўшхўкизи, ичкари, ташқари ҳовлиси бўлгани учун сургун қилинган эди. Кейинчалик у ноқоратупроқ ерларга бориб қолган. Бой ота Ўзбекистондаги ерида колхоз раиси яшаётганини, раиснинг икки машинаси, жуда муҳташам иморати борлигини кўради. У бир нарсага тушуна олмайди: нега раиснинг бойлигини мусодара қилишмайди? Бу образ характери ни чуқурроқ ёритиш мумкин эди»<sup>222</sup>. Эътибор берилса, мунаққид шўро тузумининг моҳиятига ишора қилаётганига, романдаги шу эпизодда ўша моҳиятни очиб кўрсатиш имконияти амалга ошмаганига эътиборни қаратади. Албатта, 80-йилларга келиб фикр айтиш имконияти бироз кенгайгани тўғри, лекин ўшанда ҳам шўро тузумининг моҳиятига даҳл қилувчи фикр айтиш маҳол эди.

А.Расулов бадий асарга талабчанлик, шу билан бирга ижодкорни ҳурмат қилган ҳолда ёндашади. Зеро, у ўзининг ижодкор ва ўқувчи орасидаги занжир эканлигини, ҳар иккиси олдида ҳам масъуллигини теран ҳис қилади. Масалан, «Бир йилнинг прозаси» номли обзорида мунаққид Ҳ.Фуломнинг «Машраб», Мирмуҳсиннинг «Илдизлар ва япроқлар», И.Раҳимнинг «Оқибат» романларига тўхтаб, аввал улардаги ютуқ ва камчиликларни холис кўрсатади. Сўнг уларда муаллифларнинг имкониятлари тўлиқ намоён бўлмаганлигини таъкидлаб, бунинг сабабини «инсон умри ва югурик вақт орасидаги зиддиятда», яъни бу асарларнинг шошиброқ ёзилганида деб кўрсатади. Мунаққид муаллифнинг тушунгиси келади: «одам иложи борича кўп ишлашга, кўп маҳсулот беришга интилади». Бироқ китобхон олдидаги масъулиятини ҳам унутмаслик керак: «Тезкорлик, ижодий фаоллик яхши хусусият. Лекин китобхоннинг эҳтиёж ва талабларини ҳисобга олиш ҳам ҳеч қачон зиён келтирмаган. Буни унутмаган ёзувчиларгина муваффақиятга эришадилар»<sup>223</sup>. Шу йўсин босиқ-

<sup>222</sup> Шу китоб. 119-6.

<sup>223</sup> Ўша китоб. 120-6.

лик билан, таҳлилга таяниб чиқарилган хулоса эътироз уйғотмайди: ижодкорга ҳам, ўқувчига ҳам бирдек фойдали бўлади. Худди шундай талабчанлик «Тарих. Фалсафа. Роман» мақола-сида ҳам кузатилади. Мунаққид романнинг табиати, унинг бадиий тафаккурдаги ўрни ҳақида жиддий мулоҳазаларни ўртага таш-лагач, «Ҳамма ҳам роман ёзиши шартмиди?» деган саволни қўяди. Ўзи қўйган саволга «Йўқ, шарт эмас», дея жавоб берар-кан, мунаққид буни атрофлича асослайди. Унинг фикрича, ро-манда «асосли романий тафаккур» бўлиши шарт. Шу жиҳатдан қараб, мунаққид О.Холдорнинг «Миркомилбой», Р.Рауповнинг «Устун», Қ.Давлатнинг «Хусумат» асарлари роман талаблари-га етарли жавоб бермаслигини айтади. А.Расулов мақолада му-ҳим муаммога диққатни тортади: «Афсуски, аждодлар ҳақида яратилаётган кўпчилик асарларда умумий гаплар, гурур, мақта-ниш каби хусусиятлар етакчи бўлиб қолмоқда». Мунаққид тала-бича, тарихни оддийгина тасвирлаш адабиётдан йироқ бўлгани-дек, уни бадиий гавдалантиришнинг ўзи ҳам камлик қилади-ро-маний тафаккур, бадиий фалсафагина асарни романга айланти-ра олади.

/ А.Расулов ижодида портрет жанри алоҳида ўрин тутади. Му-наққиднинг О.Ёқубов ижодига бағишланган «Тиниқлик», устози О.Шарафиддинов ҳақида «Озод Шарафиддинов» (1980) ва «Ис-теъдод ва эътиқод» (2000) портрет рисолалари, ўз вақтида ёшлар мукофотига сазовор бўлган. Х.Тўхтабоев, Г.Нуруллаева, Г.Жўрасва, И.Фафуров, Ҳ.Худойбердиева, О.Ҳожисва, Ў.Ҳоши-мовлар ҳақидаги мўъжаз портрет мақоалари жанр такомилига сезиларли улуш бўлиб кўшилган. А.Расуловнинг «Ардоқли адиб» номли рисоласи ҳам портрет жанрида ёзилган бўлиб, унда Ў.Ҳо-шимов ҳақида сўз юритилади. Ушбу портрет ўзига хос услубда, чуқур самимият билан ёзилганки, бу нарса унинг ўқишли бўли-шини таъмин этган. Айтиш керакки, мунаққид «Ардоқли адиб» портретини жанр «канон»ларига мувофиқ яратган: унда биогра-фик методдан жуда самарали фойдаланилган. Муаллиф адиб-нинг аждодлари, у вояга етган муҳит, маҳалла ҳақида ҳам жуда муҳим маълумотлар беради. Бу маълумотлар адибнинг ёзувчи ва инсон сифатида шакллантирган омишлар ҳақида тасаввур бе-

риб, ёзувчининг ҳаётидан олинган ёрқин лавҳалар билан бирга уни ўқувчи кўз олдида бир инсон сифатида гавдалантиради. Хуллас, мунаққид ўқувчини ёзувчи ижоди орқали шахсига, шахси орқали ижодига яқинлаштириш мақсадини кўзлаган ва бунга эришган. Муҳими, ушбу портрет ёзувчига неча йиллик яқин дўст бўлиб, унинг ижодини адабиётдаги илк қадамлардан бошлаб кузатган зукко мунаққид томонидан ёзилган. Шу туфайлигина муаллиф адибнинг ҳаёти ва ижодини бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда ёрита билган. Натижада китобни ўқиган ўқувчи адиб яратган асарларнинг дунёга келиши ҳақида, умуман, бадий ижод ҳақида, бадий асарнинг ҳаёт билан алоқаси ҳақида яхшигина тасаввурга эга бўлади.

А.Расулов ижодида адабий танқид муаммоларига бағишланган қатор мақолалар мавжуд. Мунаққид сифатида у ўз касби сир-синоатлари, қонун-қоидаларини билишга, ўзи хизмат қилаётган соҳанинг «ҳарорати»ни ҳис этиб туришга қизиқиши табиий, албатта. «Танқидчилигимиз уфқлари»(1985) китобига киритилган «Теран томирлар», «Танқид тарозусининг олмос тоши» номли мақолаларида А.Расулов танқид методологияси масалаларини ёритади. 80- йилларга келиб кўп мунаққидлар қатори у ҳам танқидчиликнинг назарий тайёргарлиги ҳақида қайғуриши бежиз эмас эди. Зеро, бу даврга келиб танқидчилик, адабий танқидий тафаккурни ўзгартириш зарурати юзага келаятгани тобора равшан бўлиб бораётган эди. А.Расулов бу ўтқир муаммони чуқур ўрганишга бел боғлади. Жумладан, унинг «Тақдирлар талқини» номли мақоласида «Меҳробдан чаён»нинг танқидчиликдаги турлича талқинлари, асарни талқин қилиш ва баҳолашда йўл қўйилган хатолар ва уларнинг омилларини конкрет мисол ёрдамида кўрсатди, танқид тамойилларини ўзгартириш зарурлигига янада чуқурроқ амин бўлди. А.Расулов 90- йилнинг ўрталаридан шу долзарб масалани жиддий ўрганишга киришди: қатор мақолалар эълон қилди. Мунаққид шўро даври адабий танқидчилиги тутган йўл бадийатга зидлигини, бадий асарга ёндашиш, уни англаш ва баҳолашдаги бузулишларни чуқур англади, энди янги йўлдан бориш зарурлигини теран ҳис қилди. Унинг «Илми ғарибани қўмсаб»(1998)

номли рисоласида мумтоз Шарқ адабиётшунослигидаги талқин илми ҳақида фикр юритилади. А.Расулов кўҳна Шарқда бадий асарни идрок қилиш анъаналари, шу билан боғлиқ «илми ғариба», «аҳли дарк», «зурафо» сингари тушунчалар мавжуд бўлганини, аслида, ҳозирги Ғарб адабиётшунослигида энг илгор деб қаралаётган йўналишлар илдизи шу анъаналарга бориб тақалишини кўрсатди. А.Расуловнинг бу изланишлари «Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси» (2002) номли докторлик тадқиқотида ўзининг мантиқий якуини топди: олим танқид назарийтчиси сифатида эътироф этилди.

А.Расулов ҳозирда ҳам фаол ишламоқда: матбуотда қатор мақола ва тақризлар эълон қилиб тургани, радио ва телевидениедаги чиқишлари, «Китоб дунёси» газетаси орқали ўқувчиларга янги китобларни таништириб бораётгани, юзлаб шогирдларга сабоқ бераётгани шунинг далилидир. А.Расулов ижодий кучга тўлган пайти, олимнинг режалари ҳам бисёр. Умид қиламизки, Шарқдаги «илми ғариба» ҳақидаги катта тадқиқотлар, «биринчи жумла» ҳақидаги айтиб юрган фикрларини жамлаган йирик мақолалар ҳали олдинда.

## АДАБИЁТЛАР:

1. *Расулов А. Танқидчилик уфқлари. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 149-б.*
2. *Расулов А. Илми ғарибани қумсаб. – Т.: «Маънавият», 1998, 61-б.*
3. *Расулов А. Ардоқли адиб. – Т.: «Шарқ», 2000.*
4. *Расулов А. Янги замон — янги қаҳрамон. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 136-б.*

## ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ

(1937)

Иброҳим Ғафуров — серқирра ижодкор. У ўзининг ижодий фаолиятини ҳикоялар ёзишдан бошлаган: республика матбуотида бир қатор ҳикояларини чоп эттирган, таржимонлик фаолияти ҳам жуда сермаҳсул: ўзбек китобхони «Алвидо, қурол!», «Чол ва денгиз», «Жиноят ва жазо», «Телба», «қиморбоз», «Панчатантра», «қиёмат», «Зардушт таваллоси» сингари дурдона асарларни И. Ғафуров таржимасида ўз она тилисида ўқиш имконига эга бўлган. И. Ғафуровнинг мансуралари кўпчилик шеър ихломандларининг дилидан жой олди, кўнгиллар сарҳадини кенгайтириб, шеърини тафаккурни чуқурлаштиради... Буларни бежиз эслатмадик. Зеро, И. Ғафуров ижодий фаолиятининг асосий соҳаси бўлган танқидчилигида буларнинг бари ўз изини қолдирган. Унинг адабий танқидий асарларидаги ўзига хослик — илмий ва бадий тафаккурнинг синтезлашуви, баъзан кейингисининг ус-туворроқ бўлишининг асоси шунда.

И. Ғафуров адабиёт ҳақида эҳтирос билан ёзади. Бу хусусият мунаққиднинг илк адабий танқидий чиқишлари, жумладан, «Ўзбек адабиёти масалалари» (1962) тўпламига киритилган «Саодатга ҳамнафас бўлиб» номли йирик ҳажмли мақоласида ҳам кузатилади. И. Ғафуров мақолада Саид Аҳмад ҳикояларини таҳлил қиларкан, улардаги лирик руҳни чуқур ҳис этади, адабий танқидий фикрларини ифодалашда бадий образлардан ҳам фойдаланишга интилади. Бу хусусият И. Ғафуровнинг бутун адабий танқидий фаолиятига хос бўлди, йилдан-йилга сайқалланиб, ортиқчаликлар бартараф этилиб борди. О. Шарафиддинов мунаққиднинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан ёзган мақоласида у ҳар гал адабиётнинг санъат эканига, нафосат эканига, унда гўзаллик ва нафосат мужассам эканига алоҳида урғу беради. Мақолаларида асарлардаги ана шу гўзаллик ва нуқраларни қидиради, топади ва ўз кашфиётларини китобхонга тақдим этади»<sup>224</sup>, — деб ёзган эди. Дарҳақиқат, ўзининг илк китобини «Гўзалликнинг

<sup>224</sup> Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. — Т.: 2004, 561-б.

олмос қирралари» (1964) деб номлаган мунаққид ўз фаолиятида унинг янги-янги қирраларини очишга, борларини ёрқинроқ жил-валантиришга интилди.

И.Ғафуров шеърият танқидчилигида, айниқса, фаол ишлади, шеърни нозик идрок этувчи мунаққид сифатида танилди, тан олинди. Мунаққид шеъриятга жуда юксак талаблар билан ёндашади, жумладан, «Одамни севиш» номли мақоласида: «Шоир киши — сара гап кишиси. Зотан, сара гап одам кўнглини бойитади, одамни ичида боғлар, чаманзорлар яратади, юксак муҳташам қасрлар қуради, олижаноблик деб аталган адабий тирик тегирмоннинг парраklarини айлантиради», — деб ёзади. Модомики «шеър — сара гап» экан, у ўқувчи қалбида худди шундай ўзгаришлар ясаши шарт, акс ҳолда у ўзининг миссиясини — зиммасидаги вазифани бажармаган бўлиб чиқади. И.Ғафуров шеър, шеърият олдига мана шундай юксак талаблар қўяди, конкрет шеърга, шоирга шу талаблар асосида муносабат билдиради, баҳолайди.

И.Ғафуров шеъриятдаги ўзгаришларни, янгиликларни теран илғайди, боиси, у ўзбек шеъриятини, қадимдан то ҳозирги кунга қадар, яхлитлигича назарга олган ҳолда фикр юритади, конкрет ҳодисани шу бутунлик ичида баҳолайди. Масалан, 70-йилларда шеъриятга кириб келган авлод ҳақида у: «Агар бу наслнинг лирик қаҳрамонини ўттизинчи ёки эллигинчи йилларнинг лирик қаҳрамонларига солиштирсак, ўртадаги фарқларни, даврнинг кескин белгиларини аниқ кўрамиз. Саксонинчи йилларга кириб бораётган ва бизнинг ёш шоирларимизни қалб кўрида товланиб чиқаётган бу қаҳрамон нафис туйғуларга, нозик сезимларга, майин сўзга жуда ташна. У жар солмайди, баёнотлар бермайди, у ўзи ҳақида, ўз сезгилари, кечинмалари, ҳаётини қарашлари ҳақида жуда секин, жуда майин, жуда беозор сўзлайди. Лекин у ўзининг жуда секин айтаётган гапларини бутун дунё эшитишини хоҳлайди»<sup>25</sup>. Мунаққид шеърхон ва шеършуносларда катта умид уйғотиб адабиётга кириб келган бу авлодга хос хусусиятларни жуда теран илғайди. У шеърият 30-50 йиллардаги каби «бақириб» эмас, аксинча, жуда секин гапириб, инсоннинг дилидаги

<sup>25</sup> Ғафуров И. Лириканинг юраги. — Т.: 1982, 78-6.



майин торларини чертиб ҳам ўзини дунёга эшиттириши мумкин, деб билади. Яна бир нуқта: мунаққид 30-50 йиллар шеъриятидаги айрим тенденцияларни у қадар маъқулламагани кўриниб турибди, лекин буни очиқ айтмайди, балки унинг зидди бўлган ижобий ҳодисани ёнма-ён кўйиб фикрлайди, хулоса ўз-ўзидан келиб чиқаверади. Бу ҳам бир ибрат. Зеро, адабиёт ҳақида сўз борганда даврни даврга, авлодни авлодга қарши қўймаслик, ҳатто, очиқ кўриниб турган зиддиятлар замчирида ҳам кўринмас алоқа-ворисийлик борлигини кўра олиш учун мунаққид кенг кўламда фикрлай оладиган бўлиши керак. И. Ғафуров ана шундай мунаққидлардан. Унинг мақолаларида фикрнинг эркин парвози кузатилади: у бугунги шеърят ҳақида сўз юритаркан гоҳ мумтоз адабиётимизга, гоҳ қадим оғзаки ва ёзма ёдгорликларига, гоҳ жаҳон адабиёти дурдоналарига мурожаат қилади, қарашларини улуг мутафаккирлар фикрлари билан мустаҳкамлайди. И. Ғафуров мақолаларини ўқиганда миллий адабиётлар орасида чегаралар «шаффоф» эканлигини, мавжуд ҳар не айирмаларга қарамай башариятнинг илдизи бирлигини ҳис қилади киши. Бу эса ориф сўздан ўқувчи дилига тушган маърифат нуридир.

И. Ғафуров шеърятимизнинг катта авлоди вакиллари - Ойбек, Миртемир, М. Шайхзода, У. Носир, Зулфияхонимлар ижодини меҳр билан ўрганди; «Усмон Носир», «Она юрт куйчиси», «Ўртоқ шоир» сингари китобларида уларнинг ўзига хос жозибасини очиб берди. Мунаққиднинг «Жозоба», «Ёнар сўз», «Ямшил дарахт», «Юрак — аланга», «Лириканинг юраги», «Шеърят — изланиш демак», «Ўттиз йил изҳори», «Дил эркинлиги» каби китобларида шеърятимиз, адабиётимизнинг муҳим масалалари муҳокама этилади.

80-йилларда И. Ғафуров ҳазрат Навоий ижоди ҳақида қатор мақолалар эълон қилди, шоир руҳиятига яқинлашиш, ўқувчиларни унга яқинлаштиришга интилди. Адабиётшунос Н. Комилов бу ҳақда: «Навоийшуносликда кўп тадқиқотлар ёзилган, кўп фикрлар айтилган. Иброҳим Ғафур бу борада ҳам ўз сўзини айта олди. Кўп йиллар мобайнида Алишер Навоий ижодининг фалсафий асоси бўлган тасаввуф инкор қилиб келинган <...> бир пайтда Иброҳим Ғафур тасаввуф таълимотини махсус ўрганмаган

бўлса-да, аммо савқи табиий амри билан Алишер Навоий ижодини шўро навоийшунослари йўлидан бориб тушуниб бўлмаслигини исботлади», — деб ёзади. Олимнинг эътирофича, И.Ғафур ўзининг савқи табиийси билан «сўфиёна талқинга ҳам яқинлашиб борди»<sup>226</sup>. Н.Комиловнинг юксак баҳоси, эътирофи «Ўттиз йил изҳори» китобига киритилган «Хамса» талқинларига асосланади. Мунаққид «Хамса» дostonларини замонга боғлашга, уларнинг шу кун учун аҳамиятини таъкидлаб кўрсатишга интилади. Навоийшунослик илми учун, эҳтимол, бу талқину таҳлиллар қиммати жуда юқори бўлмаслиги мумкин. Лекин оммавий китобхон учун жуда зурур: мунаққиднинг дилбар, дилкаш талқинлари Навоийни ўқувчига яқинлаштиради, унинг дилида Навоийни ўқиш иштиёқини уйғотади. Чинакам танқиднинг бош вазифаси ҳам шу, аслида И.Ғафуровнинг «Билсак англасак», «Кўнгилнинг нозиклиги», «Икки дебоча аро», «Мактубларда Навоий сиймоси», «Койнот, кўҳна равоқ ва Навоий», «Навоийнинг хаёл кемаси» сингари мақолалари ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Мунаққид бу мақолаларида Навоий шахсини англашга, унинг руҳига кириш, ҳазрат кўнгилдан кечган ҳисларни ўз кўнгилдан кечирриш, ўйидагини билишга интилади. Навоийнинг ҳаётдаги ақидаси, мавжуд имконлар ичидан танлаган йўли ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Навоийнинг улуғ руҳи ҳамиша дарвешлик ва сўфийликка мойил ва талабгор эди. Лекин у ҳақиқат сирига етиш учун таркидунё қилмади.

Балки ҳеч тўхтамай халқ учун тер тўкди.

У Ҳақ, Фано қошида қандай жавобгарлик ҳис қилса, Халқ ва Тарих олдида ҳам шундай жавобгарлик сезарди». Зотан, Навоийнинг энг буюк ибрати, асрлар оша қимматини йўқотмаган ва йўқотмайдиган ибрати ҳам шудир. Бунинг англаш, тушуниш эса Навоий асарларини қайта-қайта мутолаа қилиш, унга қалбан яқин бўла олиш натижасидагина насиб бўлади.

И.Ғафуров шеъринг танқидчилиги билангина чекланиб қолгани йўқ, балки насрий асарларини ҳам ўзинга хос тарзда таҳлил

<sup>226</sup> Комилов Н. Бедор қалб. Ғафуров И. Дил эркинлиги. — Т.: 1998, 3-8 бетлар.

қилди. Жумладан у С.Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров каби стук адибларимиз асарлари таҳлиliga бағишланган мақолалар, на-сримиз муаммолари ўрганилган проблематик обзорлар, ёшлар насри талабчанлик билан таҳлил қилинган шарҳлар, қатор тақ-ризлар эълон қилди. Айниқса, мунаққиднинг А.Қодирий асарла-ридаги нозик жиҳатларни нуқтадонлик билан очиб берилган «Шоирона, дарвешона бир маъно», «Раънонинг кашфи», «Раъ-но ва Хайём» сингари мақолалари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

И.Ғафуров фаолиятидаги яна бир ибратли жиҳати шуки, у адабий-танқидий асарларини ўқишли бўлиши ҳақида ҳамма вақт қайғуради. Мунаққиднинг мақолалари равон ва ҳиссий тўйинтирилган тилда ёзилгани, асарни ҳаётдан ва адабиётдан келтирилган кўплаб мисоллар билан қиёслаб таҳлил этиши, ку-тилмаган фикр-хулосаларга бойлиги билан ўқувчини жалб эта-ди. Шунингдек, И.Ғафуровнинг адабий-танқидий асарлари жанр жиҳатидан ҳам ранг-баранг: тақриз, обзор ва проблема-тик мақолалар билан бир қаторда адабий ўйлар, эсселар ҳам кенг ўрин тутди. «Адабий қаҳрамонларга хатлар» туркумини мунаққиднинг жанр бобидаги топилмаси деб айтиш мумкин. И.Ғафуров «Одам бўлиш қийин» романидаги Гулчегурага, «Сев-гим, севгилим» қиссасидаги Ойпопукка, «Ёз ёмғирида»ги Му-нисхонга ёзган хатларида асарлар таҳлили ўзига хос шаклда амалга оширилади.

Албатта, И.Ғафуров танқидий фаолиятида шўро мафкура-си таъсиридан қутула олмаслиги табиий эди. Унинг қатор ма-қолаларида социалистик реализм талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, адабиётнинг вазифаларини шўроча тушуниш-нинг таъсири сезилади. Шунга қарамай, уларни инкор қилиб, эскирдига чиқариб бўлмайди. Негаки, уларда адабиётга санъ-ат ҳодисаси сифатида қараш, асардан гўзаллик ва нафосат из-лаш, санъаткордаги маҳорат ва истеъдодни қадрлаш устувор-лик қилаверади.

## АДАБИЁТЛАР:

1. *Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти.* – Т.: «Шарқ», 2004, 561-б.
2. *Ғафуров И. Прозанинг шоири.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 160-б.
3. *Ғафуров И. Шеърят-изланиш демак.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1984, 224-б.
4. *Худойбергандов Н. Эҳтирос тўлқинлари.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970, 328-б.
5. *Ғафуров Иброҳим. Ям-яшил дарахт.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 328-б.

## НОРБОЙ ХУДОЙБЕРГАНОВ (1938)

60-йиллардан бошлаб адабий танқидчиликда фаол қатнашиб келаётган Норбой Худойберганов ҳақли равишда талабчан ва принципиал мунаққид сифатида танилган, тан олинган. Н.Худойберганов адабиётга, бадий асарга жуда юксак талаб билан ёндашади, шу сабабли ҳам унинг мақолаларида танқидий руҳ устуворроқ. Тўғри, баъзан унинг айрим фикр-хулосалари ўта кескин, старлича асосланмагандек кўринади ҳам. Шу туфайли мунаққиднинг аксар мақолалари танқидчиликда жиддий эътирозлар туғдирган, баҳс-мунозараларга сабаб бўлган; очигини айтганда Н.Худойбергановни «ўтатанқидчи»лар сирасига қўшган (Л.Қаюмов) ёки уни бироз киноя билан «танқидчилигимизда алоҳида шахс» (Ҳ.Абдусаматов) дея таърифлаган танқидчиларда ҳам маълум асос йўқ эмас. Бироқ шуни тан олиш керакки, Н.Худойберганов мақолаларидаги танқидий руҳ бировнинг бошлаб «пўстагини қоқиб қўйиш» ёки ўзининг нечоғли «принципиал»лигини кўрсатиб қўйиш истагидан эмас, аксинча, адабиётимизни юксалтиришдек некбин ниятдан озиқланади. Зеро, мунаққид «китобхон қалбини, адабиёт юрагини жароҳатлайдиган хом, ярамас асарларнинг илдизини қирқиш»ни танқидчиликнинг муҳим вазифаси деб билади.

Н.Худойберганов «Ғоявий мақсаддан — образга» номли мақоласида ёзишича, «ижоднинг даврга муносабатида объектив (ташқи), истеъдодга муносабатида субъектив (ички) маъно бор», «кенг маънода сўз санъатининг, тор маънода конкрет асарнинг илдизини» шу икки ҳолатнинг бирлигидан излаш лозим<sup>227</sup>. Мунаққид бу икки ҳолатнинг уйғун бирлигисиз, «шунчаки асар ёзиш учун» меҳнат қилаётган ижодкорларни, шу тарзда яратилган асарларни кескин танқид қилади. Жумладан, Т.Сайдалиевнинг «Мен мухбирман» номли шеърига тўхталиб, мунаққид тасвирланган нарса (ёки ифодаланган фикр) ҳаётий эканлигининг ўзи камлиги, бадий образга дўнган ҳаёт ҳақиқатигина санъатга

<sup>227</sup> Худойберганов Н. Эҳтирос тўлқинлари. — Т.: 1970, 11-6.

дахлдор бўлишини кўрсатади. Ёки Ҳ. Фуломнинг «Сенга интиланман» номли қиссасини таҳлил қиларкан «қўриқ ерлардан яхши фойдаланиш, уларнинг ботқоқликка, тўқайликка айланиб кетишига йўл қўймаслик масаласининг ўртага ташлангани нечоғли муҳим бўлмасин, бадий асар учун старли эмаслигини, муҳими ўша «масала образнинг «қалби»га сингдирилиб юборилган ҳолда» таҳлил қилинишидалигини таъкидлайди. Албатта, мунаққиднинг бундай қарашлари «ижтимоий муҳим масалалар»га бағишланган асарлар кўпроқ рағбатлантирилган шароитда жуда муҳим эди. Н.Худойберганов адабиётнинг вазифаси ҳаётни бутун мураккабликлари билан бадий таҳлил қилишда деб билади. Шу қарашдан келиб чиққан, мунаққид Н.Фозиловнинг «қуш қаноти билан» қиссасида «Акмалнинг тақдири тўғрисидаги мулоҳазаларда бадий яхлитлик билан мантиқий изчиллик етишмаслиги»ни айтади. Унинг фикрича, Акмалнинг У.Носир ва А.Қодирийлар ижодини тарғиб қилгани учун қамалгани «ҳақиқатга мос келади». Лекин бу кифоя эмас, ҳаётнинг «моҳиятини эстетик таҳлил қилиш» зарур. Жумладан, Акмалга шогирдининг хиёнат қилганини оддий баён қилиш старли эмас, «ўшандай жойларга хабар қилувчиларнинг барчасини жосус, хиёнатчи, деб ҳисоблаш» мумкин эмас. Чунки «бу бир ёқлама, нотўғри қарашдир». Мунаққид фикрича, ўша хиёнаткор шогирдининг хатти-ҳаракатлари ҳам тасвирланган давр шароитида асосланиши — тадқиқ қилиниши лозим. Кўрамизки, Н.Худойберганов адабиётга чинакам реалистик санъат талаблари билан ёндашади, асарни шуларга таяниб баҳолайди.

Н.Худойберганов — журъатли, дадил танқидчилардан саналади. Маълумки, шўро даври шароитида адабий асарни баҳолашнинг муҳим омилларида бири синфийлик эди. Гарчи «синфийлик» тушунчасини кўр-кўрона, догматик англашдан танқидчилигимиз 60- йилларга келиб бирмунча қутулган бўлса-да, у адабий-мафкуравий жабҳада муҳим бўлиб қолаверади. Н.Худойберганов «Таҳлил ҳикмати»<sup>228</sup> мақоласида М.Юнусовнинг «Традиция ва новаторлик проблемаси» номли монографиясига

<sup>228</sup> Худойберганов Н. Эҳтирос тўлқинлари. – Т.:1970, 270-278 бетлар.

тўхталиб, ундаги айрим нуқталарни танқид қилади. Жумладан, мунаққид адабиётдан «синфий курашнинг ўзини ва унинг қонунийларини тўла тасвирлаб беришни талаб қилиш» нотўғрилигини, адабиёт «синфий кураш иштирокчиларининг образларини тасвирлаши ва шу орқали ижтимоий ҳодисаларнинг эстетик моҳиятини очишини» таъкидлайди. Шунингдек, Н.Худойбергенов монографияда 20-йилларда инқилоб мавзусида ёзилган айрим шеърларни орттириб баҳоланишига ҳам қўшилмайди. «Уларни зўр бадий маҳорат билан ёзилган» дейишга қарши чиқди. Табиийки адабиётшунослигимизда томир отиб улгурган тенденцияларга эҳтиёткорлик билан бўлса-да, қарши бориш учун катта журъат зарур эди. Ёки «пахта учун кураш « салкам фронт даражасига яқинлаштириб қўйилган 70-йилларда «Одам пахтага эмас, балки пахта инсонга барака ҳада этиши лозим» деган фикрнинг олдинга сурилгани, адабиётдан шундай талқин талаб этилгани ҳам, шубҳасиз, мунаққиднинг фаол гражданлик мавқеидан далолатдир. Бундай фикрдаги мунаққид, табиийки, П.Қодировнинг «Мерос» қиссасидаги Ёлқин Отажонов типидagi қаҳрамонларни тўла ёқлай олмайди: у «...нима учун ўзини гоҳ ўтга, гоҳ сувга уради, гоҳ ёнади, гоҳ куяди. Яна шуниси борки, эҳтиёж йўқ пайтида ҳам ёнади, куяди, эзилади, меҳнат оғирлигидан эзилади, бироқ мана шу эзилишдан, куйиш-ёнишдан роҳатлангандай туюлади...»<sup>229</sup> Н.Худойбергенов «инсон меҳнати пировард натижада завқ-шавқ, қувонч ато этиши зарур» деган табиий ақида билан яшаркан, меҳнатининг роҳатини кўпда кўролмай қолган ўзбек деҳқонининг фожиасини ҳис қилади, унинг ўзи шу фожиани ҳали ҳис этмаётганини билади, уни уйғотиш умиди билан юқоридагича фикрларни айтишга ўзида журъат топади.

Н.Худойбергенов ўзининг мақолаларида бот-бот Абдулла Қаҳҳорга мурожаат қилади: адибнинг бадий ижод ҳақидаги, адабиёт ҳақидаги фикрларга таянади. «Мен ўзим қандай мақола ёки тақриз ёзишга киришмай, нималар тўғрисида мушоҳада юритмай ҳамма вақт Абдулла қаҳҳор шундай пайтларда нима дерди, нималарни қўллаб-қувватлаб, нималарни танқид қиларди, де-

<sup>229</sup> Худойбергенов Н. Сўз курашга чорлайди. – Т.: 1978, 61-б.

ган ўйга бораман, ўз хатти-ҳаракатимни тафтишдан ўтказиб бораман»<sup>230</sup>, — дея эътироф этади мунаққид. Дарҳақиқат, Н.Худойберганов устоз адибга муносиб шогирд бўлишга интилади, унинг ижодида устоз таъсири сезилиб туради. Масалан, А.Қаҳҳор «Талант — халқ мулки» мақоласида истеъдодни асраш, тарбиялаш, ўз (ва ўзга) истеъдодига масъулият билан муносабатда бўлиш каби муҳим масалаларни қўйганди. Н.Худойберганов ҳам истеъдодга муносабатда шундай қарашга таянади: ижодкорлардаги ўсиш ўзгаришларни мунтазам кузатиб, уларни «халқ мулки»га хиёнат қилмасликка, ижодий изланишда бардавом бўлишга ундаб туришни ўзининг, танқиднинг вазифаси деб билади. Жумладан, у Э.Воҳидов, А.Орипов сингари катта истеъдодлар ижодида сустлашиш бўлганини, улар истеъдодлари даражасида бадий маҳсул бермаётганларини куюниб ёзади<sup>231</sup>. Шунга ўхшаш, у адабий жамоатчилик катта умид билан қараган ёшларнинг ижоддаги сусткашлигини кўриб, «улар адабий жараёнга фаол аралашиб, чинакам ижодий жасорат кўрсатишмаса, нималарга қодир эканлигини амалда исботлай олишмаса, улардаги истеъдод учқунлари сўниб кетиши ҳеч гап эмас»<sup>232</sup>, дея ташвишли бонг уради. А.Қаҳҳор сингари Н.Худойберганов ҳам истеъдодсиз ёзилган асарларга ҳаминша мурасасиз муносабатда бўлади, адабиётда номларни эмас, аввало, баркамол асарларни қадрлашга интилади. Кўпинча, адабий танқидчилик юксак баҳолаган асарлардан ҳам қониқмайди. Бу ўта талабчанликдангина эмас. Гап шундаки, мунаққид ўша асарларни катта адабиёт ўлчовлари билан баҳолайди, адабиётимизнинг жаҳон миқёсига чиқишини, эътироф этилишини хоҳлайди — калтароқ олинган газ билан ўлчабоқ қаноатланиб қолишни истамайди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Н.Худойберганов адабиётимизнинг собиқ иттифоқ доирасида тарғиб этилишида жуда катта ҳисса қўшган мунаққидлардан саналади. Унинг рус тилида ёзилган қатор мақолалари «Вопросы литературы», «Литературная уче-

<sup>230</sup> Худойберганов Н. Ўз дунёси, ўз қиёфаси. — Т.: 1986, 203-6.

<sup>231</sup> Худойберганов Н. Ҳақиқат ёддулари. — Т.: 1985, 109-118 бетлар.

<sup>232</sup> Худойберганов Н. Ўз дунёси, ўз қиёфаси. — Т.: 1986, 8-6.



ба», «Дружба народов», «Литературная газета» сингари нашрларда эълон қилинган.

Н.Худойбергановнинг адабий танқидий асарлари мавзу ва жанр эътибори билан ранг-баранг. Унинг шеърят, наср ва драматургия, адабий танқид муаммоларига бағишланган обзор ва проблематик мақолалари, қатор тақризлари, адабий танқидий очерк ва портретлари ҳар вақт ўқувчилар, мутахассислар томонидан қизгин кутиб олинади, баҳс-мунозаралар қўзғайди. Айниқса, адабий-эстетик тафаккурда жиддий бурилишлар юз бера бошлаган 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб мунаққиднинг мақолаларида танқидий, публицистик руҳ янада кучайди. Н.Худойбергановнинг шу йилларда ёзилган «Нега шеър ёзасиз?», «Жиддий ўзгариш бўладими?», «Ҳаммаси таҳлилда кўринади», «Жарликдан қандай ўтамиз?», «Ўқишу уқишнинг ўзи стадами?», «Мунозара — тўғри хулоса мезони» сингари қатор мақолаларида бугунги адабий жараённинг муҳим муаммолари ўртага ташланди.

Н.Худойбергановнинг танқидчилик фаолияти унинг педагогик фаолияти билан чамбарчас алоқада кечган, улар ҳар вақт бир-бирини тўлдириб келган. Профессор Н.Худойберганов узоқ йиллар мобайнида ТошДУ(ЎзМУ)да сабоқ берди, бу қутлуғ даргоҳда таҳсил олган минглаб талабаларга ўзининг адабиёт ҳақидаги фикрларини беминнат улашди, уларда эркин фикрлаш, танқидий мулоҳаза юритиш кўникмаларини ҳосил қилди; таълим тизими учун дарслик ва қўлланмалар яратиш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишида жонбозлик кўрсатиб ишлади.

Ҳозирги ўзбек танқидчилигида ўзига муносиб ўрин эгаллаган Н.Худойберганов бугунда ҳам фаол ижод билан машғул, демак, биз мунаққиддан узоқ йиллик фаолиятининг қаймоғи бўлмиш сара асарларни кутамиз.

## АДАБИЁТЛАР:

1. *Худойберганов Н. Ишонч. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 248-б.*
2. *Худойберганов Н. Сўз курашга чорлайди. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 232-б.*
3. *Худойберганов Н., Расулов А. Ўзбек совет адабий танқидчилиги. – Т.: «Ўқитувчи», 1990, 168-б.*
4. *Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки томлик. Иккинчи том. – Т.: «Фан», 1987, 330-б.*

## СЎНГ СЎЗ

*Муҳтарам ўқувчи!*

Ушбу китобда ўн йилдан зиёдроқ вақт давомида «Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи» фанидан олиб борган машгулотларда тўплаган камтарона тажрибаларни умумлаштириб, Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этдим. Албатта, китоб мавзуни тўла ёритиб бериш даъвосини қилолмайди: бу бир китоб доирасида амалга ошадиган ёки бир киши урдасидан чиқадиган вазифа эмас. Зеро, танқидчилигимизнинг узоқ йиллик тараққиёт йўлини тўла қамраб олиш, унда фаолият кўрсатган барча мунаққидларга тўхталиш мумкин бўлмаган ишдир. Шу боис биз танқидчилигимиз тарихидаги энг муҳим нуқталарга, унда фаол қатнашган мунаққидлардан айримларигагина тўхтала олдик, холос. Насиб этса, китобдаги кам-кертиклар Сизнинг мулоҳазаларингизни ҳисобга олган ҳолда тўлдиршлар.

Китобни ёзишда Ҳ.Ёқубов, И.Султон, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Б.Назаров, Н.Каримов, Н.Худойбергандов, А.Расулов каби устозларнинг тадқиқотларига таяншди, ўрни келганда улардан ўтганларининг ҳақиқа дуода бўлишини, барҳаётларига чуқур миннатдорлик изҳор этишини ўзимга фарз деб биламан.

Мутахассислардан китоб ҳақидаги ҳолис мулоҳазаларни кутиб, уларни кейинги нашрларда эътиборга олишни дилга тугиб қоламан.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдусаматов Ҳ. Эстетика ва ҳаёт. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 266-б.
2. Адабиётимизнинг ярим асри. Мақолалар тўплами. 2-китоб. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 448-бет.
3. Белинский В.Г. Танланган асарлар. – Т.: Ўздавнашр, 1955.
4. Ёқубов Ҳ. Ойбек. (Адабий-танқидий очерк). – Т.: Ўздавнашр, 1959.
5. Ёқубов Ҳ. Сайланма. Икки жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 368-бет.
6. Имомов Б. Ёқубов Ҳомил. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 104-бет.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар. – «Тафаккур» журнали, 1998, 2-сон.
8. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1998.
9. Каримов И.А. Ўзгача фикрлар ва ишлаш — давр талаби. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
10. Маждий Р. Истеъдод ва бурч. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 225-бет.
11. Мамажонов С. Лирик олам, эпик кўлам. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 336-бет.
12. Мамажонов С. Сайланма. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 487-бет.
13. Маҳмудов М. Абадият лаҳзалари. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 192-бет.
14. Маҳмудов М. Ҳайрат ва тафаккур. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 192-бет.
15. Мирвалиев С. Тарихийлик ва замонавийлик. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 196-бет.

16. Мирзаев С. Ҳаёт ва адабиёт. – Т.: «Шарқ», 2001, 304-бет.
17. Норбоев Б. Курашчан шеърят. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
18. Норматов У. Насримиз уфқлари. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 208-бет.
19. Норматов У. Талант тарбияси. – Т.: «Ёш гвардия», 1980, 176-бет.
20. Нурматов М. Танқид ва эстетика. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 172-бет.
21. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 13-том. – Т.: «Фан», 1979, 601-бет
22. Тоғаев О. Ибратли сабоқлар. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
23. Худойберганов Н. Сўз курашга чорлайди. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 232-бет.
24. Худойберганов Н. Ҳақиқат ёғдулари. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 308-бет.
25. Худойберганов Н. Ўз дунёси, ўз қиёфаси. – Т.: «Ёш гвардия», 1986, 208-бет.
26. Худойберганов Н. Эҳтирос тўлқинлари. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970, 328-бет.
27. Худойберганов Н., Расулов А. Ўзбек совет адабий танқидчилиги. – Т.: «Ўқитувчи», 1990, 168-бет.
28. Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. (Адабий-танқидий мақолалар). – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 462-бет.
29. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: «Шарқ», 2004, 637-бет.
30. Шарафиддинов О. Талант халқ мулки. – Т.: «Ёш гвардия», 1979, 184-бет.
31. Шермухамедов П. Давр қаҳрамони тақдирида. (Адабий-танқидий мақолалар). – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 276-бет.

32. Шукуров Н. Бу олам саҳнида. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982, 248-бет.
33. Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Иккинчи том. – Т.: 1987.
34. Қуронов Д. Истиқлол дарди. – Т.: «Янги аср авлоди», 2000.
35. Қўшжонов М. Қалб ва қиёфа. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 224-бет.
36. Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 232-бет.
37. Қўшжонов М. Ижод масъулияти. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 344-бет.
38. Қўшжонов М. Ижод сабоқлари. – Т.: «Ёш гвардия», 1973, 192-бет.
39. Қўшжонов М. Моҳият ва бадият. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 232-бет.
40. Қўшжонов М. Ҳаёт ва қаҳрамон. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 368-бет.
41. Қўшжонов М., Мели С. Абдулла Орипов. – Т.: «Маънавият», 2001, 136-бет.
42. Қўшжонов М. Қодирий эркисизлик қурбони. – Т.: «Фан», 1992, 96-бет.
43. Фафуров И. Дил эркинлиги. – Т.: «Маънавият», 1998, 152-бет.
44. Фафуров И. Уттиз йил изҳори. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 400-бет.
45. Фафуров И. Юрак аланга. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 296-бет.
46. Фафуров И. Ям-яшил дарахт. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 232-бет.
47. Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Т.: «Янги аср авлоди», 2002.

## Мундарижа

### I. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ

Адабий танқидчилик ҳақида .....	3
Ўзбек адабий танқидчилигининг шаклланиши .....	16
Шўро даври ўзбек адабий танқидчилиги .....	29
Ҳозирги ўзбек адабий танқидчилиги .....	129

### II. ЎЗБЕК ТАНҚИДЧИЛИГИНИНГ НАМОЯНДАЛАРИ

Абдурауф Фитрат .....	143
Абдурахмон Саъдий .....	149
Вадуд Маҳмуд .....	156
Абдулҳамид Чўлпон .....	162
Отажон Ҳошим .....	170
Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек .....	175
Ҳомил Ёқубов .....	181
Ҳамид Олимжон .....	186
Иззат Султон .....	192
Матёқуб Қўшжонов .....	198
Озод Шарафиддинов .....	204
Умарали Норматов .....	211
Абдуғафур Расулов .....	217
Иброҳим Ғафуров .....	222
Норбой Ҳудойберганов .....	228
Сўнг сўз .....	234
Фойдаланилган адабиётлар .....	235

Адабий-бадий нашр

**БАҲОДИР РАҲМОНОВ**

**ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ**

Муҳаррир Г.МИРЗАЕВА

Мусаввир Б.БОЗОРОВ

Тех. муҳаррир В.ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ Д.МИНГБОЕВА

Компьютерда саҳифаловчи Е.НАЗАРОВА

ИБ № 3980



Босишга 17.12.2004й.да рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1\32. Босма тобоғи 7,5.  
Шартли босма тобоғи 12,60. Адади 1000 нусха.  
Буюртма № 312.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.  
«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.  
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.



## БАҲОДИР РАҲМОНОВ

1960 йилда туғилган. 1983 йилда ТошДУнинг филология факультетини тамомлаган. Филология фанлари номзоди.

Андижон давлат университетида «Ўзбек адабий танқиди тарихи», «Туркий халқлар адабиёти» фанларидан машғулотлар олиб боради. 20 дан зиёд илмий мақолалар ва услубий қўлланмалар муаллифи.

Ҳозирда Андижон Давлат университети докторанти сифатида илмий тадқиқот олиб бормоқда.

